



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши
бўйича Ҳаракатлар стратегиясини
«Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да
амалга оширишга оид Давлат ластурини
урганини бўйича

**ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ
РИСОЛА**

Тошкент – 2017



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши
бўйича Ҳаракатлар стратегиясини
«Халқ билан мuloқот ва инсон манфаатлари
йили»да амалга оширишга оид
Давлат дастурини ўрганиш бўйича**

ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ РИСОЛА

ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2017

УУК: 323(575.1)

КБК: 66.3 (5Ў)

И 35

И 35 2017–2021 Йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола [Матн] / Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. – Т.: «Маънавият» нашриёти, 2017. – 416 бет.

ISBN 978-9943-04-327-5

Ушбу рисолада 2017–2021 Йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга ошириш бўйича белгилаб берилган вазифалар, устувор йўналишларнинг шархи ўз аксини топган.

Ҳаракатлар стратегиясида акс этган бешта йўналишнинг мазмуи-моҳияти турли фактik материаллар, киёсий таҳлиллар орқали изоҳлаб берилган, шунингдек, истиқболда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг туб моҳияти схема ва жадваллар орқали баён этилган.

Рисола «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастуридан ўрин олган, халқимиз, жамиятимиз олдида турган долзарб вазифаларни аҳолининг кенг катламларига етказиш ва тарғиб килиш масадида тайёрланган бўлиб, ундан таълим тизимининг барча босқичларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, илмий ходимлар, талаба ва ўкувчилар фойдаланишлари мумкин.

УУК: 323(575.1)

КБК: 66.3 (5Ў)

Рисола Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузурида-и олий ва ўрта маҳсус қасб-ҳунар таълими йўналиши бўйича ўқит-уқидубини бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштириш көнгамишининг ғайри бўлени билан 2017 йил 10 майда тасдиқланган.

ISBN 978-9943-04-327-5

© «Маънавият», 2017

МУНДАРИЖА

Мукалімама.....	5
-----------------	---

I бөб. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИҢ УСТУВОР ЙҰНАЛИШЛАРИ

1.1. Демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва мамлакатни модер- низация килишда Олій Мажлис палаталари, сиёсий партиялар- нинг ролини янада күчайтириш	12
1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ килиш	25
1.3. Жамоатчилек бошқаруви тизимини такомиллаштириш	54

II бөб. ҚОНУН УСТУВОРИЛГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ КИЛИШНИҢ УСТУВОР ЙҰНАЛИШЛАРИ

2.1. Суд хокимияттинг чинакам мустакилликини таъминлаш, судларнинг нуғузини ошириш, суд тизимини демократлаш- тириш ва такомиллаштириш.....	75
2.2. Фуқароларнинг ҳукук ва әрқинликларини ишончли ҳимоя килиш кафолатларини таъминлаш	94
2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳужалик конунчилигини такомиллаштириш	114
2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбұзарлайларнинг олднин олиш тизимини такомиллаштириш	131
2.5. Суд-хукук тизимида конунийликни янада мустаҳкамлаш.....	150
2.6. Юридик ёрдам ва хизмат күрсатыш тизимини такомиллаштириш ...	168

III бөб. ИҚТІСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИҢ УСТУВОР ЙҰНАЛИШЛАРИ

3.1. Макроиктисодий баркарорликни янада мустаҳкамлаш ва юкори иктисодий үсиш суръатларини сәкраб колиш.....	187
3.2. Таркиибий үзгартыршларни чукурлаштириш, миллий иқтисоди- ёттинг етакчи тармокларини модернизация ва диверсификация килиш хисобидан унинг рақобатдошлыгини ошириш	202

3.3. Қишлоқ хұжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш	220
3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хукукини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавкеини янада күчтіриш, кичик бизнес ва хусусий табиқорлық ривожланишини рағбатлантиришга қаратылған институтционал ва таркий ислоҳотларни давом өттириш	239
3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан са-марали ва оптималь фойдаланиш	263
<i>IV б о б. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</i>	
4.1. Аҳоли бандлнги ва реал даромадларини изчил ошириш	278
4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни саклаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш	291
4.3. Арzon уй-жойлар барпо этиш буйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфраузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш	313
4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш	322
4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш	345
<i>V б о б. ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЧУКУР ЎЙЛАНГАН, ЎЗАРО МАИФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШҚИ СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР</i>	
5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликини таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар	357
5.2. Чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар	371
Хулоса	378
Тестлар	381
Глоссарий	392
Фойдаланилған адабиётлар	409

МУҚАДДИМА

Хар бир даврнинг ўз таракқиёт омиллари, эҳтиёжлари, талабла-ри ва ҳаётий тамойиллари бўлади. Табиийки, буларнинг барчасини шакллантириш ва ривожлантиришга, уларга алоҳида маъно-мазмун багишлашга, бу даврда давлат, жамият ҳаёти, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятининг аник йўналишларини белгилаб берадиган улкан тарихий воқеалар бўлади.

2016 йил 4 декабрда мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, ҳеч шубҳасиз, янги тарихимиздаги ана шундай бекиёс ҳодиса бўлди.

Чунки айнан ана шу сайловда бутун Ўзбекистон халки ўзининг буюк сиёсий иродаси, ҳукуқий маданиятини намоён этиб, мамлакатимизнинг истиқболдаги тараккиёти, халқимиз, фарзандларимизнинг ёруғ келажаги, фаровон ҳаёти учун онгли равишда овоз берди. Демократик талабларга тўлик мос тарзда, миллий сайлов конунчилиги ва халкаро стандартлар доирасида, очик ва ошкора ўтган сайлов жараёнини 5 та нуфузли халкаро ташкилот ва 46 та давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди.

Юксак савияда ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод сифатида нитирок этган Шавкат Мирмонович Мирзиёев сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овозини олиб ғолиб бўлди.

Тошкент шаҳрида 2016 йил 14 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига багишланган Олий Мажлис конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимиз олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди. Матъумки,

бу вазифаларга Президентимизнинг сайловолди дастурида алоҳида зътибор каратилган эди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилар вакиллари билан ўтказилган учрашувлар жараёнида улар янада бойитилди.

«Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор ҳалқаро амалиётга сунганд ҳолда, – деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кириши маросимиға багишланган нуткида, – ўзимизнинг тараккиёт ва янгиланиш моделимизни катъий амалга оширишдан иборат. Шу борада якин ва ўрта мuddатга белгиланган мэрраларга эришиш учун катъият билан ҳаракат килишимиз зарур. Шу мақсадда 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чикиш якин кунларда яқунланади».¹

Ҳақиқатан ҳам, Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги остида «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ҳам ўз ичига оладиган мазкур кенг кўламли дастурий хужжат ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралда имзоланган Фармонига мувоғик уни ҳаётга жорий этиш бўйича конуний тамойил ва механизмлар тасдикланди. Мазкур Фармонга берилган шарҳда Ҳаракатлар стратегиясининг ахамияти алоҳида таъкидланиб, бу борадаги лойихаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг катламлари орасида кизгин мухокамалар олиб борилгани, улар турли аҳборот майдонларига жойлаштирилгани, бунинг натижасида кўплаб таклиф ва муроҳазалар келиб тушгани, хусусан, «Конун хужжатлари таъсирини баҳолаш тизими» порталида йўлга кўйилган мухокамалар туфайли келиб тушган 1310 та таклиф-мулоҳоза асосида «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриш чиқилгани қайд этилади.

¹ Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижноб ҳалқимиз билан қурамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимиға багишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутки. «Халқ сўзи» газетаси 2016 йил 15 декабрь.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда ҳам, чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари томонидан ҳам катта кизикиш ва эътибор билан ўрганилмоқда. Бу борада атоқли олимлар, нуфузли эксперт ва кузатувчилар, турли даражадаги кўзга кўринган раҳбарлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилмоқдалар. Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши мамлакатимиз тараккиёти учун ғоят мухим аҳамиятга эга бўлиб, улар куйидагилардан иборат.

Биринчи йўналишда давлат ва жамият қурилиши тизимини тақомиллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида белгилаб берилади. Унда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация килишда Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, шу орқали конун устуворлигига эришиш асносида жамиятда бошқарувнинг эркин ва халқ ҳокимиятчилиги тамойилларини чуқурлаштиришга эршилади. Давлат бошқаруви тизимини либераллаштириш, турли бюрократик тўсикларни камайтириш, давлат бошқарувида кенг жамоатчиликнинг фаол иштироқини таъминлаш чораларини кўриш бўйича аник гоялар илгари сурилади. Очик жамият куриш, давлат ва фуқаро муносабатларини мустаҳкамлаш, натижада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мухрлаб қўйилганидек, давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбани халқ экани, давлат халқ манфаатларини ҳимоя килиши, айни пайтда халқ ўз максад ва интилишларини, орзу-умидларини давлат тимсолида кўриши каби принцип ва коидаларни тўлиқ амалга ошириш асосий максад килиб қўйилган.

Иккинчи йўналиш қонун устуворligини таъминлаш ва судхукук тизимини янада ислоҳ қилишининг устувор йўналишларидан иборат. Бунда суд ҳокимиятининг чинакам самарадорлигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва тақомиллаштириш устувор вазифа килиб қўйилди.

Мазкур йўналишда фуқароларнинг хукук ва эркинликларини ишончли ҳимоя килиш кафолатларини таъминлаш, конун устуворлигига эришиш орқали инсон манфаатларини ҳимоя килиш, кабул килинган барча конунларнинг тўла ва самарали ишлаши бўйича

тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор берилади. Олий суд фаолиятини ислоҳ килниш, унинг замонавий, ҳозирги кун талаблари асосида ишлайдиган тизимини вужудга келтириш борасида янги гоялар илгари сурилди. Жумладан, мъмурый, жиноят, фукаролик ва хўжалик конунчилигини такомиллаштириш орқали адолатли, ҳалқчил, фукаролар манфаатларини тұла химоя кила оладиган, уларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал килиб берадиган суд тизимини вужудга келтириш талаб этилади.

Жиноятчиликка карши курашиш, энг муҳими, турли ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилмаслиги чора-ларини кўриш, профилактика тизимини янада чукурлаштириш ва самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш, суд-хукуқ тизимида конунийликни янада мустаҳкамлаш, конунга риоя килиш, конун устуворлигига эришиш орқали суд ва судловнинг юксак маданиятига эришиш йўл-йўріклари аник-равшан акс эттирилади.

Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш орқали суд-хукуқ органларини «жазоловчи органдан фукаролар манбаатини химоя киладиган, уларнинг кундалик юмушларига ёрдам берадиган, ҳар кандай муаммоларини конун доирасида ҳал килиб берадиган хизматлар органига айлантириш» (Ислом Каримов) механизмининг юкори савияда ишлашини таъминлаш бўйича амалий ечим ва таклифлар илгари сурилади.

Учинчи ўналиш иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришининг устувор ўналишларини ўзида ифода этади. Бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юкори иқтисодий ўсиш суръатларини саклаб колиш, иқтисодиётнинг етакчи тармокларини модернизация ва диверсификация килиш хисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ракобатдошлигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтириш бош вазифа килиб кўйилган.

Кишлоқ хўжалигини модернизация килиш, тупрок унумдорлигини ва экинлар хосилдорлигини ошириш, янги ва харидоргир маҳсулотлар этиштириш орқали жаҳон бозорига чиқишининг янги ўналишларини жорий этиш назарда тутилади.

Иктисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хукукини химоя килиш, мулкка эгалик килиш ва унинг ҳажмини ошириш оркали юкори самарадорликка эришиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уни рағбатлантириш мўлжалланмокда. Вилоят, туман ва шаҳарларни уларнинг табиий-географик имкониятлари, ер шароити ва дехкончилик маданиятини назарда тутган ҳолда, худудий эҳтиёж ва манфаатлар нуқтаи назаридан иктисодий ривожлантириш чораларини кўриш белгиланган.

Тўртингчи йўналишда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топган. Бунда ахоли бандлиги ва унинг реал даромадларини изчил ошириш, жумладан, меҳнатга лаёкатли ахоли катлами учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат фаолиятининг янги шакл ва турларини жорий этиш назарда тутилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя килиш ва соглиқни саклаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш оркали жамиятда соғлом турмуш тарзини янада чукурлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, аҳолини арzon уй-жойлар билан таъминлаш, хаёт шароитларини яхшилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни модернизация килиш оркали узок истиқболга мўлжалланган, муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган юксак маданиятли яшаш шароитига эришиш чора-тадбирларини кўриш энг муҳим вазифа килиб кўйилган.

Таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга, ҳар томонлама баркамол, етук инсон – юкори малакали мутахассисни тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Бу эса ёшларга оид давлат сиёсатини бутун чоралар билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Бешинчи йўналиш хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенглигни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор вазифалар билан боғлиқ бўлиб, бунда дунё қалқиб турган, турли минтақаларда уруш давом этаётган, кон тўкилаётган бир шароитда миллий хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор бериш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўндан ортиқ диний конфессия-

лар, 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшаётган Ўзбекистонда тинчлик ва баркарорликни таъминлаш, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, турли эътиқод ва маданиятларни хурмат килиш сингари бағрикенглик фазилатларини янада чуқурлаштиришнинг аҳамияти бекиёс эканлиги таъкидланади. Ўзбекистон деб аталган умумий хонадонимиз, 32 миллионли оиласиз истикболи учун диний эътиқоди, миллий мансублиги, касбу кори ва ёшидан катъи назар, ҳар бир фуқаро масъул эканини англаш, фарзандларимизни шу рухда тарбиялаш асосий вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистоннинг ташки сиёсатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлатларнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини хурмат килиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид килмаслик, чегараларнинг дахлсизлигини саклаш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошка давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик коидаларига ва ҳалкаро хукукнинг умумъэтироф этилган бошка коида ва нормаларига асосланиб, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёсат олиб бориш бўйича устувор йўналишларини ишлаб чикиш муҳим вазифа килиб қўйилган.

Айтиш мумкинки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўтган 25 йил давомида мамлакатимиз эришган улкан ютуклар, тарихий тажрибаларни умумлаштириб, ҳозирги кунда даврнинг ўзи олдимизга кўяётган долзарб масалаларни ҳисобга олиб, кейннги беш йилга ва ундан кейинги даврга мўлжалланган тарихий тараккиётнинг янги уфқларини очиб беришга каратилган бўлиб, у ўзининг моҳият эътибори билан Ўзбекистонни янги ривожланиш боскичига кўтаришни таъминлайдиган стратегик дастурдир.

Албатта, ҳалкимиз ўртасида «Ҳаракатлар стратегияси» деган ном билан тобора машҳур бўлиб, унинг ҳаётига чуқур кириб бораётган мазкур дастурнинг ҳар бир йўналиши ва банди, унинг ажралмас кисми бўлган «Ҳалқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг самарали амалга оширилиши ҳар биримизнинг мазкур жараёнда онгли ва ватанпарвар фуқаро, шу юртнинг фидойи фарзанди сифатида фаол иштирок этишимизга бевосита боғликдир.

Бунинг учун эса, энг аввало, Ҳаракатлар стратегиясининг маъно-мазмунини, унинг ҳар бир йўналиш бўйича қўйилаётган амалий ва долзарб вазифаларини чукур тушуниб олишимиз керак.

Мамлакатимиз олий ўкув юртлари ва етакчи илмий-муассасаларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари, кўзга кўринган илмий ходимларн томонидан тайёрланган ушбу рисола айни шу мақсадга, яъни, Ҳаракатлар стратегияси ҳакида умумий маълумот бериш, унинг ҳар бир йўналиши маъно-мазмуни ва аҳамиятини кенг шархлаш, шу борадаги амалий вазифалар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари, механизмлари ҳакида зарур билим, тушунча ва тасаввур беришга қаратилган. Ўз-ўзидан равшанки, мазкур кўлланма шу йўналишдаги дастлабки тажриба бўлиб, у Ҳаракатлар стратегияси каби кенг киррали, ноёб хужжатни ҳар томонлама тўлик шархлаб, тушунтириб бера олмайди. Шунинг учун сиз, хурматли китобхонларнинг таклиф-мулоҳазаларингиз асосида келгусида рисолани такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. Бунинг учун сизларга олдиндан миннатдорлик билдирамиз.

1 б о б.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙУНАЛИШЛАРИ

1.1. ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛарНИНГ РОЛИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ

Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташки сиёсатига оид мухим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кеягайтириш. Жаҳон тарихида бир неча минглаб йиллар давомида давлат ҳокимиятининг жамият ва одамлар максади ҳамда манфаатлари йўлида хизмат килиши учун харакатлар бўлди. Лекин, инсоният ва унинг фаровонлиги учун хизмат киладиган ҳокимиятга эга бўлиш муаммоси ечилмай колаверди. Факат янги давр – XVII асрдан бошлаб ҳокимиятни конуний йўл билан учга бўлиш асосида зулм ва зўравонлик асосида давлат бошқарувига йўл кўймаслик ҳақида дастлабки замонавий-назарий қарашлар пайдо бўлди.

Ўзбекистонда ҳақиқий демократик принциплар ва миллий манфаатлар асосида фаолият юритадиган икки палатали профессионал парламент факат мустақиллик даврига келиб шаклланди. Кейинги ўн йилликда, босқичма-босқич равишда парламентга янгидан-янги ваколатларнинг бериб борилиши, ҳалқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ўсиши, сиёсий партияларнинг демократик қадриятлар негизида ривожланиши натижаси ўларок конун чиқарувчи ҳокимият ривожланган мамлакатлардаги парламентларга хос сифат ва белгиларни ўзида мужассамлаштириб бормоқда.

Конституция ва конунларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг мутлак ваколатлари конун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг мустакил ва демократик тамойиллар асосида кечишини таъминлай оладиган даражада белгиланди: Конституция ва конунлар қабул килиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш,

Ўзбекистон Республикаси ички ва ташки сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, давлатнинг стратегик дастурларини кабул килиш, конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизими ва ваколатларини белгилаш, бошқарув таркибида янги давлат тузилмаларини ташкил килиш ва уларни тугатиш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш, бож, валюта ва кредит, маъмурий-худудий тузилиш масалаларини конун йўли билан тартибга солиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси чегараларинн ўзгартириш, Вазирлар Маҳкамаси тақдимига биноан республика бюджетини қабул килиш ва унинг ижросини назорат этиш, соликлар ва бошка мажбурий тўловларни жорий килиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, Президент тақдимига биноан Марказий банк бошқаруви раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, Президентнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошка давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш, умумий ёки кисман сафарбарлик эълон килиш, фавкулодда холат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, ҳалкаро шартномаларни ва битимларни ратификация ҳамда денонсация килиш, давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номларини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш, Конституцияда назарда тутилган бошка ваколатларни амалга ошириш ҳам Олий Мажлис ваколатига киради.

Мамлакатимизда Парламент ислоҳотларини янада чукурлаштириш натижасида икки палатали парламент ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ҳокимияти ҳуқукий давлат талабларига жавоб берадиган даражада фаолият юрита бошлади. Энг муҳими, гарчанд энди қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул килинган қонунларнинг сифати анча ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партия фракцияларида олдиндан

I б о б.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙУНАЛИШЛАРИ

1.1. ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛарНИНГ РОЛИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ

Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш. Жаҳон тарихида бир неча минглаб йиллар давомида давлат ҳокимиятининг жамият ва одамлар максади ҳамда манфаатлари йўлида хизмат килиши учун ҳаракатлар бўлди. Лекин, инсоният ва унинг фаровонлиги учун хизмат қиласидаги ҳокимиятга эга бўлиш муаммоси ечилмай колаверди. Факат янги давр – XVII асрдан бошлаб ҳокимиятни конуний йўл билан учга бўлиш асосида зулм ва зўравонлик асосида давлат бошқарувига йўл қўймаслик ҳақида дастлабки замонавий-назарий карашлар пайдо бўлди.

Ўзбекистонда ҳакикий демократик принциплар ва миллий манфаатлар асосида фаолият юритадиган икки палатали профессионал парламент факат мустакиллик даврига келиб шаклланди. Кейинги ўн йилликда, боскичма-боскич равишда парламентта янгидан-янги ваколатларнинг бериб борилиши, ҳалқимизнинг ҳукукий маданийини ўсиши, сиёсий партияларнинг демократик қадриятлар негизида ривожланиши натижаси ўларок конун чиқарувчи ҳокимият ривожланган мамлакатлардаги парламентларга хос сифат ва белгиларни ўзида мужассамлаштириб бормоқда.

Конституция ва конунларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг мутлак ваколатлари конун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг мустакил ва демократик тамойиллар асосида кечишини таъминлай оладиган даражада белгиланди: Конституция ва конунлар кабул килиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш,

Ўзбекистон Республикаси ички ва ташки сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, давлатнинг стратегик дастурларини кабул қилиш, конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизими ва ваколатларини белгилаш, бошқарув таркибида янги давлат тузилмаларини ташкил қилиш ва уларни тугатиш ҳақидаги карорларни тасдиклаш, бож, валюта ва кредит, маъмурий-худудий тузилиш масалаларини конун йўли билан тартибга солиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси чегараларини ўзгартириш, Вазирлар Маҳкамаси тақдимига биноан республика бюджетини кабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, соликлар ва бошқа мажбурий туловларни жорий қилиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиклаш, Президент тақдимига биноан Марказий банк бошқаруви раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, Президентнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш, умумий ёки кисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиклаш, халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация ҳамда денонсация қилиш, давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номларини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш, Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳам Олий Мажлис ваколатига киради.

Мамлакатимизда Парламент ислоҳотларини янада чукурлаштириш натижасида икки палатали парламент ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси конун чиқарувчи ҳокимияти ҳукукий давлат талабларига жавоб берадиган даражада фаолият юрита бошлади. Энг муҳими, гарчанд энди конунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, кабул қилинган конунларнинг сифати анча ошди. Конунларни кабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Конун лойиҳаларини партия фракцияларида олдиндан

кўриб чиқиш, Конунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳукукий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда бу фракцияларнинг фикрларини эътиборга олиш амалиёти шаклланди.

2016 йил 11 апрелдан бошлаб кучга киргай Узбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Конуннинг 5-моддасига биноан мамлакатда қуйидаги парламент назорати шакллари ўрнатилди: навбатдаги йил учун Узбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда солик ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) кабул қилиш, шунингдек, Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш; Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маъруzasини кўриб чиқиш; Узбекистон Республикаси Баш вазирининг (бундан буён матнда Баш вазир деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг айrim долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшлиш; Конунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшлиш; Узбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (бундан буён матнда Ҳисоб палатаси деб юритилади) ҳисоботини эшлиш; Узбекистон Республикаси Баш прокурорининг ҳисоботини эшлиш; Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшлиш; Узбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшлиш; парламент сўрови; Конунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови; Конунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшлиш; конун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни кўллаш амалиётини Конунчилик палатаси ва Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганилиши ва конуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингнинг амалга оширилиши; парламент текшируви.

Парламентга берилган назорат ҳуқукларининг салмоғидан кўриниб турибдики, мамлакатда бир вақтнинг ўзида ҳам олий

вакиллик, ҳам қонунлар яратиш, ҳам парламент назоратини олиб боришга кодир бўлган, ҳукукий давлат сифатларига мос қонун чикарувчи ҳокимият шаклланди. Парламент нафакат қонунлар ва давлат бюджети ижроси юзасидан ҳукумат ва унинг органлари фаолиятини бемалол назорат қила оладиган, балки жамиятнинг конституциявий ҳукукий асослар ва қонунларга риоя этган ҳолда яшашини таъминлайдиган олий қонун чикарувчи ҳокимият идорасига айланди.

Мамлакатда 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ш.М. Мирзиёевнинг сайловчиларнинг мутлак юкори – 88,61 фоиз овозини олган ҳолда мамлакат Президенти этиб сайланиши мухим ва тарихий воеа бўлди. Қиска давр – ярим йил ичида мамлакатда давлат бошкарувини модернизация килиш, фуқаролик жамияти ва ҳукукий давлат куриш ислоҳотларини янада чукурлаштиришга доир қатор ҳукукий хужжатлар кабул килиниб, улар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётга жадаллик билан жорий этила бошланди.

Хозирги даврга келиб «мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чукур тахлили бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктура ўзгариб, ракобат тобора кучайиб бораётганини ҳар томонлама ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлако янгича стратегик ёндашув ва тамойилларни ишлаб чикиш ва амалга оширишни тақозо этаётганини» эътиборга олган ҳолда, шунингдек, «олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кутариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация килиш бўйича энг мухим устувор йўналишларни амалга ошириш максадида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг кабул килиниши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганини англатади. Ушбу ҳужжатда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар стратегияси) мужассамлашган

бўлиб, уларнинг биринчиси давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ўзида ифодалайти. Бу йўналишнинг дастлабки вазифаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташки сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш»га доир стратегик вазифа қўйилди.

Мазкур вазифа мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга қаратилди. Ҳаракатлар дастурида Олий Мажлиснинг ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосан бошқа ҳокимият тармоклари билан мувозанатни ва ўзаро бир-бирини тийиб туришни таъминлаш, унинг давлат бошқарувидаги иштирокини ошириш мақсадида «**Парламент назорати тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуига ўзгартиш ва қушимчалар киритиш ҳакида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, лойиҳада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенат аъзоси томонидан парламент назорати шакли сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чоралар кўриш, Олий Мажлиснинг тадбиркорлик субъектлари хукуклари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)ни (бундан кейин – бизнес омбудсман) парламент назорати субъекти сифатида белгиланиши курсатилди.

Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш.М. Мирзиёев илгари сурган – «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» принципини ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий мақсадлар ҳам мужассамлашган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулокот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид **Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма карори лойиҳасини ишлаб чиқиш**, унда

худудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10–12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимняти органлари фаолиятини урганиб, таҳлил килиши, тегишли раҳбарларнинг хисоботини ҳалқ депутатлари Кенгашлари сессияси мухокамасига киритиши ҳамда тегишли хуносалар бериши, шунингдек, Конунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси иштирокида урганиш натижалари бўйича тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказни. Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатманавбат намунавий ҳалқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Агар парламентнинг ҳалқ иродаси ва манфаатлари асосида фаолият юритиши ҳамда конунлар қабул килиши энг асосий демократик қадриятлардан бири эканига зътибор берсак, депутатлар ва Сенат аъзоларининг ўз сайловчилари билан ўзаро мулокотлари, жойлардаги муаммолардан ҳабардор бўлиши, уларнинг ечимларини топишда иштирок этиши, маҳаллий вакиллик органларининг жонланишига кўмаклашиши мамлакатимизда фукаролик жамияти ривожланишига шарт-шароитлар яратади. Чунки, олий вакиллик органи депутати, авваламбор, ўз сайлов округидаги фукароларнинг вакили, Сенат аъзоси эса ўзи сайланган минтака маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вакилидир. Шунинг учун ҳам парламент аъзоларининг ҳалқ ичida кўпроқ фаолият юритиши давлатимиз баркарорлигини янада мустаҳкамлаш омилларидан биридир.

Конун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини қабул қилинаётган конунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-хуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиринига йўналтирган ҳолда тубдан ошириш. Ҳаракатлар стратегиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тадбиркорлик субъектлари хукуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман) түгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конуни лойихасини ишлаб чикиш, унда янги ташкил этиладиган омбудсманга куйидаги ваколатларни бериш назарда тутилди: тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг хукуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда интироқ

бўлиб, уларнинг биринчиси давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ўзида ифодалайди. Бу йўналишнинг дастлабки вазифаси сифатида Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташки сиёсатига оид мухим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш»га доир стратегик вазифа кўйилди.

Мазкур вазифа мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга каратилди. Ҳаракатлар дастурида Олий Мажлиснинг ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосан бошқа ҳокимият тармоклари билан мувозанатни ва ўзаро бир-бирини тийиб туришни таъминлаш, унинг давлат бошқарувидаги иштирокини ошириш мақсадида «Парламент назорати тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳакила»ги Узбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чикиш, лойиҳада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенат аъзоси томонидан парламент назорати шакли сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил килиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чоралар кўриш, Олий Мажлиснинг тадбиркорлик субъектлари ҳукуклари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)ни (бундан кейин – бизнес омбудсман) парламент назорати субъекти сифатида белгиланиши курсатилди.

Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш.М. Мирзиёев илгари сурган – «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» принципини ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий мақсадлар ҳам мужассамлашган. Шунинг учун ҳам Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мuloқот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори лойиҳасини ишлаб чикиш, унда

худудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10–12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини ҳалқ депутатлари Кенгашлари сессияси мухокамасига киритиши ҳамда тегишли хуласалар бериши, шунингдек, Конунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси иштирокида ўрганиш натижалари бўйича тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказиш, Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатмавбат намунавий ҳалқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Агар парламентнинг ҳалқ иродаси ва манфаатлари асосида фаолият юритиши ҳамда конунлар қабул қилиши энг асосий демократик қадриятлардан бири эканига эътибор берсак, депутатлар ва Сенат аъзоларининг ўз сайловчилари билан ўзаро мулокотлари, жойлардаги муаммолардан хабардор бўлиши, уларнинг ечимларини топишда иштирок этиши, маҳаллий вакиллик органларининг жонланишига кўмаклашиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланишига шарт-шароитлар яратади. Чунки, олий вакиллик органи депутати, аввалимбор, ўз сайлов округидаги фуқароларнинг вакили, Сенат аъзоси эса ўзи сайланган минтақа маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вакилидир. Шунинг учун ҳам парламент аъзоларининг ҳалқ ичida кўпроқ фаолият юритиши давлатимиз баркарорлигини янада мустаҳкамлаш омилларидан биридир.

Конун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини қабул қилинётгани қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва суд-хуқук ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган холда тубдан ошириш. Ҳаракатлар стратегиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тадбиркорлик субъектлари хуқуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конуни лойиҳасини ишлаб чикиш, унда янги ташқил этиладиган омбудсманга куйидаги ваколатларни бериш назарда тутилди: тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг хуқуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок

етиш; тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни хукуқий қўллаб-кувватлаш; тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги конун хужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чикарилаётганини ўрганиш; қабул килинган норматив-хукукий хужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш; давлат органлари, хукукни муҳофаза килувчи ва назорат килувчи органлар. шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг хукуклари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ва ҳоказо.

Бизнес омбудсманни ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларининг қонуний хукуқ ва манфаатларини ҳимоя килиш соҳасидаги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул килинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси бажарилиши устидан парламент назорати ўтказишдан иборат бўлиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, бизнес омбудсман ҳар бир фукаролик жамияти учун хос бўлган хукуқ – мамлакат фукароларининг иқтисодий хукукларини ҳимоялаш ва таъминлашнинг асосий институти сифатида фаолият юритиши мукаррардир.

Кўриниб турибдики, бизнес омбудсманга берилиши назарда тутилаётган хукуқ ва ваколатлар мамлакатимиз иқтисодиётининг асоси бўлган – тадбиркорлар ва фермерларнинг ўзиш салоҳияти, улдабуронлиги, ишчанлиги ва гайрат-шижоатини тўлиқ равишда рўёбга чиқара олишлари учун шарт-шароитлар яратади. Мулкдорлар синфини бу каби хукукий асослар ва институтлар воситасида ҳимоялаш, уларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлашга доир алоҳида давлат сиёсати учун асос солиниши – бу мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар учун хос бўлган хукукий давлат сари интилаётганини англатади.

Ҳаракатлар стратегиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш

ва кўшимчалар киритиш хақида»ги Ўзбекистон Республикаси конуни лойихасини ишлаб чикиш, унда мазкур конуннинг нормаларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошкаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги конунларга мослаштириш, омбудсман миңтақавий вакилларининг ҳукуқий мақоми, ваколат ва мажбуриятларини белгилаш назарда тутилди.

Бу стратегик вазифаларнинг илгари суриниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга буйсунувчи шаҳарлардан ташқари) тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари (бундан кейин – Халқ қабулхоналари) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (бундан кейин – Виртуал қабулхона) вазифалари ва ваколатларининг белгиланиши билан узвий равища боғлиқдир.

Президент фармонида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда конуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён – мурожаатлар) билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳукуматга, давлат бошкаруви органларига, суд, ҳукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига (бундан буён – давлат органлари) ва хўжалик бошкаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳукукларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар

яратиш, Халк кабулхоналарига ва Виртуал кабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошкаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чикилиши устидан тизимили мониторинг ва назоратни амалга ошириш, Халк кабулхоналарига ва Виртуал кабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чикилиши устидан назорат килиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш каби вазифалар белгиланган. Шу билан бирга, «Давлат ҳокимияти ва бошкаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги конунларнинг кабул қилиниши билан мамлакатимизда парламент назоратини фукаролик жамияти ва ҳуқукий давлатга хос бўлган даражага кўтариш долзарб вазифага айланган эди. Шунинг учун ҳам Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуклари бўйича вакили (Омбудсман) юқорида қайл этилган конунларда назарда тутилган конунлар ижроси, уларнинг шаффоғлигини таъминлаш жараёнларини парламент назорати остига олиши учун қатор ваколатлар беради, фукароларнинг ўз қонуний ҳуқук ва эркинликларининг бузилаёттанига доир мурожаатларини адолатли ва самарали тарзда ҳал этишга имкониятлар яратади. Парламентнинг инсон ҳуқук ва эркинликларини химоялаш ва таъминлашга доир фаолиятини олиб борадиган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуклари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ҳуқуқи ва мустақил институт сифатида фаолият юритиши кафолатланади.

Ҳаракатлар стратегиясида давлатнинг ташки сиёсатини амалга оширишда Олий Мажлис палаталарининг роли ва мавқенини оширишга доир Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда Олий Мажлис палаталарининг давлат ташки сиёсатини амалга оширишда уларни ҳалқаро ҳуқук нормаларининг миллий конунчиликка имплементация килиниши устидан назорат ваколатлари билан таъминлаш, хорижий давлатлар парламентлари билан парламентлараро ҳамкорлик гурухлари ишини ташкил этишнинг ҳуқукий механизмини такомиллашти-

риш, мамлакатнинг миллий манфаатларини рўёбга чиқариша парламент дипломатиясидан кенг фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга доир мақсадларни илгари суриши учун хукукий асосларни такомиллаштириш назарда тутилди. Мазкур конуннинг кабул килиниши натижасида давлатимиз ташки сиёсатини янада демократлаштириш, дунёдаги мамлакатлар билан тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни кучайтириш, миллий манфаатларни ҳалкаро майдонда ҳимоя қилиш, жаҳон интеграциясига янада чуқурроқ кириб бориш каби жараёнларнинг хукукий асослари ривожлантирилди, бу соҳада парламентнинг ролини ошириш учун кенг имкониятлар яратилди.

Ҳаракатлар стратегиясида ахолининг сенаторлар ва депутатлар билан ўзаро муносабатларини, Олий Мажлиснинг ҳалқ билан мулокотини такомиллаштириш мақсадида «Электрон парламент» тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул килишга доир Узбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрлаш, унда миллий парламент фаолияти самарадорлиги ва шаффоғлигини ошириш, парламент фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш воситасида ҳалқ билан мулокотни такомиллаштириш, депутатларга сайланган сайлов окружлари жойлашган маҳаллий ҳокимият идораларининг қарорларинн юбориш, шунингдек мазкур ҳудуддаги вазиятдан доимий равишда хабардор бўлиб туриш имконини яратиш бўйича аник вазифаларни белгилаш назарда тутилмоқда.

«Электрон парламент» тизимини ривожлантириш мамлакатимизда парламентнинг ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга оширишдаги ролини янада оширади, парламентнинг сайлов окружларидағи фуқаролар, маҳаллий вакиллик органлари билан ўзаро мулокоти ва алоқаларини кучайтиради, улар билан электрон ҳамкорлик тизимининг шаклланишига шарт-шароитлар яратади. Парламент палаталарида фойдаланиладиган маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва бирлаштириш механизмини назарда тутадиган ушбу тизимни шакллантиришга ягона технологик ёндашувни таъминлайди. Кўриниб турибдни, «Электрон парламент» шаклидаги ахборот-коммуникация

воситалари парламент палаталари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларни боғлаб турувчи восита вазифасини бажаришидан ташкари, фуқароларнинг турли манфаатларини қонунлар ва парламентда ифода этувчи институт сифатида намоён бўлади. Бу ҳолат ўз-ӯзидан фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллашишига таъсир кўрсатади. Албатта, бу жараёнда фуқаролар ижтимоийлашувининг асосий компонентларидан бири – фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий онги ҳам ошиб боради.

Навбатдаги муҳим вазифа – сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соглом ракобат муҳитини шакллантиришдан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий партиялар депутатлик гурухларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат килишдаги ҳукук ва ваколатларини кенгайтиришга каратилган «Сиёсий партиялар тұғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига үзгартыш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси конуни лойиҳасини ишлаб чикиш, унда қуйидагиларни – партия гурухлари томонидан маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида ижтимоий-иктисодий ривожланиш масалаларини кўриб чикиш, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшлиши ҳақидаги таклифларни киритиш, туман (шаҳар) ҳокими номзодини вилоят ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гурухларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гурухларига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг, шунингдек, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг қоникарсиз фаолияти ҳақида хуросаларни тақдим этиш ҳукукини бериш, Конунчилик палатаси депутатларига жойлардаги жамоатчилик вакиллари сифатида тегишли сиёсий партия ҳудудий бўлимларининг вакилларини бириттириб қўйиш каби муҳим фаолият йўналишларини тартибга солиш назарда тутилди.

Мамлакатда «сайловчилар (фуқаролар) – сиёсий партиялар – парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари (маҳаллий вакиллик органларидағи партия гурухлари) – конунлар, меъёрий хужжатлар, давлат органлари қарорлари» схемаси асосида фуқароларнинг манфаатлари ва иродасини давлат ҳокимияти, жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ифодалайди. Бошқача айтганда, маҳаллий давлат бошқаруви халқ манфаатлари асосида фаолият юритадиган орган сифатида намоён бўлади.

Ҳаракатлар стратегияси асосида партия гурухларига янги ҳукук ва ваколатлар берилиши маҳаллий вакиллик органларининг фаолиятини кучайтириш, бу борада сиёсий партиялар воситасида маҳаллий депутатларнинг ролини ошириш учун шарт-шароитлар яратади, маҳаллий вакиллик органларида шаклланган партия гурухлари ишини фаоллаштириш, уларнинг ташкилий жиҳатдан таъсирчан кучга айланиши, ҳудуддаги муаммоларни кўтариб чикиш, уларнинг ечимини топишга доир фаолиятини жонлантириш учун замин тайёрлайди. Айниска, сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро ракобат мухити партия гурухлари ўртасида яккол сезилиб туришига муҳим аҳамият бериш, турли дастурний ва гоявий мақсадлар ўртасидаги мунозаралар, аҳоли орасида ўз электорати карашларига таъсир этиш механизмларини шакллантириш соҳасида тажрибаларнинг шаклланиши фуқаролик жамиятига хос хусусиятларнинг шаклланишига олиб келади.

Сиёсий партияларнинг маҳаллий вакиллик органларида партия гурухлари ролини оширишдан асосий мақсад – муҳим давлат қарорлари қабул қилишни ва давлат ҳокимияти органларини шакллантиришни халқ иродаси ва хоҳиш-истаги асосида амалга оширишдан иборатдир. Халкнинг сиёсий манфаатлари ва иродасини ифода этиш, уларни ҳимоя қилишнинг асосий институти, бу – сиёсий партияларни демократик талаблар даражасида ривожлантиришdir.

Маҳаллий вакиллик органларидағи партиявий гурухларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириб турадиган, уларнинг маҳаллий ҳудудлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсата олишига шарт-шароитлар яратиб берадиган меъёрий хужжатларни янада такомиллаштириш фуқароларнинг

манфаатларини маҳаллий вакиллик органларида ифодалаш ва ҳимоялаш учун шарт-шароит яратади. Маҳаллий кенгашлардаги партияйи гурухларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириб турадиган, уларнинг маҳаллий худудлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсата олишига шарт-шароит яратиб берадиган меъёрий хужжатларни янада такомиллаштириш партияйи гурухларнинг фаолиятини янги боскичга олиб чикиши мукаррар.

Ҳаракатлар стратегиясида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталарида Доимий вакили (бундан кейин – Доимий вакил) лавозимини таъсис этиш, унинг доимий вазифаси конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг конун ижодкорлиги соҳасида, шунингдек, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини ташкил этишда ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга қаратилиши кўрсатилди. Бу каби Доимий вакил институти барча ривожланган давлатларда парламент ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг алоҳида бир бўғини сифатида ўзини намоён қилмоқда. Бу каби ҳамкорлик ижро ҳокимиятининг конунлар лойихасини такомиллаштиришдаги ролини оширишга, конунлар ижроси самарадорлигини таъминлашга, ҳукумат ва парламент ўртасидаги алоқаларни тезкорлик билан амалга оширишга, конун ижодкорлиги жараёнида ижро этувчи ҳокимият нұктай назарига эътибор берилишини таъминлайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида Олий Мажлиснинг ролини ошириш юзасидан Ҳаракатлар стратегиясида қандай чора-тадбирлар назарда тутилган?
2. Қабул қилинаётган қонунлар сифати деганда нимани тушунасиз?
3. Ҳаракатлар стратегиясида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига доир қандай ўзгаришлар назарда тутилмоқда?
4. «Электрон парламент» тизими қандай вазифани бажариши режсалаштирилган?
5. Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий партиялар ролини кучайтириш юзасидан қандай ишлар амалга оширилиши мақсад қилиб қўйилган?

1.2. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

Давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини, давлат бошқарувини марказлаштиришдан чикариш, давлат хизматчиларининг қасбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминоти даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирокини босқичма-боскич қисқартириш орқали ислоҳ қилиш.

Глобаллашув ва тезкор ривожланиш шароитида давлат курилишини такомиллаштириш, давлат бошқарувини жамият тараккиётининг бугунги эҳтиёжларига мос равишда модернизация килиш ута долзарб вазифа сифатида майдонга чикмоқда. Мамлакатимиз равнақини таъминлаш, жамиятни ижтимоий-сиёсий бошқариш, шу жумладан, унга давлат ҳокимияти воситасида кумаклашув механизмларини такомиллаштириш янги-янги имкониятларни излашни тақозо этади.

Шу боис давлат бошқарувини окилона ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш замонавий илм-фан ва тафаккур ютукларини жорий этишга таянмоғи лозим. Мустакил давлатчилигимиз тараккиёти йиллар мобайнида изчиллик ва событқадамлик билан амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар туфайли бугунги кунда мамлакатимизда демократик қадриятлар асосида шаклланган ва фаолият юритадиган ҳалкчил давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими қарор топди.

Демократия тамойилларида таянувчи давлат ҳокимияти ҳалк манфаатини ифода этиб, жамиятни бошқариш ҳамда ривожлантиришга хизмат килувчи бунёдкор куч сифатида намоён бўлади. Давлат ҳокимияти жамиятга сиёсий раҳбарлик қилиб, унга яхлитлик ва барқарорлик баҳш этади. Ўзбекистонда ҳокимият идораларининг ҳалк манфаатларига бўйсундирилгани конституциявий принцип тарзида улар фаолиятининг асосий мезонига айланди.

Мустакилликка эришгач, жамият ва давлат ҳаётининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлидан бориб, мамлакатимиз ўз Конституциясини қабул килди, унинг замирида миллий қонунчилик тизими шаклланди. Конституция ва конунлар давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва либераллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этди. Аввало, давлат органларини шакллантириш ва фаолият юритиши соҳасига

ҳокимиятлар тақсимланиши принципи жорий этилди: ҳокимият тузилмаларининг ваколатлари самарали конституциявий механизм асосида мутаносиб ҳолга келтирилиб, уларнинг фаолияти инсон хукук ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилди.

Амалга ошираётган конституциявий модернизация қилиш ва давлат қурилиши соҳасидаги изчил ислоҳотлар иатижасида рационал давлат бошқаруви тизими шаклланди, ҳокимият тузилмалари ўртасида ваколатларниг мутаносиб тақсимланишига эришилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаптириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида салмоқли ислоҳотлар амалга оширилди. «Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин кискартиришга катта эътибор берилди»¹.

Давлат бошқарувида жамиятга раҳбарлик қилиш билан боғлик сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга жорий этишга йўналтирилган маъмурий-ташкилий фаолият муҳим ўрин тутади. Бу давлат бошқарувига сиёсий мазмун баҳш этади.

Концепцияда жамиятимизнинг истиқболдаги таракқиётини таъминловчи устувор йұналишларни белгилаш баробарида, бу борадаги муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармокларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз фуқаролик жамияти институтларини, суд-хукук тизимини, сайлов конуучилигини такомиллаштириш, демократик ислоҳотларни янада чукурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.


Жамият ва давлат қурилиши соҳасида парламент тизимини ривожлантириш, кучли ижро ҳокимияти, мустақил судии шаклланти-

¹ Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. 8-бет.

риш, кўп partiya виийликни вужудга келтириш, мустакил фукаролик жамияти институтларини ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг кафолатларнни кучайтириш борасида туб демократик ўзгаришлар килинди.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини ва давлат ҳокимияти тизимини демократлашириш ҳамда замонавий асосларда модернизация килиш бугунги тараккиётнимизнинг устувор йўналишини ташкил этмоқда. Давлатчилик тизими, ҳокимиятнинг мазмуни, фаолият шакллари жамиятнинг объектив тараккиёт конуниятларига мувофик белгиланади. Бу конунийат жамият ҳаёти, ижтимоий бошқарув шаклларининг тобора янгиланиб, ривожланиб, илгарилаш йўлидан боришидир.¹

Давлат ҳокимияти институтларини янада халкка яқинлаштириш, уларнинг фаолиятида халқ манфаатларини изчил тарзда тўлиқ ифодалаш механизmlарини яратиш вазифаси мамлакатимиз тараккиётидаги ҳозирги модернизация босқичининг марказий йўналишини белгилаб бермоқда.



1.2. 1-расм

Таъкидлаш мухимки, Конституция воситасида давлат ҳокимияти билан инсон ўргасидаги муносабатлар ўзининг оқилона ҳуқукий счимини топаётганини кундалик ҳаётимиз исботлаб турнбди. Давлат ҳокимиятининг демократиклиги, аввало, Конституцияда инсон (фукаро) ҳуқуларн нечоғлик мукаммал акс эттирилгани ҳамда кафолатлангани билан изоҳланади. Конституция давлат ҳокимияти

¹ Э. Юсупов ва бошқалар. Ижтимоий бошқарув тизимининг тадрижи ва давлатнинг шаклланиши. – Т., 2005. 75-бет.

фаолиятини бошқарувчи, тартибга солувчи, мөъсрөвчи, демократик нормалар воситасида чекловчи сиёсий-ҳукукий восита саналади.

Замонавий шароитда ўзбек давлатчилигини янада такомиллаштириш мамлакатимизда демократик тараккиётин таъминлаш ва фукаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш асосида амалга оширилмоқда.

Юртимизда боскичма-боскич амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларнинг асосий мақсади ва мазмуни давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришдан иборат бўлиб келмоқда. Ана шундай дастлабки мухим ислоҳотлардан бири парламент тизимини такомиллаштириш учун 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижалари билан боғлик. Умумхалқ референдумига миллий парламентимизни икки палатали килиб ташкил этиш масаласи қўйилиб, унга ижобий жавоб олинди. «Референдум якунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий конун (2002 йил 4 апрель) давлат ҳокимияти тизимини парламент ролига устувор ўрин берган ҳолда чукур ислоҳ этишга пойdevор яратиб берди. Унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарини шакллантириш, уларнинг ваколатларини белгилашга йўналтирилган конституциявий конунлар кабул килинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотлар ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ролини янада кучайтиришга, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш масалаларига устувор аҳамият қаратилгани айникса эътиборга молик.¹ Бу тарихий ҳужжатда мамлакатнинг яқин истикболдаги ривожланиш йўналишлари белгилаб берилди. «Иктисолиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс маса-

¹ КараИнг: «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль.

лаларни ҳал этиш, хукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча даражадаги ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланади».¹

Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштиришда, давлат ҳокимияти тузилмалари (парламент, президент, хукумат) ўртаасидаги муносабатлариниң самарали ташкилий ва хукукий механизмларнин яратишда сунгги йилларда конституциявий конунчиликка жорий килинган янги институтлар муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, 2011 йил 18 апрелда қабул килинган «Узбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Узбекистон Республикаси Конуни давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштиришнинг муҳим ҳукукий асоси бўлди.

Ҳокимият субъектлари ўргасида ваколатлар мутаносиб таксимланишига эришишда ислохотларнинг аввалти боскичида Асосий конунимиз 98-моддасига киритилган тузатишлар жиддий аҳамият касб этди. Конституциявий конунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган бу тузатишлар, биринчидан, ҳокимият тармоқлари мустақиллигининг ошишига хизмат қилса, иккинчидан, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро бир-бирини тийиб туриш механизминда янги бўғинларни назарда тутади. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллукли масалалар юзасидан қарорлар қабул килиш, ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ҳукуки Президент ваколатлари доирасидан чиқарилди. Бош вазирларнинг Президентга вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш учун тақдим қилиш ҳукукининг берилиши Бош вазир бошчилигидаги ижро этувчи ҳокимият мустақиллигини ва таъсирини оширишга хизмат қилса, Бош вазир номзодини таклиф этиш ва тасдиқлаш тартиби, шунингдек, унинг ҳисоботини тинглаш ва муҳокама қилиш тартиб такомилининг киритилиши Парламент ролини янада кучайтиришга кўмаклашувчи институт бўлди.

Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Узбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз! «Халқ сўзи». 2016 йил 15 декабрь.

Давлат органлари ва мансабдор шаҳслар фаолиятига баҳо беришда қонунийтикни таъминлаш, фуқараларнинг хуқўқ ва эркинлаклари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнин: сифати ва очиқлиги бил учун энг асосий меён бўлиши шарт. Шу борада бир фикри яна тақористаб айтмоқчиман: ҳалқ давлат органларига змас, балки давлат органлари ҳалқимизга хизмат қилиши керак.

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлиси муҳокамасига Боз вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳакидаги масала киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Конституциянинг 78-ва 93-моддаларига ҳам тегишли тузатишларни киритиш заруратини белгилади. Жумладан, Конституциянинг 78-моддаси 15-бандида Конунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари сифатида мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Боз вазирнинг хисботларини эшлиш ва муҳокама қилиш ваколати назарда тутилди. Бу ҳолат ҳам сиёсий партиялар, ҳам парламент роли ва таъсирининг оширилишига, Олий Мажлиснинг қонунлар ижро этилиши устидан амалга оширадиган назорат фаолиятининг янада такомиллаштирилишига хизмат килади. Шунингдек, конституциявий ислоҳотларнинг аввалги боскичида Ҳукуматни шакллантириш тартнби янада демократлаштирилди. Конституциянинг 98-моддасига киритилган қоидага мувофик, Ўзбекистон Республикаси Боз вазiri номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг микдордаги депутатлик ўрнларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Хокимиятлар тизимидағи яна бир демократик институтнинг мазмuni қўйидагicha: Ўзбекистон Республикаси Боз вазiri ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган тақдирда Конунчилик палатаси депутатлари умумийсонининг камида учдан бир кисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман йўналтирилган таклиф бўйича

Янги Боз вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сунг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталарига кўриб чикиш ва тасдиқлашга тақдим килиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Боз вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Боз вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисни тарқатиб юборади.¹ Ушбу норма давлат ҳокимияти тармоклари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва таъсир этиш механизмини янада такомиллаштириди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга каратилган янгиликларнинг аҳамияти яна шундан иборатки, улар давлат ҳокимиятининг субъектлари, яъни, давлат бошлиғи бўлган Президент, конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада оқилона таҳсимланишини таъминлашга каратилгандир. Давлат ҳокимияти таҳсимланиши тўғрисидаги таълимотга қура, ҳокимият тармоклари ваколатларнинг тўғри таҳсимланиши давлат идоралари фаолиятининг баркарорлигини, улар ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга кўйилишини кафолатлади. Колаверса, давлат ҳокимиятининг конституциявий тарзда мутаносиб ва адолатли таҳсимланиши пировардида давлатнинг том маънода демократик табиатга эга бўлиши ва инсон хукуклари изчил таъминланишининг гаровидир.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришнинг кейинги боскичи Асосий конунимизга 2014 йил 16 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айrim моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги конун воситасида киритилган янгиликлар билан боғлик. Ушбу конституциявий ислоҳотлар мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётни ва давлат бошқарувини изчил

¹ Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. 12–13-бетлар.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўти бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, иносабат, ижтиморат ташкилотлар, эркин ва халис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишончимиз.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сарн» деган муҳим тарбияларни амалга оширишда биз, аввало, ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянимиз.

Шу муносабат билан ҳалиқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик нағорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти нинг очиқлиги тўгерисида», «Ижтимоий шериклик тўгерисида»ги қонуллар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган татабларнинг изжросини таъминлашга алоҳида тътибор қаратамиз.

Шавкат Мирзиёев

ишлашини таъминлашнинг конституциявий механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат килиши шубҳасиз.

Конституциянинг 32-моддаси мамлакат ҳаётida фуқаролик жамияти институтларнинг ролини оширишга қаратилган муҳим конда билан тўлдирилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларининг

демократлаштириш борасида амалга оширилаётган сиёсанинг мантикий давоми бўлди. Мазкур ислоҳотнинг мазмуни қуйидаги муҳим соҳаларни ўз қамровига олди: 1) жамоат ва парламент назорати; 2) Президент ва парламент ваколатлари; 3) Ҳукуматнинг конституциявий макоми; 4) сайлов тизими. Уларнинг маъно-моҳиятига кисқача изоҳ бериб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ваколатларини Олий Мажлис ва Вазирлар Махкамасига ўтказиш бўйича Асосий Қонунимиз моддаларига киритилган ўзгартириш ва қушимчалар Президентнинг давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини, давлат ҳокимияти тармоклари ўртасида ваколатларнинг оқилона қайта тақсимланишини, шунингдек, улар ўртасида ўзаротийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали


фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва таомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

Конституциянинг 78-моддасига янги 21-банд киритилиб, унда парламент назорати институти назарда тутилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мустакиллигини ва айни вактда вакиллик органи олдидаги масъулиятини кучайтириш максадида Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши мажбуриятини белгилайдиган норма билан тўлдирилди. Ушбу ҳисоботлар бўйича халқ депутатлари кенгашлари тегишли карорлар кабул килиши оркали бу конституциявий институт юридик жиҳатдан расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Конституция қабул килинганининг 24 йиллигига бағишенган тантанали маросимдаги маърузасида миллий сайлов конунчилигимизга тамомила янги институтни – вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларини тегишли ҳудудлардаги аҳоли томонидан бевосита сайлаш ғоясини илгари сурди. Бу ҳам ҳокимларнинг халқ олдида ҳисобдорлигини кучайтиради.¹

Шунингдек, Конституциянинг 117-моддасига асосий принциплари мустакиллик, конунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий асосларини белгилайдиган тузатишлар киритилди.

Конституцияга киритилган тузатишлар давлат ҳокимиятининг янада демократлашуви, унинг мустакил тармоклари ўртасида ваколатларнинг кайта тақсимланиши, ўзаро тийиб туриш ва манбаатлар мувозанати тизими ривожланиши, шунингдек, сайлов тизимининг янада таомиллашувининг муҳим омилига айланиши табиий.

¹ Шавкат Мирзиёев. Конун устуворлиги ва инсон манбаатларини тъминлаш – юрт тараккиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.



1.2.2-расм

Шунингдек, Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Конун билан 98-модда Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдикланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг якин ва узок истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этишини назарда тутадиган янги коидалар билан тўлдирилди. Конституцияга киритилган ушбу норма конституциявий ривожланишнинг халқаро амалиётига тўлиқ мос келади. Хукуматнинг фаолият (ҳаракат) дастурини таҳлил қилиш кўплаб демократик давлатлар тажрибасидан ўрин олган конституциявий институт хисобланади. Хусусан, Германия Асосий конунига биноан, парламент аъзолари нафакат хукумат раҳбари ва аъзоларини тасдиклайдилар, балки хукумат дастури лойиҳаси бўйича ўз муносабатларини ҳам билдирадилар. Ушбу дастур конун чиқарувчи идора аъзолари томонидан тасдикланиши ёки рад этилиши мумкин. Дастурнинг рад этилиши бир вактнинг ўзида хукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилишини англатади. Финляндия Конституциясига мувофик, депутатлар Бош вазир номзоди тасдиклангунга қадар хукумат дастури лойиҳасини кўриб чиқадилар ҳамда унинг мазмунини ўргангандаридан сўнг Президентга Бош вазир лавозимига номзодни кўллаб-куватлаш мумкинлиги борасида ўз фикрларини билдирадилар.

Дарҳакиқат, Конституцияга киритилган тузатишлар, хусусан уларнинг парламент томонидан хукуматнинг ҳаракат дастури кўриб чиқилишига оид кисми депутатлар ва сиёсий партиялар фракциялари учун янги шакланаётган Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатини барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни таъминлаш

бўйича келгуси фаолиятининг барча жиҳатларидан хабардор бўлишлари, Бош вазир номзоди, хукуматнинг тутган йўли бўйича ўз ёндашувини белгилаб олишларига имкон яратади.

Яна бир демократик нормага кўра, Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан *маърузалар тақдим этиши* вазифаси юкланмоқда. Асосий Қонунимизнинг аввалги таҳририга кўра, бундай маърузаларни парламентнинг кўриб чиқиши учун тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига киради.

Мамлакат давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида баркарорлик, изчилликни таъминлаш, ижро этувчи ҳокимиятнинг мустакил фаолият кўрсатиш кафолатларни кучайтириш максадида амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши бўйича Конституциянинг 98-моддасида белгиланган нормалар мамлакат Президентининг қарорига кўра, хукумат айни шу даврда, *Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туриши ҳақидаги қоидалар билан тўлдирилди*. Бу жиддий норма бўлиб, давлат бошқарувида изчиллик, узвийлик ҳамда давомийликни таъминлайди.

Конституцияга киритилган яна бир янги нормага мувофик, Ўзбекистон Республикаси Президенти энди мамлакат ички ва ташки сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари бўйича Республика Олий Мажлисига мурожаат этиш ҳукукига эга бўлди. Кўпгина ривожланган давлатларнинг конституцияларида Президент мамлакат ҳаётининг муҳим масалалари бўйича парламентга мурожаат («послание») қилиш ҳукукига эга. Одатда, бундай мурожаат бир йилда бир марта амалга оширилиб, унда Президент давлатнинг ички ва ташки сиёсатиннинг устувор масалалари юзасидан асосий вазифаларни баён этади, ўз ёндашуви ва муносабатини билдиради. У ушбу муҳим масалаларга депутатлар (сенаторлар), сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кенг жамоатчилик ётиборини тортади; ўз сиёсий йўлини сиовдан ўтказади; давлат ва жамият олдида турган долзарб масалаларни ҳал этишга давлат тузилмаларн ҳамда фуқаролик жамияти институтларини сафарбар этади.

Хозирги глобаллашув ва шиддатли ривожланиш шароитида давлат бошқарувини замонавий жамият өхтиёжларига мос равишда модернизация қилиш ўта долзарб масала сифатида кун тартибига чиқмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида «Давлат бошқаруви асослари тұғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш назарда тутилгани әттиборга молидир.

Мамлакатнинг давлат бошқарув тизими унинг сиёсий, ижтимоий, ҳукукий ва маъмурый маданиятининг узвий кисмидир. Бошқарув маданияти бир қатор тарихий, миллый, жүгрофий, маънавий ва бошка омиллар таъсирида шаклланади. Бошқарув маданияти давлат бошқаруви тузилмаларига нисбатан бирмунча баркарор ва турғундир. Шу туфайли сиёсий (давлат) бошқарув маданиятини тарихан қиска вакт ичилә үзгартыриш бирмунча мушкул. Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини қонунчилик ислоҳоти воситасида тарихан қиска муддатда үзгартыриш (янгилаш) мумкин, аммо бошқарувга боғлиқ мағкурани, менталитетни, онгни ва маданиятни дархол үзгартышишнинг иложи йўк.

Табиийки, давлат бошқарувини ислоҳ этиш ва модернизация килиш Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган принциплар ҳамда талаблар асосида амалга оширилади. Шу билан бирга, бу борада фуқароларнинг яна бир муҳим ҳукукига әттибор қаратиш лозим. 2005 йилда Европа Иттифоқига тасдиқлаш учун тақдим этилган Европа Конституцияси лойиҳасида инсон ва фуқароларнинг ижсобий бошқарувга бўлган ҳукуқи назарда тутилган. Унга кўра, ҳокимият органлари фуқаронинг мурожаатларини холис ва адолатли, пайсалга солмай моҳияти бўйича кўриб чиқиши, сайлаб кўйилган вакиллар ва маъмурият аҳоли манфаатлари йўлида фаолият юритиши лозим.

Фуқароларнинг давлат бошқарувига кенг жалб этилиши, демократик давлат бошқаруви гоялари бир қатор ҳалқаро ҳукукни хужжатларда ўз ифодасини топган. Жумладан, Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларациясида куйидаги коңда эътироф этилган: «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳукукига эга. Ҳалқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим» (21-модда). Янги Европа учун Париж хартияси ЕХХКнинг 1990 йил

21 ноябрдаги Саммити хужжатида шундай сатрлар бор: «Демократик бошқарув эркин ва адолатли сайловлар пайтида мунтазам равишда ифодаланадиган халк хошиш-иродасига асосланади. Демократиянинг асосини инсон шахсига бўлган хурмат ва конун устуворлиги ташкил этади».

Жамиятни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида давлат бошқарувини модернизация килишининг бир қатор йўналишлари ва вазифалари Харакатлар стратегиясида белгилаб берилган. *Биринчидан*, демократик давлат бошқарув мезонларини белгиловчи принципларни ҳаётга сабитқадамлик ва жадаллик билан жорий этиб бориш. Булар бошқарувда инсон хукук ва манфаатларининг устуворлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши (шу жумладан, давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар ўртасида ваколатларнинг оқилона тақсимланиши), конун устуворлиги, давлат бошқарувига халқ оммаси ҳамда фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралиги ва очиқлиги каби тамойиллардир.

Иккинчидан, давлат бошкарув аппарати фаолиятининг конунчилик, хукукий базасини замонавий талаблар асосида тако-миллаштириб бориш назарда тутилади.

Учинчидан, ижроия ҳокимияти тизимидағы бошқаруу билан шуғулланувчи органларнинг таркибий түзилмаси ва функцияларни рационаллаштириш маъмурий ислохотнинг мухим вазифаси хисобланади. Бунда давлат бошқарувида мувозий түзилмаларнинг булиши ва бир-бирининг вазифаларини такрорлашнинг мавжуд булишини бартараф этиб бориш талаб этилади.

Түртнинчидан, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг бийклигини таъминлаш, уларнинг фукаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминловчи самараали механизмларни яратиш, улар фаолияти устидан жамоатчилик наюратини фаоллаштириш зурур.

Бешинчидан, давлат бошқарувини модернизация килиш ва маъмурӣ ислоҳотлар самарасини оширишда тегишли ваколатли органлар филиятигининг ҳукукий асосларини (регламентларини) из-чил такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ҳукукий хужжатлар жаторида Маъмурӣ процессуал кодексининг «Маъму-

Биз янчча мустақи! фикрлай-дишни, масъулиятли, ташаббускор, ишор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ҳалол, ўз Ватани ва халқига содиқ кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратиш устиди жиҳдий ишлаймиз.

Фуқароларниң мурожаатларини кўриб чиқишида давлат хизматчилари ўтасида сансалортик ва масъулиятсизлик ҳолатларига бутунлай барҳам бериш учун биз қатъий кураш олиб борамиз.

Раҳбарлар фаолиятга, уларга бўлган ишонч ва аҳалини ўйлантирадётган муаммаларни самарали ҳал этиши даражасидан келиб чиқсан ҳолда, халқинг ўзи баҳо беради.

Шавкат Мирзиёев

олиятининг асосий турларидан бири бўлиб, давлат олдида турган вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига асосланиб, давлат функцияларини амалга ошириш, унинг вазифаларини бажариш, жамият ва фуқароларнинг манфаатларига хизмат килишдан иборатdir.

Фикримизча, давлат хизматининг умумий жиҳатларини тартибга солиш учун «Ўзбекистон Республикасининг давлат хизмати тўғрисида»ги конунда давлат хизматини ўташ ҳакидаги боб киритилиб, алоҳида моддалар бўйича давлат хизматига кириш тартиби, давлат хизматчиларининг аттестацияси, уларни рағбатлантириш, давлат хизматчиларининг жавобгарлиги масалалари белгилаб кўйилиши лозим бўлади.

Давлат хизматчиларининг малака даражалари тегишли давлат хизмати лавозимлари бўйича татбик этилган малака талабларига, касбий тайёргарлик даражасига мувофиқлигини кўрсатади. Давлат хизматчиларига малака даражаларининг берилиши давлат хизматчиларининг професионал тайёргарлик савияси малака талабларига

рий процедуралар тўғрисида»ги ва «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунларнинг кабул килиниши Ҳаракатлар стратегиясида айтиб ўтилади.

Давлат хизмати – давлат органдари томонидан бошқарувнинг кадрлар функциясини амалга ошириш, давлат органлари аппаратида доимий ёки вактинча мансабни эгаллаб турган ҳамда давлат бюджетидан маблаг билан таъминланувчи шахсларнинг фаолиятидир. Давлат хизмати давлат аппаратини бошқаришни ташкил этиш ва хукуқий тартибга солиш бўйича давлат фа-

мувофикалигига караб белгиланади. Малака даражалари давлат малака имтихонлари ёки аттестация натижаларига кўра белгиланади. Малака имтихонларининг ўтказилиши, малака даражаларининг берилиши ҳамда ходимларнинг бошқа ишга ўтказилиши муносабати билан сакланиши конунчилик хужжатлари билан белгиланади.¹

Мамлакатимизда давлат хизматчиларнга малака даражалари ёки маҳсус унвонлар бериш тартиби алоҳида норматив-хукукий хужжатлар билан белгиланади. Шунингдек, республикамиз ко-нунчилигида ҳам мартаба даражалари ижобий аттестация, малакасига мувофик олий маълумот мавжуд бўлган тақдирда, эгаллаб турган лавозими ва иш стажига, шунингдек, олдинги иш ёки хизмат жойида берилган маҳсус унвонларни ҳисобга олган ҳолда изчили тартибда берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали мажлисидаги нуткида қўйидагиларни таъкидлади: «Олдимизга кўйган мақсад-муддаоларга етиш учун кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва кайта тайёрлашнинг мухим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чикиш вакти келди, деб ўйлайман.

Асосий вазифа – бу юкори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарор кабул кила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат.

Бу борада ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур»².

Профессионал кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш хизматчиларнинг хизмат погоналари бўйлаб кутарилишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу мақсадда кадрларни тайёрлаш мухим йўналишлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун кўпгина давлатларда марказлашган тайёргарлик билан биргаликда давлат хизматчиларининг юкори лавозим бўйича ҳаракатланишлари ҳамда раҳбарларнинг професионал ривожланишлари учун кадрлар

¹ Ю.Н. Стариев. Служебное право. – Москва, «БЕК», 1996, 413-бет.

² «Ўзбекистон овози». 2016 йил 15 декабрь Т/150-сони.

захирасини тайёрлашда мұхим ақамиятга әга бұлған көнг қамровли курслар тизими амал қиласы.

Давлат органларыда хизмат бүйіча үсиш тартибіда давлат хизмати лавозимларини әгаллаш мәссада танлов асосида раҳбар лавозимларини әгаллаш учун кадрлар захираси шакллантирилиши мұхим ақамиятга әгадір.

Шундай килиб, Ҳаракатлар стратегиясыда давлат хизмати тұғрисидаги конунчилікни такомиллаштириш давлат хизмати фаолиятининг тұғри ва самарали фаолият юритишида катта ақамиятга әга эканы таъқидлаб үтилади.

Мамлакатни ижтимоий-сійесій ва ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бүйіча вазифаларни амалға оширишда давлат – құсусий шерікликнің замонавий механизмларини жорий этиш. Фукаролик жамияти карор топишининг мұхим шартларидан бири давлат билан жамоатчилик тизимлари ҳамда құсусий секторнинг яқын ҳамкорліги, улар үргасыда ижтимоий шерікликни амалда таъминлашша әрішишдан иборат. Биз мустақіл давлатчилик сары қадам қўйилған дастлабки йиллардағы Асosий конунимизда нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асosий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани, иктисодий фаолият эркинлігі ва құсусий ҳаёт дахлсизлігі кафолатланғани барча ахоли катламлари манфаатларини акс эттирадиган тузилма ҳамда ташкилотларнинг көнг тармоқлари вужудға келиши, фаолият юритиши ва ривожланиши учун кулай мұхит яратди.

Үтган чорак аср мобайнида жамоат ва нодавлат ташкилотларининг нуфузи ортды, хукуқий макоми мустаҳкамланды, жамият бошқарувидаги роли ошиб борди. Бугунғы кунда мазкур тузилмалар давлат билан фукаролик жамиятининг үзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятini аниклаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида юз берәётганд үзгаришларга муносабатини билишнинг мұхим воситаси сифатида майдонға чикмоқда.

Демократик янгиланишлар жараённанда фукаролик институттарининг роли ва ақамиятini кучайтиришга, фукароларнинг энг мұхим ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этишга қаратылған 250 дан зиёд конунлар, юзлаб фармонлар ва хукумат қарорлари кабул килинди. Ушбу көнг күламли хукукий база бу ташкилотлар-

нинг давлат органлари билан тенг мулокот олиб бориши, хукукий муносабатларда кафолатли иштирок этишининг замини бўлди.

Давлат билан хусусий сектор тузилмалари ҳамкорлигининг марказида инсон ва фукаронинг иктисадий ҳамда ижтимоий соҳадаги манбаатларини таъминлаш масаласи туради.

Масалан, касаба уюшмалари давлат органлари, иш берувчилар билан уч томонлама ижтимоий шерикчилик тўғрисидаги шартномалар асосида меҳнат килувчи ходимларнинг фукароларнинг меҳнат жараёнида меҳнат хуқуклари, ижтимоий муҳофазаси, иш ҳаки, дам олиш, ишловчи аёлларнинг ёш болаларига парвариш бериши билан боғлик имтиёзлардан фойдаланиш, пенсияга расмийлаштириш борасидаги ва бошка манбаатларини муҳофаза килишда салмоқли фаолиятни амалга оширмоқда. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари фукароларнинг таълим олиш, соғлиқни саклаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, ижтимоий таъминот тизимидан фойдаланиш, бузилган хуқукларини тиклаш каби қатор соҳаларда хуқук ва эркинликларини таъминлашда давлат органлари билан бўладиган муносабатларда воситачи ва кўмакчи вазифасини ўтамоқда.

Бу йўналишдаги фаолиятнинг хукукий негизларини янада мустаҳкамлаш мөксадида 2014 йилда «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги қонун қабул килинди. Ушбу қонун фукароларнинг ижтимоий-иктисодий соҳадаги, шунингдек, гуманитар муаммоларини ҳал этиш, аҳоли турли қатламларининг хуқук ва манбаатларини ҳимоя килишда нодавлат тузилмаларининг давлат идоралари билан ўзаро муносабатларининг аниқ чегараларни белгилаш бўйича хукукий механизmlарини яратади.

Қонун амал кила бошлаганидан буён ўтган киска даврда тўпланган амалий тажриба гувоҳлик беришича, ҳали бу соҳада ташкилий-хукукий механизmlар янада такомиллаштирилиши лозим. Шу боис Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги «Халқ билан мулокот ва инсон манбаатлари йили» Давлат дастурида давлат ва хусусий шерикчилик (ҳамкорлик) шаклларини кенгайтиришга йўналтирилган «Давлат ва хусусий шерикчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конуни лойиҳасини ишлаб чикиш назарда тутилган. Унда давлат ва хусусий шерикчилик тушунчаси, табиати (моҳияти), принциплари, вазифалари ва асосий йўналишлари, шакллари (воситалари), иштирокчилари

доираси, уларнинг ҳуқук ва бурчлари, бу борада амалга ошириладиган устувор тадбирлар ва муносабатлар тартибга солинади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқук, эркинлик ва қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишининг замонавий шакларини жорий этиши. Давлат бошқарув идораларининг аҳоли билан алоқаларини кучайтириш, ҳамкорлик механизмларини яратиш муҳим. Бир томондан, аҳолини давлат бошқарув органлари фаолиятидан мунтазам равишда хабардор килиб туриш, иккнчи томондан, маҳаллий давлат бошқарув органлари карорларини қабул килишга (карорлар лойиҳасининг муҳокамасига, маҳаллий референдумларга) кенг жалб этишни йўлга кўйиш – давр талаби. Шунингдек, давлат бошқарувни корпоратив бошқарувни яқинлаштириш, улар нисбатининг оқилона мезонларини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Инсон ва фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқларини кафолатлашнинг тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Конституциянинг 29-моддасига биноан: «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқукига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқукига эга, амалдаги конституциявий тузумга карши қаратилган ахборот ва конун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир».¹

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалалари улар фаолиятнда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширилиши бугунги кунга келиб энг макбул йўл сифатида баҳоланмоқда. Амалда мавжуд бўлган давлат хизматларини фуқароларга, юридик шахсларга ва давлат органларининг ўзига кўрсатишнинг янгина тизимини амалга ошириш ҳар кандай замонавий демократик давлатнинг ясасий стратегик йўналишларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда парламент палаталарининг

¹ Караңг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. 8-бет.

күшма йигилишида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган таклифларнинг амалий ифодаси сифатида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси конунининг лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ушбу конуннинг асосий максади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шаффоғлиги, очиқлигини таъминлаш, давлатимиз ички ва ташки сиёсатининг энг асосий йўналишларидан аҳолини мунтазам хабардор булиб боришига шароит яратиш, шунингдек, фукароларнинг сиёсий фаоллигини янада оширишдан иборатдир. Мазкур конуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор килиб бориши тартибларини аник белгилаб бериши, давлат ҳокимияти органларига ўзлари қабул киласиган қарорлар ва уларнинг мазмуни билан аҳолини, турли жамоат бирлашмаларини хабардор килиш мажбуриятини юклаши билан ҳам аҳамиятлидир. Бундан ташкири, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Конуннинг қабул қилиниши оркали фукароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳукукларининг юкори даржада таъминланишига ва пировард натижада давлат ҳокимияти органларининг ўзлари томонидан қабул килинадиган қарорлар бўйича мажбуриятларининг ошишига эришилади.

Маълумки, 2014 йил 5 майдага «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги конун қабул қилинди. Ушбу конуннинг максади – давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини, улар фаолияти ҳақидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фукаролик жамияти институтлари, аҳолининг (ахборотдан фойдаланувчиларнинг) кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган.

Конуннинг *асосий вазифалари* – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг эркин фойдаланишини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотларни олишга бўлган ҳукукни кафолатлаш; давлат органлари

хамда улар мансабдор шахсларининг қабул килинаётган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳакидаги ахборотларнинг тарқатилиши тартибини белгилашдан иборат. Шунга мувофик, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шаффоғлиги, уларнинг устидан жамоатчилик назорати бу идораларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш бўйича бир катор чора-тадбирлар қабул килиш оркали таъминланади.

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини эркинлаштириш, уларни халқ эҳтиёжлари ва манфаатларига яқинлаштириш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик ва ҳамкорлигини ривожлантириш, ҳеч шубҳасиз, пироварлида давлат аппарати фаолияти самаралорлигини оширишга, давлатнинг жамият манфаатларига янада кўпроқ хизмат килувчи институтга айлантиришга қулай имконият яратади.

Хозирги даврда халқ билан самарали мулокотни таъминлаш «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг энг мухим ва долзарб вазифаларидан бири бўлди. Шу муносабат билан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, но-давлат-нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, шунингдек, маҳалланинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш назарда тутилмоқда.¹

Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳа тараққиёти учун катор ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва бугунги кунга келиб қарийб элликка яқин қонун ва конуности ҳужжатлари давлат ва хусусий сектор фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва улардан фойдаланишини тартибга солиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ривожи ва ислоҳотларнинг муваффакиятли кечиши кўп жихатдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халкка сифатли ва тезкорлик билан хизмат кўрсатиши, бу борада ўз фаолиятининг очикилиги, шаффоғлиги ва ўз навбатида бу жараёнлардан кенг аҳолининг хабар-

¹ «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль.

дорлиги, уларга дахлдорлигига намоён булади. Зоро, инсон ва фукароларнинг юкори савиядаги ҳуқукий маданиятга эга бўлишлари демократик жамият куришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардорлик, конун нормаларини ҳурмат килиш ва уларга қатъий риоя қилиш ҳуқукий демократик давлат куришнинг, сиёсий ва ҳуқукий институтлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Биринчидан, ҳалкимиз Президент, Олий Мажлис, ҳукумат қандай фармон, конун, карор кабул киляпти, бундан тўла хабардор бўлиши керак. Иккинчидан, айниқса инсон ҳуқукига дахлдор ҳужжатларни ҳар бир одам юрагидан ўтказиши, бу конунлар унинг ҳаётига қандай таъсир килишини англаб етмоғи лозим. Учинчидан, тайёрланаётган конунлардан аҳоли ҳам хабардор бўлиши, яъни уларнинг қандай ишланаётгани жамият назоратида туриши зарур». Шу боис, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очикилигини таъминлаш, фукароларнинг ҳуқукий билими ва онгини юксалтириш, жамиятдаги сиёсий фаоллигини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг мамлакатда мавжуд конунчиликдан хабардорлигига, яъни, ахборот билан таъминланганлик даражасига боғлик.

Давлат бошқаруви соҳасини эркинлаштириш бу борадаги амалий фаолиятни фаоллаштириш билан бир каторда жиддий илмий изланишлар олиб боришни, соҳадаги муаммоларнинг илмий-ҳуқукий счимларини топишни тақозо этмоқда. Фикримизча, бу борада давлат органлари тизимида марказлаштиришдан чиқариш масалалари, бошқарув идоралари (республика ва маҳаллий) функциялари ҳамда ваколатларини оқилона меъёрга солиш, уларнинг функцияларини кайта таҳсимлаш, уларни марказдан маҳаллий бўғинларга ўтказиш муаммоларини илмий тадқик этиш – долзарб вазифа. Тобора авж олаётган маъмурий ислоҳотлар давлат бошқарувини оптималлаштириш, давлат аппаратини ихчам ва камхаражат қилиш, давлат

Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд.
- Т.: «Ўзбекистон», 1998. 28–29-бетлар.

хизмати, маъмурий судлов ва маъмурий-процессуал қонунчиликни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш муаммоларини долзарб мавзулар қаторига қўшмокда.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давлат дастурида мамлакатимизда маъмурий ислоҳотлар концепцияси ҳамда бу ислоҳотларни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар Дастурини яратиш белгилангани эътиборга молик. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси тайёрланиши кўзда тутилган. Бунда давлат бошкаруви органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва тузилмасини такомиллаштириш, давлат бошкарувини марказлаштирувдан холи килиш, тақрорланувчи функцияларни бажарадиган давлат органларининг турли комиссияларни бекор килиш ёки бир-бирига қўшиш оркали давлат бошкаруви ва хизматини тубдан ислоҳ этиш назарда тутилади.

Яна бир муҳим вазифа – бу давлат бошкаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг усул ва шаклларини илмий таҳлил этиш, амалиётга таклиф ва тавсиялар беришдан иборат.

Иккинчидан, давлат бошкаруви тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, «электрон хукумат»ни шакллантириш, умуман, «Ахборот жамияти»ни карор топтириш муаммоларини тадқик этиш, Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ягона тизими ҳаракатланишининг хукукий ва методологик базасини яратиш устида чукур илмий изланишлар олиб бориш лозим.

Албатта, бу борада *ахборот хавфсизлигини таъминлаш*, ахборот алмашинуви муносабатларининг хукукий режимини кафолатлаш алоҳида эътиборни талаб этади.

Ўзбекистонда ахборот эркинлигини таъминлаш борасида куйидаги устувор йўналишларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) ахборот тармоқларини ривожлантиришда глобал ҳамкорлик;
- 2) электрон кутубхоналарни шакллантириш;
- 3) электрон музейлар ва галереяларни яратиш;
- 4) атроф-муҳит ва табиий ресурслар электрон базасини яратиш;
- 5) фавқулодда ҳолатларни электрон бошқариш;
- 6) соғликни саклашда информацион технологияларни кўллаш;
- 7) электрон хукуматни шакллантириш;
- 8) кичик ва ўрта бизнес учун виртуал бозорни яратиш.

Учинчидан, давлат курилишини эркинлаштиришда давлат бошқаруви органларининг хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлик субъектлари ва фукаролар хусусий фаолиятига аралашувини чеклаш, унинг меъёр ва мезонларини аниклаш ҳам жиддий таҳлилталаб мавзудир.

Тўртинчидан, мамлакат миёсида «бошқарув маданияти», «маъмурий маданият»ни шакллантиришга ҳам устувор аҳамият бериш керак.

Бешинчидан, давлат бошқаруви органлари билан фукаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигининг усул ва шаклларини такомиллаштириш муҳимdir.

Олтинчидан, давлат бошқаруви органлари томонидан фукароларнинг ва юридик шахсларнинг мурожсаатларини кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш лозим.

Еттингчидан, давлат бошқаруви органлари устидан жасоатчилик назоратини таъминлашнинг ташкилий-хуқукий масалаларини ўрганиш зарур.

Саккизинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига аҳолини кенг жалб этишда умумий муҳокамалар ва маҳаллий референдум институтини илмий таҳлил этиш ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Ҳаракатлар стратегияси «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да қабул килингани бежиз эмас. Чунки, унда ҳалқимизнинг ёргу келажаги ҳамда истиқболини белгилаб берган устувор йўналишлар камраб олинган.

«Электрон хукumat» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифати ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг улардан фойдаланиш имкониятини ошириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятининг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизация қилиш ва барча соҳаларни эркинлаштиришдан иборат экани ҳакидаги фикрлари ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаракатлар стратегияси давлат ҳокимиятини изчил демократлаштириш ва давлат бошқаруви тизимининг янада самарали ишлайдиган механизмларини яратиш борасида янги вазифаларни илгари сурмокда. Ҳаракатлар стратегияси доирасида маъкулланган Давлат дастурида давлат бошқарувини такомиллаштириш, энгаввало, давлат хизматини ислоҳ килиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий сектор ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шаклларини, «Электрон ҳукумат» тизими니 ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини рационал ташкил этишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий килиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуки ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Узбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади».¹

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари мобайнида жамиятни ахборотлаштириш, фуқароларнинг ахборот олиш (ундан фойдаланиш, тарқатиш) эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва мезонларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Бу даврда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборотни фуқароларга етказишига, оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришига, ахборот соҳасининг мақсадли ва натижали фаолият кўрсатишини таъминлашга каратилган ўндан зиёд конунлар қабул килинди.

Давлат бошқарувига электрон ҳукумат тизимини янада кенгрок жорий этиш лозим. *Бу тизим воситасида давлат миқёсида идо-*

¹ Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Узбекистон». 2010. 28-бет.

рарараро ва бошқарув жараёнида иштирок этувчи субъектлар ўртасида электрон ҳужжат айланиши, автоматлаштирилган ахборот-маълумот тизими. Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сервиси ҳамда ахборот ресурс базаларидан самарали фойдаланиши амалга оширилади. Натижада давлат бошқаруви тизимида маъмурий тартиб-тамошлар ва давлат хизматларини кўрсатиш электрон шаклда амалга ошириши йўлга қўйилади. Электрон ҳукумат қўйидаги принциплар асосида фаолият юритади: давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, давлат хизматларининг ҳаммаболлиги, ахборотнинг муҳофазаланганлиги, маъмурий ахборотнинг электрон таҳлил этилиши, давлат органларининг ўзаро келишилган тарзда ҳаракатланиши, давлат органлари фаолиятининг сифат жиҳатидан муттасил яхшиланиши ва ҳ.к.

Давлат органлари фаолиятидаги очиқликни таъминлашнинг, шу билан биргаликда «ахборотлашган жамият» шакллантириш ва ривожлантиришнинг самарали усуллари сифатида «Электрон ҳукумат» билан бир қаторда «Электрон парламент» тизимини ҳам жорий этиш мухим.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2013 йил 18 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг йигилишида «Электрон ҳукумат» тизими, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фукароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чикишни жадаллаштиришга, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция киладиган миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор каратиш лозим¹ деб таъкидлаган эдилар.

Мамлакатимизда инсон, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги боскичга кутариш ва ушбу муносабатларни самарали ташкил этиш, бошқариш ва таҳлил этиш максадида Парламент томонидан 2015 йилнинг 9 декабрида «Электрон ҳукумат тұғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул килинди.

¹ Ислом Каримов. Бosh мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013. 57-бет.

Ушбу Конуннинг максади «Электрон ҳукумат» соҳасидаги муносабатларни тартнбга солнишдан иборатдир.

Қонуннинг З модасига асосан «Электрон ҳукумат» – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш йўли билан давлат хизматлари курсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик килишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқукий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиклик ва ошкораликни таъминлаш, фуқаролар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда давлат хизматлари курсатишга қаратилган давлат бошқарувининг ташкилий шакли ҳамdir.

Мазкур конун билан бирга давлат бошқарувида замонавий ахборот тизимларини жорий этиш ва «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантиришга онд масалалар миллий конунчилигимизда 30 дан ортиқ норматив-ҳуқукий ҳужжатларда ўз аксини топган бўлиб, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон ракамли имзо тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида»ги конунлар шулар жумласидандир.

Эътиборлиси шундаки, Ҳаракатлар стратегияси таркибидаги давлат дастурида «Электрон парламент» тизимини жорий килиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Шунингдек, давлат бошқарувини ахборотлаштириш билан боғлик масалалар Узбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони, «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Махкамасининг «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Интерактив давлат хизматлари курсатишни

хисобга олган холда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ғи қарорлари орқали ҳам бевосита тартибга солинади.

«Электрон ҳукумат» тизими-ни ташкил этишдан күзланган асосий максад – шахс, жамият ва давлат үртасидаги ўзаро муносабатларни соддалаштириш ва бир вактнинг ўзида ривожлантиришdir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишенгандан тантанали маросимдаги маъруzasида «Халк давлат идоралариға эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур»¹, – деб таъкидлаган эди.

«Электрон ҳукумат» тизими Президентимизнинг юкоридаги фикрларини амалиётга самарали татбик этишда муҳим ўрин эгалламоқда. Хусусан, у давлат бошқарув органлари томонидан кўрса-тилаётган давлат хизматларини фуқаролик жамияти субъектларига тез ва самарали, асосийси қуладай етказишига хизмат килади.

Электрон ҳукуматнинг яратилиши:

- ҳукуматнинг карор қабул қилишда очик-ойдинлиги ва хисобдорлигини таъминлайди ҳамда шу орқали коррупция хавфини пасайтирали;
- ахборот олиш эркинлигини оширади (қонунлар ва бошка меъёрий-ҳукукий хужжатлар, статистик ва бошка ахборотлар);

Шавкат Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манбаатларини таъминлаш – юрт тараққиети ва халк фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишенгандан тантанали маросимдаги маъруzasи. <http://www.xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/8983>.

Бизнин: наебатдаги кечкитириб бўлмайдиган ва истиқбалдаги вазифаниз – «Электрон ҳукумат» тизими самарали ишламини таъминлашдан иборат. Ҳозирча у тўлиқ ҳажмда ишламалпти. Айрим идоралар эса бу тизимга ёки уланмаган, ёки очик айтадиган бўлсан, уни нима қилишини ҳам билмайди.

Шавкат Мирзиёев

Олдимизда турган кенг қўламли вазифаларни самарали ҳал этиши, энг аввало, давлат раҳбари сифатида шахсан мендан, давлат ҳокимиётининг учта тармоғидан, шунингдек, барча раҳбар ва мансабдор шахслардан қатъий интизамини талаб этади.

Ишимизни тўғри ташкил этиши, уни самарадортигини таъминлаш бутун бошқарув тизими фаолияти сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришини бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шавкат Мирзиёев

– фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳаётидаги кенг иштирокини таъминлайди;

– кичик ва ўрта бизнеснинг турли чикимлари (вакт, йўл ва бошка харажатлар)ни камайтиради;

– ҳалқнинг давлат бошқарув органларига мурожаатларинн осонлаштиради ҳамда ушбу мурожаатларнинг кўриб чикилишини автоматик равишда назорат килиш имкониятини яратади;

– мурожаат жараёнида так-

дим этиладиган ҳужжатларнинг максимал қискариши орқали турли бюрократик тўсикларга барҳам берилади;

– давлат хизматларидан фойдаланишда эскирган кўпбосқичлилик тизимидан эмас самарали ва тезкорликка асосланган механизмдан фойдаланилади;

– электрон кўринишда мурожаат қилувчи шахсга ўзига қулай бўлган жойдан мурожаат қилишдек курайликлар яратади.

«Электрон ҳукумат» тизимининг Ўзбекистон Республикасида кенг жорий этилиши ва такомиллаштирилиши мамлакатимиз аҳолиси, бутун бир жамият ҳаётида катта ижобий ўзгариш ҳамда янгиланишларга хизмат қиласди. Тизимнинг кенг йўналишларга нисбатан татбик этилиши инсон ҳукук ва эркинликларнинг юкори даражада ҳимоя қилинишига, фуқароларнинг давлат ишларидаги иштирокининг фаоллашувига, давлат органларининг эса мос равишда самарали фаолият олиб боришига шароит яратади. Пировард натижада эса ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг ҳар қандай йўналишида юкори самарадорликка эришиш мумкин.

«Электрон ҳукумат» инфратузилмасида Ягона интерактив давлат хизматлари курсатиш портали амал қиласди. Қабул қилиниши мўлжаланаётган қонун «Электрон ҳукумат» билан

мулоқотга киришгандар фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатларини белгилайди.

Давр шиддат билан ўзгариб бормоқда. Эндиликда вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолият натижаси қурук иктисадий ракамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этаётгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал килаётганига қараб баҳоланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қандай давлат боши қарув тизими қарор топди?*
2. *Ўзбекистонда давлат ҳокимияти қандай тамойилларга таянади?*
3. *Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими қандай номланади?*
4. *2002 йил 27 январда ўтказилган референдум қандай масалага бағишланган?*
5. *«Референдум якунлари давлат ҳокимиятини ташкил этишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун қачон қабул қилинган?*
6. *2011 йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қайси тизимни демократлаштириши учун ҳуқуқий асос бўлди?*
7. *Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми қандай ҳолларда билдирилади?*
8. *Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантиришини кўзда тутувчи норманинг аҳамияти қандай?*

1.3. ЖАМОАТЧИЛИК БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Халқ билан самарали мулокот механизмларини жорий қилиш. Юртимиңда мустақиллик йилларида ҳар бир йилни маълум бир мақсадда алоҳида ном билан аташ анъанаси шаклланди. Шу анъанани давом эттирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимда Президент Ш. Мирзиёев 2017 йилни юртимиңда «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари иили» деб эълон қилди. Бундан мақсад – мамлакатимиздаги демократлаштириш жараёнлари самарадорлиги

Инсон манфаатларини тъминлаш учун жа аввало одамлар билан, халқ билан мулокот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, ортуниятлари, ҳадтий муаммо ва ҳизиджсларини яхши билиш керак.

Шавкат Мирзиёев

ва сифатини тубдан яхшилаш, фукароларнинг эркинликлари, ҳукуқлари, муносиб турмуш тарзи ва манфаатларини тъминлаш, бунда давлат идоралари масъулиятини кучайтириш, халқ билан очик мулокотларни йўлга

кўйишда янги, самарали восита ва усулларни жорий этиш, «Инсон манфаатлари – барча нарсадан устун» шиори остида иш олиб бориши хисобланади. Президент Ш. Мирзиёев давлат ва бошқарув, ҳукукни муҳофаза килувчи органлар мутасаддилари фаолиятига нисбатан таъкидлаганидек, «Биз кейинги пайтда одамлар билан мулокот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиб, дардини эшишиб бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди».¹ Халқ қабулхоналарининг барча ҳудудларда иш бошлагани, халқ билан кенг микёсда мулокот олиб борилаётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ошкоралигини тъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди.

PM.gov.uz портали – Ўзбекистон Республикаси Президенти (2016 йил 23 декабрга қадар Бош вазир) виртуал қабулхонасига жами келиб тушган мурожаатлар 2017 йил 24 январь ҳолатига кўра

¹ Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганинг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги нутқ. «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

409 мингни ташкил этгани порталнинг жамият ҳаётида ўз ўрни борлигидан далолатдир.¹

Хукуматнинг виртуал портали иш бошлагани, мамлакатимизнинг барча худудларида ҳалқ қабулхоналарининг очилиши, 2017 йилнинг «Ҳалқ билан мулокот ва инсон манбаатлари йили», деб зълон килиниши жамоатчилик назоратини кенг микёсда ривожлантириш учун улкан имкониятлар яратди.

Харакатлар стратегиясида Президент Ш.М. Мирзиёев илгари сурган «Ҳалқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари ҳалқимизга хизмат килиши керак» принципини ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий максадлар ҳам мужассамлашган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва ҳалқ билан мулокот килишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир **Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори лойиҳасини ишлаб чикиш**, унда худудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10–12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб таҳлил килиши, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини ҳалқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиши ҳамда тегишли хуносалар бериши, шунингдек, Конунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси иштирокида ўрганиш натижалари буйича тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказиши, Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий ҳалқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил этиш назарда тутилмоқда. Агар парламентнинг ҳалқ иродаси ва манбаатлари асосида фаолият юритиши ҳамда конунлар қабул килиши энг асосий демократик кадриятлардан бири эканига зътибор берсак, депутатлар ва Сенат аъзоларининг ўз сайловчилари билан ўзаро мулокотлари, жойлардаги муаммолардан хабардор бўлиши, уларнинг ечимларини топишда иштирок этиши, маҳаллий вакиллик органларининг жонланишига кўмаклашиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланишига янада куляй шарт-шаронтлар яратади. Чунки олий вакиллик органи депутати авваламбор ўз сайлов округидаги фуқароларнинг

¹ <https://pm.gov.uz/uz/news/view?id=36>

вакили, Сенат аъзоси эса ўзи сайланган минтака маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вакилидир. Шунинг учун ҳам парламент аъзоларининг халқ ичидаги кўпроқ фаолият юритиши давлатимиз баркарорлигнни янада мустаҳкамлаш омилларидан бири бўлиб хизмат қиласи.

Шу сабабли, фукаролик жамиятининг энг асосий тамойилларидан келиб чиқсан ҳолда, давлатни бошқаришда ҳукумат билан ҳалк орасидаги мулокотни ташкил этиш, фукароларни ташвишга солаётган, муаммолар түгдираётган саволларни вактида ўрганиш ва уларни ҳал қилиш максадида 2017 йилги Давлат дастурининг биринчи галдаги вазифаларида самарали мулокот механизмларини ташкил қилиш режалаштирилди ва бир вактнинг ўзида бу режалар амалга оширилмоқда.

Хар бир туман (шаҳар)да жисмоний ва юридик шахсларнинг мураккасаатларини кўриб чиқиши бўйича «Халқ қабулихоналари»ни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Харакатлар стратегиясы, 45-банд

Жойларда Халк қабулхоналарини жорий этишнинг ташкилий-амалий, ҳукукий, моддий-техник ва молиявий асосларини белгилаш, фуқаро мурожаатлари энг кўп кузатиладиган соҳалардаги бюрократик тўсикларни ва муаммоларни бартараф этиш буйича

чора-тадбирлар қабул қилиниши таъминланмоқда. Ахолига талаб катта бўлган давлат хизматларини «ягона дарча» тамоили буйича бир муассаса орқали кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш буйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Шунга кўра давлат органлари фоалиятида замонавий ахборот технологиялари ўринини кенгайтириш, «Электрон хукумат» тизимини самарали ривожлантириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг са-марасини ошириш. Мамлакатимизда жамоатчилик назоратига конституциявий мақом берилган. Ўзбекистонда фукароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки, жумладан, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва тақомиллаштириш йўли билан амалга оширила-ди. Фукаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жамоат-

чилик назоратининг шакланиши ва ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Бир томондан, жамоатчилик назоратининг ривожланиши фуқаролик жамиятининг ривожланиши йўлидаги тусикларнн бартараф этишга хизмат килса, иккинчи томондан, фуқаролик жамияти ривожланиб боргани сари жамоатчилик назорати учун кенгрок имконият ва истиқболлар пайдо бўлади. Ривожланган ва кенг қулоч ёйган жамоатчилик назоратини фуқаролик жамиятисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, фуқаролик жамиятининг ривожланишини ҳам жамоатчилик назоратисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги ва қанчалик кенг тармок ёгани, айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражасидан гувохлик берувчи энг муҳим мезонлардан биридир.

Фуқаролик жамияти жамоатчилик назорати ривожланиши учун имкониятлар яратишнинг сабаби шундаки, том маънодаги самарали, мустақил ва холис назоратни иктисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларигина амалга ошириши мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, модернизация шароитида жамоатчилик назорати мазмунида муҳим ўзгаришлар ўз ифодасини топади. Бу эса, фаолият субъекти бўлган ҳар бир шахс ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олиш билан бирга, бошқалардан, давлат ҳокимияти органларидан уларнинг зиммасидаги мажбуриятларни, вазифаларни бажаришларини талаб қилиш ҳукукини беради.

Мамлакатнинг баркарор ривожланишида жамият ва шахснинг муносабатларини тартибга солувчи асосий механизмлардан бири бўлган давлат назорати муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда жамият, ундаги фуқаролик институтлари ва барча фуқаролар жамоатчилик назорати орқали давлат ва бошқарув субъектларининг фаолиятини

**Ўзбекистон Республикасинин:
фуқаролари жамият ва давлат
ишиларини бошқаришда бевосита
ҳамда ўз вакиллари орқали иши-
тироқ этиши ҳукуқига эгадирлар.
Бундай ишироқ этиши давлат
органларининг фаолияти устидан
жамоатчилик назоратини ривож-
лантириши ва таомиллаштириши
шули билан амалга оширилади.**

**Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси, 32-модда**

мавжуд ижтимоий месъёрлар, қалриятлар, хуқукий андозалар ёрда-
мида назорат килади.

Давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг зарурлигини буюк файласуфлар ҳам асослаб беришган. Масалан, Аристотель ўзининг асарларида ҳалқнинг мансабдор шахслар ва хукмдорлар устидан назоратини давлатнинг сиёсий баркарорлиги ҳамда гуллаб-яшинашининг энг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблаган.

Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида ҳам хукмдорларнинг аҳоли олдида ҳисоб бериб туришлари ва уларнинг қонунларга сўзсиз буйсунишлари зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Жамоатчилик назоратининг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг мавжуд қонунларга мослигиги-
ни текширишдан иборат. Жамоатчилик назоратининг субъектлари
касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, маҳалла ва бошка жамоат
бирлашмалари ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтказилаётган туб ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг 2016 йил кузидан бошланган янги босқичи жамоатчилик назоратини ривожлантиришга янги талаблар қўйди ва айни пайтда янги имкониятлар ҳам очди. Жамоатчилик назорати олдига янги талаблар қўйилиши шу билан изоҳланадики, белгиланган янги вазифалар, Ҳаракатлар стратегиясини тұла амалга ошириш жамоатчилик назоратини кескин кучайтиришни такозо этади. Иккинчи томондан, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг долзарблигини янада ошириб юбормоқда.

Жамоатчилик назоратининг энг муҳим шартларидан ҳисобланадиган «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти-
нинг ошкоралиги тўғрисида»ги қонун 2013 йилда қабул қилинган
ва уни бажариш бўйича 2013–2014 йилларда Самарқанд ва Бухоро
вилоятларида ўтказилган эксперимент ижобий натижалар берган
бўлса, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича
Ҳаракатлар стратегияси бундай ошкораликни бутун мамлакат
микёсида таъминлаш учун асос яратди.

Мамлакатниңда фукаролик жамиятини ривожлантириш иккى йұналишида олиб борилмокда. Биринчидан, давлат үзининг бош бошқарув субъекти макомини сақлаган ҳолда, жамоат ташкилотлари билан алокаларни янги асосға үтказмокда. Энди давлат үзининг муайян функцияларини, бир катар ваколатларини, хукук ва ресурсларни жамоат ташкилотларига үтказмокда. Шу йүл билан давлат жамоат ташкилотларининг үзини үзи бошқариш имкониятларини көнгайтырмокда. Иккінчи томондан, жамият жамоат ташкилотларини ривожлантириш оркалы уларнинг улкан салохиятини мамлакатни бошқариш йұналишида фаоллаштырмокда. Энди давлат фукаролар билан муносабатларни янгича асосға үтказиш учун янги типдаги муносабатлар, яғни шартнома ва бошқа муносабатларни сиёсий, маъмурий-буйруқбозлик муносабатлари үрнига татбик этмокда.

Харакатлар стратегиясида белгиланган тадбирларни амалга оширишда фукаролик жамияти институтлари жамоатчилік назорати ёрдамида давлат органларига халақит бермаган ҳолда давлат бошқаруви механизмларини такомиллаштиришга, коррупцияга карши салохиятини оширишга, фукароларга күрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилашга катта ёрдам күрсатади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва фукаролик жамияти институтларининг үзаро муносабатлари бир томондан фукаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат шаклида бұлса, иккінчи томондан, улар үrtасидаги үзаро муносабатлар ижтимоий шериклик шаклида ҳам бұлади. Бу икки шаклни танганинг икki томонига үшшатыш мүмкін.

Ижтимоий шериклик давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фукаролик жамияти институтлари үrtасидаги муносабатларнинг янги шакли бұлиб, у ривожланган мамлакатлarda XX асрнинг биринчи ярмида вужудға келди. Инсоният тарихида килингандын энг улкан ижтимоий ихтиrolардан бири ижтимоий шерикликдір. Бу ихтиро кашф этилгенниң қадар инсоният тарихида исен ва құзғолонлар, ижтимоий таранглик ва қонли оқибатлар билан тугаган ларзалар тез-тез юз бериб турди. Ижтимоий шериклик назариясининг вужудға келиши ва ижтимоий амалиётта татбик этилиши ларзаларнинг кескін камайишини таъминлади. Инсони-

ят тарихида ана шундай буюк роль ўйнаган назария мустакиллик кўлга киритилганидан кейин Ўзбекистонда ҳам жамият ҳаётига кенг татбиқ этила бошлади. У ҳаётга нафакат татбиқ этилди, балки унинг назарий асослари бойитилди ва амалий жиҳатлари ривожлантирилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ижтимоий шериклик тўғрисидаги Конунни қабул қилиш зарурати тўғрисида сўз юритилар экан, жумладан, шундай дейилади: «Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Конуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади».

Ижтимоий шерикликнинг назарий масалалари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қатор асарлари, нутқ ва мақолалари, хусусан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида чукурлаштирилган бўлса, бу борадаги амалиётнинг ривожлантирилиши уни мамлакатимизда амалга ошириш жараёни Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигига юз берди. Юкорида келтирилган иктибосда ижтимоий шерикликнинг моҳияти, мақсадлари, вазифалари очиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Конунида ижтимоий шерикликнинг субъектлари ва мақсадлари қуйидагича таърифланган: «Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармок, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-хукукий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг хукуклари ва конуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир».

Ижтимоий шериклик мағкураси синфий зиддиятларни юмшатиш, манфаатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган мағкура эди. Бу мағкуранинг келиб чиқишига асосий сабаб меҳнат

соҳасидаги муносабатлар бўлиб, бу мафкура биринчи навбатда, меҳнат муносабатларини тартибга солиш максадида яратилди. Ижтимоий шериклик йўлини танлаган мамлакатларда синфий зиддиятлар туфайли келиб чиқадиган ижтимоий ларзалар сони кескин камайди. жамият тараккиёти учун кенгроқ имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон мустакиллукка эришган дастлабки йиллардан бошлаб тараккиётнинг инқилобий эмас, тадрижий тамойилини танлади. Бу йул ҳаётга ижтимоий шерикликни татбик қилишин тақозо этар эди. Шунинг учун ҳам мустакилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кабул килинган меъёрий-хуқукий ва сиёсий хужжатларда ижтимоий шерикликнинг асосий тамойиллари акс этди.

Мустакил мамлакатимиз фуқаролик жамиятини куришни максад қилиб қўйган экан, бу ҳолат ҳам ижтимоий шерикликни ҳаётга кенг татбик қилишин тақозо этади. Чунки ижтимоий шерикликсиз фуқаролик жамиятини куриш хомхаёл бўлиб колади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш мамлакатдаги давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамда турли миллатлар ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги шерикликка таяниб амалга оширилади. Ижтимоий шерикликка турлича ёндашувларни амалга ошираётган тадқиқотчиларнинг деярли барчаси унинг асосий максади турли ижтимоий гурухлар, қатламлар, синфларнинг манбаатларини мувоғилаштириш ва муҳофаза қилиш эканини, шунингдек, долзарб иктисадий, ижтимоий, сиёсий вазифаларни ҳал этишга кўмаклашиш, демократияни чукурлаштиришга, хуқукий давлат, очик демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашиш эканини эътироф этишади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Конунида давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик субъектлари сифатида белгилаб қўйилган.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллитини ошириш. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш демократик давлат барпо этишнинг мухим шартидир. «Демократия» сўзи «халқ ҳокимияти» деган маънони англатади. Айнан фуқаролик жамияти инсонга у ҳокимият эгаси, ҳокимиятнинг бирдан-бир манбай эканини

**Фуқаролик жамияти – бу ўзини
узи бошқаришидир. Унинг биринчи ва
асосий таомойиги шу.**

Ислом Каримов

хис килиш имконини беради, Демак, демократиянинг ривожи фуқаролик жамиятининг ҳам тараккий этишини тақозо этади.

Фуқаролик жамияти эркин фуқароларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиш соҳаси бўлиб, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилот ва бирлашмалардан ташкил топади ҳамда давлатнинг аралашувидан холи бўлади. Ижтимоий ҳаракатлар, ОАВ, партиялар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини узи бошқариш органлари, ижодий уюшмалар – фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг асосий мақсади – инсоннинг турли манфаат ва эҳтиёжларинн тўларок кондириш, унинг салоҳиятини юзага чиқаришдан иборат. Зоро, фуқаролик жамияти институтлари жамиятдаги айрим муаммоларни мустакил равишда, конуний йўл билан, давлатнинг аралашувисиз ҳал қилишга кодир бўлади. Ўзини узи бошқариш ва катъий интизом – фуқаролик жамиятининг пойдеворини ҳосил киласи. Инсон, унинг манфаатлари, шаъни ва кадр-киммати фуқаролик жамияти-нинг олий қадриятлари сифатида тан олинади.

Фуқаролик жамиятининг моҳиятини чуқуррок англаш учун унинг давлат билан ўзаро муносабатига ойдинлик киритиш лозим. Давлат тузилмаларида бир марказдан бошқариш, вертикал бўйсуниш муносабатлари амал қилса, фуқаролик жамиятида ўзаро тенглилкка, ихтиёрийликка, шахсий ташаббусга асосланган горизонтал муносабатлар устувордир. Айни пайтда давлат ва фуқаролик жамияти бир-бирига қарама-қарши бўлмай, бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун ҳам демократик давлатларда фуқаролик жамияти институтлари қонун доирасида кўллаб-кувватланади ва ҳимоя қилинади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки давлат томонидан фуқаролик жамиятини ривожлантириш масала-сининг стратегик вазифа сифатида илгари сурилиши жамоатчилик

бошқаруви тизимини такомилдаштиришга хизмат килади.

«Халк билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг 49-банди Ўзбекистонда фукаролик жамияти институтларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўллаб-куватланишини таъминлайди. Унинг ижроси ҳудудларда нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан ижтимоий шериклик лойихалари бўйича тадбирларн амалга ошириш қўламни кенгайтиришга хизмат килади.

Фукаролик жамияти онгли, фаол фукаролар томонидан барпо этилади.Faол фукаролик позициясига эга инсон жамиятда рўй берётган воқеа-ходисаларни кузатади, уларнинг сабаб-оқибатлари ҳакида мушоҳада юритади, мавжуд муаммоларнинг ечимини излайди. Бундай инсон фукаролик масъулияти туйғусининг кучлилиги билан ажralиб туради. Фукаролик жамияти институтларига аъзолик шахсий даромадни кўпайтиришга хизмат килмайди. Чунки ташкилотнинг даромади унинг аъзолари ўртасида таксимланмасдан, шу ташкилот фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилади.

Фаол фукаро ўз ҳақ-хуқулари учун курашади, ўз кучига ншонади, мавжуд вазиятни ўзгартиришга қодирлигини англайди. Бундай кўнгиллилар фаолияти умумжамоа манфаатига хизмат килади. Лекин бундай имкониятлардан кимdir фойдаланиши, яна кимdir фойдаланмаслиги мумкин. Чунки, фукаролик жамияти институтларига аъзолик ҳар кимнинг ўз ихтиёридадир. Шундай экан, нима инсонни жамоат ташкилотларига аъзо бўлишга ундейди, деган ҳақли савол туғилади. Булар – мавжуд вазиятни ўзгартириш истаги, жамиятдаги муаммоларни бартараф этишга бел боғлаш, бошқаларга наф келтириш хоҳиши, ватандошларга кўмаклашиш ҳиссидир. Бундан ташқари, ўз салоҳиятини намоён қилиш, бошқалар билан мулокотга киришиш истаги, ижтимоий эътирофга эҳтиёж, профессионал ва ҳаётий тажрибани кўллаш хоҳиши, ўз гояларини татбик этишга интилиш ҳам бундай кўнгилли фаолиятга чорлаши

Харакаттар стратегияси асосида Қорвқатпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида фукаролик жамияти институтлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларини кўллаб-куватлаш бўйича жамоат фонdlари ташкил этилади.

Давлат дастури, 49-банд

Харакаттар стратегиясининг ажратмас бир қисми бўлган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилти»да Давлат дастури лоиҳасининг жамоатчилик муҳокамасида 1310 та тактиф ва мулоҳаия келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди кайта кўриб чиқилди.

ечимини топишида, уларни ҳал килишда давлаттга ёрдам беради.

Фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик фикрини ифодалайди, жамоатчилик назоратини амалга оширади. Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократик давлатнинг асосий белгиси саналади. Бир томондан, жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таомиллаштиришга хизмат килса, иккинчи томондан, фуқароларни давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ноконуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш механизми вазифасини ўтайди.

Жамоатчилик назорати қуйидагиларда намоён бўлади:

- давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш (хар бир фуқаро давлат идорасининг ҳужжати билан бемалол танишиши мумкин, фуқароларнинг мурожаатлари дарҳол кўриб чиқилиши ва уларга зудлик билан жавоб берилиши лозим);
- давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларига юбориладиган петициялар;
- давлат ва жамият ишларида фуқароларнинг бевосита қатнашиши (асосан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти оркали амалга оширилади);
- давлат сиёсатига таъсир ўtkазувчи илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, илмий экспертизани амалга ошириш, таҳлилий ҳужжатлар тайёрлаш, публицистик асарлар чоп этиш, ижтимоий аудит);
- журналистик текширув;
- конун лойиҳалари ва давлат ҳаётига оид мухим масалаларни ошкора муҳокама қилиш;
- конунчилик ташаббуси билан чикиш (унга кўра фуқаролар конун лойиҳасини тегишли субъектларга тавсия этиш ҳукукига эга).

мумкин. Бунда инсон ўз шахсий манфаатлари билан жамият манфаатларини уйғунлаштира олади. Бундай фаоллик инсоннинг ўзи учун ҳам, давлат учун ҳам улкан кўмак бўлади. Чунки инсон юзага келаётган муаммоларни ўз вактида пайкашда, уларнини

Жамоатчилик назорати жамиятдаги иллатларни бартараф этишда мухим ўрин тутади, мавжуд хукукбузарликларнинг олдини олишда самарали хизмат килади. Жамоатчилик назоратида фаолиятнинг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, амалга оширилган назорат амалиётининг таъсиричанлиги мухим ўрин тутади. Бу жиҳатдан **жамоатчилик назорати жамиятда мавжуд муаммолар ва ўзечимини кутаётган зиддиятлар ҳақида объектив маълумот олиш** ҳамда уларнинг макбул ечимини топишга хизмат килади. Таъкидлаш жоизки, **жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишда оммавий ахборот** воситалари мухим ўрин тутади.

Маҳалла институтинынг жамият бошқарувидаги ўрни вя фаолиятнинг самарадорлигини ошириш. Юртимизда азалгиздан маҳалла тарбия учоги ҳисобланади. Авлоддан-авлодга утиб келаётган миллый қадриятларимиз, ҳалқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз корачигидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти бекиёс.

Мустакиллик йилларида маҳалла институтинынг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иктисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянч ва таъсиричан куч бўлиб хизмат килиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чоратадбирлар боскичма-боскич амалга оширилди.

Хусусан, миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йигинлари ўзини ўзи бошқаришнинг худудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди. Юздан ортиқ норматив-хукукий хужжатларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётининг муайян соҳасидаги иштироки ўз аксини топди.

Биргина сўнгги беш йилда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йигини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конунлари, маҳаллалар ҳамда улардаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятига оид 20 га

яқин низом қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди. Шунингдек, тизимда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш бўйича ўкув курслари ҳамда «Маҳалла» маърифий телерадиоканали ташкил этилди.

Хозирги кунда юртимиизда 10 мингга яқин фуқаролар йигинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллукли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иктисодий аҳамиятта молик вазифалар муваффакиятли бажариб келинмокда.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш максадида охирги беш йил мобайнида фуқаролар йигинларининг 1600 га яқин хизмат бинолари жорий, 367 таси капитал таъмирланди ва 350 дан зиёди реконструкция қилинди, намунавий лойиҳалар асосида 216 та бино янгидан курилиб, фойдаланишга топширилди.

Амалга оширилган кенг кўламли ташкилий-хукукий чора-тадбирлар натижасида маҳалла ноёб, дунёда ўхшали бўлмаган тузилмага айланди, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш жараёнода фаол иштирок этиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юқлатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал килишдаги ролини ошириш, фуқаролар йигинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳукукини рӯёбга чикариш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга каратилган ташкилий-хукукий чора-тадбирларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада тақомиллантириш чора-тадбирлари тұғырысына»ги 2017 йыл 3 февралда нымзоланған Фармонида маҳалла институтини янада тақомиллаштиришнинг устувор йұналишлари этиб күйидагилар белгиланди:

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги үрни ва ролини янада кучайтириш, уларни жойларда халкнинг чинакам маслакдоши ва күмакдошига айлантириш;
- жамиятимизда ўзаро хурмат, меҳр-окибат ва ҳамжиҳатлик мұхитини шакллантиришда, миллій ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуғузини янада ошириш;
- ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлігінің таъминлаш, ёш авлодни мағкуравий таҳдидлардан ҳимоя килиш, ақолининг әхтиёжманда қатламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий күллаб-кувватлаш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

– жамоат тартиби ва хавғизлигини таъминлашда, хукук-бұзарлікларнинг барвакт олдини олишда, фуқароларда конунга хурмат хиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хукук ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилишнинг ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, маҳалла тизимида ягона хукукни құллаш амалиётини таъминлаш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бүйіча республика кенгашыға юридик шахс макомини берган ҳолда уни фуқаролар йиғинларининг уюшмаси шаклида ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарларда тузилған кенгашларни эса Республика кенгашининг таркибий тузилмалари сифатида ташкил этиш белгиланди.

Кенгашларнинг нуфузи ва мақомини ошириш, жойларда ахоли томонидан кутарилаётган масалаларни ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари эътиборига етказиш ва мазкур масалаларни ҳал этиш бўйича уларнинг бевосита иштирокини янада кенгайтириш максадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қоракалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шахар ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасига тегишинча Республика кенгаши, ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қилиш вазифаси юклатилди.

Кенгашлар зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳада амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий дастурларни молиялаштириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш максадида Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари бир вактнинг ўзида «Маҳалла» фондининг тегишинча республика бошқаруви ҳамда ҳудудий бўлим ва бўлинмаларига раислик қилишлари ҳакидаги ташаббус қўллаб-куватланди.

Шунингдек, Фармонда ёшларни она Ватанга муҳаббат, ҳалқимизнинг кўп асрлик анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, кекса авлод вакилларининг ижтимоий фаоллигини қўллаб-куватлаш борасида жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш максадида Республика кенгашида ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича раис ўринбосари, шунингдек Республика кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашларда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари лавозимларини, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида эса жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маҳалла фукаролар йигини раисининг ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этиш назарда тутилди.

Бундан ташқари, ижтимоий муҳим масалаларни ҳал этишда фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ўргасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш

мақсадида кенгашлар коллегиал органлари таркибиға тәгишинча давлат хокимияти вакиллик органлари вакиллари, молия, ички ишлар, меҳнат, халқ таълими, соғлиқни саклаш вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, Ҳөтинг-кизлар қўмитаси, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбар ҳодимларини киритиш мўлжалланмокда.

Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклагилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фукаролар йигини Кенгаши таркибиға фукаролар йигини раисининг ӯринбосарларини (фукаролар йигини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини), ҳудуддаги профилактика инспекторларини, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари (оиласвий поликлиникалар) раҳбарларини киритиш ва уларнинг ўз фаолияти юзасидан йилнинг ҳар чорагида фукаролар йигини (фукаролар вакилларининг йиғилиши)га ҳисобот тақдим килишлари амалиётини жорий этиш белгилаб қўйилди.

Қайд этилган асосий вазифалар ва янги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Фармон билан кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини кўллаб-куvvатлаш борасида 37 та аниқ тадбирни амалга оширишни назарда тутадиган Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдикланди.

Фармонни ижро этиш доирасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йигини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конунлари ва бир катор бошка конун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва кўшимчалар киритилади.

Шунингдек, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар зиммасига фуқаролар йигинларининг бандликка кўмаклашувчи туман (шахар) марказлари, ҳуқукни муҳофаза килувчи органлар, таълим Муассасалари ҳамда молия ва соғлиқни саклаш органлари билан ўзаро ҳамкорлигини назарда тутадиган тегишли норматив-ҳукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чикиш вазифаси юкланди.

Бундан ташкари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш бўйича мустакиллигини таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш тизимида ортиқча бўгинлардан воз кечиш мақсадида таркибида маҳаллалар тузилган шахарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларини маҳалла фуқаролар йиғинларига бирлаштириш ва бўлиш йўли билан қайта ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болалар спорт майдончалари, майший хизмат кўрсатиш обьектларини ташкил этиш мақсадида 2017–2021 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, 2018 йилнинг 1 декабрига қадар туманлар ва шахарлар марказларида «Маҳалла маркази» мажмуалари биноларини намунавий лойиҳалар асосида барпо этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шу билан бирга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасига юқлатилган вазифаларининг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларига тақдим этиладиган «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш назарда тутилмоқда.

Фармонда ҳамда у билан тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги вазифаларни самарали бажариш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўргасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг профессионал фаолиятини химоя қилиш. Оммавий ахборот воситалари демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб хизмат килади. Эркин ва мустакил оммавий ахборот воситалари демократик тараккиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди. Оммавий ахборот воситалари эркин ва мустакил бўлган тақдирдагина ижтимоий-сиёсий жарабёнлар тўғрисидаги ҳакикат ифода этилиши мумкин. Бинобарин,

оммавий ахборот воситалари эркинлигини кафолатлаш ва шу оркали муаммоларни кенг жамоатчилик билан мухокама килиш, одамларнинг эркин фикр билдиришлари учун кенг йўл очиб бериш жамиятни эркинлаштиришнинг асосий тамойилларидан биридир. Оммавий ахборот воситалари том маъниода «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиб экан, конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари каби таъсирчан кучга айланмас экан, демократик ислохотларнинг кечиши қийинлашади.

Шуролар даврида оммавий ахборот воситалари якка мафкурани сингдириш куроли бўлиб хизмат қилган. Оммавий ахборот воситалари яккаю ягона партия, яккаю ягона мафкура ва яккафикарлаш сиёсатининг тарғиботчиси эди. Чунки, «қизил империя» ҳар қандай плюрализмни, фикрлар хилма-хиллигини ва, айниқса, гоялар хилма-хиллигини мутлақо инкор килар эди. Барча журналистлар «мутасадди раҳбарлар»нинг оғзини пойлаб, буйрганини кутиб, уларнинг курсатмасига қатъий амал килган ҳолда фаолият юритар эди.

Таъкидлаш жоизки, сўз эркинлигини бўғаётган давлат ўз илдизига болта ураётган, хавф-хатардан огоҳ этадиган жарчининг овозини бўғаётган, ўзини фикрсизлик, турғунлик ўпконига – таназзулга судраётган бўлади. Демократик тузум эса халкнинг фикрига таянади, халқдан ҳимоя топади. Демократик давлатларда оммавий ахборот воситаларига кўпол бўлса ҳам жамият манфаатларини «қўрикловчи кўппак», деб нисбат берадилар. Етакчи демократик давлатларда улар жамиятнинг «қўзлари», «кулоклари» вазифасини бажаради. Огохлантирувчи тизим сифатида улар жамиятдаги иллатордан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чикиб, уларнинг турли ечимларини таклиф килувчи қудратли кучга айланган. Бу тузумда оммавий ахборот воситалари, бир томондан, мунозаралар юритиладиган минбар бўлса, иккинчи томондан, фукаролар учун холис ахборот олиш манбаи бўлиб хизмат килади.

«Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабетли, эфир-кабетли телевидение) ва радиоэшифтиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий намти эга бўлган, давлат масарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир».

Узбекистон Республикасининг
«Оммавий ахборот воситалари
тўғрисида»ги Қонуни

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг хукукий асосларини мустаҳкамлаш борасида катор ишлар килинди, «Оммавий ахборот воситалари тұғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тұғрисида», «Журналистларнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя килиш тұғрисида», «Ахборот эркинлеги принциплари ва кафолатлари тұғрисида» конунлар кабул килинди. Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказы, Миллий матбуот маркази, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва құллаб-куватлаш жамғармаси түзилди. Бошқача айтганда, республикамизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг зарур хукукий базаси ва уларни эркинлаштириш учун шарт-шароитлар яратылған.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларини «тұрткынчы хокимият»га айлантириш долзарб вазифага айланмоқда. Уларни мустақил ижтимоий күчга, сиёсий тизимнинг тұлаконли бүгіншінде ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш – ислохотлар талаби бўлиб колмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларининг эркинлеги ва мустақиллiği уч омилга боғлиқ. Булар: биринчидан, маҳсус конунлар ва қоидаларнинг мавжудлиги; иккинчидан, ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва ракобат мұхитининг амал килиши; учинчидан, журналистларнинг касб маҳорати ва ўз сүзи учун масъулият даражаси.

Демак, аввало, оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил булиши керак. Бу – улар давлатдан мутлако мустақил бўлиб, алоҳида шахслар құлига ўтиб кетиши керак, дегани эмас. Гап мустақиллікнинг энг юксак даражаси – ички мустақиллик ҳақида бормоқда. Оммавий ахборот воситаларининг бундай мустақиллiği журналистлар ижодининг эркинлеги, мавзу танлаш ва фикр бे-ришдаги мустақилликда намоён бўлади. Бунда журналистнинг маъмурый иммунитетта эга булиши назарда тутилади. Яъни, журналистнинг материал тайёрлашда ўз раҳбариятидан мустақил булиши ҳамда ўз ижод намуналари учун факатгина унинг ўзи масъулиятли ва жавобгар булиши талаб этилади. Шундагина журналистнинг ижодий фаолиятини факатгина оммавий ахборот воситалари

фаолиятига дахлдор конунларгина чеклайди, холос. Иш жойида журналистларни фақатгина ижодий жараёнга алокаси бўлмаган хатолари учунгина жазолаш мумкин бўлади. Ижодидаги хатолари кимшингdir кадр-кимматини, шаънни поймол қилгани учун, бузгунчи гояларни тарғиб қилгани ёки воқеа-ҳодисаларни бузиб талюн қилгани учун эса у факт суд олдида жавоб беради. Шундагина журналистнинг ижодий салоҳияти тўла рӯёбга чикишига шароит яратилади, у профессионал мустакилликка эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига курилиши ҳам демократия тараккиётiga хизмат қиласди. Бунинг учун қарама-карши нуктаи назарлардан иборат бўлган дастурларни яратиш, чиқишларда муқобил фикрлар тўкнашувига эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва рағбатлантиришга кодир бўлади. Кўпгина мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти «гоялар бозори»да ҳали шайтимаган янги фикрларни узатишга қаратилади. Лекин ўринли бир савол туғилади: бу «бозор» ҳар кандай гоялар учун ҳам очик булиши керакми? Йўқ, албатта. Экстремистик нуктаи назарлар, гайрнинсоний табиатга эга фикрлар ва қўпорувчиликка чақиравчи гояларга бу «бозор»да ўрин йўқ. Лекин жамиятимиз равнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровон килишга йўналтирилган янги гоялар, таклиф ва тавсиялар бу «бозор»да бемалол ракобат кила олади. Шундагина жамият ҳаётининг турли йўналишларида кабул қилинаётган хукукий-меъёрий хужжатлар, истиқболли дастурлар, лойиҳаларни амалга оширишда журналистлар томонидан ахборот олиш, тўплаш ва тарқатиш масалаларида конунчилик механизмларини такомиллаштиришга, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида холис, тезкор ва тўла-тўқис хабардор килишга, давлат ва жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ишининг такомиллашишига, фуқароларнинг давлат ва жамият курилиши жараёнларида фаол иштирокини таъминлашга хизмат килиб, бу органлар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда барча зарур шароитлар яратилади.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ҳалқ билан самаралы мұлоқот механизмлари Ҳаракаттар стратегиясынинә қайси бандида үз аксины топған?
2. «Ҳалқ билан мұлоқот ва инсон манбаатлары йили» Давлат дастури доирасыда қандай ишлар амалда оширилиши лозым?
3. «Жамоатчылык назораты»нинг зарурати нималарда құрна-ди?
4. Жамоатчылык назоратининг мақсади ва вазифалари нималар-дан ибарат?
5. Жамоатчылык назоратининг субъектлари тұғерисіда нима-ларни биласыз?
6. Давлат қокилемдегенде бошқаруви органдары фаолияттунин- очиқтығы жамоатчылык назорати сарападорлығынине мұхим шарты эканы ҳақида нималарни биласыз?
7. 2017 йылнинг «Ҳалқ билан мұлоқот ва инсон манбаатлары йили», деб эълон қылғаннан кейнінде ривожлантириш учун қандай имконияттар яра-тади?
8. Фуқаролык жамияттың институтлары қандай жамоат таши-китоптари ёки бирлашмалари киради?

II б о б.

КОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, СУДЛАРНИНГ НУФУЗИНИ ОШИРИШ, СУД ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқенини, молдий рагбатлаитириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириши, судларнинг молдий-техник базасини мустаҳкамлаш. Судьялар мустакиллиги тамойили «Судлар тўғрисида»ги конун, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодексларида ўз ифодасини топган. Қайд этиш керакки, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибга йўл тўйнламайди ва бундай аралашув конунга мувофик жавобгарликка сабаб бўлади. Ҳеч ким судьялар ва халқ маслаҳатчиларига тазийик ўтказиш ва маълум бир иш қандай ҳал килиниши лозимлиги бўйича кўрсатма бериш хукукига эга эмас. Ишнинг холисона кўриб чиқилишига тўскинилик килиш ёки ноконуний карор чиқаришга эришиш максадида судьялар ва халқ маслаҳатчиларига ҳар қандай таъсир ўтказиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида судьялар мавкеини ошириш бўйича судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик мuddатини ва шундан сўнг муддатсиз даврини белгилаш ҳамда суд раисларининг судьяларга нисбатан интизомий иш кўзғатишига оид ваколатини тугатиш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сон Фармонига кўра, амалдаги суд котиби лавозими тугатилиб, судларнинг тузилмаларига судья катта ёрдамчиси, судья ёрдамчиси лавозимларининг киритили-

*Судья лавозимида булишининг
эти ююри ғшини, пъни туман ва си-
лоят судлари судья лавозимларини
65 ёшгача, Конституциягий, Олий
ва Олий ҳужалик судлари судья ла-
вотимларини – 70 ёшгача белгилаш
кузда тутилади.*

**Ҳаракатлар стратегияси,
60-банд**

ши келгусида судьяларни одил судлов билан бевосита боғлик бўлмаган вазифалардан озод килишга ҳамда судьялар захирасининг шаклланишига хизмат киласди.

Шунингдек, ушбу фармонга асосан судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайин-

лаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг олий органи хисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустакиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгашнинг асосий вазифалари сифатида судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, раҳбарлик даражасидаги судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашибининг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар бериш ва бошқа муҳим вазифалар белгиланди.¹

Шунингдек, судьяларнинг алоҳида мақомини инобатга олган ҳолда, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш нормалари ва пенсия таъминоти механизмини белгилаш, шу жумладан, судлар фаолиятини факат бюджет маблағлари хисобидан молиялаштириш тартибини, ҳар йили республика бюджетида конунчилик ва ижро ҳокимияти органларидан ажратилган ҳолда алоҳида қаторда белгилаш тизими жорий этилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 22 февралдаги 38 (6732)-сони.

Суд хокимиияти – суд томонидан процессуал қоидаларга қатый амал қилган ҳолда, процессуал ва моддий хукукни кўллаш орқали ўзининг компетенциясига тегишли бўлган ишларни ҳал этиш учун берилган хокимиият ваколатидир.

Суд хокимиятининг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлаш ва суд химоясининг самарадорлигини ошириш мамлакат суд-хукук тизимини ислоҳ килишнинг асосий вазифалари бўлиб, судларни ҳар томонлама мустакил, ўзини ўзи моддий-техник жиҳатидан таъминлаш ва молиялаштириш даражасига кутаришни назарда тутади.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди тасарруфига ўtkазиш алоҳида ўрин эгаллади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сон Фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди, уларнинг штат бирликлари тасдикланди ҳамда унинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Умумий юрисдикция судларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича судлар учун хоналар ёки алоҳида суд зали биноларини ажратиш ва сотиб олиш, капитал таъмирлаш ишларини ўtkазиш, ягона ахборот-компьютер тармоғини яратиш, умумий юрисдикция судларини мебель жихозлари (столлар, стуллар, шкафлар, сейфлар, видео-камера), оргтехника (шахсий компьютерлар, факслар, нусха кўчирувчи машиналар, принтер – кўп функцияли курилма, телекоммуникация ва алока воситалари) билан таъминлаш, судьялар учун автотранспорт сотиб олиш назарда тутилади.

Судьяларга гайриконуний тарзда таъсир ўtkazinigя йўл кўй-маслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш. Ўтган йиллар давомида суд-хукук тизимини тубдан ислоҳ килиш, жамиятни демократлаштиришнинг таркибий кисми сифатида судларнинг холислиги ва

Суд ҳокимиятининг мустакиллiği тұғрисидаги конституциявий нормаларға ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашғандашк учун жавобгарлық муқаррартигини таъминлаш алдымызға құйған мақсадтарға әрнешишін: мұғым қафолатидир.

Шавкат Мирзиев

мустакиллигини мустаҳкамлаш, судни ҳокимиятнинг холис, мустакил тармоғи сифатида мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқук ва әркинликларн ишончли ҳимояланишини таъминлаш бүйича изчил ишлар амалга оширилди. Хусусан, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустакиллигини таъминлаш, уни собық тузумда бұлғани каби катағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фукаро ҳуқук ва әркинликларн ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маңнодаги мустакил давлат институтига айлантиришга қаратылған кенг күламли ташкилий-хукукий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳокимиятлар бұлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш максадида 2000 йил 14 декабрда «Судлар тұғрисида»ғи Қонун янги таҳрирда қабул килинди, шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фукаролик-процессуал қонунчилигига тегишли үзгартыш ва құшымчалар киритилди. Бу эса үз навбатида, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсирдан чиқарыш имконини берdi.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасидан келиб чиқкан ҳолда, «Судлар тұғрисида»ғи Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида судьяларнинг мустакиллиги, уларнинг факат қонунга бүйсуниши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл кўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофик жавобгарликка сабаб булиши белгилаб кўйилди. Ушбу ҳуқук Ўзбекистон қўшилган Инсон ҳуқуклари умумжахон декларациясининг 10-моддасида ва халқаро ҳукукнинг бошқа ҳужжатларида ҳам мустаҳкамланган.

Алоҳида қайд этиш лозимки, суд-ҳуқук тизимини янада демократлаштириш ва әркинлаштириш, суд, ҳуқукни муҳофаза килувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини кучайтириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш

максадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хуқук тизимини янада ислоҳ килиш, фукароларнинг хуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя килиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон ҳамда 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сон Фармонларининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги боскичга олиб чиқди.

Таъкидлаш жоизки, мустакиллик принципи судларга хуқук беради ва шу билан бирга улардан суд муҳокамасини адолатли ўтказишни ҳамда тарафларнинг хукукларига риоя қилишни талаб этади.

Амалдаги конунчиликка асосан судьяларнинг дахлсизлиги суд мустакиллигининг муҳим кафолатидир, дахлсизлик конунга мувоғиқ уларнинг тураржойига, хизмат хонасига, фойдаланалигига транспорт ва алока воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли мулклар ва ҳужжатларга ҳам тааллуклидир. Шунингдек, судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва уни ошкор қилинишининг тақиқланиши судьялар мустакиллиги, уларнинг беғаразлиги ва холислигининг энг муҳим кафолатидир.

Бундан ташкири, судьяга нисбатан жиноят иши факат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Судья Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибега олиниши мумкин эмас.

Судьялар мустакиллигининг асосий кафолатлари «Судлар тўғрисида»ги Конунда мустаҳкамланган. Конуннинг 67-моддасига биноан:

- уларни конунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;
- уларнинг дахлсизлиги;
- карор чиқариш чогида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;
- судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

– судьяга давлат хисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш таъминланади.

Шунингдек, ушбу Конуннинг 69-моддасига мувофик судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашибшга йўл қўйилмайди. Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик килиш ёки гайриқонуний суд карори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир ўтказиш конунга мувофик жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Судьядан курилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек, конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чикиш учун ишларни тақдим этишни талаб килиш тақиқланади.

Халқаро ҳужжатларда суд мустақиллигининг асосан тўртта элементи – ваколат муддати, ташки таъсирга қарши кафолатларнинг мавжудлиги (хусусан, бюджет масалаларида), суд органларининг мустақил ва холис орган сифатида қабул килиниши ажратиб кўрсатилади.

Хусусан, ГФРда судьяларнинг ҳуқукий ҳолати, асосан, 1962 йили кучга кирган, 1972 йили ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган «Судьялар тўғрисида»ги Федерал конун билан тартибга солинган. Мазкур конунга мувофик судья оддий амалдорлар каторига кирмайди, балки давлат билан ўзига хос муносабатда бўладиган шахс хисобланади. Бундай ҳуқукий мақомга эга бўлиш уларнинг мустақиллигини давлат амалдорларининг ғайриҳуқукий таъсиридан муайян даражада кафолатлайди.

Судья суд ҳокимиятининг шаъни ва мустақиллигини мътабар тутиши, ҳалол ва бегараз бўлиши, конунга риоя этиши ва фуқароларнинг ҳуқукларини ҳурмат килиши, ҳар қандай ножӯя ҳаракатлар ёки шундай бўлиб кўриниши мумкин бўлган ҳаракатлардан ўзини тийиши, ўзининг судьялик лавозими нуфузидан шахсий манфаатлари ёки бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланишдан ўзини саклаши, ҳуқук соҳасида ўзининг касб малакасини ошириб бориши, суд жараёнида тарафларга сабр-тоқатлилигини ва обручини кўрсатиши, шахсий ҳаётда юксак ахлоқий қоидаларга амал килиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»нинг иккинчи йўналиши конун устуворлигини ва суднинг чинакам мустакиллигини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сон Фармони билан судьялар ҳамжамиятининг олий органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустакиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ташкил этилди.

Судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустакиллаш. Мустакиллик йилларида мамлакатимизда суд-хукук соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар суд ҳокимиятининг фукароларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя килиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга хизмат килди. Суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чукурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вактида қўриб чикилишини таъминлаш, фукароларнинг шахсий, сиёсий, иктисадий, ижтимоий хукуқ ва эркинликларини ҳимоя килиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослашувини амалга оширишга каратилган норматив-хукукий база яратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 авгуустдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2682-сон Фармонига мувофик 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида Коракалпогистон Республикаси фукаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманларо фукаролик ишлари бўйича судлари ҳамда Коракалпогистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари ташкил килинди.

Умумий юрисдикция судларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг хукук ва эркинликларини суд оркали ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 20 февралдаги «Умумий юрисдикция судларининг айримларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тұғрисида»ги ПФ-3400-сон Фармони кабул килиниб, умумий юрисдикция судларининг тузилмаси, Қоракалпогистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бүйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бүйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бүйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бүйича туман (шаҳар) судларининг янгиланган тузилиши тасдикланди.

Шунингдек, 2013 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПФ-4570-сон Фармони асосида күшимча равиша фуқаролик ишлари бүйича 12 та туманлараро (туман) суди тузилиб, фуқаролик ишлари бүйича туманлараро (туман (шаҳар) судларининг янгиланган тузилмаси (юрисдикция худуди) тасдикланди.

Бундан ташкари, хўжалик судлари тузилмасини янада такомиллаштириш ва уларнинг иктисодий ислоҳотларни амалга оширишдағи ролини кучайтириш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тузилмасини янада такомиллаштириш тұғрисида»ги ПФ-4214-сон Фармони кабул килиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг тузилмаси ва Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг намунавий тузилмаси тасдикланди ҳамда бюджет хисобидан таъминланадиган 124 та судья (раис ва раис үринбосарлари билан биргә) штат бирлиги ташкил этилди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хукук тизимини янада ислоҳ килиш, фуқароларнинг хукук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармони суд-хукук тизимини янада демократлашти-

риш ва эркинлаштириш соҳасида давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқди. Мазкур Фармон билан суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ килиш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя килиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдикланиб, судларни янада ихтисослаштириш, шу жумладан илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурӣ судларни ташкил этиш бўйича зарур вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдикланди.

Давлат дастурининг 58-бандида судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш бўйича хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини ташкил этиш, фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурӣ судларни ташкил этиш, судлар тизимида судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш бўйича таклифлар тайёрлаш (асосан умумий штат бирлиги доирасида) билан боғлиқ зарур вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сон Фармони қабул килингани суд тизими тузилмасини тубдан ислоҳ этишга, улар фаолияти самарадорлигини оширишга, судларни ихтисослаштиришда муҳим қадам бўлди. Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судини бирлаштириш, фуқаролик, жиноят, маъмурӣ ва иктисадий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил этиш; оммавий хукукий муносабатлардан келиб чикадиган маъмурӣ низоларни, шунингдек, маъмурӣ хукукбузарликлар тўғрисидаги ишларни

кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурй судларини, туман (шаҳар) маъмурй судларини ташкил этиш; Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 159 та штат бирлигини кискартириш ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг кўриклаш взводини тугатиш; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар штат бирликларини судьялар ва ҳарбий судлар ходимларидаги ҳарбий хизматчилар ҳукукий мақоми, шу жумладан ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ҳукук, имтиёз ва афзалликлар сакланмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимиға ўтказиш; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъатини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурй ишлар бўйича судлов ҳайъатини ташкил этиш; Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларини Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иктисодий судлари этиб ўзгартириш; ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иктисодий судларини ташкил этиш; амалдаги суд мажлиси котиби лавозимини тугатиб, белгиланган умумий штат бирлиги доирасида судларнинг тузилмаларига судья катта ёрдамчиси, ёрдамчиси лавозимларини киритиш маъкулланди.

Бу, ўз навбатида, келгусида фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳукуклари ва конун билан қўрикланадиган манфаатларининг ихтисослаштирилган судлар томонидан ҳимоя қилинишига, уларни одил судловга бўлган ҳукукларидан фойдаланишда қулайликлар яратилишига, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини янада ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга хизмат киласди.

Суднинг мустақиллиги ва бегаразлиги, суд процесси томонларининг тортишуви ва тенг ҳукуклик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Конунининг 67-моддасига кўра судьяларнинг мустақиллигини таъминлашда, уларни конунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод килиш тартиб-

тамойили алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлабок бу тартиб-тамойилни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингунга қадар вилоят судьялари ва уларга тенглаштирилган судларнинг судьялари ҳамда туман судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири тақдимига асосан тегишли вилоят ҳалқ депутатлари кенгашлари томонидан сайланар эди. Конституция қабул қилинганидан сўнг бу тартиб ўзгартирилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хужалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ҳозирги вактда эса Олий Мажлис Сенати томонидан сайланиши тартиби жорий этилди. Вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судларнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши конун хужжатларида белгилаб қўйилган. Барча судьяларнинг ваколат муддати беш йил этиб белгиланган.

Судьяларнинг ваколат муддати нисбатан қиска эканлиги амалиётда судьяларнинг мустақиллигига зарар етказиш эктимолини кучайтиради. Шундай ҳолатлар бўладики, судьянинг ўз хизмат вазифаларини бажаришга принципial ёндашуви субъектив баҳоланиши унинг номзодининг кейинги муддатга курсатилмай қолишига сабаб булиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «Ҳалқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг 2.1-бандида бошқа масалалар қатори судьяларнинг мустақиллиги ва беғаразлиги принципининг сўзсиз амал қилишини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар назарда тутилган. Хусусан, «Ҳалқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг 2.1-йўналишида судья лавозимида бўлишнинг ilk маротаба 5 йиллик, кейин 10 йиллик

муддатини ва шундан сўнг муддатсиз даврини белгилаш назарда тутилган. Бу тадбирнинг амалга оширилиши суд ҳокимиятининг чинакам мустакиллигини таъминлаш, суд тизимида етук, ўз бурчига садоқатли профессионал судьялар корпусини шакллантириш ва судьялар фаолиятини ҳокимиятнинг бошка органлари таъсиридан холи килиш манфаатларига хизмат килади. Бу, ўз навбатида, суд ишларининг мустакил ва беғараз судья томонидан кўриб чикилишини, ишларнинг адолатли ва холисона ҳал килинишини таъминлайди.

Давлат дастурида назарда тутилганидек, судья лавозимида бўлишнинг энг юкори ёшини белгилаш суд тизимида катта ҳётий ва касбий тажрибага эга бўлган судьяларни сақлаб колиш ва уларнинг салоҳиятидан ёш судьяларни тарбиялаш ҳамда касбга ўргатиш жараёнида кенг фойдаланиш орқали одил судловни амалга ошириш сифатини янада кутариш ва суд ҳокимияти мустакиллигини таъминлашга хизмат килади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси негизида суд ҳокимияти органи сифатида Судьялар олий кенгашини ташкил килиш бу кенгаш фаолиятида судьяларнинг фаол иштирок этиши, судьяларнинг хукуклари ва қонуний манфаатларини химоя килиш бўйича чоралар кўриш, суд ҳокимияти мустакиллигини таъминлаш манфаатларига хизмат килади. Бу, ўз навбатида, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш борасидаги суд раислари ваколатларининг бекор килинишига олиб келиб, натижада судьянинг суд раислари тазикисиз ишларни ҳал килиши ва муайян ишларни мазмунан кўриб чикишда чинакам мустакил бўлишига олиб келади.

Қискача айтганда, Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши судьяларнинг мустакиллиги ва беғаразлигини таъминлаш баробарида фукароларнинг хукук ва эркинликлари ҳамда уларнинг ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини суд тартибида химоя килиш кафолатларини кучайтиради, одил судловни амалга оширишдан кўзланган мақсадларга эришиш имкониятларини кенгайтиради.

Одил судловнинг энг долзарб масалаларидан бири суд процессида иштирок этувчи тарафларнинг тенг хукуклиги ва тортишув при-

иципининг амал килишини таъминлашдир. Бу борада ҳам Давлат дастурида катор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Хусусан, адвокат ваколатларини тергов ва суд жараёнларининг барча боскичида кенгайтириш, шу жумладаи, адвокат томонидан ишни назорат тартибида кўриб чикиш ташаббуси механизмларини белгилаш мулжалланмокда. Дарҳакиқат, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг катор нормаларнга кўра, жиноят ишини кўриш процессида иштирок этажтан прокурор, гумон килинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва фукаролик даъвогари ҳамда уларнинг вакилларидан фарқли равишда адвокат далил тақдим этиш хукукига эга эмас. Адвокат факат далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни тўплашга ва тақдим этишга ҳақли. Адвокатга далил тўплаш ва тақдим этиш хукукининг берилиши унинг хукукларини ишда иштирок этувчи бошқа тарафлар билан тенглаштириш баробарида унга ўз химоясида бўлган шахснинг хукуки, эркинлиги ва конуний манфаатларини янада ишончли химоя килиш имконини беради.

Судгача ва судда иш юритишида адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат орғанлари ва ташкилотлардан маълумотлар, тавсифномалар ва бошка хужжатларни, экспертларнинг ёзма хulosаларини, мутахассисларнинг маълумот ва маслаҳатларини олиш тартибининг такомиллаштирилиши адвокатга ўзига юклатилган вазифани самарали амалга ошириши, ўз химоясида бўлган шахс ёки ишонч билдирувчининг хукукларини химоя килишнинг қонунда назарда тутилган барча услубларидан фойдаланишин учун шарт-шароит яратади.

«Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш. «Хабеас корпус акт» – юридик коидаси дастлаб XV асрда Буюк Британияда пайдо бўлган бўлиб, кейинчалик ўз тарраккиётни жараённида Англия Парламенти томонидан 1679 йил 26 майда қабул килинган қонунда мустаҳкамлаб кўйилган. Шуни айтиш керакки, «Хабеас корпус» институти инсон хукуки билан боғлиқ катор халқаро хукукий хужжатларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 1948 йил 10 декабрда қабул килинган Инсон хукуклари умумжахон декларациясининг 8-моддасида «ҳар бир инсон унга Конституция ёки қонун орқали

берилган асосий ҳукуклари бузилган ҳолларда нуфузли миллый судлар томонидан бу ҳукукларнинг самарали тикланиши ҳукукига эга» эканлиги мустаҳкамлаб кўйилган.

«Хабеас корпус» институтининг Ўзбекистон Республикаси жиноятларни кўриб чиқиш процессига босқичма-босқич жорий килиниши судга кадар иш юритишида фуқароларнинг Конституция ва конунларда мустаҳкамлаб кўйилган ҳукук ва эркинликлари дахлсизлигини, улардан суд карорисиз маҳрум килишга ёки уларни чеклаб кўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини мустаҳкамловчи конституциявий принципни тўлиқ амалга ошириш имконини беради.

Кейинги 10 йил ичida мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳукук ислоҳотлари жараёнида қамокка олиш ва уй камоги тарзидағи эҳтиёт чораларини, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидағи мажбурлов чораларини кўллашнинг суд тартиби жорий қилинди. Кўрсатилган процессу-ал мажбурлов чораларини суд тартибida қўллаш белгиланиши суриштирув ва дастлабки тергов ишларини юритиш устидан суд назоратини кучайтириди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг мухими, фуқароларнинг ҳукук ва эркинликларини химоя килиш борасида умумъетироф этилган принциплар ва ҳалкаро ҳукук нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳукук тизимини янада ислоҳ килиш, фуқароларнинг ҳукук ва эркинликларини ишончли химоя килиш кафолатлари-ни кучайтириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги Фармони билан

¹ Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг күшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. 24-бет.

тасдикланган комплекс чора-тадбирлар дастурида «Хабеас корпус» институтини кўллаш доирасини кенгайтириш ва тергов иши юритилиши устидан суд назоратини кучайтириш максадида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация килиш учун санкция бериш ҳукукини судларга ўтказиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида «хеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бирорнинг ёзишмалари сирини ошкор килиши мумкин эмас». Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш процессуал мажбурлов чорасини кўллашнинг суд тартиби ўрнатилиши фукароларнинг курсатилган конституциявий ҳукукларини ҳимоя килиш кафолатларини кучайтириб, судга қадар иш юритиш боскичида қонунда назарда тутилмаган асослар буйича фукароларнинг ёзишмалари сирини ошкор килинишининг олдини олади. Хатлаб қўйилиши мумкин бўлган почта-телеграф жўнатмаларига барча турдаги хатлар, телеграммалар, радиограммалар, бандероллар, посылкалар, почта контейнерлари киради.

Мурдани эксгумация килиш энг нозик ҳаракатлардан бири бўлиб, у мурдани кўздан кечириш, таниб олиш, текшириш ёки экспертизага намуналар олиш учун мурдани қабрдан чиқариб олиш зарур бўлган тақдирда ўтказилади. Бу ҳаракатни ўтказишида баъзан марҳумнинг яқинлари рози бўлмаслиги, эксгумация уларнинг розилигисиз ўтказилганда уларга сезиларли маънавий зарар етказилиб, турли низоли ҳолатлар вужудга келиши мумкин. Бу тергов ҳаракатини суднинг рухсати билан ўтказилиш тартиби белгиланиши эксгумация факат зарур ҳоллардагина ўтказилишини тъминлаш билан бир каторда марҳумнинг яқинлари ҳукукларини ҳимоя қилади ва турли низоларнинг олдини олади.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий килиш. Ҳозирги кунда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш – одил судлов кафолати ҳисобланади.

Дарҳақиқат, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойик. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 авгуустдаги «Суд

тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза килишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тұғрисида»ги Фармони¹. Ұзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида»ги 346-сон Қарори² кабул килиниши суд ишларини юритиш тезкорлигини ошириш учун судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этишда мұхым қадам бұлди. Шунингдек, 2013 йилдан бошлаб ҳұжалик судларига ҳамда 2015 йилдан зытиборан фуқаролик судларига мурожаат ва унга илова килинадиган ҳужжатларни ахборот тизими орқали электрон шаклда тақдим этиш имконияти яратилди.

Бирок, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида амалга оширилган ишларни етарли деб бұлмайди. Шу боисдан Ұзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хуқук тизимини янада ислоқ қилиш, фуқароларнинг ҳуқук ва әркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПФ-4850-сон¹, 2017 йил 7 февралдаги «Ұзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бүйіча Ҳаракатлар стратегиясы тұғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонларининг кабул

¹ Ұзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза килишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПФ-4459-сон Фармони // «Халқ сұзи», 2012 йил 3 август, «Ұзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами», 2012 йил, 31-сон, 355-мода.

² Ұзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида»ги 346-сон Қарори // «Ұзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами», 2012 йил, 50-сон, 560-мода.

¹ Ұзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хуқук тизимини янада ислоқ қилиш, фуқароларнинг ҳуқук ва әркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармони // «Халқ сұзи» газетасы. 2016 й., 209 (6644)-сон.

килиниши¹ судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенгроқ жорий этишни сифат жнҳатдан янги боскичга кутарди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам 2017 йил 3-чоракда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий килиш бўйича қўйидаги ишлар амалга оширилиши белгилаб берилди:

1. Судъялар ўртасида ишларни автоматик равишда таҳсимлаш тартибини жорий килиш. Бу, ўз навбатида, ишларнинг судъялар ўртасида тенг ва холисона таҳсимланиши, айни пайтда ушбу ишга муайян вактини сарфловчи суд раисининг вактини тежаш имконини беради. Ушбу тизим айни вактда Фукаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманларо судида йўлга қўйилган бўлиб, ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Олдимизда турган асосий вазифалардан бири эса ушбу тизимни республикамиз миқёсида йўлга қўйишдан иборат.

2. Судларда ўз вактида электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини киритиш. Сўнгги йилларда фукаролик ва хўжалик судларига ахборот тизими орқали электрон шаклда мурожаат қилиш ва хўжалик судлари мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имкони яратилгани кувонарли ҳолат ҳисобланади. Лекин замонавий ахборот-коммуникацион технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани ҳамда судларда иш ҳажмининг юқорилиги судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини янда кенг жорий этишни талаб этмоқда. Бу ҳолатда судга мурожаат келиб тушганидан токи ҳужжат бўйича қарор қабул килиниб ижрога етиб боргунча бўлган барча боскичларни автоматлаштириш максадга мувофиқдир. Бу эса суд-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // «Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами», 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ларда электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алокани жорий этиш орқали амалга оширилади.

3. Суд карорларининг ахборот-хукукий электрон базасини юритиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан барча суд карорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш (ёпик суд жараёнида кўриб чиқилган ишлардан ташкари). Ушбу ишлар, табиийки, барча суд карорларининг электрон базаси шаклланишига, йиллар давомида унинг тўлик сакланишига, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан суд карорларининг чоп этилиши эса аҳолининг суд карорлари билан танишиб боришида, уларнинг хукукий онги ва маданиятини юксалтиришда, турли конун бузилиш ҳолатларининг олдини олишда, айникса, жуда катта ахамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сон Фармонида белгиланган вазифалар бўйича келгусида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш:

- 1) судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлайди;
- 2) судларда электрон хужжатлар айланишини тезлаштиради;
- 3) судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва уларнинг сакланишини таъминлайди;
- 4) фуқаролар ва ташкилотларнинг электрон воситалар орқали судга мурожаат қилиш имкониятини яратиб, уларга ортиқча харажатлар сарфлашнинг олдини олади;
- 5) электрон воситалар орқали суд мухокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш ва уларга суд хужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юбориш имкониятини яратади;

6) суд иши юритуви билан боғлик почта харажатлари ва бошқа харажатларни қискартиради;

7) суд иши юритувини электрон шаклда олиб бориш суд қарорлари ва бошқа керакли хужжатларни дарҳол кабул қилиш ёки узатиш имконини беради, шунингдек, судларда қоғозсиз ҳужжат айланишини жорий этишга олиб келади.

8) суд иши юритувида электрон архивлаш тизимини йўлга кўйиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш нафакат суд органлари фаолияти самарадорлигининг ошишига, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган одил судловнинг ошкоралиги ва ҳамма учун очиқлиги принципларини ҳамда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлигини амалда таъминлашга, фуқароларнинг судлар томонидан қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришига, уларнинг ҳукук ва эркинликлари, конуний манфаатлари қисқа муддатларда судлар томонидан ҳимоя килинишини таъминлашга хизмат қиласди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг ихтисослашувини янада тақомиллаштиришининг янги босқичида қандай ислоҳотлар амалга оширилмоқда?
2. Суд тизимида бўғин ва инстанция тушунчаларининг ўзаро боғлиқ ва фарқли жиҳатлари нималарда намоён бўлади?
3. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципини судьяларнинг мустақиллиги билан бοглаб тушунтиринг.
4. Судьяларга гайриқонуний тарзда таъсир ўтказганлик учун жавобгарликнинг мазмунини ёритиб беринг.
5. Таdbиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда иқтисодий судларнинг ташкил этилиши қандай аҳамиятга эга.
6. Маъмурӣ судларни ташкил этишининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапириб беринг.

2.2. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишида сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйғанлик учун жавобгарликнинг мукаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш. Бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш борасида салмокли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ушбу ҳаракатларнинг муҳим йўналиши сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил юртимизда «Халк билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон килинди ва ушбу йилнинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиккан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди¹.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган йилнинг 24 сентябридан бошлаб дастлаб Бош вазир, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал кабулхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур кабулхонага килинган мурожаатлар ва уларнинг тезкор ва сифатли ҳал этилиши жамиятимизда шу пайтгача учраб турган мурожаатларни кўриб чиқишида сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига кескин чек қўйилди, десак, ҳеч ҳам муболага бўлмайди. Чунки, кисқа давр ичida мамлакатимиз ҳудудининг энг олис жойларидан тортиб, пойтахтимиз Тошкент шаҳригача турли-туман масалаларда йигилиб колган муаммолар тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Фикримизни қўйидаги рақамлар ҳам

¹ Шавкат Мирзиёев. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул килинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза // «Халк сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

тасдиқлайди, хусусан, 2017 йилнинг 20 февралига қадар Виртуал кабулхонага жами 509122 та мурожаат қилинган ва бугунги кунда ушбу мурожаатлардан 436408 таси кўриб чиқилган.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда кубул килган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»²ги фармони ана шундай масалаларни ҳал этишининг замонавий усулларини ҳётимизга татбик этиши назарда тутиши билан аҳамиятли.²

Шу мақсадда фармон билан Узбекистон Республикаси Президентининг Халқ кабулхонаси, Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда Узбекистон Республикаси Президентининг Халқ кабулхоналари ва Узбекистон Республикаси Президентининг виртуал кабулхонаси ташкил этилиши белгилаб кўйилди.

Таъкидлаш лозимки, бу ахолининг энг долзарб муаммолари ни ҳал этиш имконини беради, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ҳўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимликлар билан фукаролар ўргасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмини яратишга асос бўлади. Фукароларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини тўлаконлн ҳимоя этиш имкониятлари кенга-яди. Мурожаатлар билан ишлаш сифати янги босқичга кўтарилади. Мурожаатларни эътиборсиз колдириш, уларнинг «йўколиб» колиши, сансалорлик, мурожаатни куйи идораларга қайтариб юбориш ва бошқа шу каби ҳолатларнинг олди олинади.

Жойларда, туман ва шаҳарларда Узбекистон Республикаси Президентининг Халқ кабулхоналари ташкил этилиши фукароларнинг Узбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Президент девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва ҳўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳукукларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратнеша

¹ <https://pm.gov.uz/uz>

² Узбекистон Республикаси конуни ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 5-модда.

**Ўзбекистон Республикасининг
«Жисмоний ва юридик шахслар-
нинг мурожаатлари түгрисида»-
ги Конунига ўзгартиш ва қўшим-
чаларда қўйидагилар назарда ту-
милади:**

**мурожаатларни қабул қилиш
ва қўриб чиқишининг интэрактив
усулларини кенгайтириш;**

**мурожаатларни қўриб чиқиши
натижаларини нашр этиб бориш;**

**такрорий мурожаатларни қў-
риб чиқиши ва ҳал этиши, фуқаро-
ларни сайдер қабул қилиш хусуси-
яллари;**

**видеоконференцатока ёрдами-
да фуқароларни масофавий қабул
қилишини ташкил этиши;**

**«Халқ қабулхонаси» институ-
тининг умумий қоидаларини бел-
гилаш;**

**«Ишонч телефонлари» орқали
мурожаатни қабул қилиш, қўриб
чиқишининг ҳукуқий асослари.**

**Харакатлар стратегияси,
66-банд**

муҳим аҳамият касб этади. Бун-
да мурожаатларни конунчилик
доирасида тўлиқ кўриб чикиш,
холисликка амал килиш ва ўз
вактида қаноатлантириш белги-
лаб қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йилнинг
7 февралидаги «Ўзбекистон Рес-
публикасини янада ривожланти-
риш бўйича Харакатлар стратеги-
яси тўгрисида»ги ПФ-4947-сон
Фармони билан тасдиқланган
«2017–2021 йилларда Ўзбекис-
тон Республикасини ривожланти-
ришнинг бешта устувор йўналиши
бўйича Харакатлар страте-
гиясини «Халқ билан мулокот
ва инсон манфаатлари йили»да
амалга оширишга оид Давлат
дастурида ҳам фуқароларнинг
мурожаатларига катта эътибор
қаратилган бўлиб, ушбу масала

бўйича қўйидаги вазифалар белгиланган:

Биринчидан, аҳоли билан очик мулокотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизmlари ва усулларини жорий этиш максадида 2017 йилнинг II чорагидаёқ «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда.

Иккинчидан, 2017 йилнинг I чорагида барча ҳуқукни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш назарда тутилган. Ҳозирда уларнинг аксарияти виртуал қабулхоналар ташкил этиб, аллақачон ўз фаолиятини бошлаб ўборган.

Учинчидан, ҳар бир давлат ва хўжалик бошкаруви органида ҳамда маҳаллий давлат ҳокимиюти органларида мурожаатлар билан

ишлиш бўйича алоҳида бўлим (бўлинма, гурух) ташкил этиш ва давлат органлари ва муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклашни назарда тутадиган Вазирлар Маҳкамаси карори йойихасини ишлаб чикиш белгиланган.

Тўртинчидан, мурожаатларнинг келиб тушиш манзили, куйи тизимларга юборилганлиги, уларнинг мазмуни, тури ва кўтарилган масалалар классификацияси ҳамда такрорий ва аноним мурожаатлар хисоби, кўриб чикиш натижаси, белгиланган тартиб ва муддатларга риоя килиниши, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик масалалари бўйича таҳлиллар олиб бориш мақсадида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари масъул ижрочилар ва соҳалар бўйича тақсимланиши ҳамда тизимлаштирилишини назарла тутувчи мурожаатларнинг ягона классификатори»ни ишлаб чикиш ва тасдиклаш, мурожаатларни рўйхатга олиш тизими бўйича ягона электрон дастурни татбик этиш кўзда тутилган.

Бешинчидан, ахолига ҳуқуқий масалалар бўйича тушунтириш ишлари олиб бориши фаоллаштириш, ҳуқуқий маслаҳатларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида кенг тарғиб килиш мақсадида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари «еб-сайтлари орқали ўз соҳа фаолиятининг йўналишлари бўйича «Онлайн маслаҳат» рукнини ташкил этиш белгиланган.

Олтминчидан, фукароларнинг мурожаатлари энг кўп тушадиган соҳалар, улардаги тўсиклар, фукароларни ўйлантирадиган бошка эҳтиёжларни аниклаш ва бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳар бир давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида мурожаатлар билан ишлаш аҳволини ҳар чоракда умумлаштириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мурожаатлар билан ишлаш борасидаги фаолияти бўйича аҳолининг фикрини ўрганиш, ижтимоий сўров ўtkазиш, шу жумладан, Интернет тармоғи орқали аниклаш ва камчиликларни бартараф этиш тартибини киритиш назарда тутилган.

Юкоридаги чора-тадбирлар фукароларнинг мурожаатларини ўз вактида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чикишда сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл кўйганлик учун жавобгарликнинг мукаррарлигини таъминлаш, шу-

нингдек, бузилган ҳукукларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш учун зарур ташкилий ва ҳукукий асосларнинг яратилиши мамлакатимизда фукароларнинг ҳукук ва эркинликлари ҳамда конуний манфаатлари кафолатларини кучайтиради, ахолининг адолат қарор топишига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, амалдаги конунчилликка ҳурмати ошишига хизмат килади.

Суд, ҳукукни муҳофаза килувчи ва назорат этувчи органлар фаолиятида фукароларнинг ҳукук ва эркинликларини ишончли ҳимоя килиш кафолатларини таъминлаш. Фукароларнинг ҳукук ва эркинликларини ишончли ҳимоя килиш демократик давлатни барпо этишдек эзгу максадни ўз олдига кўйган ҳар кандай давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 44-моддасида фукароларнинг одил судловга бўлган ажралмас конституциявий ҳукуки мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, ҳар бир шахс учун ўз ҳукук ва эркинликларини суд орқали ҳимоя килиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриконуний ҳатти-харакатлари устидан судга шикоят килиш ҳукуки кафолатланган.

Мустакилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фукароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳукукини рӯёбга чиқаришга каратилган кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада 2000 йил 14 декабрда кабул килинган «Судлар тўғрисида»ги ва 1995 йил 30 августда кабул килинган «Фукароларнинг ҳукук ва эркинликларини бузадиган ҳатти-харакатлар ва қарорлар устидан судга шикоят килиш тўғрисида»ги Конунлар ҳамда суд ишларини юритишга доир янги процессуал конунчиликнинг кабул килингани фукароларнинг юкорида қайд этилган ҳукукининг рӯёбга чикишида катта аҳамият касб этиб келмоқда.

Бугун замоннинг ўзи давлатимиз олдига нафакат суд, шунингдек, бошқа ҳукукни муҳофаза килувчи ва назорат этувчи органлар фаолиятида ҳам фукароларнинг ҳукук ва эркинликларини ишончли ҳимоя килиш кафолатларини янада самарали таъминлаш вазифасини кучайтириш талабини қўймоқда.

Жумладан, давлат сиёсатининг асосий устувор ўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳукукни муҳофаза килувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида жисмоний ва

юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишида сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш холатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг мукаррарлигнни таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳукукларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш белгиланган.¹

Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба бундай кенг кўламда, янги форматда жамоатчилик ўртасида мухокама қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд, ҳукукни мухофаза килувчи ва назорат этувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга қаратилган куйидаги чора-тадбирлар назарда тутилган:

Биринчидан, жисмоний ва юридик шахслар томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш жараёнида тўланадиган давлат божи микдорини камайтириш.

Маълумки, ҳукуклари бузилган фуқаролар адолат кутиб фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат киладилар. Аммо урнатилган давлат божи ставкалари даъвогар жисмоний ва юридик шахслардан катта микдордаги давлат божини тूлашни талаб этади. Улар бундай имкониятга эга бўлмаган тақдирда кўпинча одил судга мурожаат этишда муайян қийинчиликларга дуч келишади. Бу борада давлат божини камайтиришга қаратилган Вазирлар Мажхамаси қарорининг истиқболда кабул килиниши фуқароларнинг ўз ҳукукларини ҳимоя қилишни сўраб судларга мурожаат қилиш имконини янада кенгайтиради. Пировард натижада низоларнинг суд жараёнига қадар етиб бориши уларнинг адолатли ҳал этилишига хизмат қилади ҳамда давлат ва жамият ҳаётида конун устуворлигининг амалда таъминланишига эришилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги ПФ-4850-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 й., 209 (6644)-сон.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси.

Электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқдан фойдаланишини, шунингдек, процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишини, суд-тергоғ жараёғларини стеноограмма қилишини; янги турларни кенгроқ жорий этиши бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

**Ҳаракатлар стратегияси,
77-банд**

қуайликларни яратади.

Бу орқали одил судловни олиб боришда самарадорликнинг ортишига ва процессуал иштирокчилар ўртасида сансалорлик натижасида ортиқча харажатларниг бартараф этилишига эришилади.

Учинчидан, судлар фаолиятига оид маълумот билан фуқароларни таъминлашни назарда тутувчи «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чикиш.

Қонунчиликка киритиладиган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар орқали суд органлари фаолияти тизимиға оид маълумотлар ҳамда суд ҳужжатларининг ошкоралигини таъминлаш орқали судлар фаолиятининг шаффоғлиги таъминланади. Бунинг натижасида ҳалкниң судларга бўлган ишончи ва ҳурмати ортади. Судларга иисбатай жазоловчи орган эмас, балки инсон ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида муносабатда бўлиннишига эришилади.

Шунингдек, бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 29-моддасида мустаҳкамланган фуқароларнинг ўзлари истаган

Иккинчидан, электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чикиш.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ва глобал интернет тармоғининг кун сайнн такомиллашиб ҳамда оммалашиб бориши одил судловни юритишнинг электрон шаклларидан кенг тарзда фойдаланиш суд процесси тарафлари учун ҳар томонлама

ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш сингари конституцияий хукукларидан суд органлари фаолиятига нисбатан фойдаланиш имкониятини яратади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 30-моддасида назарда тутилган фуқароларнинг ўз хукук ва манфаатларига дахлдор бўлган хужжатлар, қарорлар ва бошка материаллар билан танишиб чикиш хукукларидан самарали тарзда фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Фуқароларнинг хусусий мулк хукукини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари буйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халк билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг иккинчи йўналишида Фуқароларнинг хукук ва эркинликларини ишончли ҳимоя килиш кафолатларини таъминлаш борасида фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган хукукларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам назарда тутилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иктисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этали. Давлат истеъмолчиликнинг хукуки устунлигини ҳисобга олиб, иктисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат килиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳукуклилигини ва ҳукукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади», – деб белгиланган.

Хусусий мулк бозор иктисодиётининг таянчи экан, Асосий конунимизда назарда тутилган мазкур нормани амалиётга самарали татбик этиш мақсадида мамлакатимизда тегишли норматив-ҳукукий хужжатлар базасининг яратилишига катта эътибор қаратилди. Бу борада мулкчиликнинг турли шаклларини ўзида белгилаб берган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги конун, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид асосий гояларни ўзида акс эттирган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги конун, мулкчилик муносабатлари турли жиҳатдан тавсифлаб берилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси муҳим аҳамиятга эга.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси.

Электрон тартибода суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференциалоқаден фойдаланишини, шунингдек, процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишини, суд-тергов жараёнларини стеноограмма қилишини; яни турларини кенгроқ жорий этиши бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

**Харакатлар стратегияси,
77-банд**

кулайликларни яратади.

Бу орқали одил судловни олиб боришда самарадорликнинг ортишига ва процессуал иштирокчилар ўртасида сансалорлик натижасида ортиқча харажатларнинг бартараф этилишига эришилади.

Учинчидан, судлар фаолиятига оид маълумот билан фуқароларни таъминлашни назарда тутивчи «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳакида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши.

Қонунчиликка киритиладиган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар орқали суд органлари фаолияти тизимига оид маълумотлар ҳамда суд ҳужжатларининг ошкоралигини таъминлаш орқали судлар фаолиятининг шаффоғлиги таъминланади. Бунинг натижасида ҳалқнинг судларга бўлган ишончи ва хурмати ортади. Судларга нисбатан жазоловчи орган эмас, балки инсон ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида муносабатда бўлинишига эришилади.

Шунингдек, бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 29-моддасида мустаҳкамланган фуқароларнинг ўзлари истаган

Иккинчидан, электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ва глобал интернет тармоғининг кун сайин такомиллашиб ҳамда оммалашиб бориши одил судловни юритишнинг электрон шаклларидан кенг тарзда фойдаланиш суд процесси тарафлари учун ҳар томонлама

ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш сингари конституциявий хукукларидан суд органлари фаолиятига нисбатан фойдаланиш имкониятини яратади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 30-моддасида назарда тутилган фукароларнинг ўз хукук ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, карорлар ва бошка материаллар билан танишиб чикиш хукукларидан самарали тарзда фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Фукароларнинг хусусий мулк хукукини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг иккинчи йўналишида Фукароларнинг хукук ва эркинликларини ишончли ҳимоя килиш кафолатларини таъминлаш борасида фукароларнинг хусусий мулкка бўлган хукукларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам назарда тутилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг хукуки устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат килиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг хукуклилигини ва хукукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади», – деб белгиланган.

Хусусий мулк бозор иқтисодиётининг таянчи экан, Асосий конунимизда назарда тутилган мазкур нормани амалиётга самарали татбиқ этиш мақсадида мамлакатимизда тегишли норматив-хукукий ҳужжатлар базасининг яратилишига катта эътибор қаратилди. Бу борада мулкчиликнинг турли шаклларини ўзида белгилаб берган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги конун, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид асосий foяларни ўзида акс эттирган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги конун, мулкчилик муносабатлари турли жиҳатдан тавсифлаб берилган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси мухим аҳамиятга эга.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

**Ўзбекистон Конституцияси,
53-модда**

Айникса, Ўзбекистон Республикаси «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқукларининг кафолатларн тұғрисида»ги конунининг кабул қилиниши мамлакатимизда хусусий мулк ҳимоясига оид конунчиликини янги боскичга күттарди.

Хусусан, конуннинг 17-моддасида «Хусусий мулк бұлған мол мулкни, шу жумладан ер участкасини национализация ва реквизиция килинган ҳолларда олиб қўйиш, агар конунда бошқача коида назарда тутилмаган бўлса, мулкдорга унинг бозор қиймати, шунингдек бундай олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўла копланиши шарти билангина амалга оширилади», 24-моддага кўра эса «Давлат мулкнин хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсизdir. Хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ва бекор килинмайди», деб белгилаб қўйилиши хусусий мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш ва кафолатлашда муҳим роль Ўйнади.

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва кафолатлаш тизимини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсикларни бартараф этиш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПФ-4725-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларни ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсикларни бартараф этишга каратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тұғрисида»ги ЎРК-391-сон Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама ҳимоя қилишга ва ишибилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида»ги ПФ-4848-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги «Тадбиркорлик фаолия-

тилнинг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама химоя килишга ва иш билармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар кабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-418-сон Конунининг кабул килиниши мухим аҳамиятга эга бўлди.

Фукароларнинг хусусий мулк ҳуқукларини химоя килиш ва уларнинг хусусий мулкдан ҳеч кандай тўсикларсиз фойдаланиши, фукароларнинг хусусий мулк ҳуқукини амалга ошириш кафолатларини мустахкамлаш максадида ҳозирги пайтда ўз ечимини топаётган масалаларни ҳал этишимиз лозим. Дастурда бу борада бир қатор масалаларни ҳал этиш назарда тутилган.

Хусусан, конунчилигимизга мувофик, жиноят ёки ҳуқукбузарлик содир этилганида жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқукбузарлик предметининг мусодара этилиши билан боғлик коидалар мавжуд. Мазкур коидани амалиётда кўллаш жараённида айрим ҳолатларда жиноятга ёки маъмурий ҳуқукбузарликка алокадор бўлмаган ёки айби бўлмаган мулкдорнинг мулклари мусодара этилиши ҳоллари учрамоқда. Бунда фукароларнинг хусусий мулкка нисбатан ҳуқукларининг поймол этилиши ҳоллари юзага келмоқда.

Шу жиҳатдан Дастурда, жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқукбузарлик предмети сифатида мулкдан фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни олиб қўйиш (вактинчалик олиб қўйишдан ташқари) ва мусодара килиниши тақиқлашга онд нормаларни ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида «жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан катъи назар, мусодара килиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ килиб юборилади» деган коида мавжуд.

Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу ўйлоди гов булиб турган барча тўсик ва чекловларни бартараф этиши энг муҳим устувор вазифадир. Барқарор иқтисодий ўсииш ва маҷлакатимизнинг кетажак истиқбали, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўн жиҳатдан айни мана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этишишага боғлик.

Ислом Каричев

Мазкур кодекснинг 203¹-моддасига асосан, «Ашёвий далил деб эътироф этилган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар шунингдек, жиноий мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараённида бевосита фойдаланилган мол-мулк жиноят қуролидир».

Бу жиноят қуролига берилган кенг таъриф бўлиб, хар қандай жиноят қуролини мусодара килиш шартлиги ҳакидаги жиноят ва жиноят-процессуал коидалар хусусий мулкка оид коидаларга номутаносибdir. Хусусан, шахс бошқа шахслар мулкидан фойдаланишини назарда тутувчи битимлар тузган (ижара, текин фойдаланишига оид битимлар) ҳолда мулкка эгалик килаётган ва ушбу мулкни жиноят қуроли ёки маъмурӣ ҳукукбузарлик қуроли сифатида ишлатган вазиятларда мазкур мулкнинг мусодара килиниш ҳоллари учрамоқда. Бундай вазиятда жиноятга ёки ҳукукбузарликка мутлако алоқаси бўлмаган шахснинг мулкий ҳукуклари бузилмоқда.

Юкоридагилардан келиб чиккан ҳолда, жиноят қуроли ёки маъмурӣ ҳукукбузарлик предмети сифатида мулкдан фойдаланишида мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни олиб кўйиш (вактинчалик олиб кўйишдан ташқари) ва мусодара килишни тақиқлаш мақсадга мувофиқdir. Бунинг натижасида жиноятга ёки ҳукукбузарликка алоқаси бўлмаган шахсларнинг мулкий ҳукуклари поймол этилиши каби салбий ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди.

Дастурнинг мазкур йўналишида назарда тутилган масалалардан яна бири Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ айрим ҳолатларга бағишлиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан киймати энг кам ойлик иш ҳақининг 2 минг баробаридан кам бўлмаган, норезидентлар томонидан киймати 100 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган янги курилган кўчмас мулкни Тошкент шаҳри ва вилоятида сотиб олганлик учун 5–10 фоиз микдорда давлат божи тўлаган ҳолда кўчмас мулкни эркин сотиб олиш ва эгалик килишга оид нормаларнинг ишлаб чикилиши назарда тутилган.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтишнинг алоҳида тартиби мавжудлиги ҳам мазкур ҳудудларда фуқароларимизнинг кўчмас мулк сотиб олишларида сунъий тўсикларни юзага келтирмоқда. Аҳолининг мазкур

худудлардан кўчмас мулк сотиб олишга қобилиятли қатлами учун зарур шароитларни яратиш лозим.

Эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан бири шуки. Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмаган шахсларининг кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқукига эга эмаслиги сабабли бундай шахслар томонидан кўчмас мулк олди-сотди шартномасида назарда тутилган мулкнинг ҳаки аслида улар томонидан тўланса-да, шартномада сотиб олувчи сифатида доимий рўйхатда бўлган бошка шахслар расмийлаштирилиши ҳоллари учрамоқда. Бу амалда сотиб олинган кўчмас мулкнинг ҳакини тўлаган шахс бошка-ю, ушбу мулкка бошка шахс конуний эга, мулкдор бўлиб колишига олиб келяпти. Келажакда низо келиб чиқсан тақдирда эса кўчмас мулкка оид хужжатларда номи қайд этилган шахсга нисбатан ҳуқук ва мажбуриятлар юзага келмоқда. Шунингдек, кўчмас мулкнинг конуний эгалари томонидан мулкнинг ҳакиқий эгаларига билдирилассдан мулкнинг сотиб юборилиши, ижарага берилиши ва гаровга кўйилиши амалиётда катта муаммо ва низоларни келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари, кўчмас мулк билан боғлик турли тўловларнинг тўланишига оид тушунмовчиликларнинг юзага келаётгани ҳам маълум. Амалда «мулкдорлик хисси»га эга бўлмаган, Факатгина хужжатда мавжуд «эга» томонидан кўчмас мулкка оид тўловларнинг тўланмаслиги ёки мулкнинг каровсиз қолдирилиши давлат бюджетига ва жамиятга зарар етказмоқда.

Дастурга мувофик, санаб ўтнлган масалаларни ўз ичига қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Конуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши назарда тутилган бўлиб, мазкур лойиҳанинг кабул килиниши Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқукини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлашгага, Тошкент шахри ва вилоятида уй-жой куриш соҳасининг жадал ривожланишига хизмат қилади.

Суд хужжатлари ва бошка органлар хужжатлари ижроси самаралорлигини ошириш. Мамлакатимизда суд-ҳуқук соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар натижасида суд карорларини ижро этиш соҳаси ривожлангани ва янада тақомиллашиб бораётганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Бу борада 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси «Суд хужжатлари ва бошка органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Конун-

нинг қабул қилиниши мамлакатимизда суд тизимини янада ислоҳ қилиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш, судлар мустакиллигини мустаҳкамлаш, шунингдек, суд қарорларининг ўз вактида ва сифатли ижро этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда суд қарорларининг ўз вактида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида 2009 йил 15 январдаги «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Узбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига ўзгартиш ва қушимчалар киритиш тўғрисида»ги Конуни қабул қилинди. Мазкур Конунга асосан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими янада такомиллаштирилди.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги «Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1900-сон қарори қабул қилиниши ўз навбатида суд қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолияти самарадорлигини янада ошириш, унинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, суд ижрочиларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш тизими такомиллаштирилишига олиб келди.

Бирок, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини оширишда ушбу қабул қилинган норматив-хукукий ҳужжатларни етарли деб бўлмайди. Шу боисдан Узбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хукук тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон¹ фармонининг қабул қилиниши, суд

¹ Узбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хукук тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 й., 209 (6644)-сон.

хужжатлари ва бошка органлар хужжатларинн ижро этиш самара-
дорлигини оширишда муҳим ўрин эгаллади. Мазкур фармон билан
тасдиқланган комплекс чора-тадбирларнинг еттинчи устувор йўна-
лиши «Суд хужжатлари ва бошка органлар хужжатларини ижро этиш
самарадорлигини ошириш»га бағишиланиб, унга кўра Узбекистон
Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжатик процессуал
кодекслари келгусида:

давлат фойдасига мулкий ундирувлар билан боғлиқ ишларни
кўриб чикишда судьяларнинг даъвони таъминлаш чораларини
куриш мажбуриятини;

суд ҳал килув карорининг ижро этиш тартиби ва усулини белги-
лаш кисмida суд ҳал килув қарорига қўйиладиган, унинг тўғридан
тўғри амал килишини таъминлайдиган талабларни;

суллар томонидан ижро хужжатларини юбориш муддатларини;

давлат бюджетига ундирувлар бўйича ижро варакаларини факат
суд ижрочиларига беришни назарда тутадиган ягона тартнбни;

суд ҳал килув қарорини ижро этиш усули ва тартибини тушун-
тириш, ўзгартириш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чикиш,
иш юритишини тўхтатиб туриш, ундирувни карздорнинг бошка
шахсларда турган мол-мулкига қаратиш тартибини белгилаш йўли
билан ижро ишини юритиш устидан суд назорати механизмларини
(куриб чикиш муддатлари, суд таркиби, суд муҳокамаси тартиби,
чиқариладиган ҳал қилув карорининг шакли);

суд хужжатлари ижросини кечинтириш ва бўлиб-бўлиб ижро
етиш асослари ва уларнинг энг кўп муддатларини;

коммунал карздорлик бўйича суд буйргуни чиқариш тўғ-
рисидаги аризага илова килинадиган хужжатларнинг кенгайти-
рилган рўйхатини (карзни узиш тўғрисидаги талаб, коммунал
тармоқдан узиб қўйиш далолатномаси, истемолчи билан тузил-
ган шартнома, карздор томонидан эътироф этилган карздорлик
хисоб-китоби, кўчмас мулк эгаси тўғрисидаги маълумотнома ва
бошкалар);

хорижий судлар ва арбитражларнинг қарорларини эътироф
етиш ва ижро этишнинг аник процессуал тартибини (судловга тे-
гишлилик, тақдим этиладиган хужжатлар рўйхати, суд муҳокамаси

тартиби, карорни эътироф этиш ва унинг ижросини рад этиш асослари) назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур комплекс чора-тадбирларда суд ижрочиларининг штат бирлигии кўпайтириш ва эришган натижаларини хисобга олган ҳолда шахсий мукофотлаш тартибини жорий килиш оркали уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш даражасини ошириш, суд ижрочилари учун хизмат кийими ва транспорт намуналарини тасдиқлаш каби мухим вазифалар амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони¹ ҳамда ушбу фармон билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси»да ҳам суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича мухим вазифалар белгилаб қўйилди.

Мазкур Харакатлар стратегияси асосида келгусида суд ижрочиларининг штат бирлигини кўпайтириш ва суд ижрочиларини моддий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада суд ижрочилари сонини ошириш ва уларни эришган натижаларини хисобга олган ҳолда шахсий мукофотлаш тартибини жорий килиш оркали уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш жорий этилади.

Чунки, суд ижрочиси касбининг нуфузи, обруси кутарилмас экан, бошқа ҳеч кандай чора-тадбир суд ва бошқа орган хужжатларини тўлик ва самарали ижро этилишига хисса қўшолмайди. Юридик адабиётларда ҳам суд хужжатларини лозим даражада ижро этилмаслигининг асосий сабабларидан бири сифатида суд ижрочиларининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ижтимоий ва иқтисодий таъминоти яхши йўлга қўйилмаганлиги, рағбатлантирувчи омилнинг мавжуд эмаслиги ҳамда ваколатларнинг чекланганлиги ҳамда бунинг натижасида суд ижрочиларининг кўнимсизлиги, яъни бир иш жойидан иккинчи жойга кўчиб юриш холатлари тез-тез кузатилаётганлиги кўрсатилади¹.

Дарҳакикат, юкорида таъкидланганидек, суд карорларининг ўз вактида самарали ижро этилишида суд ижрочилари ўзига хос ўринга эга. Шунинг учун ҳам суд ижрочиларининг мавкеини кўтариш, уларнинг ижтимоий химоясини кучайтириш давр талабига айланмокда. Келгусида суд ижрочилари суд хужжатларининг ўз вактида, тезкор ва сифатли ижро этилишидан тўлиқ манфаатдор бўлишини таъминлаш максадида уларни моддий рағбатлантириш, шунингдек, ижро ишларининг тезкорлигини таъминлаш максадида Ижро департamenti тизимларида штат бирлигини кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишда уларни ижрога юбориш муддатларини ҳам аниқлаштириш мухим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу борадаги конун хужжатларини такомиллаштириш давр талабидир.

Хозирги вактда суд хужжатлари ижрога юборилганидан сўнг унинг ижроси қандай бўлди, ижро этилганми ёки йўқми, ижро иши тугатилдими ёки тўхтатилдими, деган масала ҳам долзарб хисобланади. Шу сабабли суд карорларининг ижросини таъминлаш, уларга бўлган ишончни мустаҳкамлаш максадида келгусида ижро ишлари устидан қаттиқ суд назорати амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, судьяларнинг ҳам ўзлари чиқарган карорлари ижроси таъминланиши устидан масъулиятини оширади.

Фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувоғик ҳар бир шахсга ўз хукук ва эркинликларини суд оркали химоя килиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-харакатлари устидан шикоят килиш хукуки кафолатланади.

¹ М. Мусин. Вопросы совершенствования исполнительного производства в Казахстане // <http://www.supcourt.kz/site/supcourt.nsf/>.

Хар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашаётган хукуки ёхуд конун билан қўриклиданадиган манфаатларини ҳимоя килиш учун конунда белгиланган тартибда судга мурожаат килишга ҳакли. Демак, судлар манфаатдор шахсларнинг ҳукук ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

Одил судловнинг факат судлар томонидан амалга оширилиши Узбекистон Республикасининг Конституциясида, «Судлар тўғрисида»ги конунда ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган.

Фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш учун уларга қўйидаги имкониятлар берилиши керак:

суд харажатларининг кўп бўлмаслиги;

суд томонидан давлат божи тўлашдан озод қилиниши ёки уларни тўлашнинг кечикирилиши;

малакали юридик ёрдам олишга йўл қўйилиши;

фуқароларга суд ҳимоясидан фойдаланишда қулайликлар яратиш максадида суд идоралари халқнинг яшаш жойларига мумкин кадар яқинлаштирилиб жойлаштирилган булиши.

Бу имкониятларнинг айримлари бўйича мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Узбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4570-сон Фармони¹ қабул қилиниши муносабати билан айрим вилоятларнинг узок, чекка туманларида фуқаролик ишлари бўйича туман судлари (масалан, Жizzах вилояти фуқаролик ишлари бўйича Фориш туман суди, Корақалпогистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Амударё туман суди, Самарқанд вилояти фуқаролик ишлари бўйи-

¹ Узбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4570-сон Фармони // Узбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 42-сон, 556-модда; 2014 й., 37-сон, 464-модда.

ча Нуробод туман суди) ташкил этилди. Фукароларнинг малакали юридик ёрдам олишини янада кенгайтириш максадида Ўзбекистон Республикаси Фукаролик процессуал кодексига, «Адвокатура тўғрисида»ги конунга ва бошқа конун хужжатларига кўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Бирок, ҳозирги кунда конунчиликдаги айrim тўсикларнинг давжулиги фукароларнинг тўғридан-тўғри суд орқали ҳимояланиш ҳукукини чекламоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хукук тизимини янада ислоҳ қилиш, фукароларнинг ҳукук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон¹, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонларининг қабул қилиниши² мамлакатимизда суд-хукук тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, фукароларнинг одил судловга тўскинилксиз эришишини таъминлашни сифат жиҳатдан янги боскичга кўтарди. Мазкур фармонларда белгиланган чора-тадбирлар, ўз навбатида, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида ўз аксини топди.

Ҳозирги вактда жисмоний ва юридик шахслар томонидан фукаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш жараёнида давлат божларининг юкори миқдорда белгилангани фукароларнинг одил судловни амалга оширишларида қайсиdir маънода тўскинилк

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хукук тизимини янада ислоҳ қилиш, фукароларнинг ҳукук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 й., 209 (6644)-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

килмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат божи ставкалари»га кўра, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат килинганида давлат божи кўйидаги миқдорда тўланади:

Даъво аризаларидан даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг:	
20 баробаригача бўлганда	даъво баҳосининг 5 фоизи миқдорида
20 дан 40 баробаригача бўлганда	даъво баҳосининг 10 фоизи миқдорида
40 дан 80 баробаригача бўлганда	даъво баҳосининг 15 фоизи миқдорида
80 баробаридан кўп бўлганда	даъво баҳосининг 20 фоизи миқдорида

Юқоридаги давлат божи ставкаларидан кўриниб турибдики, жисмоний ва юридик шахслар фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат килганида тўлайдиган давлат божи миқдори даъво баҳосига қараб ошиб бормоқда. Бу эса, уларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқига тўсқинлик килмоқда. Шунинг учун ҳам келгусида давлат божи миқдорининг камайтирилиши ушбу тўсикларнинг бартараф этилишига, фуқароларнинг ўз ҳукукларини ҳимоя килишни сўраб судларга мурожаат қилиш имконини оширишга олиб келади.

Шунингдек, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда «Халқ билан мuloқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида 2017 йил 4-чоракда судлар фаолиятига оид маълумот билан фуқароларни таъминлашни назарда тутувчи «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳакида»ги Ўзбекистон Республикаси конуни лойиҳасини ишлаб чикиш белгиланган.

Бу эса фуқароларга суд тизими ва жараёнига оид маълумотлар билан танишиб чиқишига, очик суд мажлисларида фуқаролар иштирокнинг таъминланшига, суд мажлисларининг «онлайн» тарзда трансляция килинишига, суд ҳужжатлари ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса килиб айтганда, фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар, ўз навбатида, судлар фаолиятига оид маълумотлар билан

фуқароларни таъминлашга, фуқароларнинг бузилган ҳукук ва эркинликлари ҳамда конун билан кўриклиданадиган манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишига хизмат килади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этишда виртуал қабулхоналарнинг ўрни ва аҳамияти нималарда кўринади?
2. «Мурожаатларнинг ягона классификатори» ва «Онлайн маслаҳат» каби тузилмаларнинг вазифа ва аҳамияти нимада?
3. Барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этишдан қандай мақсад қўзланмоқда?
4. Электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этишига қаратилган қандай чора-тадбирлар кўзда туттилмоқда?
5. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини қайси орган амалга оширади?
6. Конунчилигимизга мувофиқ, жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилганида жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети мусодара этилиши мумкини?
7. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатга олинмаган шахслар кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эгами? Ушбу масала Ҳаракатлар стратегиясининг Давлат дастурида қандай ҳал қилиниши белгиланган?
8. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича мамлакатимизда келгусида қандай ишлар амалга оширилиши куттилмоқда?

2.3. МАЪМУРИЙ, ЖИНОЯТ, ФУҚАРОЛИК ВА ХЎЖАЛИК КОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий килмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш. «Ҳаракатлар стратегияси»нинг 2.3. бандидамаъмурӣ, жиноят, фуқаролик ва хўжалик конунчилигини такомиллаштириш белгиланган булиб, унда ушбу конун хужжатларига бир катор ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш назарда тутилган. Жумладан, Жиноят ва жиноят-процессуал конунчилнгини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий килмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш каби мухим вазифалар белгиланган.

Мазкур вазифа доирасида инсон ҳукук ва эркинликларини таъминлашнинг шаффоғлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг ривожланиш ҳолати, замонавий талаблардан, ҳалкаро стандартлардан келиб чиккан ҳолда, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этишини назарда тутган ҳолда, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича 2018–2021 йилларга мўлжалланган Концепция» лойиҳасини ишлаб чикиш режалаштирилган. Унда:

биринчидан, камок тарзидағи жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум килиш билан боғлик бўлмаган жазонинг муқобил турларини кўллаш имкониятини кенгайтириш назарда тутилган. Жумладан. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда, уни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали ахлоқий-тарбиявий таъсир ғўрсатиш чораларини кучайтиришга каратилган озодликдан маҳрум килиш билан боғлик бўлмаган муқобил жазо турини киритиш белгиланган. Ушбу ўзгартиришлар жиноят содир этган кўплаб инсонларни жамиятдан, уларнинг оиласидан ажратмаган ҳолда, содир этган жинояти учун инсон-парварлик тамойилларига асосланган жазо турларини кенгрок кўллаш имконини беради;

иҳинчидан, ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод килиш институтини янада кенгайтириш ўз ифодасинн топган бўлиб, унда асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни ушбу институтга киритиш назарда тутилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 661-коддасига мувофик, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганик учун судланганлик ҳолати туғалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод килинмайди. Бугунги кунда ярашув институтига 50 дан ортиқ жиноятлар киритилган бўлиб, минглаб инсонлар жиноятни содир этгандан сўнг етказилган заарни қоплаб, жабрланувчилар билан ярашиб, жиноий жавобгарликдан озод бўлмоқда. Бу борадаги ислоҳотларни давом эттириш ва ярашганлик қуносабати билан жиноий жавобгарликдан озод килишга асос булаган жиноятлар сонини кенгайтириш мамлакатимиизда янада кўпроқ шахсларни судланганлик ҳолатидан саклаб колади;

Учинчидан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, бозор муносабатлари асосларига мувофик келмайдиган ҳамда тадбиркорликнинг ривожланишини ва иқтисодий айланмани тўхтатиб турувчи айрим иқтиёсий жиноятлар учун жавобгарликни бекор килиш ҳам ушбу лойиҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг мантикий давоми бўлади. Ушбу йўналишда иқтисодиёт соҳасидаги, жумладан, ҳўжалик фаолияти соҳасидаги айрим ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан батамом чиқариб ташлаш, бунинг эвазига мазкур соҳада биринчи марта жиноят содир этган шахслар тўғри йўлга қайтса, уларнинг конун бузиш ҳолатлари ва унинг натижасида етказилган ҳарар бартараф этилса ҳамда улар тадбиркорлик фаолиятини конуний амалга оширишни бошласа, бундай тоифадаги шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилади;

Тўртинчидан, вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жаззарни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни ўтказишда уларнинг ҳуқукий ҳимоясини кучайтиришга доир бир катор ўзгартиришлар киритиш белгиланган. Бунда дикқат-эътибор вояга етмаган шахсларни ўкиш ва ишдан, энг асосийси, уларни оиласидан ажратмаган ҳолда, уларнинг таълим-тарбиясига ижобий таъсир

килувчи, хорижий мамлакатларда ўзини нжобий томондан оқлаган жазо ва мажбурлов чораларини кенгрок қўллашга каратнади. Шунингдек, нафақат вояга етмаган айбланувчи ва судланувчи шахсларни, балки жиноятлардан жабр кўрган ва у ёки бу жиноятнинг гувоҳи бўлган вояга етмаганларнинг ҳукук ва манфаатларини химоя килиш каби муҳим ўзгартиришлар киритилиши белгиланган. Бунда вояга етмаган шахсларга нисбатан тергов ҳаракатларини амалга оширишда уларни адвокат, ота-оналари ёки якин кариндошлари билан иштирокини таъминлаш, ушбу жараёнларнинг муддатларини кискартириш ва бошқа шу каби ўзгартиришлар назарда тутилади;

бешинчидан, қилмишнинг жинойлигини истисно этадиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг ахволини бошқача тарзда яхшилайдиган конунни қўллаш тартибини белгилаш назарда тутилган. Бунда қилмишнинг жинойлигини истисно этадиган ҳолатларни кенгайтириш, жиноят содир этилиши натижасида келтирилган заарар копланган тақдирда, шахснинг жиноий жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи алоҳида рагбатлантирувчи нормалар киритилиши белгиланган. Шунингдек, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг ахволини бошқача тарзда яхшилайдиган конунни қўллаш тартиби юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли карорини кабул қилиш ва унда шахснинг ҳукук ва конуний манфаатларини химоя килишга каратилган, етказилган заарни коплаган, чин кўнгилдан амалда пушаймон бўлган шахсларга нисбатан жиноят конуни нормаларини тўғри ва бир хилда қўллашга оид тушунтиришлар беришга алоҳида ўтибор каратилади;

олтинчидан, судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва олиб ташланишиннинг амалдаги муддатларини кискартириш белгиланган. Судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганидан келиб чиқадиган ҳуқукий ҳолатdir. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига тегишли ўзгартириш ва кўшимчалар киритилиши натижасида судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва судланганликнинг олиб ташланиши муддатларини ярмига кискартириш, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаган шахслар учун судланганлик муддатини белгиламаслик тўғрисидаги қоидалар

назарда тутилади. Судланганлик мuddатининг қисқартирилиши, унинг барча хукукий оқибатлари бекор бўлишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, шахснинг хукукий ҳолатини енгиллаштириш, ижобий хулқ-атворини рағбатлантириш билан бирга, шахсга нисбатан давлат томонидан ишонч билдирилаётганлигининг амалий ифодаси ҳисобланади;

еттингчидан, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтиришга қаратилган «мажбурий жамоат ишлари» жазосини киритиш назарда тутилган. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар учун жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш, унинг жиноий фаолиятига тўскинлик қилиш, янги жиноят содир этилишининг олдини олиш, келгусида Конституция ва конунларга оғишмай риоя қилишга олиб келади. Шу билан бирга, мазкур жазо нафакат жиноий жазоларни либераллаштиришга, балки жиноий жазоларни ҳалқаро стандартларга мувофиклаштиришга хизмат килади. Эътиборли томони шундаки, мазкур жазо шахснинг асосий иш вактидан ташқари вактда ижро этилиб, кунига тўрт соатдан ошмаслиги белгиланади.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги конуни кабул қилиниб, мазкур конун натижасида суд-хукук тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, жиноят қонунчилнгини янада такомиллаштириш, жиноий жазоларни инсонпарварлаштиришга эришилади.

Одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳужалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хукуклари, эркинликлари, конуний манфаатларининг суд томонидан ишончли ҳимоясини тъминлаш ва маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш буйича Конституциявий нормани амалда татбиқ этиш зарурати маъмурий судлар тизимини ташкил этишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси-

да»ги ПФ-4966-сон Фармонига кўра, илк маротаба 2017 йил 1 июндан бошлаб маъмурий судлар фаолият олиб бориши белгиланди. Маъмурий судлар оммавий-хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий хукукбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чикиш ваколатига эга ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, оммавий-хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар деганда, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар тушунилса, маъмурий хукукбузарлик деганда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофик кўриб чиқиладиган, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фукароларнинг ҳукуқ ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий мухитга тажовуз килувчи гайрихукукий, айбли (касдан ёки эҳтиётсизлик оркасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий судларнинг ташкил этилиши фукароларнинг судга шикоят килиш каби конституциявий кафолатини амалда таъминлаш, тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини ошириш, профессионал суд корпусини шакллантириш, пировардида фукароларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат килади.

Маъмурий ишларни кўриб чиқишининг процессуал тартибини таъминлаш мақсадида катор норматив-хукукий ҳужжатлар, жумладан, «Маъмурий суд иши юритуви тўғрисида»ги ва «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги конунлар лойиҳалари ишлаб чиқилади. Мазкур ҳужжатлар давлат органлари фаолиятида конунийликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқ ва конуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳаракатлар стратегиясида жиноят суд иши юритувининг процессуал асосларини такомиллаштиришга оид «Ўзбекистон Республикасининг айrim конун ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конун қабул килиниши назарда тутилган бўлиб, унга кўра:

— жиноятни содир этишида гумон қилинган шахсларни ишлаб туриши муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилади. Бундай қадам албатта жиноят процессиға жалб қилинган шахсларнинг ҳуқук ва эркинликларни самарали ҳимоя қилишга, жиноят ишлари юритуви муддатларини оқилона қисқаришига ва энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар талабларининг бажарилишига хизмат килади.

— қамоққа олиш ва уй қамоги тарзидаги әхтиёт чораларини қўллаш, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилади. Мазкур муддатларнинг қисқариши, энг аввало, қамоққа олиш ва уй қамоги чоралари қўлланилаётган шахснинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлашга каратилиб, шу билан бирга, дастлабки тергов органларига янада жиддий масъулият юклайди.

— поча-телеграф жүннатмаларини хатлаб қўйши ва экслу-
мация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилади. Мазкур тергов харакатларини ўтказишга рухсат бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши орқали жиноят процессида Хабеас корпус институти янада кенгайтирилади, шахснинг дахлсизлик ҳукукларининг чекланиши фақатгина суд қарори билан амалга оширилиши мумкинлиги тўғрисидаги халқаро ва конституциявий талаблар таъминланади.

— судларга қамоққа олиш ёки уй қамоги тарзидаги әхтиёт чорасини қўллаш ради этилганида мукобил әхтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилади. Мазкур ҳукукнинг судга берилиши суднинг қарор қабул қилишда мустакиллигини ва масъулиягини янада оширади. Бунда мукобил әхтиёт чорасини суднинг ўзи қўллаши унинг иши кўрилаётган инсоннинг тақдирига бефарқ эмаслигини англатиб, ишнинг ҳолатлари ва айланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларга караб оқилона әхтиёт чорасини қўллашга имкон беради.

Одиг судловнинг мазмун-мөхитига тўғри келмайдиган судлар томонидан жиноят ишларини қўшичма терговга қайтариш амалиётидан воз кечиши вакти келди. Суд ёки оқлов ёки коралов ҳукмини чиқариши керак.

Шавкат Мирзиёев

— терговнинг тўлиқ змаслигини суд мұхокамаси жараёнида тўлдириши механизмларини жорий этиш орқали суд таомонидан жиноят ишини қўшимча терғов юритишга қайтариши институти бекор қилинади. Қўшимча терговнинг бекор қилиниши жиноят процессининг асосий принциплари: айбиззлик презумпцияси, тортишув ва тарафлар тенглиги, ҳакиқатни аниклаш принципларининг реал таъминланишини кафолатлади. Энг мухими, суд зиммасига куриб чиқилаётган иш юзасидан якуний карор қабул қилиш масъулиятини юклайди. Яъни, суд ё айлов, ё оклов ҳукмнин чиқариши зарур, учинчи вариант бўлиши мумкин эмас.

1. Судгача фуқаролик ва хўжалик низоларини ҳал этишининг асосий тушунчалари, мақсадлари, вазифалари, механизмларини белгиловчи «Яраштирув жараёнлари (медиация) тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конуни лойиҳаси ишлаб чиқилади. Мазкур конуннинг ишлаб чиқилиши жисмоний ва юридик шахсларга ўзаро низоларни суддан ташкари, мукобил ҳал этиш имконини беради. Ҳозирги вактда фуқаролар ва ташкилотлар низоларни ҳал этиш мақсадида ҳакамлик судларига ҳам мурожаат этишмоқда. Кўплаб хорижий давлатларда низоларни мукобил ҳал этишнинг бошқа шакллари, хусусан, медиация институтлари ишламоқда ва ижобий натижа бермоқда. Масалан, Хитойда 30 фоиз, Словакияда 40 фоиз низолар судга бормасдан ҳал этилса, АҚШда низоли ҳолатларда низолашувчиларнинг 75–85 фоизи медиация институтига мурожаат килади ва уларнинг 90–95 фоизи ижобий ҳал этилади. Медиация институтининг яна бир ижобий хусусияти шундаки, унда тарафлар судга мурожаат килишдан кўра камрок харажат қилиб, низони ҳал этиш имкониятига эга булади. Англияда низони медиация жараёнида ҳал этиш судга мурожаат қилишдан 5 баробар арzonга тушади. Ҳиндистонда медиаторнинг қарори суднинг қарори билан бир хил кучга эга экани ҳам эътиборга молик жиҳат хисобланади.

Шу сабабли мамлакатимизда ҳам келгусида «Яраштирув жараёни (медиация) тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конуннинг қабул қилиниши, низоларни киска муддатларда ҳал этилиши билан бирга, ортиқча харажатлар сарфланишига чек кўйиш ва турли оворагарчиликларнинг олдини олиш ҳамда тарафлар ўрта-

сидаги ўзаро хурмат ва ишбилар-монлик муносабатлари сакланнб колишига хизмат килади.

2. **Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низолар бўйича судга мурожаат килишдан аввал эътиrozни мажбурий тақдим этиш тартибини ўрнатиши.**

Низоларни судгача ҳал этиш тартибини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг бузилган хукуқ ва конуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш учун зарур бўлган шартлардан бири сифатида эътироф этилади. Мазкур масала **Хўжалик** процессуал кодекси 6-моддасининг иккинчи қисмида агар конунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан сўнгина хўжалик судида иш қўзгатиш мумкинлиги белгиланган. Узбекистон Республикасининг «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»**ги Конунида талабнома билдириш тартиби ва уни кўриб чикиш муддатлари тартибга солинган.

Узбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида даъвогар судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун конунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни кўллаш имконияти йўқотилган бўлса, иш юритиш тугатилиши (86-модда биринчи қисмининг 8-банди), даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса шу тоифадаги низолар учун конунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, даъво кўрмасдан қолдирилиши (88-модда биринчи қисмининг 5-банди) белгиланган. Демак, низони судгача ҳал қилиш – талабнома юбориш тартибига риоя килмаслик, судда даъвони кўрмасдан қолдиришга ёки иш юритишни тутатишга аеос бўлади.

*Одамлар билан уларнинг ти-
лида гаплашиши, дардини эшишим
ва муаммоларини ҳал қилишининг
самарали усусларини жорий этиши
устидиа жисдий бош қотиришиниг
зарур.*

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятиннг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Конуни 17-моддасида хукуклари ва конуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур хукук ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳакли эканлиги белгиланган.

Эндиликда мазкур конун ва Хўжалик процессуал кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низолар бўйича судга мурожаат килишдан аввал эътирозни мажбурий тақдим этиш тартибини ўрнатиш назарда тутилмоқда. Бу эса хўжалик юритувчи субъектлар судга мурожаат килишидан олдин албатта низони судгача ҳал этиш чорасини кўриши шартлигини билдиради.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам шуни курсатадики, масалан. Бельгияда суд тарафларга келишмовчиликни судгача ҳал этиш механизми ёрдамида бартараф этишни таклиф килиши шартлиги. Испания ва Италияда эса судья тарафларни ярашув тартибтаомилига мурожаат килишга каратилган барча чораларни кўришга мажбур эканлиги белгиланган. Греция конунчилиги бўйича ҳам агар тарафлар низони ўзаро ҳал этиш бўйича яраштирув тартибтаомилини қўлламаган бўлсалар, суд даъвони қабул қилмайди.

Тахлилларга кўра, низоларни ҳал қилишнинг суд тартиби нисбатан узок вакт талаб киласи. Баъзида шартнома томонлар учун самарасиз якунланиши, низолашётган тарафлар учун жиддий муаммолар (давлат божи, қабул килинган карорнинг ижросини таъминлаш ва х.к.) тугдириши ҳам мумкин. Низо турли ваколатли судларда ёки суд инстанцияларида кўрилишини эътиборга олсак, суд ижро варакалари билан эришадиган натижага караганда, низони судгача ҳал килиш – талабнома тартиби оркали тезрок ҳамда осонрек натижага эришиш мумкин.

3. Фукаролик ва хўжалик, шу жумладан, шартномавий-хукукий муносабатлардан келиб чиқалиган низоларни судгача ҳал қилиш механизmlарини қўллашни кенгайтириш. Ҳозирги вактда фукаролик ва хўжалик судларида йилдан-йилга кўрилаётган ишлар сони ортиб бормоқда. Шу сабабли, тарафларнинг вактини

тежаш, уларни ортикча овора килмаслик, низоларни келишув йўли билан ҳал этиш максадила, судгача ҳал этиш бўйича механизмлар (музокара, талабнома юбориши ва бошқалар)ни процессуал конунчиликда аник белгилаб қўйиш назарда тутилмоқда. Ҳўжалик судлари шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал килиш (талабнома юбориши) тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этмаган бўлса. Ҳўжалик процессуал кодексининг 118-моддасига асосай, даъво аризасини кайтаради. Лекин ушбу коидалар фукаролик процессуал конунчилигида белгиланмаган. Шу сабабли ҳозирги кунда, фукаролар меҳнат низолари бўйича меҳнат низолари комиссиясига ёки оилавий низолар бўйича ўзини ўзи бошқариш органларидағи ярашув комиссияларига мурожаат килиши мумкин бўлса-да, фукаролар судга мурожаат килмоқда. Лекин, ушбу низоларнинг айримларини судгача ҳал этиши имконияти мавжуд. Шу сабабли, келгусида фукаролик процессуал конунчилигида ҳам низоларни судгача ҳал этишнинг процессуал механизмлари аник белгилаб қўйилади.

Натижада Фукаролик процессуал кодексининг 152-моддасига даъвогар томонидан жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаган бўлса, агар қонун ёки шартномада мазкур тоифадаги низолар учун бундай тартиб назарда тутилган бўлса, даъвони қабул қилишни рад этиш бўйича янги асос киритилади.

4. Ҳакамлик судлари фаолиятини ташкил қилишининг конуний асосларини ва улар томонидан конунчиликка риоя этилиши устидан назоратни таомиллаштириш, ҳакамлик судларига қўйладиган талабларни аниклаштириш. Бунда Узбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўгрисида»ги конунини янги таҳрирда қабул қилиш ва уни тубдан, замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиши масаласи қўйилмоқда. Шунингдек, Узбекистон Республикасининг Фукаролик процессуал ва Ҳўжалик процессуал кодексларига ушбу конундан келиб чиқиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, ҳакамлик суди судьялари ҳукук ва конуний манфатларини химоя килувчи, ҳакамлик судига судьяларни тизимли

равишда тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш билан шугулланувчи, ҳакамлик судлари фаолиятини мувофикалаштирувчи, улар томонидан қонунчиликка риоя этилиши устидан марказлаштирилган назоратни амалга оширувчи, уларнинг номидан ҳаракат килувчи ягона ташкилот – Палата ташкил этиш, унинг ҳукукий макоми, асосий вазифалари, ташкилий-ҳукукий механизmlарини қонунда аник белгилаш, ҳакамлик судларининг асосий вазифаларини белгилаш, ҳакамлик суди судьялигига номзодларга кўйиладиган, уларнинг малака ва билим савиясига бўлган талабни кучайтириш ушбу қонунга киритилиши лозим бўлган асосий вазифалардан биридир. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, ҳам ҳакамлик судларининг нуфузи, ҳам ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳакамлик судларига бўлган ишончи ва ҳурмати ошишига хизмат қилади.

Жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишларини кўриб чиқиши тартибини такомиллаштириш, бир-бирини тақрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни кискартириш.

Жиноят ишларини кўриб чиқиши тартибини такомиллаштириш йўналишида жиноят процессиага ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар тўгрисидаги ишлар бўйича судгача ва судда иш юритишининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш энг асосий вазифалардан биридир. Судгача ва судда иш юритишининг соддалаштирилган тартибининг жорий қилиниши, биринчи навбатда, ишларга дифференциал ёндашувни таъминлаб, шахсларнинг жиноят процессидаги ҳукукларини кенгайтириш эвазига дастлабки тергов ва судда ишларнинг кўриб чиқилиши тезкорлиги ва самарадорлигига эришилади. Яъни, ишларнинг соддалаштирган тартибда кўрилиши натижасида процесс иштирокчиларининг вақти тежалади, суд сансалорлигининг олди олинади, дастлабки тергов органларида ва судларда иш ҳажми жиддий камаяди, бу эса бевосита тергов органлари ва судлар фаолияти сифатини таъминлайди.

Шунингдек, Узбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибida кўриб чиқиши бўйича бир-бирини тақрорловчи ваколатлари бекор қилинади. Яъни, ишни назорат тартибida кўриб чиқадиган суднинг ишни биринчи инстанция судига ёхуд апелляция ёки кассация инстанцияси су-

дига янгидан кўриб чикиш учун юборишга оид ваколатлари аниклаштирилади. Жумладан, моддий ва процессуал конун нормаларини бузганлик ҳолатларини аниклашлан ташкари, куйи инстанция судлари томонидан тайинланган жазоларни кайта кўриб чикиш бўйича кассация ва назорат суд инстанциялари ваколатларини чеклаш назарда тутилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралда кабул килинган «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фоалияти самародорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ҳам айнан шу масалага алоҳида эътибор каратилиб, судларнинг апелляция ва кассация инстанциялари куйи турувчи суднинг қарорини ўзгартирган ёки бекор килган тақдирда, ишни янгидан кўриб чикишга юбормасдан туриб, якуний қарор чикариш бўйича ваколатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чикилишини ва киритилишини таъминлаш вазифаси белгиланган.

Келгусида фуқаролик ва хўжалик судларида ишларни кўриб чикини процессуал механизмларини такомиллаштириш ва бирбирини тақрорловчи ваколат ва инстанцияларни қисқартириш бўйича куйидаги ишлар амалга оширилади:

1. **Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида** кайта кўриб чикиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилади. Бу эса фуқароларга қисқа муддатда низоларни ҳал этиш, судларда йиллаб овора бўлиб юришнинг олдини олиш, ўз навбатида, суд қарорларининг баркарорлигига эришиш, фуқароларнинг судга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга олиб келади.

2. **Вилоят миқёсидаги судлар томонидан** фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чикиш институтини тугатиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатларини бекор қилиш.

Судлардо ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқаролик ишларнида овора бўлиб юришларнинг олдини олиш, айнан бир инстанция судида ишни бир неча маротаба кўриб турли қарорлар қабул қилиш амалиётига чек қўйини вакъти келди.

Шавкат Мирзиёев

Вилоят микёсидаги судлар ўзлари биринчи инстанцияда ёки апелляция (кассация) тартибида кўрган ишларни яна назорат тартибида кўриши ёки ушбу назорат тартибида кўрилган фукаролик ишларининг назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўриб чиқилиб, яна ушбу инстанцияларга кўриш учун юборилиши, ўз навбатида, судьяларнинг холислигига, уларни шу ишни тўғри, асосли, адолатли ҳал этишига шубха уйғотади. Шунинг учун ҳам назорат инстанциясинин мустакилликини таъминлаш, суд карорларига холис баҳо бериш мақсадида келгусида фукаролик ишларининг назорат тартибида факат Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўриб чиқилиши белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатларини бекор қилиш. Ушбу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фукаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, раёсати ва Пленумига тегишли. Ушбу инстанциялар ишни назорат тартибида кўрганида ушбу ваколатларни амалга оширади. Назорат тартибида кўрадиган инстанцияларнинг ваколатлари ўртасида умуман фарқ йўқ. Колаверса, суд амалиётида Олий суд Пленуми назорат тартибида иш кўрган холатлар деярли учрамайди. Шунинг учун ҳам келгусида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриш бўйича ваколати чиқариб ташланади. Бу каби амалиёт хўжалик судларида мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 195-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати барча хўжалик судларининг ҳал килув карорлари ва карорлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни назорат тартибида кўради.

4. Ишни назорат тартибида кўриб чиқадиган суднииг ишни биринчи инстанция судига ёхуд апелляция ёки кассация инстанцииси судига янгилан кўриб чиқиш учун юборишига онд ваколатларини аниқлаштириш. Ҳозирги вактда Ўзбекистон Республикаси Фукаролик процессуал кодексининг 361-моддасига кўра, суд ишни назорат тартибида кўриб, ўзининг ажрими ёки

каори билан ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бутунлай ёхуд кисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция суди ёки апелляция ёхуд кассация инстанцияси судига юборишига ҳакли. Бирок, ушбу инстанцияларга кайси асосларга кўра юбориши фуқаролик процессуал конунчиликда кўрсатилмаган. Шу боисдан келгусида ушбу масала юзасидан ҳам фуқаролик процессуал конунчиликка аниқлик киритилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг сарсонгарчилигининг олдини олади ҳамда назорат инстанцияси судининг ваколатларини аниқлаштиришга олиб келади.

5. Хорижий тажриба ва ҳалкаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриб чиқиши асослари тартибини такомиллаштириш, шу жумладан, фуқаролик, маъмурӣ ва хўжалик ишлари бўйича янги очилган ҳолатлар юзасидан қайта кўриб чиқиши тўғрисидаги ариза бериш мумкин бўлган энг кўп муддатни аниқлаштириш ва кискартириш. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 362-моддасига кўра, конуний кучга кирган ҳал қилув карорлари, ажримлар ва карорлар янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 364-моддасига кўра, янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳакидаги ариза ишда иштирок этган шахслар ёки прокурор томонидан ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни чиқарган судга берилади. Ишда иштирок этувчи шахслар бундай аризани ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичida беришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 204-моддасига кўра, хўжалик суди ўзи кабул килган ва конуний кучга кирган суд хужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 205-моддасига кўра, конуний кучга кирган суд хужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ишда

иштирок этувчи шахслар томонидан шу хужжатни қабул килған хұжалик судига суд хужжатини қайта күриш учун асос булиб хизмат килувчи ҳолатлар очилған кундан зытиборан бир ойдан кечиктирмай берилиши мүмкін.

Процессуал конун хужжатларига күра, ушбу ишлар бүйіча ариза бериш муддати иштирок этувчи шахсларга ҳолатлар маълум бұлған кундан зытиборан ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар бир неча йиллардан кейин маълум булиши ва ушбу масаланиң суд томонидан күриб чикилиши самараасиз ва натижасиз булиши мүмкін (масалан, мулкнинг йўқ булиб кетиши, фуқаронинг улими ва бошқалар). Шунинг учун ҳам мазкур масала бүйіча бир катор хорижий давлатлар тажрибасини инобатта олган ҳолда, келгусида ариза беришнинг энг кўп муддати ва унинг энг киска муддати аник белгилаб кўйилиши ҳамда энг асосийси, качондан бошлаб ушбу муддат ҳисобланиши белгилаб берилади.

Электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

Фуқаролик судларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан кенг фойдаланишга қаратилған ҳукукii ҳужжатлар ижросини таъминлаш ва шу асосда фуқаролик судлов тизимини янада такомиллаштириш максадида 2013 йилда «E-SUD» Электрон судлов ахборот тизими (ЭСАТ) ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Айни пайтда яратилған миллий электрон ахборот тизими нинг суд буйргуни чиқариш кисми фуқаролик ишлари бүйіча Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг туманлараро судларида самарали кўлланилмоқда.

Шу билан бирга, тизим орқали судлар даъво аризалари, шикоятлар, илтимосномалар ва бошқа ҳужжатларни жисмоний ва юридик шахслардан электрон равишида қабул килишлари, уларни қайта ишлашлари ва процесс иштирокчиларига турли хатлар, чакирув көғозлари ва бошқа ҳужжатларни электрон равишида юборишлари, суд фаолиятига доир турли ҳисоботлар ва маълумотларни автоматик равишида шакллантиришлари мүмкін. Ўз навбатида фуқаролар шахсан суд органларига бормасдан, судларга электрон равишида мурожаат юборишлари, суд процессини кузатиб боришлари ва

сүддани турли хужжатлар ва маълумотларни электрон тарзда олишлари мумкин.

Хозирги вактда суд мажлисларида видеоконференциялардан фойдаланиш тизими факатгина хўжалик судларнда йўлга қўйилган бўлиб, бу хўжалик судлари иштироқчиси сифатида тадбиркорларга жуда кўп қулайликлар яратмоқда ва ўзининг ижобий самарасини бермокда. Бу эса ушбу тизимни бошка судларда ҳам йўлга қўйиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Асосий вазифалардан яна бири – барча бўғиндаги судларда суд мажлисларига аудио ёки видео кайд этиш механизмларини жорий этишдан иборат. Хусусан, суд мажлисини аудиоёзув шаклида ёзиг олиб, DVD форматда иш хужжатлари орасида саклаш таклифи илгари суримокда.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишнинг мақсади ва афзалликлари кўйидагиларда кўринади:

биринчидан, судларга мурожаат килиш соддалаштирилади;

иккинчидан, судларда электрон хужжат алмашинуви йўлга қўйилади ва техник ишларга сарфланадиган вакт тежалади;

учинчидан, тарафларнинг судга ташриф буюрмасдан туриб, алоқа тизими орқали ариза, шикоят ва даъво аризаларини ва бошка мурожаатларни электрон тизим орқали судга топшириш ва унинг натижасидан хабардор бўлиш имконияти яратилади;

тўртинчидан, тарафлар суд мажлисининг вақти ва жойи тўгрисида ўз вақтида электрон шаклда хабардор қилинади;

бешинчидан, суд мажлиси баённомаси ва бошка процессуал хужжатларни тайёрлашда қулайликлар тұғдиради.

олтинчидан, судларда хисоботларни юритишида қулайлик яратилади, шунингдек, унинг аниклиги таъминланади;

еттинчидан, суд карорларини тарафларга ва ижро департаментларига электрон шаклда юбориш имконияти яратилади.

Шунингдек, республикамида Суд ижро департаменти томонидан «E-IJROVARAQА» тизими ҳам ишга тушурилиши кутталмоқда. Бунда кабул қилинган суд карорлари электрон тизим орқали ижро иш юритувига келиб тушади. Бу, ўз навбатида, суд иш юритуви ва

иштирок этувчи шахслар томонидан шу ҳужжатни қабул қилған хўжалик судига суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлиб хизмат килувчи ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктиримай берилиши мумкин.

Процессуал конун ҳужжатларига кўра, ушбу ишлар бўйича арнза бериш муддати ишда иштирок этувчи шахсларга ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар бир неча йиллардан кейин маълум бўлиши ва ушбу масаланинг суд томонидан кўриб чиқилиши самарасиз ва натижасиз бўлиши мумкин (масалан, мулкнинг йўқ бўлиб кетиши, фукаронинг ўлими ва бошқалар). Шунинг учун ҳам мазкур масала бўйича бир катор хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, келгусида ариза беришнинг энг кўп муддати ва унинг энг киска муддати аник белгилаб кўйилиши ҳамда энг асосийси, қачондан бошлаб ушбу муддат ҳисобланиши белгилаб берилади.

Электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

Фуқаролик судларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан кенг фойдаланишга қаратилган ҳукукий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ва шу асосда фуқаролик судлов тизимини янада такомиллаштириш максадида 2013 йилда «E-SUD» Электрон судлов ахборот тизими (ЭСАТ) ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Айни пайтда яратилган миллий электрон ахборот тизими нинг суд буйргуни чиқариш кисми фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг туманлараро судларида самарали қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, тизим орқали судлар даъво аризалари, шикоятлар, илтимосномалар ва бошка ҳужжатларни жисмоний ва юридик шахслардан электрон равишда қабул қилишлари, уларни қайта ишлашлари ва процесс иштирокчиларига турли хатлар, чакирув қоғозлари ва бошка ҳужжатларни электрон равишда юборишлари, суд фаолиятига доир турли ҳисботлар ва маълумотларни автоматик равишда шакллантиришлари мумкин. Үз навбатида фуқаролар шахсан суд органларига бормасдан, судларга электрон равишда мурожаат юборишлари, суд процессини кузатиб боришлари ва

суддан турли хужжатлар ва маълумотларни электрон тарзда олишлари мумкин.

Хозирги вактда суд мажлисларида видеоконференцалоқадан фойдаланиши тизими фақатгина хўжалик судларида йўлга кўйилган булиб, бу хўжалик судлари интироқчиси сифатида тадбиркорларга жуда кўп қулайликлар яратмоқда ва ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу эса ушбу тизимни бошқа судларда ҳам йўлга кўйиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Асосий вазифалардан яна бири – барча бўғиндаги судларда суд мажлисларига аудио ёки видео кайд этиш механизмларини жорий этишдан иборат. Хусусан, суд мажлисини аудиоёзув шаклида ёзиб олиб, DVD форматда иш хужжатлари орасида саклаш таклифи илгари сурilmоқда.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишининг мақсади ва афзалликлари қўйидагиларда кўринади:

биринчидан, судларга мурожаат килиш соддалаштирилади;

иккинчидан, судларда электрон хужжат алмашинуви йўлга кўйилади ва техник ишларга сарфланадиган вакт тежалади;

учинчидан, тарафларнинг судга ташриф буюрмасдан туриб, алоқа тизими орқали ариза, шикоят ва даъво аризаларини ва бошқа мурожаатларни электрон тизим орқали судга топшириш ва унинг натижасидан хабардор бўлиш имконияти яратилади;

тўртинчидан, тарафлар суд мажлисининг вакти ва жойи тўгрисида ўз вактида электрон шаклда хабардор қилинади;

бешинчидан, суд мажлиси баённомаси ва бошқа процессуал хужжатларни тайёрлашда қулайликлар тутдиради.

алтинчидан, судларда ҳисботларни юритнишда қулайлик яратилади, шунингдек, унинг аниқлиги таъминланади;

еттинчидан, суд карорларини тарафларга ва ижро департаментларига электрон шаклда юбориш имконияти яратилади.

Шунингдек, республикамизда Суд ижро департаменти томонидан «E-IJROVARAQА» тизими ҳам ишга тушурилиши кутилмоқда. Бунда қабул қилинган суд қарорлари электрон тизим орқали ижро иш юритувига келиб тушади. Бу, ўз навбатида, суд иш юритуви ва

ижро иш юритуви ўртасида ҳужжат айланишини автоматлаштириш ҳамда ижро иш юритувини тез ва самараали якунлаш имконини беради.

Судлар фаолиятида ахборот технологиялардан фойдаланиш самарадорлигининг ҳуқукий ва ижтимоий-иктисодий баҳосини келажак кўрсатади. Лекин, суд тизимида ахборот технологияларидан фойдаланиш натижасида олинган дастлабки ҳулосалар ижобий эканини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу, ўз навбатида, ушбу ислоҳотларни жадал суръатларда давом эттириш лозимлигини англатади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонин: муқобил турларини санаб беринг.
2. Жиноий жазолар ва уларни ижро этиши тартибини инсонпарварлаштиришининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Жиноят қонунчилигининг либераллаштирилишини амалий мисоллар орқали баён этинг.
4. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш йўналиши доирасида белгиланган вазифалар нималардан иборат?
5. Ҳаракатлар стратегиясида вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш йўналиши доирасида амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳақида сўзлаб беринг.
6. Фуқаролик ва хўжалик суд ишларини юритишда келишув битими тузишнинг ижсобий жиҳатлари нималардан иборат?
7. Низоларни судгача ҳал этиши тартиби ва ушбу институтни такомиллаштириши механизмлари қандай?
8. Назорат тартибида келтирилган протестларни кўрадиган судлар ҳақида нималарни биласиз?
9. Фуқаролик ва хўжалик низоларини суддан ташқари ҳал этиши деганда нимани тушунасиз?
10. Суд тизимига қандай ахборот-каммуникация технологиялари жорий этилиши кутилмоқда?

2.4. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛARNИНГ ОЛДНИИ ОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияснинг иккинчи йўналиши «Қонун устуворлигини таъминлаш ва судхуқук тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари»га магълубланган бўлиб, унинг 2.4-бандида «Жиноятчиликка қарши курашиш ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш» масаласи назарда тутилган. Унда куйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

- жиноятчиликка қарши курашиш ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофикалаштиришнинг санарадорлигини ошириш;
- диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;
- коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-хукукий механизmlарини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг санарадорлигини ошириш;
- аҳолининг хукукий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фукаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофикалаштиришнинг санарадорлигини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хуқук тизимини янада ислоҳ қилиш, фукароларнинг хуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармонига кўра, фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни аввало хукукни кўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли хукуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-

шароитларини аниклаш ҳамда бартараф этишга қаратиш масаласи белгилаб берилган эди.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳукукбузарликларнинг олдини олишга масъул органлар ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустакил ҳолда, факат конунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши кураш чораларини самарали бажариш ва асосий фаолият йўналишларини келишиш асосида таъминлаш мақсадида ўз фаолиятларини мувофиқлаштиради.

Ҳукукни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш деганда тезкор-кидирув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш назарда тутилади.

Шу маънода, мазкур вазифани бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг карори лойиҳаси ва жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг тартиби ва механизмлари аниқ белгилаб берилади.

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг можияти, мақсади нималардан иборат? Унинг қандай шакллари мавжуд? Мувофиқлаштириш билан ҳамкорликнинг фарқи борми?

• **Мувофиқлаштиришнинг можияти.** Умумий мақсадга эришиш йўлида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини тартибга солиш, самарадорлигини янада ошириш йўлида ўзаро келишиб ҳаракат килиш мувофиқлаштиришнинг можиятини белгилайди. Модомики, мақсад умумий, яъни жиноятчиликка қарши курашиш экан, демак, шу фаолиятни амалга оширадиган органлар ишини мувофиқлаштириш шартми? Ҳаммаси ҳам ягона ва умумий мақсадга хизмат килади-ку? Тўғри, лекин уларнинг ҳар бири мустакил ҳолда ўз ваколати доирасидагина ўзларига хос шакл ва усувлар билан жиноятчиликка қарши курашади. Афсуски, жиноят турлари шу даражада хилма-хилки, уларга қарши самарали

курашиш, олдини олиш ва йўл қўймаслик мавжуд бутун имкониятни бевосита ишга солишни, барча кучларни бирлаштиришни талаб килади. Айнан ана шу талабни жиноятчиликка карши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини мувофикалаштириш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Ана шу тамойилларга ва асосий йўналишларга риоя қилган ҳолда, жиноятчиликка карши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти, суриширув ҳамда дастлабки терговни амалга ошириш органларининг фаолияти мувофикалаштирилиб, хукукни химоя килувчи ва назорат органлари ҳамкорлиги йўлга қўйилади, даврий ҳамда узок муддатга мўлжалланган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар дастурлари, аник йўналтирилган режалар тизими ишлаб чиқилади, уларнинг тулиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилган мувофикалаштирувчи кенгаш кабул қилган карорлар ижросига жиддий зътибор қаратилади ва ижроси таъминланади. Ҳар олти ойда тезкор-қидирув ва излов ишларининг ахволи, натижалари мувофикалаштириш кенгашларида муҳокама килиниб, фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган аник чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминлаб борилади.

• **Мувофикалаштиришнинг мақсади – жиноятчиликка карши кураш самарадорлигини оширишдир.** Бу умумий мақсад, табиий равища, барча кучларни бирлаштиришни, хукукни муҳофаза килувчи органларнинг жиноятчиликка карши кураш фаолиятида бир-бирини такрорламасликни, бири бошқасининг функциясини бажармаслигини, муайян аник мақсад йўлида куч ҳамда имкониятларни бирлаштиришни, айни пайтда ҳар бири конунчиликка каттиқ риоя этгани ҳолда конун доирасида ўз вазифасини малакали бажаришини тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, **мувофикалаштиришнинг асосий мақсади жиноятчиликка карши курашувчи тузилмаларнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамкорликда ҳаракат килишини таъминлаш**, жиноятларни тез, тўла ва ҳар томонлама аниклаш, тергов олиб бориш, жиноятни очиш ҳамда ваколатли органларга унинг юзага келиш сабаб ва шароитларининг олдини олишга қаратилган чораларни ишлаб чикиш хисобланади.

Мувофиқлаштириш, ўз навбатида, жиноятчиликка карши ҳамкорлика киришган ҳар бир органдан, унинг раҳбари ва ходимларидан (ҳамкорлик иштирокчиларидан) юксак касбий-профессионал малакани ва амалий теран тажрибани талаб қилади. Бу, аввало, содир этилган жиноятнинг, унинг сабаблари ва бошқа ҳолатларни муфассал ўрганиш, таҳлил қила билишда, содир этилиши мумкин жиноятларни олдиндан билиш, қайси жиноят қай даражада содир этилиши мумкинлигини башорат қилиш, бу борада тўпланган барча тажрибаларни ишга солиш, жиноятларни аниклаш, тергов қилиш, очиш, улар ҳакида огоҳлантириш, уларнинг олдини олиш билан боғлик ташкилий жараёнлар механизмини пухта ўзлаштириш, уларни тергов-кидирув амалиётида самарали кўллаш маҳоратига боғлик, албатта. Ана шундагина жиноятчиликка карши кураш кутилган натижани беради. Агар мазкур фаолият бошқа давлат органлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда олиб борилса, шубҳасиз, жиноятларнинг олди тез олинади, огоҳлантириш кутилган натижани беради, энг муҳими, ҳуқукни муҳофаза килувчи органлар ишини, шунингдек, жиноий хатти-харакатларга карши кураш фаолиятини ҳуқукий тартибга солиш механизмини янада такомиллаштиришга каратилган янги-янги таклифлар юзага келади. Уларни тергов-кидирув фаолиятида ижодий кўллаш, ҳеч шубҳасиз, умумий мақсадга хизмат қилади.

• жиноятчиликка карши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самаралоригини оширишда қуйилагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофик:

1. Ҳуқукни муҳофаза килувчи органлар ва улар раҳбарларининг биргаликда мувофиқлаштирув кенгашларини ташкил этишлари;
2. Қайд этилган органларнинг жиноятчиликка ва айрим турдаги жиноятларга карши кураш масалалари бўйича ўзаро ахборотлар алмашинуви;
3. Ўзаро келишилган харакатларни амалга ошириш максадида ҳамкорликда минтақаларга чиқиш, қуи бўғиндаги ҳуқукни муҳофаза килиш органларига жиноятчиликка карши курашда ёрдам бериш, мавжуд ижобий тажрибаларни ўрганиш ва бошқа ҳудудларда амалиётга татбик этиш;

4. Күп эпизодди ва жамоатчилик эътиборида бўлган аник жиноятларни тергов килиш учун тергов-тезкор гурухлар тузиш ва терговни ташкил этиш;

5. Жиноятларни аниклаш ва олдини олиш максадида ҳамкорликдаги максадли тадбирлар ўтказиш, шунингдек, уларнинг содир этилиш сабаблари ва шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш;

6. Ходимларнинг малакасини оширишда ҳуқукни муҳофаза килувчи органларнинг имкониятларидан фойдаланиш, ҳамкорликда семинарлар, конференциялар ўтказиш;

7. Жиноятчиликка қарши кураш фаолияти жараёнида иштирок этавётган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш учун ўзаро ёрдам кўрсатиш;

8. Ҳамкорликда буйруклар, қўшма кўрсатмалар чикириш, ахборот хатларини ва бошка ташкилий-фармойиш ҳужжатларини тайёрлаш, ҳамкорликда кўлланмалар, бюллетенлар (тўпламлар) ҳамда бошка ахборот нашрларини чикириш;

9. Мувофикаштирув фаолиятининг ўзаро келишилган режаларини ишлаб чикиш, тасдиклаш ва ижросини таъминлаш;

10. Мамлакатда амалда бўлган жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишга оид конунлар ва норматив ҳужжатларнинг ижро этилиш ахволи бўйича ҳамкорликда худудларга чикиб текширишлар ташкил этиш;

11. Минтақаларда жиноятчиликка қарши кураш дастурларига киритиш учун ҳамкорликда таклифлар ишлаб чикиш.

12. Жиноятчилик ва судланганлик ҳолати ҳакида ўзаро ахборот алмашув;

13. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чикишда суд статистикаси маълумотларидан ва суд амалиёти материалларидан фойдаланиш;

14. Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конун лойиҳаларини ҳамкорликда тайёрлаш;

15. Ҳамкорликда семинарлар, конференциялар ўтказиш, тегишли мутахассисларнинг ҳуқукни муҳофаза килувчи органлар ходимларининг малакасини оширишдаги иштироки;

16. Ҳамкорликда ахборот хатларини, маълумотномаларни, шарҳларни жўнатиш ва бошқалар.

Суд раислари, судьялар жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар раҳбарларининг мувофикалаштирув кенгашларида кузатувчи сифатида ёки кенгаш иштирокчиларини ўз органи фаолияти билан таништириш максадида катнашиши мумкин.

Албатта, мувофикалаштиришнинг ушбу шакллари тулиқ эмас. Амалиётда ходимларнинг иш тажрибаси, ташабуси ва изланувчанлигидан келиб чиқиб, ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишнинг яна бошқа қатор усулларидан фойдаланиши мумкин.

- Мувофикалаштиришнинг қайд этилган шакллари жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашишнинг бошқа шакллари каби бевосита ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини янада чукурлаштиришга, мувофикалаштириш шаклларини такомиллаштиришга, жиноятчиликка қарши курашда тегишли органларнинг ҳукукий мақомини ривожлантиришга йўналтирилган. Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, жамиятда конун устуворлигини таъминлаш, ҳукукбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳукукбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофикалаштиришнинг самарадорлигини оширишга каратилгандир.

Диний экстремизм, терроризм ва ўюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни кучайтириш.

Хозирги кунда терроризм ва диний экстремизм хавфидан хеч кайси давлат, жумладан, энг ривожланган давлатлар ҳам кафолатланмаган. Жаҳонда юз берадиган турли кўнгилсиз воеалар, кон тўкишлар, жумладан, Ирок ва Сурияда фаолият юритаётган террорчи гурух 2014 йилда ўзини ИШИД (Ирок ва Шом ислом давлати) деб атаб, ислом динидан никоб сифатида фойдаланиб, сиёсий ва бошқа тажовузкор максадларда турли оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этмоқда. Сир эмаски, ИШИД терроризм ва диний экстремизм билан боғлик бир қанча жиноятлар содир этаётган диний экстремистик.

террористик жиной уюшмадир. ИШИД Марказий Осиё мамлакатларига ҳам ўз таъсирини ўтказишга уринмоқда. Африка, Ўрта Шарк ва Марказий Осиёдаги 15 дан ортиқ диний экстремистик ва террорчилик ташкилотлари ИШИДнинг хатти-харакатларини кўллаб-кувватлаб, уларга ёрдам бериб келмоқда.

Сўнгги йилларда дунёning турли мамлакатларида, хусусан, Франция, Бельгия, Германия, Туркия, Покистонда юз берган террорчилик харакатлари диний экстремизм, терроризм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётганидан далолат беради. Марказий Осиё минтақасида диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига карши курашиш, бу турдаги жиноятлар содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниклаш ва уларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш тобора долзарб вазифа бўлиб колмоқда. Айниқса бизга кўшни бўлган Афғонистонда террорчи гурухларнинг тинчлик ва хавфсизликка реал таҳдид тугдириб келаётгани масаланинг накадар жиддий эканини англалади.

Бугунги кунда мамлакатимизда диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига карши курашиш борасида етарли тажриба ва ҳуқукий база шаклланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга карши кураш тўғрисида» ги конуни, 2004 йил 26 августдаги 660-II-сон «Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга карши курашиш тўғрисида» ги конуни қабул килинди, шунингдек, мамлакатимизда БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка карши конвенцияси ратификация килинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва қатор хорижий давлатлар ҳукуматлари ўртасида имзоланган уюшган жиноятчилик ва терроризмга карши курашиш тўғрисидаги қатор ҳамкорлик меморандумлари диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига карши курашишда мустаҳкам ҳуқукий асос вазифасини ўтамоқда.

2017 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг ИИВ, МХХ, ДБҚ, Бош прокуратура, Мудофаа вазирлиги ва бошқа мутасадди идоралар иштирокида диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига карши курашиш амалиётини

Хеч кимда заррача ҳам шубҳа бўймаслиги керак – мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига хаф тугдирадиган ички ва таш-қи кучларинг ҳар қандай ҳара-катларига, ҳар қандай урининшларига қатъий ва муносиб зарба берилади.

Шавкат Мирзиёев

урганиб, ушбу йўналишда таш-қилий-амалий тадбирларни янада кучайтириш юзасидан таклифлар тайёрлаш назарда тутилган.

Диний экстремизм, терро-ризм ва уюшган жиноятчилик-нинг бошка шаклларига карши курашишга оид чора-тадбирлар-нинг амалга оширилиши ушбу

соҳадаги жиноятчиликка карши кураш бўйича самарали усулларни ишлаб чикиш имконини беради. Давлат органлари ходимлари, таълим муассасалари ўкувчилари ва жамоатчилик ўртасида терро-ризм, экстремизм ва бошка жиноий фаолиятнинг олдини олишга қаратилган комплекс профилактик-тушунтириш тадбирларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Комплекс профилактик-тушунтириш тадбирлари бир катор радио ва теледастурлар ташкил этиш оркали ахолининг барча катламларини камраб олиш, жамиятда терроризм, экстремизм ва жиноий фаолиятнинг олдини олишга қаратилган бошка ишларнинг самарали тизими яратилишига, ушбу соҳада давлат органлари ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги механизмини янада такомиллаштиришга имкон беради.

Юкорида келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш нати-жасида кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ахоли, айниқса, ёшлар ўртасида терроризм ва диний экстремизм билан боғлик ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан огоҳлантириш максадида маҳалла фукаролар йигинлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, шу жум-ладан, таълим муассасалари доирасида тарғибот-ташвиқот ишлари янада такомиллаштирилади;

терроризм ва диний экстремизм билан боғлик жиноятлар аксари-ят холларда Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилаётганини эътиборга олиб, терроризм ва диний экстремизмга қарши самарали курашиш максадида миллий интернет сегментини муҳофаза килиш, Интернет оркали террористик ва диний экстремистик ташвиқот олиб боришни чеклашни назарда тутувчи конун ҳужжати ишлаб чикилади.

Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириши.

Жиноятчиликка қарши кураш тизимини ва инсон хукукларининг ишончли химоясини янада такомиллаштириш, ҳалкнинг давлат ҳокимиятiga бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш конунийликни тиъминлашнинг институционал ва хуқуқий асосларни шакллантириш, коррупцияга қарши курашиш самараали тизимини ташкил этиш заруриятини намоён этади.

Мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг амалга оширилишида миллий конунчиликка ҳалкаро хуқукнинг умумъетироф этилган нормалари татбик этилиши муҳим аҳамият касб этади, буни биз 2008 йили «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Конуннинг қабул килинишида яккол кўришимиз мумкин.

Мазкур Конвенциянинг асосий мақсади коррупцияга қарши курашда унинг олдини олиш бўйича янада самараали ва таъсирчан чора-тадбирларни қабул қилиш ва мустаҳкамлаш, ушбу соҳада ҳалкаро ҳамкорликни кўллаб-куватлаш ҳисобланади.

2010 йили Ўзбекистон Иктисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) Коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимининг Истанбул ҳаракат дастурига қўшилди. ОЭСР ҳалкаро эксперtlари ўзининг бир неча бор амалга оширган ташрифлари натижасидаги ҳисботларида охирги йилларда юртимизда ушбу соҳада амалга оширилган ва татбик этилган ислоҳотларга ижобий баҳо бериши.

Ўзбекистон томонидан ташланган яна бир муҳим қадам – бу 2016–2017 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлар комплекс режаси тасдикланганидир.

Ушбу Комплекс дастур турли давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва илмий соҳа мутахассислари иштирокида ишлаб чиқилган. Режа коррупцияга қарши курашиш сиёсат ва коррупциянинг олдини олиш бўйича масалаларнинг айрим жиҳатларини ўз ичига олади.

**Жамият ривожига яов бўладти-
ган яна бир ишлат – бу коррупция
балосидир.**

Шавкат Мирзмөев

этиш боскичлари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, коррупцияга карши кураш бўйича ҳуқукий ва институционал асосларни келгусизда такомиллаштириш мақсадида 2017 йилнинг 4 январь санасида Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга карши курашиш тўғрисида»ги Конуни кабул қилинди.

Ушбу конунда коррупцияга карши курашишнинг асосий принциплари, коррупцияга карши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ваколатли давлат органлари тизими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг, фуқаролар ва оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга карши курашишда иштирок этиши, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик масалалари акс этган.

Конун билан қамраб олинган чора-тадбирлар доираси Ўзбекистоннинг сиёсий хоҳиш-иродаси ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг жиддийлигини тасдиқлайди. Конун ягона бир бутунлигича барча коррупцияга қарши курашиш элементларини ўзида қамраб олган.

Конунга кўра коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат:

- конунийлик;
- фуқаролар ҳукуклари, эркнликлари ва конуний манбаатларининг устуворлиги;
- очиклнк ва шаффоффлик;
- тизимлилик;
- давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлнги;
- коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;
- жавобгарликнинг мукаррарлиги.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг

Комплекс режа стратегик хужжат ҳисобланиб, ушбу масалада манбаатдор бўлган барча тарафларнинг мажбуриятлари ва бу борадаги вазифаларни ижро

фаолиятини мувофикалаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилади. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Коракалпогистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шахрида коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий идоралараро комиссиялар конун хужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чикилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофикалаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

- аҳолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чикилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

- коррупцияга оид хукукбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

- коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йигиши ҳамда таҳлил этиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва хукукий механизmlарнинг самарадорлигини баҳолаш;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конун хужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

– худудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифаларининг амалга оширилишига эришиш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш назарда тутилмоқда:

– коррупцияга карши курашиш бўйича ташкилий-амалий ва норматив-хуқуқий асосларни такомиллаштиришда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини доимий ва самарали таъминлаш;

– унинг зарурый мустақиллигини таъминлаш;

– уни тегишли моддий ресурслар билан таъминлаш.

«Коррупцияга карши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни кондаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вактида ва сифатли амалга ошириш мақсадида 2017–2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга карши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланди¹.

Шундай килиб, Ўзбекистон антикоррупцион сиёsatни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш учун институционал базани мустаҳкамлаш мақсадида муҳим қадамларни ташлаган, десак, адашмаймиз.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида:

– конунийлик ва хуқук-тартиботни таъминлаш;

– давлат хизмати органларининг фаолиятида ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш;

– жамиятда коррупцияга нисбатан мутлақ муросасизлик маданиятига эришиш;

– ҳалқнинг давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга эришилади.

Аҳолининг хуқуқий маданияти ва хуқуқий онгини ошириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Коррупцияга карши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг кондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда.

тузилмаларининг фукаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

Жамиядта аҳоли ҳукукий онги ва ҳукукий маданияти даражаси-нинг юксаклиги – демократик ҳукукий давлат ва эркин фукаролик жамиятининг мухим мезонларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда аҳолининг ҳукукий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мамлакатимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффакияти кўп жихатдан аҳолининг ҳукукий онги ҳамда ҳукукий маданияти даражасига боғликдир. Шахснинг сиёсий-ҳукукий фаоллиги, унинг чинакам фукаровий муносабати, демократик ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси давлатимиз ўз олдига қўйган буюк максадларга эришишининг мухим омилидир.

Ҳукукий маданият савияси кабул килинган конунлар сони билан эмас, балки ушбу конунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу мухим ишда фукароларнинг конунларга ва норматив-ҳукукий хужжатларга нисбатан чукур хурмат хиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бунда ғоят мухим жихат – жамоатчиликка давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолияти ҳакида маълумот бериш, давлат ҳокимияти органлари томонидан кабул қилинадиган карорлардан, биринчи навбатда, инсон ҳуқук ва эркинликлари, фукароларнинг конуний манфаатларига доир карорлардан аҳолини кенг хабардор килиб бориш механизмларини янада такомиллаштириш билан боғлик.

Бугунги глобаллашув замонида жаҳон жамоатчилигини, ҳалқимизни ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгилик ва ўзгаришлардан ўз вактида хабардор килиш, айникса, фукароларнинг ҳукукий ахборотлар олишини кенг таъминлаш, шу йўл билан давлат ва жамиятга бўлган ўзаро муносабатларини холис ва ҳаққоний акс эттириш талаб этилади.

Фукароларимиз ҳукукий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти бекідес эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шавкат Мирзиёев

Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда замонавий ахборот воситалари имкониятидан кенг фойдаланиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, ҳуқуқий йўналишдаги ахборот тизимлари сони ва сифатини ошириш, уларнинг фойдаланиш учун кулайлиги масалалари мухим аҳамиятга эга.

Таълим ва тарбия тизими, маънавият ва маърифат билан боғлик барча муассасалар ўз фаолиятларини соф ахлоқий, юксак маънавий қадриятларни карор топтириш ва омма онгига сингдириш ва энг мухими фуқароларнинг жамият ҳаётининг барча соҳалари, хусусан, ҳуқуқий масалалар доирасида ҳам фаоллигини ошириш вазифасига сафарбар этишлари лозим.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини жорий «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да ва кейинги йилларда амалга оширишга оид Давлат дастурида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш борасида қуидаги вазифалар белгиланган:

Биринчидан, қабул қилинган қонун ҳужжатларини аҳоли ва ижрочиларга ўз вактида етказишнинг самарали тизимини яратиш мақсадида «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиши ва ундан фойдаланишни таъминлаш түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойихаси ишлаб чиқилади. Унда қуидаги муносабатларни тартибга солиш назарда тутилади:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишнинг амалий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари;
- ҳуқуқий ахборотни тарқатишига масъул бўлган давлат органдарни ва уларнинг ваколатлари;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан сўнг уларни фойдаланувчигача етказиш босқичлари;
- қабул қилинган қонун ва конуности ҳужжатларининг концепциялари, тушунтириш хатларини эълон килиш тартиби ва бошқалар.

Иккинчидан, фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида ахолининг хуқукий маданияти ва ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фукароларнинг хуқукий саводхонлигини ошириш самарадорлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш ва бу борадаги муносабатларни тартибга солиш имконини беришга қаратилган **Жамиятла хуқукий маданиятни юксалтириш Миллий дастури** лойиҳаси тайёрланади ва қабул қилинади.

Учинчидан, хуқукий ахборотни ўз вактида ҳамда сифатли етказиш мазкур вазифа юклатилган давлат органлари ахборот хизматларининг ҳамкорликда фаолият юритишлари билан чамбарчас боғлиkdir. Бунда ушбу фаолиятни режа асосида, мувофикаштирилган тарзда амалга ошириш максадга мувофик хисобланади. Ахолининг фаол фукаролик позициясини кучайтириш, жамиятда хуқукий маданият ва хуқукий онгни янада юксалтириш максадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чикилади ва амалга оширилади.

Тўртинчидан, тарғибот тадбирларининг самарадор шакли булиб, бевосита жойларга чиккан ҳолда ахолининг турли қатламлари билан ўтказиладиган жонли мулоқот хисобланади. Шу сабабли давлат органлари ОАВдан қилинадиган чиқишлилардан ташқари асосий эътиборни мазкур турдаги тарғибот тадбирларига қаратишлари максадга мувофикdir. Барча давлат органлари томонидан маҳаллаларда, ўкув муассасаларида, корхона, ташкилот ва идораларда жамият хаётидаги долзарб муаммолар муҳокамаси, қабул килинаётган конунларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш максадида тизимли равишда учрашувлар ўтказиш амалиёти жорий этилади.

Бешинчидан, қонун хужжатларини тарқатиш тизимини такомиллаштириш нуктаи назаридан Адлия вазирлиги тузилмаси қайта кўриб чикилади, қонун хужжатлари миллий электрон базасини кўшимча маълумотлар билан тўлдириш ва аҳолига эркин фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратиш масалаларини назарда тутадиган «Қонун хужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-

каси Президенти карори лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Конун хужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПҚ-2761-сон карори қабул қилинди. Унда қабул қилинган норматив-хукукий хужжатларни, уларга киритилген ўзгартырыш ва құшимчаларни ижрочиларга ўз вактида етказышни таъминлаш, уларнинг мөхияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек, тегишли конун хужжатларни матнидан монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш ва ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида конун хужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошкаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мухим вазифалари этиб белгилаб берилди.

Олтинчидан, хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка карши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг тартиби ва механизмларини белгилаб беришга каратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг карори лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Еттингчидан, хукукий таълим ва хукукий тарбия тизимини тақомиллаштириш ва кучайтириш механизмини ўз ичига олган давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурларининг ишлаб чиқилишини назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси тайёрланади. Карор асосида хукукий таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурлари кайта кўриб чиқилади; узлуксизлик ва узвийлик тамоиллари асосида хукукий таълим модели ишлаб чиқилади; оила, мактабгача таълимдан бошлаб хукукий таълим-тарбия тизимининг сифати яхшиланади.

Саккизинчидан. фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари томонидан аҳолининг хукукий фаоллигини, хукукбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш даражасини оширишга каратилган «Мен ҳар қандай хукукбузарлик ҳолатларига қарши курашда фаол иштирок этаман», «Маҳалламиз жиноятчиликка қарши туряди» акциялари ўтказилади. Бунда, биринчи навбатда, маҳаллаларда хукукбузарлик ва жиноят содир этган фукароларнинг хатти-харакатларини мухокама килиш амалиётини кенг жорий

этиш күзда тутилган. Бунинг натижасида жамиятда қонунларга хурмат, ҳукукбузарлик ҳолатларига муросасиз муносабатда бўлиш борасида фукаролик позициясининг кучайишига ҳамда ҳукукбузарликларнинг олдини олишга эришилади.

Тўқизинчидаи, ахолини, айниқса, ёшларни диний экстремизм, ақидапараастлик каби бузғунчи харакатлар таъсиридан асраш максадида маҳаллаларда ва таълим муассасаларида «Ислом маърифати ақидапараастликни қоралайди», «Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид» мавзуларида учрашув ва давра сұхбатларини ташкил этиш бўйича маҳсус дастур ишлаб чикилади. Ушбу дастурнинг жорий этилиши асосида ёшларда динлар бўйича тўғри ва ҳакконий маълумотлар шаклланишига, уларнинг саволларига мутахассислар томонидан ҳакконий фактлар асосидаги жавоблар берилшишига, миллий анъаналарга, бой маданий меросига таянган ҳолда маънавий ва маърифий ишларни тизимли олиб боришга эришилади.

Ўнинчидаи, кўрик танловлар ўтказиш режаси асосида таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ҳукукий билимлари ва саводхонлигини янада ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган «Ҳукук билимдоилари», «Сиз қонунни биласизми?», «Тафаккур синовлари», «Конституция – баҳтимиз пойdevori» республика кўрик танловлари ўтказилади. Танловлар орқали ўқувчи ва талабаларда ҳукукий билимларни янада ошириш ва мустаҳкамлашга эришилали ҳамда бу соҳада иктидорли ёшлар аникланади. Шунингдек, танлов ва иштирок этган жамоалар билан бирга, тингловчи сифатида жалб килинган кенг ёшлар катламиининг ҳукукий онгини оширишига ҳам эришилади.

Ўи биринчидаи, ҳукукбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳаётий мисолларга асосланган, ҳукукий-маърифий йўналишдаги «Жиноятдан сақланинг!» рукнида оммабол рисолалар тайёрланади ва нашр этилади, уларнинг тақдимотлари ўтказилади. Мазкур адабиётлар «Камолот» ЁИХ орқали ёшларга, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали эса кенг ахоли оммасига стказилади. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳукукбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари самарадорлигини оширишига эришилади.

Ўн иккинчидан, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳамда ахолининг ҳукукий онги ва ҳукукий маданиятини юксалтириш, уларга қабул килинган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида маҳаллаларда ҳафтада бир марта «Ҳукукий билимлар» ўқув машғулоти жорий этилади ва доимий ўтказиб борилади. Бунинг натижасида ахолига амалдаги қонун ҳужжатларининг мақсади, мазмун-моҳиятини ўз вактида етказишга эришилади.

Қабул қилиниши кўзда тутилаётган ҳужжатлар ва чора-тадбирлар, аввалимбор, олдимизда турган буюк мақсадларимизга босқичма-боскич эришиш, бу йўлда дуч келадиган барча гов ва тусикларни енгиш жараённида ҳар бир ўзбекистонлик учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч – бу ҳалқимизнинг ҳукукий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳукукий маданиятини ошириш, одамлар қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини карор топтиришга хизмат қиласди.

Айни вактда ҳукукий маданият савияси қабул килинган ко-нунлар сони билан эмас, балки уларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланишини назарда тутадиган бўлсан, дастурда белгиланган чора-тадбирлар қонунларимизни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этишга, норматив-ҳукукий ҳужжатлар бажарилишининг мониторингини кучайтиришга олиб келади.

Ҳукукий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадимиз экан, ҳукукий саводхонликнинг мукаммал замонавий тизимини яратиш биринчи даражали вазифаларимиздан бири бўлмоғи лозим. Дарҳақиқат ушбу тадбирлар пировард натижада, жамоат тартиби ва интизомини мустаҳкамлашга, миллий ҳукукий давлатчиликни, юқори даражадаги ҳукукий маданиятни шакллантиришга хизмат килиши мукаррар. Умуман олганда, ушбу давлат дастури мамлакатимиздаги барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтиришни янада такомиллаштириш, ахоли ўртасида ҳукукий билимлар тарғиботини кучайтириш борасидаги ишларини янада жадал, кенг миқёсда ва тартибли ташкил этишлари учун асос бўлади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришининг маҳияти, мақсади нималарда намоён бўлади?
2. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришининг самарадорлигини оширишда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар сифатида нималарни айтса оласиз?
3. Жиноятчилик ва судланганик ҳолатининг жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишида қандай аҳамият касб этишини изоҳланг.
4. Конунийликни таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги низом қабул қилинишида қандай мақсадлар назарда тутшиланг?
5. Диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакларига қарши курашиш бўйича қандай ташкилий-амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ?
6. Сўнгги йилларда дунёning турли мамлакатларида, хусусан, Франция, Бельгия, Германия, Туркия, Покистонда юз берган террорчилик ҳаракатлари диний экстремизм, терроризм каби таҳдиодларнинг кучайиб бораётгани ҳолатини диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакларига қарши курашиш нуқтаи назаридан қандай баҳолайсиз?
7. Бугунги кунда мамлакатимизда диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакларига қарши курашишга қаратилган қонун ҳужжатлари хусусида фикр билдиринг.
8. Диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакларига қарши курашишга оид комплекс профилактик-тушунтириш тадбирлари ва уларни амалга оширишининг мазмун-маҳиятини таҳлил қилинг.

2.5. СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ

Ҳокимиятлар тизимида суд ҳокимиятининг самарали фаолиятини ташкил қилиш ва ўрнини белгилаш масалаларининг долзарблиги хукукий давлатда ҳокимиятнинг мазкур бўгини зиммасига юкланадиган вазифа билан белгиланади. Суд ҳокимияти фуқароларнинг хукукларини ва «умуман хукуқ»ни ҳокимият ваколатларига эга мансабдор шахслар ҳамда давлат идораларининг ҳуқукка зид бўлган ҳар қандай қарорлари, ҳатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилиши ва шу тарика хукукнинг ҳукмронлигини таъминлаши лозим. Ўзбекистонда мана шундай ҳокимиятни вужудга келтириш суд-хукуқ тизимини янада либераллаштириш ва ислоҳ этишнинг асосий вазифасидир.

Бунда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш максадида кабул килинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантаришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўзига хос ривожланишнинг янги концепциясини таклиф этди.

Биз «Адалат – қонун устуворлигига» деган тайёйл асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, хукукбузарлик ҳолатларига муроносизлик ҳиссини кучайтиришига қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Шавкат Мирзиев

Ҳаракатлар стратегиясининг 2.5-банди айнан суд-хукуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган булиб, унда, биринчи навбатда, хукукни муҳофаза килувчи ва назорат этувчи органлар ишини самарали режалаштириш ва

унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли хукукбузарликларни аниклаш ҳамда уларнинг сабаб ва шарт-шаронитларини бартараф этиш кераклиги курсатилиб, бунда хукукни муҳофаза килувчи органларнинг асосий вазифаси қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар кўришдангина иборат бўлмай, балки мазкур ҳолатларнинг барвакт олди олиниши, профилактика килинишини тъ-

минлаш ҳисобланишини эътиборга олган ҳолда, уларнинг фаолиятини ташкил этиш услубларини тубдан ўзгартириш таклиф килинмоқда. Бунда энг асосий ва бирламчи мақсад сифатида айнан суд, ҳукукни муҳофаза килувчи ва назорат органлари фаолиятига бўлган талабни кучайтириш, уларнинг фаолиятини бевосита ҳалқ манфаатлари йўлига каратиш, улар томонидан ҳалкнинг ишончини козонишини таъминлаш, бунга эса, биринчи навбатда, ушбу органларнинг ўзида тартиб-интизомни мустахкамлаш, факатгина шундай лавозимларга муносиб, ҳалол ва адолатли инсонларнинг ишлашини таъминлаш белгилаб қўйилган.

Кўрсатилган мақсадларга эришишдаги асосий қадам сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда кабул қилинган «Суд-хукук тизимини янада ислоҳ қилиш, фукароларнинг хукук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу Фармон билан мамлакатимизда суд-хукук тизимини янада ислоҳ қилиш, хукукни муҳофаза килувчи органлар томонидан фукароларнинг хукук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Кайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Фармони билан давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳукукни муҳофаза килувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида бир катор устувор йўналишлар аник кўрсатиб ўтилган. Жумладан, фармонга мувофик кўйидагилар суд, ҳукукни муҳофаза килувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида белгилаб берилган:

фукароларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва конуний манфатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш;

Тергов ва айблаш билан чекланмай, жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, уларнинг шартшароит ва омилларини ўрганиши, профилактика мақсадида ҳар бир жиноят тағсилотларини ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чукур маҳсул қилиши тарур.

Шавкат Мирзиёев

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вактида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқиша сансалорлик ва бефарк муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг мукарарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳукукларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш;

фаолиятнинг очикилиги ва шаффоғлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини кенг қўллаш;

фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда зътиборни, аввало, ҳукукни қўллаш амалиёти ва амалдаги конун хужжатларини такомиллаштириш оркали тизимли конунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга каратиш;

ходимлар ўртасида сунистъмолчилик ва бошқа ҳукукбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлок коидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш;

юксак ахлокий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга кодир бўлган кадрларни шаффофтанлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш;

Мазкур вазифаларни амалга оширишнинг долзарб эканига ва уларни босқичма-босқич рӯёбга чиқариш масалаларига Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида ҳукукни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳукукбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият ярататиётган сабаб ва шароитларни бартараф этишнинг долзарблигига тўхталиб ўтилган.

Бу ўринда ҳукукни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларининг фаолияти ва профессионаллик даражасини баҳолаш мезонларига қўйилаётган янги талаблар ва улар фаолиятини самарали режалаштириш ҳамда унинг натижаларини таҳлил қилиш бўйича самарали тизимни жорий қилиш назарда тутилмоқда. Ушбу

йұналишда ҳуқукни мухофаза килувчи органлар ходимлари ва тегишли мутахассислар иштирокидә «Хизмат фаолиятini самарали ташкил этиш» мавзусыда үкув семинарларини ташкил этиш мұхым ақамият касб этади.

Ҳаракатлар стратегиясида мазкур соҳада амалға ошириладиган табдир сифатида ҳуқукни мухофаза килувчи ва назорат идоралари фаолиятini иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда асосий зътиборни, аввало, ҳуқукни күллаш амалиети ва амалдаги қонун хужжатларини тақомиллаштириш орқали тизимли ҳуқукбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниклаш ҳамда бартараф этишга қаратилган аник чора-табдирлар таклиф қилинмоқда. Бунинг натижасида ҳуқукни мухофаза килувчи органларнинг асосий вазифаси қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар күриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олди олинниши, профилактика қилинишини таъминлаш орқали уларнинг фаолиятini ташкил этиш услубларини тубдан үзгартиришга оид аник натижаларга эришиш күзда тутилмоқда.

Амалға ошириш режалаштирилаётган чора-табдирлар доирасида ҳуқукни мухофаза килувчи органлар фаолиятiga баҳо берішда фош этилган жиноятларнинг сони ва күрилган чораларнинг микдори билан эмас, балки маълум бир ҳудуддаги қонунийликнинг таъминланғанлик даражаси, ҳуқукбузарликни үз вактида бартараф килиш ва амалға оширилган профилактик чора-табдирларнинг самарадорлиги, яратилган янги иш үринларининг микдори, бузилган ҳуқуқтарни тиклаш ва ҳимоя қилиш бүйича үтказилган табдирларнинг микдори билан баҳолаш тизимиға үтиш назарда тутилмоқда.

Эътибор қаратиш лозимки, үз вактида ички ишлар органларининг энг күйи тизимида профилактика инспекторлари ташкил қилинган зди. Аммо бугун бу инспекторлар профилактика, яғни

Бу борада ҳуқукбузарлик ҳолатларининг алдыны олишга алоҳида тътибор қаратылады. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятлардан көңг фойдаланиши, профилактика инспекторларининг иш самараси өз мастиуияттими ошириши, улар учун муносиб хизмат өз турмуш шароиттими яратып беріши чораларини күришимиз даркор.

Шавкат Мирзиев

Фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳтили асосида режалаштириш ва ташкил этиши. бунда ўтиборми, аввало, хукуқни кўлташ амалиёти ва амалдаги қонун хужжатларини тақомиллаштириш орқали тизимли хукуқбузартикларнинг сабаб ва шартшароитларини аниқлаш ҳамда бартираф этишига қаратиш.

Харакатлар стратегияси,
104-банд

фаолият кўрсатиши учун барча зарур иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш, шунингдек, ҳар бир туман ҳокими ва туман ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринbosари лавозими жорий этиш, уларнинг асосий вазифаси махаллада участка инспекторлари билан ишлашни ташкил этиш долзарб аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиккан ҳолда, Ҳаракатлар стратегиясида ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий-хукукий асослари ва самарадорлигини комплекс ўрганиш, таҳлил килиш ва баҳолаш, биринчи навбатда, фуқароларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини химоя килиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини куриб чикиш; хукуқбузартиклар профилактикаси, жиноятчиликка карши курашиш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш; фаолиятнинг шаффофлигини, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни, иш натижалари тўғрисида ахолини хабардор килишни таъминлаш; ахборот-тахлилий ишларни ташкил этиш ва фаолиятни норматив-хукукий таъминлаш; илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш каби масалаларда тегишли таклифларни ишлаб чикиш вазифаси мутасадди давлат органларига юклатилган.

Бу ўринда хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ўзларининг асосий вазифаси бу қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ёки жазолаш эмас, балки фуқароларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини химоя килиш бош максад эканини англаш этиши мухим аҳамият касб этади. Шу сабабли Ҳаракатлар стратегияси-

жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланмаяпти, аксинча, содир бўлган жиноятларни рўйхатга олиш, юкори идораларга ҳисобот ёзиш билан банд. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев тўғри таъкидлаб ўтганларидек, мазкур масалага қарашимизни тубдан ўзгартириб, махалладаги участка нозирларига самарали

да улар фаолиятини самарали режалаштириш ва ташкил этишни тубдан такомиллаштириш бўйича аник чора-тадбирлар белгилаб берилмокда. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши хукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари фаолияти самарадорлигига ва ҳалк манфаатларини таъминлашга хизмат килади.

Ҳаракатлар стратегиясининг 2.5-бандида суд, хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш ва тизимни ислоҳ қилиш таклиф қилинмоқда. Маълумки, суд, хукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш масаласи суд, хукукни муҳофаза қилувчи органлар тизимида энг муҳим масалалардан бири саналади.

Шуни қайд этиш лозимки, бугунги кунда ходимларни ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тартиблари норматив-хукукий ҳужжатларда мустахкамланган. Жумладан, Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги конуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳамда бошка конуности норматив-хукукий ҳужжатларда ўз аксии топган. Суд, хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилишнинг хукукий базасини такомиллаштиришда миллий ва хорижий стандартларни мослаштиришга оид янги таклифларни ишлаб чикиш бугунги кун талабларидан бири хисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатларнинг назарий ва амалий тажрибаларини ўрганиш, ижобий томонларини амалиётга жорий этиш, таълим соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиш максадга мувофиқдир.

Мазкур вазифаларни амалга оширишнинг долзарб эканлиги ва уларни татбиқ қилиш борасида Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида тұхталиб ўтилган. Ҳусусан, унда хорижий тажрибаларни ўрганиш, умумзътироф этилган ҳалқаро стандартлар даражасида суд, хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилишни таҳлил қилиш ва ривожлантириш масалалари

Прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади. Қабул килинадиган ҳар бир қарор замонида инсон тақдир туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесини бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт.

Шавкат Мирзиёев

муҳим мақсадлардан бири сифатида илгари сурilmоқда. Бунинг учун суд, ҳуқукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида чет эл олий таълим муассасалари ва идоралари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, кадрларни ўқитиш борасида ўзаро алмашувни амалга ошириш, энг илғор ўқитиш технологияларини жалб этиш ҳамда илмий адабиётларни ҳаммуаллифликда нашр этиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай натижага суд, ҳуқукни муҳофаза килувчи ва назорат органларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қодир бўлган ходимларни танлаш ва тайёрлашга қаратилган бир қатор ҳужжатлар ишлаб чикиш ва қабул килиш режаси белгилаб олинган. Қабул килинадиган ҳужжатлар ва амалга ошириладиган ишлар доирасида биринчи ўринда юридик кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолиятини янада тақомиллаштириш орқали Ватанимизга ва ҳалқимизга, унинг ҳуқук ва манфаатларини ҳар кандай вазиятда ва ҳар ерда ҳимоя қила оладиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга эришиш мақсад қилиб кўйилган.

Маълумки, юридик кадрлар тайёрлашдан кейинги босқич юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш босқичи бўлиб ҳисобланади. Мазкур соҳада мутлақ янги шакл ва мазмунга эришиш вазифаси белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўкув курслари фаолиятини танқидий равишда кўриб чиккан ҳолда, ҳалқаро стандартлар асосида тақомиллаштириш вазифаси белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад давлат органларида ишлайдиган юридик кадрларнинг малакасини узлуксиз ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг самараали тизимини жорий этиш бўлиб, бунда давлат соҳаларида ишлайдиган ходимларни инсон ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз вазифаларига масъулият билан

ёндашиш, ўзига юклатилган вазифалар ечимини топиш ҳамда тұғри карор кабул қилиш, доимий равища үз устида ишлеш каби күнік-маларни шакллантириш ва ривожлантариш булиб хисобланади.

Бунга эришиш учун юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат талаблари ва тартибини янгитдан ишлаб чиқиб тасдиқлаш, ўқитишининг янги технологияларини, хусусан масофавий ўқитиши тизимини жорий этиш, янги ўқитиши услубини кўллаш каби ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Шулар билан бир каторда, кўриб чиқилаётган энг мухим масалалардан бири бўлган судьяликка номзодларни тайёрлаш ҳамда судьялар малакасини ошириш масаласи алохидаги ўрин эгаллайди. Бу масалада хорижий амалиёт ва халқаро стандартлардан келиб чиқсан ҳолда, судьяликка номзодларни кўпроқ ва самаралироқ ўқитиши, яъни ўкиши ва амалиёт ўташ даврини узайтириш оркали судьяликка номзодларни тайёрлашга янги талаблар кўйиш режаси шакллантирилган. Бу жараён судьяларни тайёрлаш жараёни бўлиб, уни ўтаган шахс, ўз фаолиятида мустакил фикрлаб, ҳар қандай вазиятга тұғри ва одилона баҳо бера оладиган, конунга катъий итоат этадиган, давлатномидан адолатни таъминлайдиган ва фуқароларнинг чинакам адолат химоячиси бўладиган мустакил судьяларни тайёрлашни англаади. Шу билан бирга конунларни амалиётда кўллаш, уларнинг мазмун-моҳиятини фуқароларга тўлик ва тұғри етказиш, фуқароларнинг ҳукук ва конуний манбаатларини ҳукукий химоялаш, аҳоли ўртасида ҳукукий маданият ва ҳукукий онгни юксалтириш бўйича янги йўналишларни жорий этиш Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган.

Юридик кадрларнинг иш фаолияти жараёни ҳам ўта мухим хисобланиб, ушбу жараёнда уларнинг бир даргоҳда ёки бир фаолиятда котиб колмаслигини таъминлаш мухим аҳамиятга эга. Бунда назорат ва ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг доимий равища ривожланиши, ўз устида ишлашини таъминлаш максадида уларни идоралараро ротация қилиш тартибини янада такомиллаштириш, ушбу жараённинг ягона механизмини шакллантириш вазифаси белгилаб олинган.

Мазкур ишларнинг амалга оширилиши суд, ҳукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида сифатли, ҳалол, халқ

Прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулитт, фидоймлик, ҳалалликни тараб қилади. Қабул қилинадиган ҳар бир қарор замонида инсон тақдирни туради. Шундай экан, етти үлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоги шарт.

Шавкат Мирзиёев

йўлга қўйиш, кадрларни ўқитиш борасида ўзаро алмашувни амалга ошириш, энг илгор ўқитиш технологияларини жалб этиш ҳамда илмий адабиётларни ҳаммуаллифликда нашр этиш максадга мувофиқдир.

Бундай натижага суд, ҳуқукни муҳофаза килувчи ва назорат органларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қодир бўлган ходимларни танлаш ва тайёрлашга қаратилган бир катор ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш режаси белгилаб олинган. Қабул қилинадиган ҳужжатлар ва амалга ошириладиган ишлар доирасида биринчи ўринда юридик кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муасссалари фаолиятини янада такомиллаштириш оркали Ватанимизга ва ҳалқимизга, унинг ҳуқук ва манфаатларини ҳар қандай вазиятда ва ҳар ерда ҳимоя кила оладиган юкори малакали юридик кадрларни тайёрлашга эришиш максад қилиб қўйилган.

Маълумки, юридик кадрлар тайёрлашдан кейинги босқич юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш босқичи бўлиб ҳисобланади. Мазкур соҳада мутлак янги шакл ва мазмунга эришиш вазифаси белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари фаолиятини танқидий равишда кўриб чиқкан ҳолда, ҳалқаро стандартлар асосида такомиллаштириш вазифаси белгиланган. Бундан кўзланган асосий максад давлат органларида ишлайдиган юридик кадрларнинг малакасини узлуксиз ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўлиб, бунда давлат соҳаларида ишлайдиган ходимларни инсон ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя килиш, ўз вазифаларига масъулият билан

муҳим мақсадлардан бири сифатида илгари сурилмоқда. Бунинг учун суд, ҳуқукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида чет эл олий таълим муасссалари ва идоралари билан ҳамкорликни

йўлга қўйиш, кадрларни ўқитиш борасида ўзаро алмашувни амалга ошириш, энг илгор ўқитиш технологияларини жалб этиш ҳамда илмий адабиётларни ҳаммуаллифликда нашр этиш максадга мувофиқдир.

Бундай натижага суд, ҳуқукни муҳофazasi kiliuvchi va nazorat organlariida belgilangan vazifalarini amalga oshiriшga қodir bolgan hodimlarни tanlaш ва tayेrlashga karatilgan bir kator hujjatlар ishlab chiqish va qabul qiliш режаси belgilab olingan. Qabul qiliнadigан ҳujjatlар ва amalga oshiriладиган ishlar doирасида birinchi ўrinnda юridik kadrлarни tayेrlайдиган oliy taъlim muasssalari faoliyatini янада takomillashтириш orкали Vatanimizga ва halқimizga, uning ҳuқuk va manfaatlarini ҳar қandай vaziyatda va ҳar erda ҳimoya kila oladigan юкори малакali юридik kadrлarni tayेrlashga erishiш maksad қiliб қўyилган.

Maъlumki, юридik kadrлar tayеrlashdan keyinги bosқich юри-
дик kadrлarни қайta tayेrlash va malakasini oshiriш bosқichi
bўliб ҳisoblanadi. Mazkurb soҳada mутlak янги shakl va mazmuniga
erishiш vazifasi belgиланган. Xususan, Ўзбекистон Республика-
си Adлия vazirligi xuzuridagi Юристлар малакasini oshiriш
markazi va Ўзбекистон Республикаси Boш prokuraturasining
Oliy ўқув kurslari faoliyatini tanқidий ravishda kўriб чиқkan
холда, ҳалқaro standartlar asosiда takomillashтириш vazifasi
belgиланган. Bундан kўzланган асосий максад давлат organlariда
ishlайдиган юридик kadrлarning малакasini uzlucksiz oshiriш ва
ularni қайta tayेrlashnинг samarali tiziminini жорий этиш bўliб,
бунда давлат соҳалariда ishlайдиган ходimlarни инсон ҳuқuk va
manfaatlarini ҳimoya kiliш, ўз vazifalariга masъuлият bilan

ендашиш, ўзига юклатилган вазифалар ечимини топиш ҳамда тұғри қарор кабул килиш, доимий равища үз устида ишлеш каби күнік-маларни шакллантириш ва ривожлантариш бўлиб хисобланади.

Бунга эришиш учун юридик кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат талаблари ва тартибини янгитдан ишлаб чиқиб тасдиклаш, ўқитишининг янги технологияларини, хусусан масофавий ўқитиши тизимини жорий этиш, янги ўқитиши услубини кўллаш каби ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Шулар билан бир қаторда, кўриб чиқилаётган энг мухим масалалардан бири бўлган судьяликка номзодларни тайёрлаш ҳамда судьялар малакасини ошириш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Бу масалада хорижий амалиёт ва ҳалқаро стандартлардан келиб чиқкан ҳолда, судьяликка номзодларни кўпроқ ва самаралироқ ўқитиши, яъни ўкиш ва амалиёт ўташ даврини узайтириш оркали судьяликка номзодларни тайёрлашга янги талаблар қўйиш режаси шакллантирилган. Бу жараён судьяларни тайёрлаш жараёни бўлиб, уни ўтаган шахс, ўз фаолиятида мустакил фикрлаб, ҳар кандай вазиятга тұғри ва оди-лона баҳо бера оладиган, қонунга катъий итоат этадиган, давлатномидан адолатни таъминлайдиган ва фуқароларнинг чинакам адолат химоячиси бўладиган мустакил судьяларни тайёрлашни англатади. Шу билан бирга қонунларни амалиётда қўллаш, уларнинг мазмун-моҳиятини фуқароларга тұлға өткәнде, фуқароларнинг хукуқ ва қонуний манбаатларини хукукий химоялаш, аҳоли ўртасида хукукий маданият ва хукукий онгни юксалтириш бўйича янги йўналишларни жорий этиш Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган.

Юридик кадрларнинг иш фаолияти жараёни ҳам ўта мухим хисобланиб, ушбу жараёнда уларнинг бир даргоҳда ёки бир фаолиятда қотиб қолмаслигини таъминлаш мухим аҳамиятга эга. Бунда назорат ва хукукни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг доимий равища ривожланиши, ўз устида ишленини таъминлаш максадида уларни идоралараро ротация қилиш тартибини янада такомиллаштириш, ушбу жараённинг ягона механизмини шакллантириш вазифаси белгилаб олинган.

Мазкур ишларнинг амалга оширилиши суд, хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида сифатли, ҳалол, ҳалк

манфаати йўлида ишлайдиган, конун устуворлиги ва адолатни таъминлайдиган ходимлар ишлашига олиб келади, деб хисоблашига асос бўлади. Амалга ошириш ржалаштирилаётган чора-тадбирлар доирасида юридик кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини оширишни тубдан ислоҳ килиш, бу борада янги тизимни жорий этиш назарда тутилган.

Шундан келиб чиккан ҳолда, юридик кадрларнинг малакасини оширишда илғор ўқитиш технологияларидан тулиқ фойдаланиш, ривожланган давлатларнинг кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ютукларини жалб этиш асосий максадлардан биридир. Айникса, суд ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш долзарбdir. Чунончи, судларда профессионаллик кобилиятини юксалтириш, конунларни тўғри ва аник талкин этиш, судьяликка номзодларни тайёрлаш, касб этикаси ва маҳоратини шакллантириш зарур.

Бу борада қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- конунларни тўғри талкин килиш кобилиятини шакллантириш, конун ва адолат устуворлиги тамоийлларини кўллаш;
- ҳукукий маданият ва ҳукукий тарбияни юкори даражада шакллантириш;
- карор қабул килиш жараёнида судьяларнинг мустакиллиги, адолатпарварлиги, ишончлилигини таъминлаш ҳамда адолатли, конунга мувофик карорларни қабул килиш кўнинкамларини шакллантириш.

Мазкур вазифаларни шакллантириш суд, ҳукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари ходимлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ҳаракатлар стратегияси янги йўналишларни белгилаб берди. Суд, ҳукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари ходимларини ротация килиш механизми ривожланган мамлакатлар тажрибасида ҳам мавжуд бўлиб, амалиётда ижобий натижаларни берган. Ҳусусан, Германия юридик тизимида суд, ҳукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари ходимлари икки йил давомида ўзаро кадрлар алмашуви натижасида ротацияни амалга оширадилар. Бу эса, ўз навбатида, кадрларнинг ўзаро билим алмашишига, юридик малакаларининг янада юксалишига олиб келади. Ротация жараёни суд, ҳукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари ходимларининг узвони, лавозими, иш ҳаки сакланган ҳолда амалга оширилади.

Ҳаракатлар стратегияси суд, хукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация килиш тизимини такомиллаштиришда асосий мезон бўлиб хизмат килади.

Сул-хуқук соҳасида конунийликни мустаҳкамлашнинг яна бир жиҳати – хукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари ходимлари орасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика килиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш масаласидир.

Бугунги кунда хукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари ходимлари орасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика килиш ва бартараф этишга доир идоравий назорат килиш, минг афсуски, етарлича самара бермаяпти. Бу соҳа илмий-техникавий воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий килиш орқали такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Бу каби технологияларнинг жорий этилиши соҳадаги камчиликларни ўз вактида аниқлаш ҳамда давлат хизматчиларининг ўз вазифларини бажаришда масъулият билан ёндашишларини рағбатлантиради.

Эътиборлиси шундаки, давлатимиз раҳбари ва давлат бошқарув органларининг виртуал қабулхонасига ҳалқимиз томонидан кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Ҳусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида Бош вазир қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият мурожаатлар тегишли мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг ўз вазифаларига лоқайдилги натижасида юзага келган. Булар шундан далолат беради, олдимиизда Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган идоравий назоратнинг самарадорлигини ошириш максадида катор норматив-хукукий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул килиш, шунингдек, давлат идоралари хизматчилари ўртасида уларнинг шахсий масъулиятини янада оширишга эришишга каратилган турли тадбирларни мунтазам равишда ташкил этиш вазифалари турибди.

Бундан келиб чиқиб айтиш керакки, идоравий назоратнинг тақомиллаштирилишида хукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари хизматчиларининг касб-этика коидаларига оғишмай риоя этишлари мухим аҳамиятга эга. Бунинг учун давлат органлари инсон

Барчамиз ўзимизга бир савал берайлик: одамларда нима учун муаммалар бунчалик кўпайиб кетди, уларнинг дардини ким эшитади? Мурожаатларнинг аксарияти адолатсизликдан, уларни ҳеч ким эшитмаганидан бўлмоқда. Агар прокуратура органларининг эшиги аҳали учун очик бўлганида, Боз таърихининг виртуал қабулхонасига бу қадар кўп мурожаат тушибас экан.

Шавкат Мирзиев

Хукукларини ҳимоя қилишга, айниқса бирор-бир муаммонинг ечими юзасидан мурожаат қилган шахсларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат килувчи давлат хизматчиларининг қасб-этика коидаларининг қабул қилинишини ва унга амал қилинишини таъминлаши зарур.

Ҳаракатлар стратегиясида ху-

кукни муҳофаза килувчи ва назорат органлари ходимлари халқнинг ичига бўлишлари, уларнинг ўй-ташвишлари билан яашлари ва албатта халқимизни давлатдан рози бўлиб яшашини ўзларининг бирламчи вазифалари деб билишлари лозим. Ҳар бир давлат хизматчиси шуни англаб этиши лозимки, улар фақатгина халқимиз учун фаолият юритмоқда ва унинг муаммолари ечилишида шахсан жавобгардир ва буни ўз фаолиятларининг асосий максади деб билишлари лозим. Шу сабабли ҳар бир давлат идораси раҳбари ҳар бир мурожаат қилган фуқарони шахсан қабул қилиши, жамиятимиз ичига кириб бориши ва ўз кўл остидаги хизматчиларини назорат қилиб боришлари талаб этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини, авваламбор, мазкур ислоҳотларнинг ижросига бевосита масъул бўлган давлат ташкилотлари ва уларнинг хизматчиларига ўз вактида етказиб боришини таъминлаш ҳамда тўғри тушунтириш, ислоҳотларнинг пировард максади сифатида уларнинг тафаккури ва дунёкарашини ўзгартириш зарур.

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш максадида қатор идоравий хужжатларни қабул қилиш ва профилактика ишларини мунтазам равишда амалга ошириш, шунингдек, йил давомида давлат ташкилоти хизматчилари ўртасида уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга бағишлиланган ўкув семинарлари ташкил этиш даркор.

Бундан ташқари, хукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари ходимлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш,

уларнинг фаолиятини сархисоб килиб, рейтингини шакллантириш, жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2017 йил 7 январда Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гурух соҳа ходимлари билан учрашувида «2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади. Бундан ташкири, вилоятларда прокурорларнинг ишига қараб ойлик рейтинги тушиб борилади. Уларнинг фаолиятига рейтинг натижалари асосида баҳо берилади», деб таъкидлаган эди.

Мазкур чора-тадбирлар инсон ҳукуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя килинишини, ҳалқимизни давлатга, ҳусусан, ҳокимият тузилмаларига ишончи мустаҳкамланишига, фукароларимизда конунга итоаткорлик руҳининг мустаҳкамланишига ва ҳукуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини тўлиқ англашга хизмат килади.

Бошқача айтганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишида сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўймаслик, ходимлар ўртасида сунистъемолчилик ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлок қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш, юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юқлатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга кодир бўлган кадрларни шаффофф танлов асосида ишга қабул килиш тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Албатта, бунга эришишда ҳукукни муҳофаза килувчи органлар ва назорат идоралари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, ҳукукни муҳофаза килувчи органларнинг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариши юзасидан маъсулиятини кучайтириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида назорат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга

ошириш, хукукни муҳофаза килувчи органлар ва назорат идоралари ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид хукукбузарликларга йўл кўймаслик, шунингдек, хукукни муҳофаза килувчи органлари ва назорат идоралари мансабдор шахслари ва бошка ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самаралорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш талаб этилади.

Хукукни муҳофаза килувчи органлар ва назорат идоралари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги конун хужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вактида кўриб чикилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган хукуклари, эркинликларини тиклаш ҳамда конуний манфаатларини ҳимоя килиш бўйича ўз ваколатлари доирасидаchorалар кўрилиши устидан назоратни янада кучайтириш, шу билан бирга, ушбу соҳа вакилларининг хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиклик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 январь куни бўлиб ўтган, Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидағи мамлакатни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мулжалланган иктиносидий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган маърузасида 2017 йил ва ундан кейинги даврга белгиланган вазифаларни амалга ошириш қўйидаги учта энг муҳим талабга ҳал этувчи даражада боғлик экани таъкидланди:

биринчидан – давлат раҳбари – Президентдан бошлаб барча бўғиндаги раҳбарларнинг якуний натижалари учун шахсий жавобгарлиги;

иккинчидан – ҳамма соҳада анник тартиб ва каттиқ интизомни таъминлаш, ишни биргаликда бажариш, натижа учун эса ҳар бир ходим шахсан жавоб бериши;

учинчидан – каторларимиз ва кадрларимизнинг соғлигини таъминлаш, ишдаги ҳар кандай ноҳуш холатнинг олдини олиш ва бундай иллатларнинг илдизини куритиш тўғрисида айтган эди.

Албатта, Президентимизнинг бундай сўзлари хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда назорат идораларида ҳам аник тартиб ва каттиқ интизомни таъминлашда, ушбу идоралардаги кадрларимизнинг соғлигини таъминлаш, ишдаги ҳар қандай нохуш ҳолатларнинг олдини олиңда мухим аҳамият касб этади.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигиги ни ошириш, фуқароларнинг хуқуқни муҳофаза қилиш тизими га бўлган ишончини мустаҳкамлаш Ҳаракатлар стратегиясида алоҳида тўхталиб ўтилган масала саналади.

Ўзбекистонда давлат мустакиллиги кўлга киритилганидан сўнг мамлакатда демократик хукукий давлат куриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш олий максад қилиб кўйилди. Хукукий давлатнинг энг мухим белгиларидан бири эса, жамият ва давлат ҳаётида конун устуворлигининг сўзсиз тан олиниши, жамият аъзолари ўртасида юзага келадиган барча муносабатларда конунларга бўлган хурматнинг мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси 2-кисмида «Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва конунларга мувофиқ иш кўрадилар», деб катъий белгилаб кўйилган. Шундай экан, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтининг ўрни конун ҳужжатлари орқали мустаҳкамлаб кўйилиши ҳар жихатдан мухим аҳамият касб этади.

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида сўзлаган нуткида «...халқ ҳокимиятининг энг мухим

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқариша бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши хуқуқига эгалерлар. Бундай иштирок этиши ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва тақомилаштириш йўли билан амалга оширилади. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 32-мода

пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш буйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқарувি органлари фаолиятининг очиқлиги тұғрисида», «Ижтимоий шеріклик тұғрисида»ги конунлар ва бошқа хужжатларда мұхрлаб күйилгап талабларнинг ижросини таъминлашга алоқида зәтибор қаратамиз», деб тақидлаган зди.

Кейинчалик эса бу масала, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдикланған Ҳаракатлар стратегиясида үз аксини топди. Унда, хусусан, хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг хукукни муҳофаза қилиш тизимиға бұлған ишончни мустаҳкамлаш лозимлиги белгиланди.

Мазкур Ҳаракатлар стратегиясида хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришдан күзланған мақсад, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлари фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва үзини үзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлари таркибиде тузилған жамоатчилик органлари томонидан конун доирасида олиб бориладиган назоратни таъминлашдан иборатдир. Чunksи, жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини барпо этишнинг эң мұхим шарттаридан биридір.

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратига катта зәтибор қаратылмокда. Чunksи, жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти ва хукукий давлатнинг мұхим омили ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг конституцияйи хукукий асослары мустаҳкамлаб күйилди.

Жамоатчилик назоратининг муайян жиҳатлари, одатда, фуқароларнинг ахборот олиш хукукini назарда тутадиган, уларнинг хукуқ ва конуний манфаатларына дахлдор бұлған қонунчилік хужжатлары орқали тартибға солинади. Давлат үз фаолияти очиқлигини ахолини хабардор қилиш ва у билан мунтазам мұлоқот

ўрнатиши, шунингдек, жамоатчилик фикрини, жамоатчилик экспертизасини, жамоат кенгашлари ва фуқаролик жамияти вакиллари иштирокидаги бошка маслаҳат органларини ташкил этиш орқали таъминлайди.

Ҳаракатлар стратегиясида жамоатчилик назорати механизмини яратиш орқали мансабдор шахсларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш лозимлиги назарда тутилади. Бунинг натижасида жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасида ўзаро муносабатларни яқинлаштириб, жамиядга манфаатлар мувозанатини таъминлайди. Колаверса, жамоатчилик назоратининг асосий субъектлари – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг янада ривожланишига, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришга ҳамда бошка фуқаролик жамияти институтларининг мавкеини оширишга, фуқароларнинг сиёсий ва хукукий онги юксалишига, демократик калриятларни ҳалқимиз онги ва ҳаётига сингдиришга асос бўлади.

Ҳаракатлар стратегиясида мазкур соҳада амалга оширилиши режалаштирилаётган вазифалардан бири бугунги кунда хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари олдида турган мухим масала фуқароларнинг хукукни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Шу максадда жойларда хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш мухим аҳамият касб этади. Айниска, маҳаллаларда мазкур органлар раҳбарларининг аҳоли билан мунтазам равишда учрашиб туриш амалиётини кучайтириш лозимлиги назарда тутилган.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегияси жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмини жорий этади, масалан, ҳокимларнинг, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳисобдорлиги тизимини татбиқ этиш шулар жумласи-

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, аммасий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг ўйлга кўймиз.

Шавкат Мирзиёев

ландир. Шу билан бирга, прокуратура ходимлари фаолиятини рейтингли баҳолаш тизимининг жорий этилиши орқали келажакда уларни рагбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш масаласи белгиланади.

Шунингдек, жойлардаги маҳаллаларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш орқали давлат органлари олдида ва жамоат бошқарувида уларнинг нуфузини ошириш, хукуқ ва ваколатларини кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида очикликни рӯёбга чиқариш, жамоатчиликнинг иштирокини ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаш максадида Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тизимни яратишда давлат органлари фаолияти юзасидан бўлгани каби, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам ҳар томонлама ва танқидий кайта кўриб чиқиш назарда тутилган. Шу билан бирга, давлат органлари ўз фаолиятининг очиклигини таъминлаш максадида ёпик хужжатлар ҳажмини кисқартириши ва уларни ахолининг барча катламларига етказиши лозим. Шундай килиб, давлат органлари, хусусан, хукукни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг таркибий бўлинмалари ўз фаолияти ва маҳаллий хужжатлари юзасидан маълумотларни тегишли веб-сайтларда эълон килиб боради.

Шунга асосан, Ҳаракатлар стратегияси давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш механизми қўйидагиларга йўналтирилган бўлиши лозимлигини белгилайди:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг юкори дараҷадаги очиклигини таъминлаш;
- давлат ҳокимияти ва органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;
- давлат ҳокимияти ва органларининг фаолияти юзасидан жамоат назоратини кучайтириш;
- шунингдек, фуқароларнинг ишончини ошириш.

Жамоатчилик назорати механизмини жорий этиш ва ривожлантириш халкнинг хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига бўлган ишонч даражасини оширади, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлади, бу эса, фуқароларнинг хукуқ ва эркинлигини таъминловчи энг асосий ҳимоячисига айлантиради.

Кайд этилганларнинг, хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида на-
зарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши суд-хукук
тизимида конунийликни мустаҳкамлашга, суд-хукук тизимини
ислоҳ килишда конун устуворлигини, шунингдек, ҳалқимизнинг
тиңчлиги ва осойишталиги, жамият ҳаётида конунийлик ва адолат
тамоиллари карор топишини таъминлашга хизмат килади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Суд-хукуқ ислоҳотларининг асосий мақсади нимадан иборат, деб ҳисоблайсиз?
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини самарали режалаштириши деганда нимани тушунасиз? Режа-
лаштиришининг аҳамияти қандай?
3. Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларнинг сабаб ва омил-
ларини бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
зиммасига қандай энг асосий вазифалар юклатилади?
4. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни аниқлаша
профилактик тадбирларнинг аҳамияти нималарда намоён
бўлади?
5. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил
қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идо-
ратари билан жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги
қандай шаклда ўйлга қўйиштиши лозим деб ҳисоблайсиз?
6. Ротация ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари
тизими фаолиятига қандай таъсир қиласиди?
7. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар ресурсини режа-
лаштириши деганда нимани тушунасиз?
8. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари
орасида ҳуқуқбузарликлар деганда нимани тушунасиз?
9. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва унинг асосий вазифалари
нимадан иборат?
10. Жамоатчилик назорати деганда нимани тушунасиз?
11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамоатчилик
назорати бўйича қандай нормалар мустаҳкамланган?
12. Жамоатчилик назорати институтининг ривожланишида
нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли ни-
матарда намоён бўлади, деб ўйтайсиз?

2.6. ЮРИДИК ЁРДАМ ВА ХИЗМАТ КУРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самаралорлигини ошириш. Узбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошка барча норматив-хукукий ҳужжатларида фуқароларнинг муносаб ҳаёт кечиришларини таъминлаш ва инсонпарвар хукукий демократик давлат барпо этиш асосий мақсад килиб кўйилган. Бунинг учун мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар – давлат мулкини хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш, фуқароларнинг хукук ва эркинликларини ҳимоя килиш, Конституция ва конунларнинг устуворлигини таъминлаш якъол мисолдир. Мазкур вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда юридик хизмат муҳим роль ўйнайди.

Конунчилик тизимини тақомиллаштириши билан бир қаторда, конунларни ҳаётга изчил жорий қилиш, барча ҳужсалик субъектларининг юридик нормалар ва қоидаларга қатъни амал қилишларини таъминлаш маъданий-маърифий бозорни шаклантиришининг маъбурий шартидир.

Ислом Каримов

Мамлакатимиз мустакилликка эришгандан кейинги қиска давр ичидаги юридик хизмат ходимларининг хукук ва бурчларини тартиба солиш, конунийликни таъминлашда уларнинг роли ва маъсулнинг ошириш заруриятидан келиб чиқиб, бир қатор конунлар ва бошка норматив-хукукий ҳужжатлар кабул килинди.

Республикамида бугунги кунга келиб, тегишли равишида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари 600 000 дан ортикни ташкил этади. Шундан якка тартибдаги тадбиркорлар 230 000 га яқин, микрофирма ва кичик корхоналар 190 000 дан зиёд, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар 4 900 дан кўп, фермер ҳужаликлари 160 000 дан ортик, бошка корхоналар 74 000 якиндир. Юртимизда шунча тадбиркорлик субъектлари фаолият юритар экан, улар фаолиятида юридик хизмат қайдаражада таъминланган, деган савол туғилади?

Бизга маълумки, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишда улар у ёки бу соҳада албатта юридик хизмат ходимининг масалаҳатига ёки унинг ёрдамига муҳтоҷ бўлиши табиий ҳол.

Юридик хизматнинг шартномавий муносабатларни ҳуқукий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш соҳасидаги вазифалари ва ҳуқуклари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқукий базаси тўғрисида»ги Конунида белгилаб кўйилган.

Мамлакатни ислоҳ килиш ҳамда модернизациялаш шароитида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида конунийликни мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқукий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш сифатини яхшилаш, юридик хизматнинг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сон қарори кабул килинди ва мазкур қарор билан «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида»ги ва «Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги низомлар тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори билан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини беш йилда бир марта аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш мустаҳкамлаб кўйилди. Юридик хизматга ёрдам кўрсатиш мақсадида кўплаб норматив-ҳуқукий ҳужжатлар кабул килиниб, бу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган бир катор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Вазирлар Мажкамасининг 2015 йил 4 июн даги «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматлари фаолиятининг янада тақомишлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириши ва қўшиччалар киритиши тўғрисида» 149-сон қарорининг кабул килиниши бу соҳада мухим аҳамиятга эга бўлди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва

ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жамиятда қонунчиликка риоя этилишида давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги, шартномавий-хукукий ва талабнома-даъво ишларини амалга оширадиган юридик хизматлари доимий кўмаклашиб келмоқда.

Шу билан бирга, юридик хизматларнинг ходимлари қонун бузилишининг олдини олиш ҳамда улар бўйича ўз вактида чоралар кўриш учун етарли ва таъсирчан ваколатларга эга эмасликлари сабабли уларнинг фаолияти кутилган самарани, юридик хизматларни ташкил этишнинг тартиби, уларнинг штат бирликларини белгилаш меъёр ва мезонларининг мавжуд эмаслиги турли давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматларнинг ташкилий штат тузилмасини оқилона белгилашни таъминлашга имкон бермаяпти.

Юридик хизматлар томонидан хукукни кўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чикиш ишлари самарали ташкил этилмаган. Мазкур соҳадаги ишлар хукукни муҳофаза килувчи ва назорат органлари томонидан аникланган камчилик ва қонун бузилишларини бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш билан чекланмоқда.

Юкоридагилардан келиб чикиб, ушбу камчиликларни барта-раф этиш, салбий ҳолатларнинг тўгри қонуний ечимини топиш мақсадида **Ҳаракатлар стратегиясида** бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш, юридик хизмат соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 19 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириши чора-тадбирлари тўгрисида**»ги ПҚ-2733-сон Карори кабул килинди. Карорда юридик хизматлар томонидан хукукни кўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чикиш ишларини самарали ташкил этиш, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминот даражаси, мазкур соҳага олий юридик маълумот ва амалий тажрибага эга юкори малакали кадрларни жалб қилиш, юридик

хизматлар ишининг сифатини оширишга қаратилган ишларни ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида конунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва хуқукий ислоҳотларни амалга оширишла юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш каби масалалар бегилаб кўйилди.

Ушбу Қарорга асосан давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига адлия органлари ходимлари учун белгиланган *мартаба даражаларини бериш*, кўп йиллик хизмат учун *устамаларни тұлаш* тартибини татбик этиш, юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи ходим бошка давлат органлари, шу жумладан, хуқукни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганида мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат устамаларини тұлаш учун мүлжалланган меҳнат стажи хисобга олиниши, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мазкур мутахассислик бўйича уч *йиллик стажига* эга бўлган ходимлари, лицензия олиш учун *адвокат мақомига* эга бўлишга талабгор шахс сифатида малака имтиҳонида тегишли *стажировка ўтмасдан иштирок этиши хуқуқига эга булиши*, юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган *наблаганинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган* микдорда мукофотланиши каби масалалар белгилаб кўйилди.

Шунингдек, мазкур карорда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш, уларнинг ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш бўйича маҳсус ваколатли орган этиб белгиланиб, вазирлик тизимида кўшимча 5 та бошқарув ходими штат бирликларини ажратиш йўли билан *Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси* ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса, кўшимча 14 та бошқарув ходими штат бирликларини ажратиш йўли билан тегишли *шўбатар ташкил этилиши* мустаҳкамлаб кўйилди. Бошкарма давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги ягона, хамма эркин

**Тадбиркорлик субъектларига
хукукий хизмат кўрсатувчи корпо-
ратив юридик маслаҳатлар ва юри-
дик консалтингларни ривожлантириш.**

**«Халқ билан мулокот ва нисон
манфаатлари йили»
Давлат дастури, 115-банд**

масалалари билан шуғулланади.

Лекин, шунга карамай, бугунги кунда юридик хизмат соҳасида бир катор камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Биргина мисол, мавжуд юридик хизмат ходими штат бирликларининг кариб • **20 фойздан ортиги вакант, яъни бўш, кўпгина юридик хизмат ходимлари олий маълумотга эга эмас.**

Шу мақсадда Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажарилишини таъминлаш учун адлия органлари тизимида уларга услубий ёрдам кўрсатиш бўйича тузилмалар ташкил қилиш назарда тутилган.

Мамлакатимизда амалда бўлган юридик хизмат, хукукий ишлар ва уларга услубий раҳбарлик қилиш тўғрисидаги конунчиликни ривожлантиришга давлатимизнинг конун чиқарувчи ва ижро этувчи хокимиятлари томонидан катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, ушбу карорнинг мазмунидан келиб чиқиб, соҳани янада ривожлантириш учун бир қанча ишлар амалга оширилиши максадга мувофиқдир.

Биринчидан, юридик хизмат фаолиятини тартибга солиш максадида «Ўзбекистонда юридик хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини кабул қилиш, бу барча мулк шаклидаги юридик хизмат фаолиятини тартибга солишга хизмат килади;

Иккинчидан, адлия органлари ходимлари, шуннингдек, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматининг малакали ходимлари томонидан бошка давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ёш ходимларига, тадбиркорлик субъектларига уларнинг малакасини ошириш максадида тренинг машгулотлари олиб бориши (видеоконференция ёки бошка усулларда) ҳамда Ўзбекистон юристлар ассоциациясини ташкил этиш;

фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар базасини яратиш уни мунтазам равишда янгилаш туриш, юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш, уларнинг ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш

Учинчидан, юридик хизмат ходимларини жаҳоннинг ҳукук соҳасидаги етакчи олий таълим муассасаларида малака ошириш ва юридик хизмат тузилмаларига тажриба алмашиш учун юбориш амалиётини кенгайтириш;

Тўртинчидан, юридик хизмат ходимларининг ижтимоий таъминотини янада яхшилаш мақсадида имтиёзли (ипотека, истеъмол, автотранспорт ва бошкalar) кредитларни бериш йўли билан уларни рагбатлантириш лозим.

Адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини куриб чиқиша адвокатининг ўрнини ошириш.

Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тўғрисида»ги конунлари, шунингдек, Жиноят процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа норматив-ҳукукий хужжатлар билан тартибига солинади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида адвокатура институти такомиллаштирилиши назарда тутилган.

Жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларининг курилишида адвокатининг ролини кучайтириш мақсадида куйилаги ишлар кўзда тутилмоқда:

1. Адвокат томонидан далилларни тўплаш ва уларни жиноят иши материалларига қўшиш механизми такомиллаштирилади. Ўзбекистон Республикаси «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тўғрисида»ги конунининг 4-моддасида, «Адвокатура тўғрисида»ги конунининг 6-моддасида адвокатлар судларда, шунингдек, маъмурий ҳукукбузарлик тўғрисидаги ишларни куриб чиқаётган органларда далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ҳукуки эгадирлар, деб белгиланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 87-моддасида «ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган

маълумотларни: ишга тааллукли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа хужжатларни олиш орқали тўплашга ҳакли» экани қайд этилган. Эндиликда Ҳаракатлар стратегияси асосида адвокатларнинг далилларни тўплаш ва уларни жиноят иши материалларига кўшип тартиби такомиллаштирилади.

2. Судгача ва судда иш юритишида адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиши учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа хужжатларни, экспертларнинг ёзма хуласаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатларини сўраш ва олиш тартиби аниқлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида адвокатларнинг ҳукук ва ваколатлари келтирилган булиб, ушбу ҳукукларни амалга ошириш тартиби қонун хужжатларида аник берилмаган. Масалан, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида «Муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади» деб келтирилади. Адвокатлар сўровнома билан давлат органлари, ташкилотлари ёки муассасаларига мурожаат килганида сўровномага адвокатлик ордери илова килинмаганлиги важи билан юкорида келтирилган коидага асосланиб, сўровномани жавобсиз қолдириш ҳолатлари учраб туради. Шу каби тушунмовчиликларни бартараф этиш максадида Ҳаракатлар стратегияси асосида судгача ва судда иш юритишида адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиши учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органи ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифнома ва бошқа хужжатларни, экспертларнинг ёзма хуласаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатларнни сўраш ва олиш тартиби аниқлаштирилади.

3. Фуқаролик ва ҳўжалик низоларини судгача ҳал қилиш жараённида, шунингдек, жиноят процессида томонларни ярати-

риш тартиб-таомилида адвокат иштироки кенгайтирилади. Фукаролик ва хўжалик хукукий муносабатларда низонинг судга кадар хал этилиши шартнома тарафларининг низодан кейинги жамкорликларига тўғридан-тўғри таъсир этади. Шу сабабли низоларнинг судга кадар хал этилишидан тарафлар манфаатдор бўлади. Конун хужжатларимизда адвокатнииг ишга кириб келишига чеклов ўрнатилмаган бўлса-да, одатда адвокатлар низо бошланганидан сўнг ишга кириб келади. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 6-моддасида хўжалик ишини қўзғатиш асослари келтирилган бўлиб, унда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача хал килиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда хал килиш чораларини қўрганларидан сўнгина хўжалик судида иш қўзғатиш мумкинлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик процессуал кодексининг 5-моддасида фукаролик ишини қўзғатиш асослари келтирилган бўлиб, фукаролик ишини қўзғатишда низони судгача хал килиш тартиби белгиланмаган. Ҳаракатлар стратегияси асосида адвокатларнинг низони судгача хал килиш жараёнидаги иштироки ва тартиби конун хужжатларига асосан белгиланади.

Шунингдек, жиноят процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокат кузатувчи позициясида туриши, яъни, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд мухокамасида фикр билдириш билан чекланиши белгиланган. Эндиликда Ҳаракатлар стратегияси асосида жиноят процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокатнинг фаол иштирокини таъминлаш оркали ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишда адвокатнинг роли оширилади.

4. Суд ишини юритишда иштирок этиши учун адвокат ордени расмийлаштириши ва тақдим этиши тартиби қайта қўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси «Адвокатлик фаoliyatining кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тўғрисида»ги конуннинг 4-моддасида «Муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдикланади» деб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 8 апрелдаги 91-мҳ ракамли бўйруғи асосида Адвокат томонидан

иш олиб бориш учун ордер шакли тасдиқланган. Эндиликда суд ишини юритиша иштирок этиш учун адвокат ордерини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби, замон талабидан келиб чикиб, қайта кўриб чикилади.

Адвокатура институтини яналя мустаҳкамлаш мақсадида күйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

1. Адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иштирок этиши ҳуқуқини бериш. Адвокатларни низолашувчи тарафларнинг ўзаро келишувига мувофик, низони ҳакамлик судида кўриб чикиш учун ҳакамлик суди судъяси сифатида танлаш имкони берилмоқда. Натижада хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларга давлат аралашуви минималлашади, низоларни судгача ҳал килиш тартиби кенг кўлланилишига эришилади.

2. Адвокат сўровини кўриб чиқиши тартиби ва муддатларини аниқлаштириш. «Адвокатура тўғрисида»ги конуннинг б-моддасида адвокатларга юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан маълумотларни сўраш ва олиш ҳуқуки берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1971-моддасида адвокатнинг профессионал фаолиятига тўскинлик килгани учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилган. Унга кўра, адвокат сўровига жавоб тақдим этмаслик адвокатнинг профессионал фаолиятига тўскинлик килиш сифатида баҳоланади. Аммо, конун ҳужоатларимизда адвокат сўровини кўриб чикиш тартиби ва муддатлари белгиланмаган. Адвокатнинг сўровини кўриб чиқиши тартиби ва муддатларининг конун ҳужжатларида кагъий белгиланиши ваколатли давлат органлари, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа корхоналар масъул ходимларининг адвокат сўровини кўриб чикишдаги масъулиятини оширади.

3. Адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари дарамадларини солиқка тортиши тизимини мақбуллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюrolари нодавлат-нотижорат ташкилотлари сифатида фаолиятнинг адвокатлар томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатиш билан боғлиқ кисми бўйича соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилган бўлиб, конунда белгиланган истиснолар мавжуд. Шунингдек, адвокатлар томони-

дан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатганлик учун олинган гонорарлар микдорига ушбу моддада белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги солинади. Бугунги кунда адвокатлар ва адвокатлик тузилмаларинн соликка тортиш тизими-даги нокулайликларнинг бартараф этилиши адвокатларнинг реал даромадларининг ошишига, бу соҳадаги хукуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

4. Адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавоб-гарикка тартиш масаласида давлат органларининг ролини камайтириши. Адвокатлик фаолияти лицензияланадиган фаолият туридир. Олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хукуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибла олган Ўзбекистон Республикасининг фукароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 9 марта «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларинн ташкил этиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида»ги 60-сон карорида адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тартиби белгиланган. Унга мувофик, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хукуқини берувчи лицензия Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли худудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларининг қарорлари асосида берилиши белгиланган. Шунингдек, зарур билимлар ва касбий малакаларга эга бўлган шахсларга лицензиялар бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, шунингдек, адвокатларга нисбатан интизомий иш юритишни олиб бориш учун Адвокатлар палатасининг худудий бошқармалари ҳузурида малака комиссиялари тузилади.

Малака комиссиялари Адвокатлар палатаси худудий бошқармаларининг ва адлия органларининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларидан тенг микдорда тузилади.

Малака комиссияларининг қарорлари устидан келтирилган ширкоялларни кўриб чиқиш, малака комиссияларининг иш тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил килиш учун Адвокатлар палатаси ҳузурида Олий малака комиссияси тузилади. Олий малака комисси-

ясиининг таркиби Адвокатлар палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларидан тенг микдорда тасдикланади.

Малака комиссиялари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 14 мартағи «Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатаси хузуридаги Олий малака комиссияси тўгрисидаги низомни тасдиклаш ҳакида»ги 68-мҳ-сон буйруги асосида тасдикланган «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси хузуридаги Олий малака комиссияси тўгрисида»ги низомга ва «Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатаси низомни тасдиклаш тўгрисида» 69-мҳ-сон буйруги асосида тасдикланган «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси худудий бошқармалари хузуридаги малака комиссиялари тўгрисида»ги низомга асосан амалга оширади.

Шу тарика адвокатлик лицензияси беришда малака комиссияси йигилишларида адлия органларининг иштирокини қисқартириш оркали адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг ролини камайтиришга эришилади.

5. Адвокатлик лицензияси фаолиятини тұхтатиши, тұгатишининг суд тартибини босқичма-босқич жорий этиши. «Адвокатура тўгрисида»ги конунда адвокат макомини тұхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан амалга оширилиши белгиланган. Шунингдек, адвокатлик лицензиясининг амал килишини тұхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз хукуқ ва эркинликларини суд оркали ҳимоя килиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриконуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят килиш хукуки кафолатланади.

Адвокатлик лицензияси фаолиятини тұхтатиши, тұгатиши борасыда суд тартибининг босқичма-босқич жорий этилиши, шахс хукуқ ва манфаатларига дахл киладиган қарорларининг суд тартибида кабул

килинишини таъминлаб, адвокатларниш хуқуқлари кафолатланишига олиб келади.

6. Адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-хуқуқий шакларини жорий этиши, шу жумладан, хорижий адвокатлик тузилмаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий шаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шугулланиш имкониятини яратиш. «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг З-моддасида адвокат тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шугулланиш хукукини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фукароси Ўзбекистон Республикасида адвокат булиши мумкин. Демак, қонунда факат Ўзбекистон Республикасининг фукароси адвокат макомига эга булиши белгилаб берилган. Шунингдек, қонун адвокатлик тузилмаларини адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ёхуд юридик маслаҳатхона шаклларинн зарда тутади.

Адвокатлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш, адвокатларга қуляй шароит яратиш максадида адвокатлик тузилмаларининг янги шаклларининг хуқуқий асоси яратилиб, адвокатларга янада кенг имкониятлар берилиши зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон резиденти ва норезиденти бўлган, Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқук ва манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлаш, тор доирадаги малакали хорижий давлат фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шугулланиш учун кенг имкониятлар яратиб беришни таъминлаш йўлида, ҳалқаро-хуқуқий, фуқаролик-хуқуқий ва хўжалик-хуқуқий масалалар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш максадида хорижий фуқароларга адвокатлик лицензияларини бериш тартиби жорий этилади.

7. Тадбиркорлик субъектларига хуқуқий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтингларни

Адвокатура институтини ривожлантириши, жиноят, фуқаролик, маъмурӣ ва хўжалик шаклларини кўриб чиқишида адвокатнинг ўрникини ошириши.

«Халқ билан мулокот ва инсон манбаатлари Йили»

ривожлантириши. «Адвокатура тұғрисида»ғи қонун адвокатлик түзилмаларининг адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ёхуд юридик маслаҳатхона шаклларини назарда тутади. Юридик маслаҳатни ривожлантириш мәксадида, қонун асосида уларнинг ваколат ва ҳукуклари көнгайтирилади. Юридик маслаҳатхоналар ва юридик консалтинглар фаолиятини такомиллаштириш мәксадида уларга солық имтиёzlари берилади.

Нотариат ва ФХДӘ органлари тизимини ислоҳ қилиш. Мамлакатимизда нотариал фаолият Үзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик ва Оила кодекслари, 1996 йил 26 дәкабрда қабул қилингандан «Нотариат тұғрисида»ғи қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Үзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2010 йил 5 майдағы «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тұғрисида»ғи Фармони бу соҳадаги ислоҳотларнинг янги даврини бошлаб берди. Ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мәксадида Адлия вазирлигигининг қатор буйруклари қабул қилинди ва нотариат соҳасига оид деярли барча норматив ҳужжатларга ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, Үзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдагы «Суд-ҳукуқ тизимини янада илоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳукуқ ва әркинилекларини ишончли

Нотариал идоралар фаолиятini автоматаштириш, барча нотариал битимлар ҳисобини марказлашган ҳолда юритиш ва идоралараро электрон ҳамкортикни ҳисобга алған ҳолда, ахоли ва тадбиркорларга нотариат соҳасида интерактив дәвләт хизматлары курсатишини шылға күйиши.

**«Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»
Давлат дастури, 38-бапд**

ҳимоя қилиш кафолатларини күчайтириш чора-тадбирлари тұғрисида»ғи ПФ-4850-сон Фармони, 2017–2021 йилларда Үзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йұналиши бүйіча Ҳаракатлар стратегиясын «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига күра, нотариал идоралар фаолиятini такомиллаштириш бүйіча келгусида қонунчилікка күшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши назарда тутилмоқда. Жумладан:

Нотариус лавозимига номзодлар учун стажировка муддатини кискартириш. Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўгрисида»ги Конунинг 2-моддасига асосан нотариус лавозимига номзодлар учун стажировка муддати икки йил қилиб белгиланган. Лекин айрим шахсларга жумладан, судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёхуд нотариал фаолиятга раҳбарликни амалга оширувчи ва ушбу фаолиятни назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировкани ўташ муддати бир йилни ташкил этади. Келгусида ушбу муддатлар янада кискартирилиши назарда тутилмоқда.

Нотариус ёрдамчисига хужжат нусхалари тўғрилигини тасдиқлаш ваколатини бериш. Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўгрисида»ги Конунинг 21-моддасига кўра, юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус ёрдамчиси бўлиши мумкин. Нотариус ёрдамчиси, нотариуснинг топшириғига кўра, нотариал харакатларни амалга оширишда иштирок этишга, битимлар, аризалар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини тузишга, хужжатларнинг кўчирма нусхалари ва дубликатларини, улардан кўчирмаларни тайёрлашга, шунингдек, нотариал харакатларни амалга ошириш масалалари юзасидан тушунтиришлар беришга ҳакли. Ўзгартиришга асосан эндиликда нотариус ёрдамчисига хужжат нусхалари тўғрилигини тасдиқлаш ваколати берилмоқда. Бу нотариус ёрдамчиларига ўзига тегишли бўлган нотариал харакат юзасидан фуқароларни шахсан қабул килиш имкониятини беради.

Нотариусларни аттестациядан ўтказиш ва уларни даврий ротация қилиш тартибини жорий этиш. Бошқа давлат органларида бўлгани каби нотариусларни ҳам ҳар беш йилда аттестациядан ўтказиш тартибини жорий қилиш максадга мувофиқдир. Чунки нотариусларни аттестациядан ўтказиш уларнинг билим даражасининг ошишига, қонунчиликдаги ўзгаришларни билишларига, бу соҳада зарур кўнкимани шакллантиришларига, ҳалқ билан мuloқotda адашмасликка олиб келади. Нотариусларни даврий ротация қилиш тартибини жорий этиш эса ҳар бир нотариус учун янада масъулиятни ошириш, ҳалқ билан мuloқotни янада яхшилаш, барчанинг тенглигини таъминлаш, қайси ҳудудда

нотариус булишидан катъи назар, шу ҳудуд фукароларини эшита билиш күникмасини шакллантиришга сабаб бўлади. Шунингдек, энг асосий жиҳатлардан яна бири – коррупциянинг олди олинади. Чунки ҳудуд, жой ўзгариши нотариусларнинг бошбошдоклигига чек кўяди. Таниш-билишчилик, уруг-аймокчилик асосида иш битириш ҳолатларининг йўқ булишига сабаб бўлади. Нотариуслар барчага тенглик, адолат ва конунийлик принципларига амал қилган ҳолда муносабатда бўлади.

Нотариал идораларга электрон шаклда мурожаат қилиш тартибини белгилаш. Бу ўзгартириш суд-хукук ислоҳотларининг энг асосийларидан бири бўлиб, бунда фукаролар ўзларини кизиктирган айрим масалалар юзасидан электрон тарзда мурожаат қилиши, нотариуслар билан уйида туриб ўзини кизиктирган нотариал ҳаракатлар бўйича маслаҳатлар олишини назарда тутади. Шу билан бирга, электрон мурожаатларга бериладиган жавоблар ҳам электрон ҳамда ёзма шаклда бўлади. Бу борада фукарога танлаш имконияти берилади. Агар истаса, электрон мурожаатга ёзма ҳолда почта оркали жавоб олиши ҳам мумкин. Лекин амалиётда фойдаланувчиларнинг 85 фоизи ўз мурожаатларига электрон почта оркали жавоб олишини маъқул кўрада. Электрон тарзда мурожаат йўллаш нафакат осон ва кулагай, балки ишончли ҳамdir. Чунки шу йўл билан айрим бюрократик тўсиклар бартараф этилади. Бу, ўз навбатида, ахолининг хукукий онгини янада ривожлантириш ва нотариал идоралар ишида замонавий ахборот технологияларини жорий этишни кенгайтиришда муҳим ўрин тутади.

Давлат божини электрон тўлов тизимидаи фойдаланган ҳолда қабул қилиш тартибини жорий этиш. Узбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Конуниининг 21-моддасида нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун конун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундириши, нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ўз иш жойидан бошка жойга борганида манфаатлор жисмоний ёки юридик шахслар унинг ҳакикатда килинган транспорт ҳаражатларининг ўрнини коплашлари, нотариусга мурожаат килган жисмоний ёки юридик шахслар билан нотариус ўртасидаги келишувга мувофик нотариуслар томонидан амалга ошириладиган хукукий ва техник

тусдаги күшімчалар учун конун ҳужжатларида белгиланған тартибда хак ундирилиши белгиланған. Эндиликда давлат божлари электрон тарзда тұланади.

Муомалага лаёқатсиз деб топилған фүкаролар тұғрисида маълумотлар базасини шакллантириш. Үзбекистон Республикаси «Нотариат тұғрисида»ги Конунининг 33-моддасында күра, битимлар тасдиқлаб берилефтеганида уларда иштирок этайдын фүкароларнинг муомала лаёқати белгиланған тартибда аникланади ва юридик шахсларнинг ҳукукий лаёқати текширилади. Эндиликда эса нотариуслар муомалага лаёқатсиз деб топилған шахсларни электрон тарзда аниклаб, уларга нисбатан нотариал ҳаракатни амалға ошириш масаласини ҳал килишда енгиллик киритилади. Маълумотлар базаси орқали нотариал идорага мурожаат килган ҳар бир фүкаронинг муомалага лаёқати текширилади ва бу ҳақдаги маълумотлар реестр китобларига киритиб күйилади. Шу билан бирга, бундай амалиёттіннің жорий килиниши нотариал идоралар ва судларнинг үзаро ҳамкорлығини мустаҳкамлады.

Лавозимида уч йиллик стажға зәға бұлған нотариус ёрдамчисига тегишли стажировкани үтамасдан туриб нотариус лавозимини әгаллаш учун танловда иштирок этиш имконини беріш. Бу албатта адリア тизимида кадрларнинг барқарор захирасыни шакллантириш учун замин яратади. Бунда нотариус ёрдамчиси лавозимига ҳам талаблар үзгартырилиб, ёрдамчилардан ҳам олий маълумот талаб килинишини билдиради. Лавозимда уч йиллик стажға зәға бұлған ҳар қандай шахс ушбу соҳада озгина бўлса ҳам тажрибага зәға бўлади. Нотариус ёрдамчиларининг ҳам уч йиллик фаолиятлари давомида албатта нотариал ҳаракатларни амалға ошириш бўйича кўнікмалар шаклланади. Шундай экан, нотариал идорада фаолият юритаётган, олий юридик маълумотга зәға бұлған, йигирма беш ўшдан кичик бўлмаган Үзбекистон Республикаси Фүкароси бўлған нотариус ёрдамчиларига нотариус лавозимини әгаллаш учун танловда иштирок этиш имконияти берилди.

ФХДЕ органлари фаолиятiga замонавий ахборот технологияларини жорий этиш. Фүкаролар иштирок этадиган фүкаролик, оиласывий ва бошка ижтимоий муносабатларда ҳуқукларни амалға ошириш, химоя килишни таъминлашда фүкаролик ҳолати да-

I V б о б.

ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙУНАЛИШЛАРИ

4.1. АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИНИ ИЧИЛ ОШИРИШ

Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳаки, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордик чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш – буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислоҳотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган мухим омиллардир. Шу борада нафакат энг кам ойлик иш ҳакини, балки бюджет ташкилотларида ҳам, ҳужалик юритувчи субъектларда ҳам ўртача иш ҳаки микдорини, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтириш мақсадга мувоғик.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳаки, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юкори микдорда изчил ошириш ҳам устувор вазифа килиб кўйилган.

Бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳаки, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида мунтазам ошириб борилади. Хусусан, Президентнинг 2016 йил 22 августдаги ПФ–4822-сон «Иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар микдорини ошириш тұғрисида»ги Фармонига асосан 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудида энг кам:

- иш ҳаки – ойига 149 775 сўм;
- ёшга доир пенсиялар – ойига 292 940 сўм;
- болаликдан ногиронларга бериладиган нафака – ойига 292 940 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёжатсиз фукароларга бериладиган нафака – ойига 179 755 сўм килиб белгиланди.

Иш ҳаки, пенсия, нафака ва стипендияларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд катламлари хукук ва конуний ман-ғафталари химоясини сўзсиз таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ҳарид қиласидаги товар ва хизматлар учун тўловларни тўсикларсиз амалга ошириши учун кулаги шароитлар яратиш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳаки, пенсия, нафака ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги ПҚ-2753-сон қарори¹ кабул килинди.

Мазкур карорга асосан 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб:

- барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлик ҳажмда нақд шаклда берилади;
- 58 та тоғли ва олис тумандаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳаки тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлик ҳажмда нақд шаклда амалга оширилади;
- олий ўкув юртлари талабаларига стипендияларнинг камида 50 фоизи нақд шаклда берилади.

Бундан ташқари, ҳудудларда шаклланган иш ҳакини нақд шаклда ҳамда пластик карталарга ўтказиш йўли билан тўлашда одамлар ўз иш ҳакидан фойдаланишда муаммоларга дуч келмаслиги ва ўзларига керакли товар ва хизматларни эркин ҳарид килишлари учун мавжуд тўлов терминаллари инфратузилмаси хисобга олинади.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий-иктиносий тараккиётнинг устувор йўналишларидан бири, ҳалк турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришнинг мухим шарти сифатида белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳаки, пенсия, нафака ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги ПҚ-2753-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 73-модда.

полатномаларини қайд этиш ўзига хос ўрин эгаллайди. Қонун фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоялашни ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар хаётидаги муҳим воқеалар – туғилиш, никоҳ тузиш, ўлим ва инсоннинг муҳим субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг юзага келиши, ўзгариши ва тўхтатилишига сабаб бўладиган бошка ҳолатларнинг ваколатли органларда қайд этилишини белгилайди. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш фуқароларнинг ҳуқук ва бурчлари пайдо бўлишига сабаб бўлиб хизмат килувчи ҳужжат (гербли гувоҳнома) бериш учун асос бўлади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишнинг аҳамияти шундаки, унга асосан ФХДЁ органи томонидан берилган гувоҳнома ва унда кўрсатилган фактнинг тўғрилигини тасдиковчи шаксиз далил ҳисобланади.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар ҳисобланади, икки нусхада тузилади ва ФХДЁ органларида қайд этилган вактдан бошлаб 75 йил мобайнида сакланади. Масалан, никоҳ қайд этилган ҳақидаги гувоҳнома – бу никоҳдан ўтган шахсларнинг эр-хотинлигини тасдиковчи ва улар ўртасида ўзаро ҳуқук ва мажбуриятларнинг вужудга келганини ифодаловчи ҳужжат бўлса, никоҳдан ажралганлик ҳақида гувоҳнома никоҳда бўлган шахсларнинг никоҳи тугатилганини тасдиковчи ҳужжат ҳисобланади. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларидан бири бўлган никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш бўйича статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда 2016 йилда ФХДЁ томонидан 275 мингта никоҳ ва 29,4 мингта никоҳдан ажралиш ҳолатлари қайд этилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларига тааллуқли бўлгани боис мазкур фуқаролик ҳолати ҳужжатларининг ўз вактида ва тўғри қайд этилишини талаб киласди.

Никоҳ тузиш ихтиёрий бўлиб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Бунинг учун булажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур килиш тақиқланади. Диний расм-русларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Никоҳдан ажралиш юридик факт бўлиб, эр-хотинлик муносабатларининг тугатилишини англатади ва суд тартибида ҳамда қонун

хужжатларидан назарда тутилган холларда фукаролик ҳолати дало-латномаларини қайд этиш органларидан амалга оширилади.

Мавжуд вокелик фукаролик ҳолати хужжатларини қайд этишдә ФХДӘ органлари фаолиятини такомиллаштиришни күн тартибига күймоқда. Бугунги кунда ФХДӘ органлари тизимидә замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш үтә долзарб масалалардан биридир. Чунки, ҳозирги кунда фукаролик ҳолати хужжатларига доир маълумотлар нафакат бир тизим доирасида, балки бир неча давлат органлари, идоралар, ташкилотлар билан алока ўрнатиш, маълумотлар алмашишга эхтиёж мавжуд. Бугунги кунда фукаролик ҳолати хужжатларини нафакат қофоз шаклда, айни вактда электрон хужжат кўринишида маълум муддат (айрим холларда узок муддат) саклаш, инсон ҳукуқ ва манфаатларини таъминлаш, турли тузилмалар билан тез ахборот алмашиш ва қулайликка эришиш учун ФХДӘ органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш белгиланди.

Ҳукукни қўллаш амалиётига мурожаат киладиган бўлсак, масалан, никоҳни қайд этишни сураб фуқаро ФХДӘ органига ариза билан мурожаат килади. Бунда ФХДӘ органи томонидан Оила кодекси 16-моддасида белгиланган коидалар асосида никоҳланувчи шахсларнинг лоқал биттаси рухият бузилиши (рухий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс бўлса, улар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги лозим. Никоҳланувчи шахс эса бошқа ҳудудда яшайди ва у суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган булиши мумкин. ФХДӘ органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ушбу масалани самарали ҳал қилишга имкон беради.

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Фукаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДӘ) органлари тизимини ислоҳ

Күн тартибидә үтә жиҳдий масалалар турибди. Булар – мамлакатимизда яратилган технологияларнинг ракобатдошлигини таъминлаш, «ноу-хау» намуналарини яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши, яъни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш буйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишибир.

Шавкат Мирзиев

этиш, бу борада конун хужжатларига ўзгартериш ва күшимчалар киритиш фукаролик-хукукий ва хұжалик низоларини олдини олишга қаратилған институт сифатидан нотариал идораларни янада ривожлантиришга, ахолига кулай ва сифатли хукукий ёрдам күрсатилишига, нотариал идораларни малакали мутахассислар билан тұлдиришга, нотариал идоралар ва ФХДЕ органлари фаолиятта замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий этишінде хизмат килиши шубхасиз.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Харакатлар стратегиясында давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини оширишінде қаратылған қандай чора-табдірлар амалға оширилиши белгіланған?*
2. *Харакатлар стратегиясында адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фукаролик, мағъмурый ва хұжалик ишларини күриб чиқышда адвокаттинг үрнини оширишінде қаратылған чора-табдірлар ҳақида маълумот беринг.*
3. *Адвокатларға ҳакамлік судларында ҳақам сифатида иштирок этиш хуқуқининг бериліш зарураты ҳақида фикр билдириң.*
4. *Адвокат сұровини күриб чиқыш тартиби ва муддатларини аниқташтириш зарураты ҳақида гапириб беринг.*
5. *Адвокатлар ва адвокатлік түзілмалары даромадларини солиққа тортыш тизимини мақбуллаштиришдан күзланған мақсад ҳақида гапириб беринг.*
6. *Адвокатта лицензия берішінде уни интизамий жағобағарлыққа тортыш масаласында давлат органларининг ролини камайтиришнинг іжтімоий зарураты ҳақида гапириң.*
7. *Адвокаттык лицензияси фаолияттнан тұхтатыши, тұгаташынан суд тартибини босқычма-босқыч жорий этиш зарураты ҳақида гапириң.*
8. *Харакатлар стратегиясында нотариат ва ФХДЕ органлари тизимини ислох қылыша қаратылған чора-табдірлар ҳақида гапириң.*

III боб.

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙУНАЛИШЛАРИ

3.1. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ

Ўтган 26 йиллик мустакил тараккиёт даврида иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозлилка асосланган бошқарув тизимидан мутлако воз кечилиб, бозор ислохотлари боскичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўлаб олиб борилгани макроиктисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан усишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида саклаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулаги шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вактда мамлакатимиз босиб ўтган тарақкиёт йўлининг чукур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзғарib, глобаллашув шароитла ракобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада баркарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлако янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чикиш ва рӯёбга чиқарishни тақозо этмоқда.

Шуларни эътиборга олиб, Ҳаражатлар стратегиясининг учинчи йўналишида макроиктисодий барқарорликни янада мустахкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини саклаб қолишнинг қўйидаги вазифалари белгилаб олинди:

— макроиктисодий мутаносибликни саклаш, кабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўз-

Тараққиётнинг «ўзбек моделли»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиши борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимида доимо суннамиз. Бу тамойиллар Узбекистонда бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзғарашларни таъминлашнинг мустахкам пойдевори ҳисобланади.

Шавкат Мирзиев

гаришларни чукурлаштириш ҳисобидан ялпи ички маҳсулотнинг баркарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

– харажатларининг ижтимоий йўналтирилганини саклаб қолган ҳолда, давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

– солик юкини камайтириш ва соликка тортиш тизимини соддalaштириш сиёsatини давом эттириш, солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

– илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда, пул-кредит сиёsatини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизmlарини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг баркарорлигини таъминлаш;

– банк тизимини ислоҳ килишни чукурлаштириш ва баркарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий баркарорлиги ва ишончлигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

– сугурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобидан кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги мукобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

– халқаро иктисадий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташки қарзлар сиёsatини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

Иктисадиётни либераллаштириш шароитида макроиктисадий курсаткичлар ҳамда валюта бозори ҳолати устидан тизимли

мониторингни амалга ошириш, зарурнят түгилгаида, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини ошириш, макроиктисодий мувозанатни саклаш ва юкори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган конунчиликни такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Ушбу масалаларни амалга ошириш асосида Ҳаракатлар стратегиясида таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш, унда иқтисодиётнинг юкори ўсиш суръатларини, шунингдек, миллий валюта ва нархлар даражасининг барқарорлигини таъминлаш назарда тутилган. Иқтисодиётнинг ривожланиши кўп жиҳатдан миллий валютанинг ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигига боғлиқдир. Бунинг учун товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) ўзгаришини кузатиш методикасини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, Марказий банк томонидан белгиланадиган қайта молиялаш ставкаси молия бозорини тартибга солишининг асосий кўрсаткичидир. Шу борада, яъни молия бозорларини ва тижорат банкларининг инвестициявий имкониятларини барқарорлаштириш учун Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаларини белгилаш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам Ҳаракатлар стратегиясида ушбу соҳани янада ривожлантириш ва Марказий банкнинг асосий регулятори бўлмиш қайта молиялаш ставкасини ўрнатишнинг халқаро методикасидан келиб чиқиб, шунингдек, иқтисодиётнинг очиқлиги ва молия бозорларининг ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти карори лойиҳасини ишлаб чиқиши белгиланган.

Ўтган йилларда амалга оширилган банк-молия соҳаларидағи тизимли тадбирлар натижасида, яъни 2016 йил давомида ўтказилган стерилизация операцияларининг ўргача ҳажми 2015 йилга нисбатан 1,3 мартаға ошди. Бу эса банк тизимидағи ликвидликни самарали бошқаришга, пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Айни дамда, товар ва хизматларни харид килишда нақд пулсиз, нақд пул кўринишидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш амалиёти кенг тарқалган. Аммо неъматларни нақд пулсиз кўринишида айрибошлиш амалга оширилганда сотувчилар томонидан сунъий равишда нархларнинг ошириб кўрсатиш ҳолатлари юзага келмоқда. Мазкур ҳолат икки хил кўринишидаги тўловлар ўтасидаги тафовутнинг бир-биридан кескин фарқланишига ва натижада истеъмолчиларнинг ҳакли норозилигига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, нархларнинг бозор конунларига зид бўлган ҳолатда ўсишига олиб келмоқда.

Юзага келаётган ноиктисодий камчиликларни бартараф этиш бўйича 2017–2021 йиллар давомида нақд пулсиз кўринишида товар ва хизматлар сотишида сунъий юкори нархлар ўрнатганлик учун жавобгарликни ошириш ҳамда бозор механизмларини жорий килиш тартибини ишлаб чиқиш белгиланган. Иккинчидан, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга нархларни декларация килиш тартибини боскичма-боскич кискартириш ҳамда кейинчалик 2020 йилда уни бекор килиш вазифаси белгиланган.

Учинчидан, нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, шу жумладан, иктиносидёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шаклларини жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, шунингдек, банкдан ташқари айланишини кискартириш лозим. Бунинг учун ахолига муайян вакт давомида белгиланган лимит доирасида банк маблағлари ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи кредит карталарини муомалага киритиш; банк пластик карталари орқали ҳисоб ракамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан («СМС-банкинг», «Интернет-банкинг», «Мобил-банкинг») фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; банк пластик карталари орқали жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб ракамларини бошқариш имкониятини кенгайтириш; тўлов терминалларидан фойдаланганлик учун ижара тўлови микдорини икки мартаға кискартириш; пластик картадаги маблағларни бошка картага ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни камайтириш; валюта ва солик назоратини соддалаш-

тиришни ўз ичига олган электрон тижоратни ривожлантириши
рагбатлантириш, пластик карталар бўйича ўзаро хисоб-китоб
килиш тизимида олинмаган товар ва фойдаланилмаган хизмат
учун тўловни қайтаришнинг тартиб-таомиллари ва технологияла-
рини жорий этишга каратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб
чикиш кўзда тутилган.

Хеч кимга сир эмаски, ички ва халкаро савдони амалга оши-
ришда валюта курси асосий таъсир кўрсатадиган омил сифатида
карапади. Иктисаднётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистон
Республикаси валюта тизимида валюта муносабатларини тартиба
солини амалиётини такомиллаштириш борасида катор муаммолар-
нинг мавжудлиги намоён бўлмоқда. Жумладан, валютавий назорат
жараёнига аслида назорат функциясига эга бўлмаган тижорат
банкларининг фаол тарзда жалб этилганлнги валютавий назорат-
нинг таъсирчанлиги ва самарадорлигига, жорий валюта бозори
ликвидилик даражасининг паст даражада эканлиги эса, миллий
валютанинг номинал алмашув курсини талаб ва таклиф асосида
шакллантириш жараёнига салбий таъсир килмоқда.

Чунончи, валюта курси ва паритети ўргасида узвий алоқадорлик
мавжул бўлиб, валюта курси нақд ва нақдсиз пул айланмаларига
бевосита ва билвоснта таъсир кўрсатади. Аммо пул тизимининг
вирим элементлари ривожланишда давом этиб, тизимнинг ўзига,
иктисадиётнинг ҳолатига, айрим даврий ораликларда, бевосита
ва кучли таъсир кўрсатади. Масалан, пуллар таклифининг кескин
ошиши инфляция даражасининг ўсишига ва шунинг асосида пул
кийматининг пасайишига олиб келади. Ёки миллий валютанинг
реал алмашув курсининг ошиши мамлакат экспорт салоҳиятининг
пасайишига ва шу тарика хорижий валюталар таклифининг кама-
йишига олиб келиши мумкин.

2016 йилда сўмнинг ҳамкор давлатлар ва бошка асосий хорижий
валюталарга нисбатан алмашув курсининг кадрсизланиши
мамлакатимиз экспорт килувчи корхоналари ракобатдошлигининг
кучсизланишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хорижий ва-
люталар ва олтин билан амалга ошириладиган своп операциялари

ҳажмини ошириш ва миллий валютанинг номинал алмашув курсини АҚШ доллари, евро ва Япония иенидан ташкил топган «валюта савати»га нисбатан аниқлашни жорий килиш йўли билан миллий валюта – сўмнинг девальвация суръатини пасайтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки АҚШ Федерал захира тизими, Европа Марказий банки ва Япония Марказий банки билан валютавий своп операцияларини узлуксиз равишда амалга оширишни йўлга кўйиши лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, жорий валюта бозорининг ликвидлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар барҳам топади; иккинчидан, Марказий банкнинг расмий халқаро валюта захираларини бошқариш имконияти кенгаяди.

Шу борада тўпланиб колган муаммоларни бартараф этиш учун валютани тартибга солишининг илгор бозор механизмларини боскичма-боскич жорий этиш кун тартибидаги бирламчи масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам валютани тартибга солишининг янгича механизмларини ишлаб чиқиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг карорини тайёрлап Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб кўйилди. Карор лойиҳасида куйидагиларнинг акс этиши назарда тутилган:

- валюта бозоридаги хорижий валютага бўлган талаб ва тақлифдан келиб чиқиб, бозор механизмини ҳисобга олган ҳолда, ички ва ташки бозорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ракобатдошлигини таъминловчи ва қўллаб-куватловчи валюта курси сиёсатини такомиллаштириш;

- тадбиркорлик субъектларининг ўз валюта маблагларини эркин тасарруф этиш хукуки тулиқ амалга оширилишини таъминлаш;

- ҳар қандай манипуляцияларнинг олдини оладиган механизмларни жорий этган ҳолда, хорижий валютанинг биржада эркин муомалада бўлишини таъминлаш;

- тижорат банклари томонидан жалб қилинган ва ўз ресурслари ҳисобидан хорижий валютани тегишили қондаларга риоя килган ҳолда эркин сотиш тизимини жорий килиш;

- бюджетга кўшимча тушумлар, тижорат банкларининг жорий кредитлари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараккиёт

жамғармасининг маблағлари ҳисобидан иктисодиётнинг таъиғ тармоқларини вактингчалик молиявий кўллаб-кувватлаш чораларини куриш.

Бюджет маблағлари мамлакатнинг макроиктисодий баркарорликка эришиш йўлида Хукумат томонидан яқин ва узок даврларга мўлжалланган давлат дастурларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлат бюджетининг иктиносий категория сифатидаги моҳияти у бўжараётган функцияларда намоён бўлади. Унинг асосан иккита функцияси мавжуд: таҳсимлаш; назорат. Давлат айнан бюджетнинг таҳсимлаш функциясига таяниб, ихтиёридаги марказлашган молия ресурсларини шакллантиради ва уларнинг ёрдамида умумдавлат истеъмолларини пул ресурслари билан таъминлади.

Молиявий назорат тизими субъектлар (назорат килувчилар), обьектлар (назорат килинувчилар), назоратнинг усул ва воситаларини биргаликда жамлаб, ўз ичига олади. Молиявий назоратнинг муҳим шаклларидан бири – бу давлат бюджет-молия назорати ҳисбланиди. Бюджет назорати орқали давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари учун мунтазам равишда тасдикланган бюджетнинг даромад ва харажатлар режаларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини назоратга олиш, уларнинг бажарилишига таъсир килувчи турли салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зудлик билан зарур чора-тадбирларни белгилаш имконияти яратилади.

Давлат маблағлари ҳақидаги маълумотларнинг шаффоғлигини таъминлаш, пул-кредит сиёсати воситаларини янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, накд пул муомласи механизмларини такомиллаштиришга қаратилган норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бугунги воқелик нуктаи назаридан долзарб бўлиб қолмоқда. Бунинг учун давлат маблағлари ҳақидаги маълумотларни давлат секторида ҳисобга олишнинг халқаро стандартларига мослаштириш орқали уларнинг

Тармоқтар ва минтақаларни барқарор ривожлантириш ҳисобига ижтимоий муаммаларнинг ҳал этилишини таъминлочи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбани кенгайтириш.

Харакатлар стратегияси,
126-банд

шаффоғлигини таъминлаш ҳамда пул-кредит сиёсати восита-рини янада такомиллаштириш, шу жумладан, иқтисодиётнинг ривожланишини қўллаб-кувватлашга йўналтирилган қайта молиялаштириш ставкасини тартибга солиш механизмларининг самарадорлигини оширишни амалга ошириш максадга мувофик ҳисобланади.

Халкаро глобаллашув жараёнларининг чукурлашиб бораётгани мамлакатларнинг валюта сиёсатига жиддий таъсир кўрсатмоқда ва қатор давлатларда «голланд касали»нинг юзага келишига туртки бермоқда. «Голланд касаллиги» табиий ресурс манбаларининг кашф этилиши натижасида мамлакат саноатлашув даражасининг пасайиб кетиши, давлат миллий валютасининг кучли ревальвацияланиши ва натижада мамлакат экспорт товарлари рақобатдошлигининг сезиларли даражада пасайишини англатади. «Голланд касаллиги»га учраган давлатда асосий экспорт товарларини ишлаб чиқаришга асосланган мамлакат қайта ишлаш саноатида кескин пасайиш юз беради ва мамлакатнинг анъанавий экспорт тушумлари манбаи бўлган қайта ишлаш саноатига нисбатан кучли салбий таъсир вужудга келади. Табиий ресурслар учун қулай баҳолар шароити йўколгач, мамлакатнинг кучсизланган анъанавий саноати орқали иқтисодий баркарорликни таъминлаши анча оғир кечади.

Юкоридан таъкидланган «касаллик»нинг олдини олиш учун Ҳаракатлар стратегиясида банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий килиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсикларни бартараф этиш учун 2018–2019 йилларга мўлжалланган банк фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар, жумладан, куйидаги вазифалар белгиланмоқда:

- банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларига асосан, тижорат банкларининг маблағлари етарлилиги ва ликвидлилиги даражаси кўрсаткичини қўллаб-кувватлаш;
- бошқарув ва банк таваккалчилиги тизими, шу жумладан, хориждаги илгор тажрибалар асосида тижорат банкларида менежмент таваккалчилиги самарадорлигини янада ошириш;

– тижорат банклари фаолиятига, шу жумладан, кредит сиёсатига давлат ҳокимияти органлари томонидан маъмурӣ аралашувларнинг олдини олиш ва йўл кўймаслик;

– тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш, кредит портфели миқдорини доимий ошириб бориш ва унинг сифатини яхшилаш, инвестициявий лойиҳаларни молиялаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш кўламини янада ошириш;

– банкларга хос бўлмаган вазифаларни истисно этиш бўйича амалий чораларни кўришни назарда тутувчи дастур лойиҳасини ишлаб чикиш.

Навбатдаги ўзгаришлар сифатида кредиторларнинг ҳукукларини химоя килишни кучайтиришга қаратилган янги тартибларни ишлаб чиқиши белгиланган. Ушбу тартибларда қарздорнинг молиявий ахволи тўғрисидаги ахборотни ҳар қандай кредиторга унинг ёзма сўрови олинган вактдан бошлаб 10 кун ичидан этиш ҳамда кредиторга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорга эътиroz билдириш ҳукукини бериш масаласи киритилмоқда. Ушбу тартибларнинг хаётга татбик этилиши асносида санация режаси билан рози бўлмаган кредиторларнинг ҳукукларини химоя килишни янада кучайтириш, банкротлик ҳолатларидан тикилган маблағларни қайтариш даражасини ошириш, «Бизнес юритиши» хисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш имкони яратилади.

Банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жароёнларини молиявий қўллаб-куvvatlash, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар хисобидан амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига олиб келади. Мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, хусусан, омонатларнинг янги ва мижозлар талабларига мос жозибадор

Салиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчинин: қўлни боғлаб кўймаслиги, чўчитиб юформаслиги, аксинча, уни рагбатлантириши зарур.

Ислом Каримов

турларини жорий этиш тижорат банкларини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг энг кулай воситаси ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олиб, капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг мүкобил манбай сифатида молия бозорини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофик ҳисобланади.

Молия бозорини ривожлантириш концепциясини яратиш ва бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасида кўйидагиларнинг акс этиши режалаштирилган:

– мустаҳкам молиявий институтлар (банклар, сұғурта компаниялари, йирик давлат компаниялари, акциядорлик жамиятлари)га кимматли қоғозлар (облигациялар, векселлар ва бошқалар) чиқаришга рухсат бериш;

– кимматли қоғозлар бозорини мувофикаштириш бўйича ваколатли органнинг молия бозорининг замонавий воситаларини жорий килинишдаги ролини кучайтириш, яъни мазкур органни назорат органи сифатида эмас, балки кимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатидаги фаолияти самарадорлигини ошириш;

– кимматли қоғозларни дастлабки ва кўшимча эмиссия қилишни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш;

– сұғурта ва бошқа молиявий хизматларнинг янги шаклларини жорий қилиш, сұғурта ва бошқа турдаги молиявий хизматларнинг ҳажмини кенгайтириш;

– алоҳида миллий корхоналар акцияларининг хорижий нуфузли фонд биржаларида дастлабки тарзда жойлаштирилишига эришиш (IPO), уларнинг хорижий капитал бозорига чикишини таъминлаш.

Мамлакатимизнинг ҳозирги кимматли қоғозлар бозорида бирламчи эмиссиялар устунлик қилмоқда. Иккиласми фонд бозорининг ривожланиши, энг аввало, кимматли қоғозлар ликвидлигини ошириш учун бозорнинг ташкил этилишини такомиллаштириш, кимматли қоғозларнинг муомала қилиши ва уларга хизмат кўрсатиш тизимида

нижимлар ва харажатларни камайтиришга ёрдам бериш, бозорнинг ахборот жиҳатдан очиқлигини кучайтириш керак бўлади.

Иккиласми кимматли қоғозлар бозорининг ривожланишидаги муаммоларнинг ҳал қилиниши кимматли қоғозлар бозорининг янада ривожланишига ва инвесторлар ишончининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Тармоклар ва минтақаларни барқарор ривожлантириш ҳисобидан ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишини таъминловчи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбанини кенгайтириш, ўз-ўзидан маҳаллий ҳокимиятнинг турли хилдаги ижтимоий-иктисодий тадбирларни амалга ошириш имкониятини кенгайтиради. Аммо шуни эсдан чиқармаслик керакки, маҳаллий бюджетнинг чекланганлиги ундан хўжасизларча фойдаланиш мумкин, дегани эмас. Шунинг учун якин истиқболда бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, шаҳар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш, фискал номарказлаштириш жараёнларини чукурлаштиришга қаратилган норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чикиш такозо этилади.

Ушбу хужжатларнинг кучга кириши оқибатида бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, маҳаллий бюджетлар тасаруфида коладиган соликлар ва мажбурий тўловларнинг рўйхати ва микдорини қайта кўриб чиқиш орқали шаҳар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг минтақалар маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини оширган ҳолда, фискал номарказлаштириш жараёнларини чукурлаштириш имкони яратилади.

Харакатлар стратегиясида кўтарилган яна бир муҳим масала – бу солик маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилашдан иборатdir. Ушбу масалани ҳал этиш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш максадга мувоғиқ ҳисобланади:

1) солик конунчилигини танқидий ўрганиш ва тахлил қилиш, хукукни кўллашда ортиқча ва мураккаб нормаларни бартараф этиш, соликка тортиш базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, ягона базадан ундириладиган солик ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш, шунингдек, солик конунчилиги барқарорлигини таъминлашга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

2) солик юкини, хусусан: якка тартиблаги тадбиркорлардан ундириладнган қатый белгиланган солик миқдорини, шу жумладан, фаолият кўрсатиш (масалан, узок ва бориш кийин бўлган) жойларни хисобга олган ҳолда, кайта кўриб чикиш; йирик корхоналар учун солик юкини мақбуллаштириш хисобидан уни изчил пасайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан амалда кўлланилаётган соликка тортиш тартиблари улар фаолиятига бевосита таъсир этиб, келгуси молия йилига нисбатан тегишли карорларни кабул килишларида катта аҳамият касб этмоқда. Айна давлат солик сиёсати инструментлари орқали уларнинг иқтисодий фаоллик даражасини оширишга эришилмоқда. Чунки кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллигини белгиловчи омилларга корхона тўлайдиган соликлар ва йигимларнинг таъсир доираси юкоридир.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини соликка тортиш тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ва ўзгаришларга назар соладиган бўлсак, мазкур ислоҳотларни куйидаги уч боскичга бўлишимиз ҳамда ҳар бир боскичда эришилган тенденцияларни тахлил қилишимиз мумкин: I боскич (1991–1997 йиллар); II боскич (1998–2004 йиллар); III боскич (2005 йилдан ҳозирги кунга кадар).

Бундан ташкири, соликка тортиш тизимида мазкур субъектлар зиммасидаги солик юкининг оптимал даражасини аниглаш масаласи долзарб муаммолардан бўлиб, соликлар орқали давлат улар фаолиятини чеклаши ёки максадли тарзда рағбатлантириши мумкин. Давлат мазкур субъектлар фаолиятига инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш ҳамда жамғармаларни кенгайтиришда солик дастагидан унумли фойдаланиши келгусида иқтисодий ўсишни таъминлаш омили эканлиги, солик ставкаларининг пасайтирилиши, иқтисодиётда ялпи таклифга ижобий таъсир этиб, аҳоли ва тадбиркорлар даромадларининг кўпайнишига, натижада эса жамғармаларнинг ошишига ҳамда капиталнинг жамланишига, аксинча, солик ставкаларининг меъёрдан ошиши иқтисодиётда меҳнат ва иқтисодий фаолликнинг пасайнишига, жамғармаларнинг

иктисодиётдан четланишига, хуфёна иктисодиётнинг ривожланишига олиб келади!'

Иктисодиётда оптимал солик юки даражасини амалда ушлаб туриш оркали солик тұловчиларнинг иктисодий фаоллигиди оширишга, ишлаб чикариш жараёнини ривожлантиришга, бу оркали эса мамлакатда иктисодий үсишни таъминлашга эришиш мумкин. Солик имтиёзларидан фойдаланган ҳолда, кичик корхона үз фаолиятини кенгайтиришга, ишлаб чикариш

салоҳиятини оширишга ҳамда охир-оқибат үзининг иктисодий кўрсаткичларини кўтаришга эришмас экан, тақдим этилган солик имтиёзлари факатгина улар сонини кўпайтиришга хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан амалда бўлган солик имтиёзларининг сони, ҳажмидан ташкарн, уларнинг мазкур субъектлар фаолияти давомидаги самарадорлик кўрсаткичини ҳам тахлил қилиб бориш зарур.

Имтиёзларнинг индивидуал тартибда берилишига йўл кўймаслик мақсадида уларни макбуллаштиришни назарда тутувчи норматив-хуқукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чикиш лозимдир.

Бугунги глобаллашув жараёнлари жадаллашаётган шароитда мамлакат иктисодиётининг юкори суръатларда үзгаришига таъсир кўрсатадиган соҳалардан яна бири – бу халқаро иктисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро молия бозори институтлари билан алокаларни кенгайтиришни талаб этади.

Етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан алокаларни кенгайтириш оркали:

Б.Р. Санақулова. Кичик тадбиркорлик субъектларини соликка тортиш механизмини такомиллаштириш оркали иктисодий үсишни таъминлаш. Монография. ТМИ. – Т.: «Iqtisod-moliya». 2014.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида шиддат билан содир булаётган жарагётлар ва биринчи наебатда, қарама-қаршиликтарнинг кучайиб бораётгани, жаҳон боторларидаги ватиятнинг тез ўзгариштани, ҳали-бери давом этадиган жаҳон молиявий-иктисодий инқизоти ва унинг оқибатлари, дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаолигининг сусаниши ва ўсим суръатларининг пасайиши мамлакатимиз иктисолиётига ҳам үзининг салбий таъсирини ўтикајмасдан қолмайди, албатта.

Ислом Каримов

халқаро молиявий институтлар пул маблағларини жалб қилиш орқали молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳаларнинг ўз вактида амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан:

2016–2020 йиллар давомида 27 та лойиҳани амалга ошириш учун Жаҳон банки кредитларини жалб этиш;

2017–2019 йиллар давомида 20 та лойиҳани амалга ошириш учун Осиё тараккиёт банки кредитларини жалб қилиш.

Ислом тараккиёт банкининг 1 миллиард доллардан кам бўлмаган микдордаги кредитларини жалб қилишни кўзда тутадиган инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш масаласини ишлаб чиқиш орқали 2017–2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Ислом тараккиёт банки ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш.

Устувор ижтимоий-иктисодий, инфратузилмавий ва бошка лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган чет эл ҳукумат ташкилотларининг (Хитой экспорт-импорт банки, Корея экспорт-импорт банки, EDCF Фонди, Япон халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Швейцария тараккиёт ва ҳамкорлик агентлиги (ШТҲА), Франция тараккиёт агентлиги (ФТА), Европа ҳамкорлик комиссиялари ва ҳоказо) имтиёзли кредит ҳамда грант маблағларини жалб қилиш имконининг яратилиши Ҳаракатлар стратегиясида келтириб ўтилган.

Шунингдек, етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, жалб қилинаётган ташки сармоя бўйича юзага келадиган харажатларни камайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг кредит рейтингини яхшилаш ҳамда юкори суверен рейтинг кўрсаткичларига эришиш мақсадида етакчи халқаро рейтинг ва сугурта агентликлари (S&P, FITCH, MOODY'S ва ҳоказо) билан учрашув ва давра сұхбатларини мунтазам равишда ўтказиб бориш лозим.

Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги сарф-харажатларнинг қилиниши режалаштирилган:

2017–2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари микдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармок дастурларини рӯёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Нати-

жада ксийнги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, кайта ишлаш тармоги улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади.

Жами ҳаражатлар учун 37 687,8 миллиард сўм ва 8 349,3 миллион АҚШ доллари ажратилади. Шундан:

№	Молиялаштириш манбалари	Миллий валютада, млрд. сўм	АҚШ долларида, минг доллар
1.	Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари маблаглари	5 263,1	1 625,8
2.	Ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблаглари	15 423,0	311 510,0
3.	Тижорат банклари кредитлари	16 941,2	—
4.	Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблаглари ва беғараз ёрдам	60,5	8 036 157,8



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Макроиктисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий омиллари ва шартлари нималардан иборат?
2. Республика ва маҳаллий бюджетнинг даромадлар ва ҳаражатлар қисми ҳақида маълумот беринг.
3. Солиқ юкини камайтириш ва уни ҳисоблаш усуслари ҳақида гапиринг.
4. Пул-кредит сиёсати ва валютани тартибга солишнинг устувор жиҳатлари нималардан иборат?
5. Банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини оширишининг асосий ўннатишлари ҳақида сўзланг.
6. Истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг замонавий принциплари қандай?
7. Сугурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг янги турларини жорий қилишдан куттиладиган натижалар нималардан иборат?
8. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик, экспорт-импорт ҳажмини оширишининг муҳим омиллари ҳақида гапириб беринг.

3.2. ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШПАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, МИЛЛИЙ ИҚТISODIЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲИСОБИДАН УНИНГ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул килинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонидаги олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шартшароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017–2021 йилларда ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдикланди.¹ Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида мухим ўрин эгаллайди.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгаришиларни чуқурлаштириши, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиши ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириши масаласи туради.

Бутун жаҳонда «ўзбек модели» номи билан тан олинган ўзимизга хос ва мос ривожланиш модели йўлида дадил қадамлар билан бораётганимиз кўлга киритилаётган иқтисодий ва ижтимоий муваффакиятларнинг бош омили бўлмоқда. Пировардида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида юртимиз кун сайин равнав топиб, мамлакатимизнинг нафакат шаҳарларида, балки кишлосларида ҳам саноат жадал ривожланиб бормоқда, замонавий ишлаб чикариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари барпо этиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланти-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // «Халқ сўзи», 8 февраль 2017 йил.

ришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишлиланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисида маъруzasida «Барчамиз учун азиз ва кадрли бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримов бугун орамизда йўқ. Бирок Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суннамиз», деб таъкидлаб ўтилди.¹

Мамлакатимизда ўтган 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги, саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, курилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсганлиги, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз микдорида профицит билан ижро этилганлиги, ташки савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланганлигин, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмаганлиги ва 5,7 фоизни ташкил этганлигини санаб ўтишимиз мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш, ислоҳотларни чукурлаштириш, янги ишлаб чиқариш кувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни кўллаб-кувватлаш инвестицион жарабёнларни нечоғлик түғри ва самарали амалга оширишга боғлик. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари томонидан ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариши, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфраструктура лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблаглари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига ургу берилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармокларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир

¹ Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // «Халқ сўзи», 15 январь 2017 йил.



3.2.1-расм. 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (2015 йилга нисбатан фоизда)¹

лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб килиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойик.

2016 йилда иктиносидётга 16,6 миллиард АҚШ долларидан кўп инвестиция киритилди, бу 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган чет эл инвестиция ва кредитлари ҳажми эса 11,3 фоизга ўсиб, 3,7 миллиард доллардан зиёд бўлди.

2016 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий киймати 5,2 миллиард долларлик 164та йирик ишлаб чикариш обьекти ишга туширилди. Жумладан, Талимаржон ИЭСда 450 МВт кувватли иккита буг-газ турбинаси ва Ангрен ИЭСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 130–150 МВт кувватли энергия блоки куриш, Жиззах вилоятидаги цемент заводи кувватини кенгайтириш, «Индорама Кўкон текстиль» хорижий корхонаси ва «Фантекс» МЧЖда йигирув ишларини ташкил этиш, «GM Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чикаришни ташкил килиш», шу билан бирга, «Сирдарё вилоятидаги «Guliston Med Texnika» кўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чикариш» ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.²

¹ <http://www.aza.uz/oz/politics/zbn-respublikasi-vazirlar-ma-kamasining-mazhlisi-t-ris-15-01-2017>

² www.gov.uz/uz/news/category/1

Бундан ташкири, худудларни ижтимоий-иктисоднің ривожлантириш худудий дастурлари доирасида 2016 йилда 28 мингдан күп лойиха амалга оширилди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халк билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида таркиби ўзгартиришларни чукурлаштириш, миллӣй иктисодиётнинг етакчи тармокларини модернизация ва диверсификация килиш хисобидан унинг ракобатдошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар хисобидан 2017–2021 йилларда умумий киймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармок дастурлари амалга оширилшини таъминлаш өазифаси белгиланди.

Натижада келгуси 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади. 2017 йилда 75 дан ортиқ янги турдаги ракобатдош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилади.

2017 йилда умумий киймати 1 миллиард долларлик 145 та ишлаб чиқариш кувватини фойдаланишга топшириш, шу жумладан:

- мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 миллион долларлик 6 та лойиха;
- рангли ва кимматбаҳо металларни чукур қайта ишлаш бўйича 217 миллион долларлик 6 та лойиха;
- кимёвий хом ашёларни чукур қайта ишлаш бўйича 25 миллион долларлик 2 та лойиха;
- углеводород хом ашёларини қайта ишлашни чукурлаштириш бўйича 342 миллион долларлик 6 та лойиха;
- тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарishни кенгайтириш бўйича 6 миллион долларлик 9 та лойиха;

Минерал-хам ашё ресурсларини чукур қайта ишлаш бўйича умумий киймати қарийб 40 миллиард долларга тенг бўлган 649 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишини кўнда тутувчи тармок дастурларининг ўз сақтида амалга оширилшини таъминлаш өазифаси белгиланди.

Ҳаракатлар стратегияси,
132-банд

- фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналирилган 24 миллион долларлик 7 та лойиҳа;
- курилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 миллион долларлик 29 та лойиҳа;
- тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 миллион долларлик 15 та лойиҳа.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида 2017–2021 йилларда ахолининг энергия таъминотини яхшилаш учун кўмир қазиб олиш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан кўмир қазиб олишни йилига 7,8 миллион тоннага ошириш имконини берувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда иктисолиёт тармокларини модернизация ва диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, уларнинг натижалари атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Миллий иктисолиётнинг етакчи тармокларининг ракобатдошлигини ошириш масаласини ҳал этиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иктисолиётнинг таянч тармокларидаги 4400 дан ортик корхонанинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий согломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш даражасини юксалтириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган. Бу тадбирлар натижасида корхоналарнинг рентабеллик даражаси ошади, ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш даражаси ва ишчилар сони кўпаяди.

Иктисолиёт таркибида саноатнинг ривожланиш динамикасидағи муҳим ўзгариш корхоналар ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш асосида саноатда чукур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани хисобланади.

Саноат сиёсатидаги асосий устувор аҳамият институционал ислоҳотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, иктисолиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш, ўрта ва узок муддатда саноатни ривож-

лантириш бүйича дастурый чора-тадбирларни амалга оширишга каратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чукур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришини жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланди.

Ишлаб чиқаришнин модернизация килиш, техник ва технологик янгилаш ва саноат тармоқларининг ракобатдошлигини ошириш бүйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажмини 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 6,6 фоизга ўсишини таъминлади. Юкори кўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариган йўналтирилган саноат тармоқларида динамик ривожланиш таъминланди. 2016 йилда маҳаллий хом ашё ресурсларини босқичма-босқич чукур қайта ишлаш ва тайёр истеъмол маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш тармоқлари эвазига саноат маҳсулотларининг юкори ўсиш суръатларига эришилди. Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,7 фоиз, озик-овқат маҳсулотлари 110,8 фоиз, фармацевтика маҳсулоти ва препаратлари 123,9 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 129,7 фоиз, бошқа норуда менерал маҳсулотлар 113,8 фоизга ошиди.

Саноатни модернизация килиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015–2019 йилларда иктисолиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини кисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга сарфланадиган энергия сарфини 7,4 фоиз, ҳамда йирик корхоналарда ишлаб чиқарилётган маҳсулотлар таннархини эса ўтган йилга нисбатан ўртача 10,6 фоиз камайтиришга эришилди.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017 йилда саноат тармоқларидағи йирик корхоналарда ишлаб чиқарилётган маҳсулотларнинг таннархини ўр-

2017 йилда саноат тармокчиридаги ўирик корхоналарда ишлаб чиқарилаштирган маҳсулотларнинг танинчлигини ўртача 8 фоизга қисқартириши ва рақобатдошлигини оширишни назарда тутиучи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши, шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиши, ишлаб чиқаришда энергия самарадоригини ошириши, технологик жарадаларни оптималлаштириши мозиим.

Ҳаракатлар стратегияси,
136-банд

тacha 8 фоизга қисқартириш ва ракобатдошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган. Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жарадаларни оптималлаштиришга алоҳида эътибор картилади. Бу йўналишга корхоналарнинг маблаглари ва тижорат банклар кредитлари ҳисобидан

602 000,0 миллион сўм инвестициялар йўналирилади, бу эса маҳаллий маҳсулотларнинг, биринчи навбатда, ташки бозорларда рақобатдошлигини ва тармокларнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиласди.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиёт тармоклари учун самарали рақобатдош мұхитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни боскичмабоскич камайтириш бўйича вазифалар белгиланган. Мазкур йўналишда аввалимбор 2017 йилда ушбу соҳани тартибга солувчи Узбекистон Республикаси Конунини кабул қилиш назарда тутилади. Мазкур конунда куйидагилар акс эттирилиши режалаштирилган:

- корхоналарнинг бирлашиши ва кўшиб олинишида монополияга карши органнинг дастлабки розилигини олиш талабларини бирхиллаштириш;
- ракобатин чекловчи келишувлар, битимлар ва келишилган ҳаракатларга карши кураш механизmlарини такомиллаштириш;
- устун мавқега эга бўлган корхоналарнинг акция ва улушларини сотиб олишда тадбиркорлик субъектларининг хужжатларини кўриб чикиш тартибини соддалаштириш;
- манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш мақсадида шуъба корхоналар томонидан таъсисчининг устав фондидан улуш сотиб

олишини ва шуъба корхона вакилларининг таъсисчи кузатувчилар кенгашида аъзолигини тақиқлаш.

Туризм тармоғи жаҳон савдосининг энг йирик тармоғига айланниб бормоқда ва ҳозирги кунда ер юзидағи жами товар ва хизматлар экспортида даромад келтириш бўйича иккита йирик тармоқ – нефть қазиб олиш ва автомобил саноатидан кейинги учинчи ўринда туради. Туризм соҳаси жаҳонда бўладиган жами экспортнинг 10 фоизини беради, хизматлар савдосининг эса 35 фоизи туризмга тўғри келади. Буюк ипак йўлида жойлашган, асрлар давомида қадимий шахарлари билан машхур, тарихий ва маданий ўтмишга эга Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғини ривожлантириш учун реал имкониятларга эга.

Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда туризм индустрясини жадал ривожлантириш, иктисадиётда унинг роли ва улушкини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтиришга олиб келадиган ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясига асосан, шунингдек, 2017–2021 йилларда Концепцияни амалга оширишга доир аник чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Мазкур вазифанинг амалга оширилиши туризм соҳасининг тезкор ривожланиши, унинг иктисадиётдаги улушкининг ортиши, туристик хизматлар сифатининг ошишига олиб келади. Шу билан бирга, «Туризм тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш натижасида туристик соҳани ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий ўналишлари аниқлаб берилади, мазкур соҳада тадбиркорликнинг кенг ривожланишига замин яратилади.

Ҳаракатлар стратегиясига асосан, 2017 йилда аэропорт ва вокзалларда хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш назарда тутилмоқда. Мазкур ўналиш хорижий туристларни кутиб олаётган ёки кузатаётган туристик фаолият субъектлари ходимларига белгиланган тартибда режим ва ҳимоя чораларига амал қилган ҳолда, маҳсус рухсатномалар бериш орқали аэропорт ва вокзаллар залларида ҳозир бўлишига рухсат бериш каби чора-тадбирларни ўз ичига олади

Ўрта муддатли истиқбагда
Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, 2017–2021 йилларда Концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқкин.

Ҳаракатлар стратегияси,
138-байн

Туристик хизматларни диверсификация қилиш ва янги туристик маршрутларни яратиш, жумладан: мамлакат барча худудининг туристик имкониятини ўрганиш ва янги туристик маҳсулот ва маршрутларни шакллантириш; ахоли учун турлар ва экскурсиялар ўтказиш бўйича

чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш; ички маршрутлар бўйича янги авиаалокалар очиш; маркетинг тадқиқотларини ўтказиш асосида худудий ва ҳалқаро ўналишлар бўйича чarter рейсларини ташкил этиш мақсадида янги туристик маршрутларни яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибадорлигини кучайтиришга оид ислоҳотларни янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар Ҳаракатлар стратегиясидан жой эгаллагани туристик хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг имкониятларини янада кенгайтиради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз туризм соҳасидаги иккита катта муаммони ҳал этиш, биринчидан, ўз фаолиятининг барча турларини микдор ва сифат жиҳатидан кенгайтириш, иккинчидан, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга имкон яратади.

Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш хисобидан иктисолиётнинг ракобатдошлигини оширишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўринини босиши, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш Ҳаракат дастурининг энг муҳим вазифалари каторидан ўрин олган.

Белгиланган ушбу вазифаларни бажариш ўналишида мустаҳкам замин яратилган бўлиб, 2016 йилда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида киймати 6145,8 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарни, импорт ўринини босиши самарадорлиги 2,1 миллиард долларни ташкил қилди.

Маҳсулотлар ракобатдошлигини ошириш оркали хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириши иктиносидий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирдир. Ҳозирги кунда ташки иктиносидий алоқаларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши бу жараёнларни ҳар томонлама чукур ўрганишга янада юксак талаблар кўймокда.

Турли мулкчилик шаклларидағи корхоналарнинг ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, валюта-молиявий, хорижий шериклар билан савдо-иктиносидий алоқаларни амалга ошириш, ташки иктиносидий алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари хисобланган экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, туризмни ривожлантириш, хорижий инвостицияларни жалб этиш жарабонларида маълум бир муаммолар мавжуд булиб, уларнинг ҳал этилиши бугунги куннинг долзарб вазифаси хисобланади.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни кенгайтиришда экспортчи корхоналарнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш, уларни амалга ошириш йўналишларидан келиб чиқкан ҳолда, экспорт стратегиясини шакллантириш корхоналарнинг ҳозирги пайтда кучли ракобат шароитида ўз ўрни ва мавқени тўғри белгилаб олишига ёрдам беради. Жаҳон бозорларида ракобатнинг кескин тус олиши шуни кўрсатмоқдаки, эндиликда корхоналар ўз мақсад ва вазифаларини белгилашда нафакат маҳсулотга бўлган оддий талаб ва таклифдан келиб чиқишилари керак, балки биринчи навбатда, салоҳиятили истеъмолчиларининг эҳтиёжлари, ҳоҳиш-истаклари ҳамда максадларини доимо диккат марказда тутиб, уларни чукур ўрганишлари ва шу шароитга мос келадиган стратегияни амалга оширишлари мухим булиб колмоқда.

Охиригина ишлар давомида диверсификация қилиш ва иктиносидёт соҳаларининг ракобатдошлигини ошириш борасида олиб бориляётган чора-тадбирлар натижасида жаҳон иктиносидётида инкиroz ҳолатлари ҳамон сакланиб турган ва жаҳон бозоридаги нархлар

Биринчи навбатда, экспортга мулжалланган маҳсулотларни юқори даражада маҳаллийлаштиришга йўналтирилган иктиносидётининг истиқбогли соҳаларини ривожлантириши дастурини тасдиқлаши.

Ҳаракатлар стратегияси,
144-банд

**Автомобилъ йўллари ҳалатини
яхшилаш ва ўул-транспорт инфра-
тузилмасини ривожлантириши.**

**Харакатлар стратегияси,
149-банд**

Транспорт-коммуникация тар-
моғини модернизация килиш ва
транзит салоҳиятини оширишга
каратилган ислоҳотлар изчиллик
билинг амалга оширилиши мам-
лакатимизнинг халқаро транс-

порт коммуникацияларига интеграциялашувига хизмат қилмоқда.
2015–2019 йилларда мухандислик-коммуникация ва ўул-транспорт
инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация килиш дас-
турига мувофик, 2016 йилда Республика Йўл жамғармаси томонидан
520,1 километр автомобиль йўллари курилиши ва таъмирланиши
якунланди.

Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан
ишончли тарзда боғловчи, Қамчик довонидан 19,2 километр узун-
ликдаги ер ости йўли орқали ўтувчи янги Ангрен–Поп электрлашти-
рилган темир йўл тармоғи курилди. Мазкур темир йўлнинг фойда-
ланишга топширилиши билан мамлакатимизнинг барча ҳудудла-
рини қамраб олувчи ягона темир йўл тизими тұлиқ яратилди.

Тошкент–Бухоро ва Бухоро–Тошкент йўналиши бўйича юкори
тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» йоловчи электр поездлари
қатнови йўлга қўйилди. 291,5 километр узунликдаги Самарқанд–Бу-
хоро темирйўл кисмини электрлаштириш лойиҳаси якунланди. Ҳаво
кемалари парки 2 та замонавий «Boeing 787-800 Dreamliner» само-
лётни билан тўлдирилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар нати-
жасида 2016 йилда юк ташиш ҳажми 5 фоизга, шундан автомобиль
транспортида 5,3 фоизга, ҳаво транспортида 8,8 фоизга ошди.¹

Давлатимиз раҳбари шу йил 14 январда бўлиб ўтган Вазирлар
Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasида таъкидлаганларидек,
«Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси ҳудудларни комплекс
ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгарти-
ришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишини
талаб қилмоқда.

Шу сабабли йўл-транспорт, мухандислик-коммуникация ва иж-
тиомий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация килиш

¹ www.gov.uz/uz/news/category/1

бўйича дастурларнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат килиш хамда уларга эришиш лозим.

Якуний максад – иқтисодиёт тармоқлари учун ишончли инфраструктузилмани шакллантириш, шахар ва кишлоқ ахолисига кулагай шартшароит яратиб беришдир»!

Соҳалаги ислоҳотларни янада чукурлаштиришда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси мухим дастурламал бўлиб хизмат киласди.

Харакатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурининг асосий максади – ушбу вазифаларни амалга оширишдир. Унга мувофиқ миллий иқтисодиётнинг ракобатдошлигини ошириш учун йўл-транспорт инфраструктузилмасини янада ривожлантириш,

3.2.1 - жадваг

Автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт

инфраструктузилмасини ривожлантириш тадбирлари

Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Сарф-харажатлар (млн. сўм)
«Taigo-250» русумидаги 2 та юкори тезлиқдаги йўловчи поездини сотиб олиш лойиҳасини амалга ошириш	2017 йил 1-ярми	42,0 млн.долл.
Карши-Термиз темир йўл тармогини электрлаштириш	Йил давомида	160,3 млн.долл.
Буюро-Мискин янги темир йўл тармогини куриш	Йил давомида	143,0 млн.долл.
Поп-Наманган-Андижон темир йўл тармогини электрлаштириш	2017–2019 йиллар	18,0 млн.долл.
Темир йўлларни қайта тиклаш	2017–2019 йиллар	51,1 млн.долл.
Йулоечи вагонлар таркибини янгилаш	2017–2019 йиллар	8,1 млн.долл.
Тошкент шахар аэропорти янги халқаро йўловчи терминалини (Тошкент-4) куриш лойиҳасини амалга ошириш	2017–2019 йиллар	жами – 343,6 млн.долл., шундан, 2017 йилда – 152,9 млн. долл.

Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятигининг кундалик коидаси булиши керак // «Халқ сўзи», 2017 йил 15 январь.

даражаси пастлиги мамлакатимизнинг асосий экспорт соҳаларига таъсирини камайтиришга эришилди.

Юртимиз экспортчиларининг ташки бозордаги ўрнини сақлаш ҳамда мамлакатнинг салоҳиятини кучайтириш мақсадида хорижга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, экспорт килинадиган маҳсулотлар тури ва географиясини диверсификация қилиш, экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этиш ишлари давом эттирилди.

2016 йил давомида яна 877та корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, маҳаллий маҳсулотларни четга етказиш географияси 60 та янги бозорга кўпайди. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари, Ливан, Иордания, Ирок, Гана, Сенегал, Кот-д'Ивуар, Сомали, Нигерияга енгил автомобиллар, Швеция, Руминия, Болгария, Туркия, Индонезия, Молдова ва Озарбайжонга минерал ўғитлар, Беларусь, Озарбайжонга спорт пойафзаллари, Польша ва Жанубий Кореяга чарм буюмлар ва бошка маҳсулотлар экспорт килинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида «Мамлакатимиз иктисиёти тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш буйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш 2017 йилда сўзсиз ҳал килувчи фаолият йўналишига айланиши зарур», – деб таъкидлагани бу борада келгусида улкан ишлар амалга оширилишидан дарак беради.¹

Ушбу маърузада давлатимиз раҳбарни мазкур соҳанинг ҳолатига танқидий баҳо бериб, машинасозлик комплексида импорт ҳажми экспортдан бир неча баробар юкори бўлиб, маҳаллийлаштириш даражаси эса импортга нисбатан 20 фоиздан кам эканлиги ҳамда айни вактда машинасозлик комплекси, «Ўзфармсаноат» концерни ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти тизимидағи корхоналарда импорт ҳажми экспорт ҳажмидан ўнлаб марта кўп эканини

¹ Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак // «Ҳалқ сўзи», 2017 йил 15 январь.

айтиб ўтди. Шу билан бирга, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти ва «Ўзбекнефтгаз» компанияси тизимида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми импорт миқдо-рига нисбатан 25–30 фоиздан ошмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегиясидаги мамлакатимизнинг 2017 йил учун дастурида экспортга мўлжалланган маҳсулотларни юкори даражада маҳаллийлаштиришга йўналтирилган иктисадиётнинг истиқболли соҳаларини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш кўзда тутилган. Мазкур ишларни амалга ошириш янги ишлаб чиқариш кувватларини барпо этиш ва модернизация қилиш, рақобатдош, экспортбоп маҳсулот ҳамда материалларни ишлаб чикиш учун замонавий технологияларни жорий этишга хизмат килади.

2018–2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш концепцияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти карорини қабул қилиш ҳам 2017 йилдаги асосий вазифа булиб унда куйидагилар назарда тутилади:

- юкори кўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт килишни кенгайтириш;
- Ўзбекистон учун савдо алокаларини ривожлантириш борасидаги мақсадли бозорларни аниқлаш;
- ташки бозорлар конъюнктурасини ўрганиш асосида катта ҳажмдаги экспортбоп товарларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш;
- ташки бозорларни маркетингга хос ўрганиш усулини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- белгиланган бозорларни асосий иштирокчилар билан узвий ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш орқали миллий маҳсулотлар билан тъминлаш;
- ҳалкаро сифат стандартларни (ISO 9001) кенг жорий этиш, ишлаб чиқарувчиларни ташки бозорларда маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш.

2018–2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқим лозим.

Ҳаракатлар стратегияси,
143-банд

иктисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимиға ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича аниқ вазифалар режалаштирилган.

Автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида инвестиция дастури доирасида Республика йўл жамғармасининг 1550000 миллион сўм маблаглари ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, у куйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- умумий фойдаланишдаги ҳалқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция килиш;
- хўжаликларо автомобиль йўлларини таъмирлаш;
- шаҳар кўчалари, аҳоли пунктларига қуриш ва ички йўлларни қуриш, реконструкция килиш ва таъмирлаш;
- йўл хўжалиги юрхоналарининг ишлаб чиқариш кувватларини янгилаш;
- қурилиш материалларининг инновацион турларидан ҳамда замонавий илғор технологиялар ва усуллардан фойдаланган ҳолда, автомобиль йўллари сифатини яхшилашни белгиловчи стандартларни такомиллаштириш.

Дастурнинг мақсади – аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифатини янада оширишdir. Мамлакатимизда транспорт коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, мухандислик-инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирлар режалаштирилган.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш доирасида 2017 йилда ахборот технологиялари вазирлиги томонидан мамлакатимиз ҳудудларида 2300 километр оптик толали алока тармокларини қуришга 5,7 миллион доллар маблаг жалб этилади. Бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолисининг юкори тезликда Интернетта уланиши, мультимедиа ва IP-TV хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди.

2017–2018 йиллар давомида «Ўзбектелеком» компанияси маблаглари, хорижий инвесторлар кредитлари ҳисобидан коммутация марказларини IMS технологияси асосида модернизация килишга 44,7 миллион доллар инвестициялар киритиш режалашти-

рилган бўлиб, унинг амалга оширилиши шаҳарларо автоматик телефон станциялар сиғимини 17152 та Е1 портга оширилишига ёрдам беради.

Мобилъ алока операторларининг тармоқлари камрови ҳудудларини кенгайтиришга эришиш максадида «Ўзбектелеком» АК ва мобилъ алока операторлари томонидан 115,2 миллион доллар маблағ эвазига 1843 та таянч станция ўрнатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Дастур доирасинда 2017 йилда мамлакатимиз аҳолисини, шу жумладан, тогли ва бориш кийин бўлган ҳудудлардаги аҳолини ракамни телевидение билан камраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бу максадлар учун Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япония тижорат банклари маблағлари хисобидан 62,5 миллион доллар жалб этилади ва мамлакатимиз ҳудудларида 66 та юкори кувватли ва 328 та кам кувватли ракамли телевидение узатгичлари ўрнатилади ва ишга туширилади.

Кейинги йилларда кишлоп жойларда аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар куриш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2009–2016 йилларда кишлоп жойларда 1308 тураржой массивида умумий майдони 9 573 минг квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой курилди. Кишлоплардаги 83,5 мингдан ортиқ оиласининг яшаш шароити яхшиланди.

Шу билан бирга, ушбу соҳани ўрганиш аҳолининг реал эҳтиёжлари ва харид кобилиятини, шунингдек, миллий менталитетни ва кишлоп жойларда яшаш шароитларининг хусусиятларини тўлиқ хисобга олиб, курилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган принципиал жихатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиши зарурлигини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари шу йил 14 январда бўлиб ўтган Вазирлар Мажхамасининг мажлисидаги маърузасида капитал курилиш соҳасида кечикириб бўлмайдиган бир катор ўта муҳим вазифалар бор деб таъкидлали. Улар орасида Давлат архитектура ва курилиш ўмитаси тизимини тубдан қайта ташкил этиш, шаҳарсозликнинг эскирган методология ва нормативлари, капитал курилишдаги но-

Республика ҳудудларидаги мобилъ ало-қа операторларининг 1843 та таянч станцияларини ўрнатиш.

*Ҳаракатлар стратегияси,
159-банд*

мутаносиблик ва муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, лойиха институтларининг самарасиз фаолиятини кайта кўриб чикиш ма-
салаларининг долзарбилигига алоҳида эътибор каратилди.¹

Президентимиз томонидан айрим камчиликлар келтирилиб, «шаҳарсозликни такомиллаштириш бўйича бир катор хужжатлар қабул килинган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги назоратсиз қолгани, 2012–2015 йилларда ишлаб чиқилган 18 та шаҳар ва посёлканинг бош режалари ҳалигача тасдиқланмаган»лиги таъкидлаб ўтилди.

Шу боис Ҳаракатлар стратегиясида капитал курилишдаги ислоҳотларга алоҳида эътибор каратилган. Дастурда 2017 йил давомида бозор шароитида эркин фаолият юрита оладиган, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар кандай турдаги лойиха ишларида катнашишга имкон берувчи устав ва айланма капиталига эга бўлган курилиш ва лойиха корхоналарини ташкил этиш ва мавжудларини ривожлантиришга, соҳада замонавий бозор муносабатларини яратишга каратилган «Капитал курилишни янада такомиллаштириш ва курилиш материаллари соҳасида қулай мухитни яратиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонинин қабул килиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул килинини туфайли амалга ошириладиган ишлар натижалари кўйидагиларда акс этади:

- ❖ капитал курилиш соҳасидаги норматив базани бозор муносабатларини жорий этишни назарда тутувчи ҳалкаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чикиш;
- ❖ лойихалаш ва курилиш ташкилотларига моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ҳамда янги курилиш технологияларини жорий этишга йўналтирилган солик ва бошқа турдаги имтиёз ва енгилликлар бериш;
- ❖ миллий лойихалаш ва курилиш ташкилотларининг ташқи бозорларга кириб боришга кенг жалб этишни таъминловчи комплекс талбирларни амалга ошириш;

¹ Шавкат Мирзиёев. Танқидий тахлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак // «Халқ сўзи», 2017 йил 15 январь.

- ❖ лойихаларни экспертиза қилиш тизимини такомиллаштириш;
- ❖ лойихаларни молшаштиришининг турли замонавий усуларини ва башка молиявий воситаларини жорий этиш;
- ❖ пудрат ташкилотларида мавжуд бўлган мутахассисларни саклаб қолиш, малакали кадрларни жалб этиш имконини берадиган шароитларни яратиш;
- ❖ курилиш соҳасидаги олий таълим муассасалари ўкув дастурларини кайта кўриб чикиш;
- ❖ лойихалаш ва курилиш ташкилотлари ассоциацияларини ташкил этиш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ —

1. 2016 йилда Ўзбекистон иқтисодиётдаги барқарор ўсиши суръатларини ва унинг макроиктисодий мутаносибигини таъминлашда қандай ошиллар асосий роль ўйнади?
2. 2016 йил якунига кўра, Ўзбекистоннинг асосий макроиктисодий курсаткичлари қандай бўлди?
3. 2016 йилда иқтисодиётга қанча миқдорда инвестициялар йўналтирилди, бу 2015 йилга нисбатан неча фоизга кўп демакдир?
4. Миллий иқтисодиётнинг мутаносибиги ва барқарорлигини таъминлаш, деганда нимани тушунасиз?
5. Миллий иқтисодиёт таркибида саноат, хизмат кўрсатиши соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўтаптириши ошиллари қандай?
6. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш деганда нимани тушунасиз?
7. Ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфраструктура объектлари ҳақида гапириб беринг.
8. Иқтисодиёт тармоқлари учун самараю рақобатдош мұхитни шактлантириш, деганда нимани тушунасиз?

мутаносиблик ва муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, лойиха институтларининг самарасиз фаолиятини қайта кўриб чикиш масалаларининг долзарбилигига алоҳида эътибор қаратилди.¹

Президентимиз томонидан айрим камчиликлар келтирилиб, «шаҳарсозликни тacomиллаштириш буйича бир катор ҳужжатлар кабул килинган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги назоратсиз колгани, 2012–2015 йилларда ишлаб чиқилган 18 та шаҳар ва посёлканинг бош режалари ҳалигача тасдиқланмаган»лиги таъкидлаб ўтилди.

Шу бонис Ҳаракатлар стратегиясида капитал қурилишдаги ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилган. Дастурда 2017 йил давомида бозор шароитида эркин фаолият юрита оладиган, мамлакатимиёнда амалга оширилаётган ҳар кандай турдаги лойиха ишларида қатнашишга имкон берувчи устав ва айланма капиталига эга бўлган қурилиш ва лойиха корхоналарини ташкил этиш ва мавжудларни ривожлантиришга, соҳада замонавий бозор муносабатларини яратишга қаратилган «Капитал қурилишни янада тacomиллаштириш ва қурилиш материаллари соҳасида кулай мухитни яратиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг кабул килиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони кабул килиниши туфайли амалга ошириладиган ишлар натижалари қўйидагиларда акс этади:

- ❖ капитал қурилиш соҳасидаги норматив базани бозор муносабатларини жорий этишни назарда тутувчи халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чикиш;
- ❖ лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларига моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ҳамда янги қурилиш технологияларини жорий этишга йўналтирилган солик ва бошқа турдаги имтиёз ва енгилликлар бериш;
- ❖ миллий лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларининг ташки бозорларга кириб боришга кенг жалб этишни таъминловчи комплекс тадбирларни амалга ошириш;

¹ Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // «Халқ сўзи», 2017 йил 15 январь.

- ❖ лойиҳаларни экспертиза қилиш тизимини такомиллаштириш;
- ❖ лойиҳаларни молиялаштиришнинг турли замонавий усулларини ва бошқа молиявий воситаларини жорий этиш;
- ❖ пудрат ташкилотларида мавжуд бўлган мутахассисларни саклаб колиш, малакали кадрларни жалб этиш имконини берадиган шароитларни яратиш;
- ❖ курилиш соҳасидаги олий таълим муассасалари ўқув дастурларини қайта кўриб чикиш;
- ❖ лойиҳалаш ва курилиш ташкилотлари ассоциацияларини ташкил этиш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. 2016 йилда Ўзбекистон иқтисодиётдаги барқарор ўсиши суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлашда қандай омиллар асосий роль ўйнади?
2. 2016 йил якунига кўра, Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари қандай бўлди?
3. 2016 йилда иқтисодиётга қанча миқдорда инвестициялар йўналирилди, бу 2015 йилга нисбатан неча фоизга кўп демакдир?
4. Миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, деганда нимани тушунасиз?
5. Миллий иқтисодиёт таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини қўтириши омиллари қандай?
6. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиши, техник ва технологик жиҳатдан янгинаш деганда нимани тушунасиз?
7. Ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфраструктура объектлари ҳақида гапириб беринг.
8. Иқтисодиёт тармоқлари учун самараати рақобатдош мұхитни шакллантириш, деганда нимани тушунасиз?

3.3. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ

Кишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармокларининг эса ҳом ашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири саналади.


Кишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат ҳафсимилигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, ёни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта зътибор қарашлади.

Шавкат Мирзиев

Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида зътироф этилмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда улкан ва арзигулик ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технология-

ларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб, чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2000–2015 йиллар оралигига қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ошиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан ҳисоблаганда 2000–2016 йилларда ўртача 6 фоиздан юқори бўлди. Кейинги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмогининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2000 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 30,1 фоизга teng бўлган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 16,8 фоизга пасайган (1-расм). Бу ҳолат мамлакатимизда саноатнинг индустрiali тармоклари ҳамда хизматлар соҳасини жа-



3.3.1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий курсаткичлари, фоизда

дал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чукур таркибий ўзгаришлар натижалари билан изохланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига»да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича катор вазифаларга асосий эътибор каратилган (2-расм).

Кишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгартаришларни чукурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, аҳолини озиқовкат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хом ашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқовкат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан саналади.

Биринчи навбатда, 2016–2020 йилларда пахта хом ашёси етиштириладиган майдонларни 170,5 минг ва суғориладиган ғалла майдонларини 50 минг гектарга кискартириш хисобидан картошка майдонини 36 минг, сабзавотлар майдонини 91 минг, интенсив боғлар майдонини 18 минг, озуқа экинларини 50,3 минг, мойли экинларни 14 минг ва узумзорларни 11,2 минг гектарга кенгайтириш билан боғлиқ экин майдонларини янада оптималлаштириш ишлари амалга оширилади. Шу билан бир каторда экинларга ишлов беришнинг

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙҰНАЛИШЛАРИ

Таркибий үзгаришларни чуқурлаشتыриш оркали қишлоқ хұжалигини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустахкамлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш

Пахта ва бошокли дон экин майдонларини қисқартырыш зәвазига картошка, сабзавот, полиз, озуқа ван мойли әкінлар, янги интенсив болгар ва узумзорлар майдонини көнгайтириш ва оптималлаشتыриш

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация обьектларини ривожлантириш, тармоқта интенсив, сув ва ресурсларни тежайдиган, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлығи юкори техникалардан фойдаланиш.

Қишлоқ хұжалиғи әкінларининг касаплық ва зарапқунандағарга қидамли, маңаппий ер-иклем ва экология шароиттарға мос янғы селекция навларини ва юкори маҳсулдорликка зға чорва зотларини яратыш ҳамда жорий этиш бүйіча илмий тәдікүт ишларини көнгайтириш

Қишлоқ хұжалиғи маҳсулотларини чукур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат ва қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган замонавий қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш

Қишлоқ хұжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сотиш, куриш ишлары ва хизматлар күрсатыш билан шүгүлланувын күп тармоқты фермер хұжаликпаратириш ривожлантириш

Қишлоқ хұжалиғи маҳсулотларини сақлаш, ташиш, сотиш, агрокиме, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлары күрсатыш инфраструктураларини ривожлантириш

Глобал икlim үзгаришлари ва Орол денгизи куришининг қишлоқ хұжалиғи ривожланishi ҳамда ахолининг ҳаёт фаолиятiga салбый таъсирини юмшатиш бүйіча тизимли чора-тадбирлар күриш.

3.3.2-расм. Ҳаракатлар стратегиясыда белгиланған қишлоқ хұжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг устувор йұналишлари.

Илғор агротехнологияларини, юкори унумдорликка зға техника ва машиналарни ҳамда сугоришнинг замонавий усулларни күллаш натижасыда әкінлар хосилдорлигини пахтада 26,1 дан 26,9 ц/га (+ 0,8), бошокли донларда 54,9 дан 66,4 ц/га (+ 11,5), картошкада 218,9 дан 230,5 ц/га (+ 11,6), сабзавотларда 277,1 дан 294,0 ц/га (+ 16,9), меваларда 123,9 дан 140,4 ц/га (+ 16,5), токзорларда 126,7 дан 137,1 ц/га (+ 10,4) ошириш күзда тутилмоқда (3.3.1-жадвал).

Экін майдонлари таркибини оптималлаشتыриш ва хосилдорликни ошириш бүйіча амалға ошириладиган чора-тадбирлар мамлакатимизда қишлоқ хұжалиғи маҳсулотлари етиштириш җажминни сезиларлы даражада ошишига олиб келади. Жұмладан, 1-жадвалда

келтирилганидек. 2016–2020 йиллар давомида бошоқли дон стиштириш хажми 1 195,0 минг, картошка 931,0 минг, сабзавотлар 3 002,2 минг, мевалар 648,6 минг ва узум 273,9 минг тоннага кўпаяди ва мамлакатимиз озик-овкат хавфсизлигини таъминлашга замин яратади.

3.3.1 - жадвал

Республикада 2016–2020 йилларда қишлоқ хўжалиги экин майдонларини көнгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириш прогноз кўрсаткичлари

«Қишлоқ хўжалиги экинлари	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2020 й. 2015 й.га нисб. ўзгармас	
							+/-	%да
Майдони, минг гектар								
Пахта	1 285,5	1 255,0	1 221,0	1 187,0	1 151,0	1 115,0	- 170,5	86,7
Бошоқли дон	1 329,5	1 329,5	1 319,5	1 304,5	1 289,5	1 279,5	- 50,0	96,2
Картошка	80,3	85,3	92,5	100,5	108,8	116,3	+ 36,0	144,8
Сабзавотлар	192,0	204,6	222,7	243,0	264,0	283,0	+ 91,0	147,4
Мевазор боғлар	261,9	264,4	268,0	272,0	276,1	279,9	+ 18,0	106,9
Озуқ экинлари	309,1	316,1	326,1	337,3	348,9	359,4	+ 50,3	116,3
Мойли экинлар	14,3	16,2	19,0	22,1	25,4	28,3	+ 14,0	197,9
Токзорлар	144,0	145,5	147,8	150,3	152,9	155,2	+ 11,2	107,8
Ҳосилдорлик, ҷ/га								
Пахта	26,1	26,2	26,3	26,5	26,7	26,9	+ 0,8	103,1
Бошоқли дон	54,9	60,9	62,5	63,6	65,1	66,4	+ 11,5	120,9
Картошка	218,9	224,3	226,0	227,5	229,0	230,5	+ 11,6	105,3
Сабзавотлар	277,1	286,1	288,5	290,0	292,0	294,0	+ 16,9	106,1
Мевазор боғлар	123,9	126,4	129,4	132,9	136,6	140,4	+ 16,5	113,3
Озуқ экинлари	225,0	228,0	231,0	234,0	237,0	240,0	+ 15,0	106,7
Мойли экинлар	17,0	18,0	19,0	20,0	21,0	22,0	+ 5,0	129,4
Токзорлар	126,7	127,9	129,9	132,1	134,6	137,1	+ 10,4	108,2
Маҳсулот ишлаб чиқариш, минг тонна								
Пахта хом юшси	3 350	3 287	3 217	3 147	3 074	3 000	- 350,0	89,5
Бошоқли дон	7 305	8 100	8 250	8 300	8 400	8 500	+ 1 195,0	116,3
Картошка*	2 670	2 833	3 010	3 206	3 411	3 601	+ 931,0	134,9
Сабзавотлар*	9 923	10 458	11 031	11 651	12 314	12 925	+ 3 002,2	130,2
Мевалар	2 731	2 874	2 982	3 109	3 244	3 380	+ 648,6	123,8
Озуқ экинлари*	18 725	18 976	19 303	19 662	20 039	20 396	+ 1 670,6	108,9
Мойли экинлар*	98	110	125	132	145	160	+ 62,0	163,3
Узум	1 556	1 601	1 651	1 707	1 769	1 830	+ 273,9	117,6

Кўйта ёюш ва палми ергарни хисобга олган ҳолда.

М.Н.б.: Узбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016–2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари турисидаги қарори всосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида биргина 2017 йилнинг ўзида пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга кискартириш хисобидан кискартирилган экин майдонларининг 8,1 минг гектарига картошка, 27,2 минг гектарига сабзавот, 5,9 минг гектарига интенсив бօғ, 2,9 минг гектарига токзор, 10,9 минг гектарига озука экинлари ва 4 минг гектарига мойли экинларни жойлаштириш кўзда тутилган. Бу тадбирлар натижасида паст рентабелли экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарарни 80 миллиард сўмга кискартириш, кўшимча 1 миллион тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ҳудудларда 48,5 мингдан ортик янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 мингга етказиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2 баробар ошириш имкони яратилади.

Замонавий агротехнологиялар асосида юкори хосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва ярим пакана дараҳтларни экиш орқали интенсив бօғ ва узумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш энг муҳим вазифалардан хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Кишлок ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, 2011–2016 йиллар давомида боғдорчиликда янги агротехнологиялар асосида 31 308 гектар юкори хосил берадиган пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар яратилган.



3.3.3-расм. Республикаизда 2011–2016 йилларда пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар барпо этиш кўрсаткичлари.

Ҳаракатлар стратегияси бўйича бу йўналишда фермер хўжаликлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари хисобидан жами 532 346 миллион сўм маблағ сарфлаш эвазига кўйидаги тадбирларни амалга ошириш белгиланган:

– 13 минг гектар майдонда янги интенсив боғ ва 7,3 минг гектар токзорлар ташкил килиш ҳамда 15,4 минг гектар боғ ва 9 минг гектар токъюрларни реконструкция килиш;

– мавжуд паст рентабелли боғ ва токзорларни босқичма-босқич, йилига 10 фоиздан ёки 26,4 минг боғ ва 14,1 минг токзорларни интенсив усулга ўтказиш эвазига 2020 йилга бориб уларнинг салмоғини 30 фоизга ошириш;

– мевали боғлар ҳосилдорлигини камида 3–4 марта ошириш;

– янги ташкил этилаётган ва мавжуд интенсив боғ ва токзорларга босқичма-босқич йилига 5,7 минг гектардан томчилатиб сугориш тизимини жорий килиш;

– мамлакатимиз тупрок-иклим шароитига мос пакана ва ярим пакана дараҳт кўчатлари ва пайвантаклари етиштириш ҳажмини камида 7000 тага ошириш;

– истиқболли ва дунё бозорларида талаб юкори бўлган экспортбоп интенсив боғ мевалари кўчатлари навларини синаш ва уларни мамлакатимиз худудида экишга тавсия этиладиган кишлок ҳўжалиги экинлари Давлат реестрига киритиш ва бошқалар.

Кишлок ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда уругчилик-селекция ва нав танлашнинг ахамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Кышлок ва сув ҳўжалиги вазирлигининг маълумотларига Караганда, мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан мевали, резавор мевали, ёнғоқсимон, субтропик, цитрус ўсимликлар ҳамда узумнинг янги навларини яратиш, маҳаллий ва интродукция килинган навларни ўрганиш, парваришлаш технологияларини ишлаб чикиш ва ишлаб чикаришга жорий килиш бўйича кенг миқёса тадқиқотлар олиб борилди. Натижада Марказий Осиёда биринчи бўлиб селекцион йўл билан уруғли, данакли, резавор, ёнғоқ мевали экинлар селекцияси йўлга қўйилиб, янги навлар яратишга асос солинди. Кўп йиллик илмий тадқиқотлар туфайли 170 дан ортиқ мева-узум навлари яратилиб, уларнинг саксонга

якини Давлат реестрига киритилди. Ҳозирги кунда мева, сабзавот, картошка ва полиз навларининг 709 тури Давлат реестрига киритилган бўлиб, уларнинг 189 тасини маҳаллий навлар ва 520 тасини чет эл навлари ташкил этади.

3.3.2 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси Даёлат реестрига киритилган мева, сабзавот, полиз ва картошка навлари

Курсаткич	Жами	шу жумладан:	
		маҳаллий навлар	чет эл навлари
Экин навлари тури	709	189	520

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Ҳаракатлар стратегияси бўйича 2017–2021 йилларда бу йўналишда:

- мамлакатимиз тупрок-иклим шароитига мос, қурғоқчиликка, шўрликка, иссиқликка ва касалликларга чидамли қишлоқ хўжалиги экинлари навлари ва чорва турларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;
- генномаут биотехнологиялари асосида истеъмолчилар соғлиғига салбий таъсирчанлигини исботлаган ҳолда, ҳар хил тупрок-иклим зоналарига мос эртапишар ва юкори ҳосилли қишлоқ хўжалик экин навларини яратиш вазифалари белгиланган.

Чорвачилик тармоғини модернизация килиш ва жадал ривожлантириш бутун аграр тармоқни ривожлантириш стратегиясининг муҳим кисмидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016–2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чукурлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорида 2016–2020 йилларда корамоллар сонини 3 165 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 4 281 минг бошга ва паррандалар сонини 31 200 мингтага ошириш вазифалари белгиланган. Бунинг натижасида шу йиллар оралиғида гўшт ишлаб чиқариш хажми (тирик вазнда) 519 минг, сут 4 177 минг, балиқ 90 минг, асал 13,7 минг тоннага ва тухум 4 100 миллион донага ошади.


3.3.3 - жаде

Мамлакатимизда 2016–2020 йилларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишинг прогноз курслаткичлари

Курслаткичлар	2015	Прогноз курслаткичлар					2020 й. 2015 й.га нисб. тагтиши		
		2016	2017	2018	2019	2020	%дн		
Чорвачилик маҳсулотлари бош сони, минг бос									
Қорамоллар	11 635	12 150	12 720	13 350	14 050	14 800	+ 3 165	127,2	
Қуй ва эчқилар	18 906	19 600	20 380	21 240	22 170	23 187	+ 4 281	122,6	
Парранда	60 800	64 600	69 500	75 500	83 000	92 000	+ 31 200	151,3	
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, минг тона									
Гүшт (тирик вазида)	1 981	2 060	2 150	2 260	2 375	2 500	+ 519	126,2	
Сут	8 823	9 478	10 242	11 075	11 957	13 000	+ 4 177	147,3	
Тухум, млн. дона	3 500	6 200	6 900	7 700	8 600	9 600	+ 4 100	274,3	
Балик	60	75	90	110	130	150	+ 90	250,0	
Асал	9,3	11,0	13,0	15,5	19,0	23,0	+ 13,7	247,3	

Маънаби: Узбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПД-2460-сон «2016–2020 йилларда ҷиҳоз кўхжалигини янаде испоҳ қилиш ва ривожлантириш чорвачатаборлари тутурисида»ни Қарорига ишловлар асосиде тузиленган.


Кейинги йилларда чорвачилик тараққий этган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, урчишишни ташкил этишга жиддий ҳарбибор берилмоқда. Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2006–2016 йиллар мобайнида Украина, Белоруссия, Польша, Австрия, Германия, Голландия ва бошқа Європа мамлакатларидан 69 175 бош маҳсулдорлиги юкори наслии моллар келтирилган.



3.3.4-расм. Хорижий мамлакатлардан келтирилган наслии қорамоллар сони.

Чорва молларини турли касалликлардан асраш, наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида мамлакатимизда 2016 йилда 2616 та зооветеринария пункти томонидан зооветери-

нария хизматлари кўрсатилган, 2465 минг бosh сигир ва ургочи таналар сунъий уруглантирилган, қорамолчилик йўналишида наслчилик тоифасидаги хўжаликлар сони 610 тага етказилган, улар томонидан 7677 бosh наслли моллар тайёрланиб, аҳоли ва чорвачилик фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотилган. 2016–2020 йилларда янгидан 1533 та наслчилик хўжалигини ташкил этиш режалаштирилган.



3.3.5-расм. Мамлакатимизда 2016–2020 йилларда қорамолчилик йўналишидаги наслчилик хўжаликларини ташкил этишининг прогноз кўрсаткичлари.

Ҳаракатлар стратегияси бўйича 2017–2021 йилларда чорвачиликни янада ривожлантириш йўналишида куйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган:

чорвачилик ва ветеринария бўйича меъёрий-хукукий хужжатларни такомиллаштириш;

наслчилик базасини ривожлантириш, наслчилик хўжаликлари негизида замонавий селекция-генетик марказлар ташкил килиш ҳамда уларнинг техник ва технологик жиҳозланиш даражасини ошириш, наслчиликда илмий тадқикот ишларини кенгайтириш;

чорвачиликнинг озука базасини яратиш, озука экинлари этиштириладиган майдонларни кенгайтириш, озука ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг уруғчилигини ташкил килиш, чорвачиликни сифатли озукалар, биокўшимчалар, витаминлар, макро-микро элементлар ва бошқа озука бирликлари билан таъминлаш;

ветеринария хизматларини яхшилаш ва эпизотик ҳолатнинг барқарорлигини таъминлаш, ветеринария лабораторияларини моддий-техник жиҳозлашига давлат бюджетидан 21 400 миллион сўм сарфлаш;

ветеринария меъёрлари ва қоидаларини такомиллаштириш ҳамда ветеринария препаратларини ва озука қўшимчаларини сертификатлашни бир хил қоидаларга келтириш;

замонавий ишлаб чикариш технологияларини жорий қилиш оркали йирик паррандачилик корхоналарининг тўлик қувватлар билан ишлашини таъминлаш, уларни модернизация қилиш ва техник қайта жихозлаш;

чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш, янги турдаги тайёр маҳсулот ишлаб чикариш тизимини рагбатлантириш;

соҳани юкори малакали кадрлар, айникса, зоотехник ва ветеринарлар билан таъминлаш, шунингдек, малакали чет эл мутахассисларини жалб қилиш.

Буларнинг натижасида 2020 йилга бориб 2016 йилга нисбатан парранда бош сонини 42,4 фоиз, гўшт ишлаб чикариши 21,4 фоиз ва тухумни 39 фоизга ўстириш кутилмоқда.

Бугунги кунда озик-овқат хавфсизлиги масаласи бутун жаҳонни ташвишга solaётган глобал муаммолардан бири бўлиб колмоқда. БМТ Озик-овқат ва кишлоп ҳўжалиги ташкилотининг (FAO) маълумотларига караганда, ҳозирги вактда дунёдаги жами аҳолининг кариб 30 фоизи тўйиб овқат емасликдан қийналмоқда. Шундай шароитда республикамизда аҳолини сифатли ва старли микдордаги озик-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш оркали мам-

3.3.4 - жадеъл

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўрсаткичлари

Озик-овқат маҳсулотларининг турлари	Минимал истеъмол меъёри, кг/квиши	2015 йил					2015 йил		2015 йил
		1990 йил	2000 йил	2010 йил	2015 йил	меъёрга нисб., йил	1990 й.га нисб., йил		
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	40,2	31	34	38	42,5	105,7	137,1		
Сут маҳсулотлари	136,7	183	182	239	288,4	194,9	145,8		
Тухум, (дона/киши)	292	97	47	138	230,4	78,9	237,5		
Сабзавот ва полиз	128,8	107	128	238	285	221,3	286,3		
Картошка	54,6	29	36	45	57	104,4	196,6		
Ўсимлик ёти ва бошқа мойлар	7,3	12	12	13	22	301,4	183,3		
Шакар	19,4	12	16	17	28	144,3	233,3		
Мева ва узум	90,6	23	42	83	145	180,0	6,3		

Манба: Ўзбекистон Республикаси иктиносодий-ижтимоий тарроқийтигининг мустақиллик ўшиларидаги (1990–2010 ўшилар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 ўшиларга мўлжалланган прогностолари (– Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2011 ўил, 87-бет ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мавзумотлари асосида қисобланган.)

лакатимизнинг озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижалар кўлга киритилди. Жумладан, агар 1990 йилда барча турдаги озик-овқат маҳсулотлари бўйича аҳоли жон бошига хисоблаганида меъёрга нисбатан оз истеъмол килинган бўлса, 2015 йилга келиб меъёрга нисбатан истеъмол ҳажми гўштда 105,40, сут маҳсулотларида 194,90, картошкада 104,4 фоизни, сабзавотда ва полизда 221,3 фоизни ташкил этди.

Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

2017 йилда сабзавотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 105,7, картошкани 106,3, полизни 106,1, мевани 106,0, узумни 105,7, гўштни 105,6, сутни 108,1, тухумни 111,3, баликни 120,0 ва асални 118,2 фоизга ошириш;

394 гектар майдонга 503 та иссиқхона хўжаликлари ва 6885 та аҳоли шахсий томорқасидаги 176 гектар майдонда иссиқхоналар куриш;

аҳоли томорқалари ва деҳкон хўжаликларида мукобил электр энергияси манбаларидан фойдаланадиган енгил конструкцияли иссиқхоналар, кичик паррандачилик, баликчилик, асаларичилик хўжаликларини тузиш, бошка юкори самарали ва юкори даромадли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда амалий ёрдам кўрсатиш;

шахсий томорқалардан самарали ва оқилона фойдаланиш, юкори ҳосил ва даромад олиш бўйича замонавий технология ва тажрибаларни тарғибот килиш ҳамда тарқатиш;

хўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни саклаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омбор ташкил қилиш ва 1,4 минг тонналик 4 та музлаткичли омборни модернизация қилиш, музлаткичли омборларнинг умумий ҳажмини 632 минг тоннага етказиш ва 1000 та янги иш ўрини яратиш;

№	Күп тармокли фермер хўжаликларида ташкил этилаётган фаолият турлари	Жами фермер хўжаликлиари сомни	Лойиҳадар гувернери		Жами ташаб этиладиган маблаг, млн. сўм	Шундан молияппаштириш шийбаниши		Янги ишчи ўриншарсони
			Учнов бирл.	Миқдори		Уз меблими, млн. сўм	Банк кредити, млн. сўм	
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Мева-сабзавотларни қайта ишлаш	268	тон.	38074	79594	29118,0	50476,0	2744
2	Гўштии қайта ишлаш	178	тон.	14357	44726	18383,0	28343,0	1175
3	Сутни қайта ишлаш	240	тон.	30995	52304,2	23921,2	28383,0	1889
4	Музлатили омборхоналар	400	тон.	134285	154460	66826,0	87633,5	2112
5	Иссикхоналар	644	га	732	134315	56279	78036	4206
6	Сервис хизматлари	8500	дона	10394	331377,8	220157	111220,8	29843
7	Курилиш ишлари	185	-	-	32805	16282	16523	1323
8	Тегирмон ва шопини тозалаш	301	-	-	17726	11072	6654	923
9	Ном ва ном маҳсулотлари, қандолатчилик	275	-	-	23820,5	13228,5	10592	1374
10	Интенсив бор яратиш	1761	га	6675	161848	119034	42813	13178
11	Тоқзор яратиш	2253	га	6416	36143	26331	9813	11247
12	Кучатчилик	132	га	12	9366	9366	-	528
13	Корамончилик	2792	бош	77697	385223	202984	182239	10717
14	Кўйичилик	1189	бош	230312	92439	69833	22607	3551
15	Эчлоқчилик	634	бош	127308	40755	30049	10706	1923
16	Паррандачиллик	1699	бош	4848	65721	37885	27836	5270
17	Баликчилик	1007	га	2973	52311	30210	22101	3424
18	Асаларичилик	1094	омила	41926	31409	19347	12063	2533
19	Кўёнччилик	294	бош	168465	15859	9256	6603	780
	ЖАМИ	23846	пойиҳа сони	25526	1762203	1009561	752642	98740

алмашлаб экиш тартибини қўллаган ҳолда, узок муддатга кишлок хўжалиги экинларини жойлаштиришни режалаштиришга ўтиш асосида тупрок унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ишлаб чикариш харажатлари ва таннархини камайтириш.

Кўп тармокли фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболда кишлок хўжалигини баркарор ва самарали ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Улар нафакат кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уларни чукур қайта ишлаш, ахолига турли ишлар ва хизматлар кўрсатиш билан ҳам шуғулланиши мақсадга мувофик. Бу уларнинг молиявий баркарорлиги ҳамда тўловга қобиллигини мустаҳкамлаб, ракобатдошлигини оширишга ёрдам беради. Республикаизда кўп тармокли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда.

Яқын күнларда 2017-2020 йылдарга мұлжалланған күт тармоқтың фермер хұжасынан ривожстан-тириш дастурини ишилаб чиқыш якунига еткесілді. Асосий өзгерті-бор экспортта әуналыптырылған мева-сабзасынан да оның оқынамда чор-вачишилек маңсулоттары етештиришини күпайтириша-а, шунингдек, кичик ишилаб чиқарыши шохобчала-рини ташкил этиши және сервис хиз-маттары курсатынша қаратаудади.

Шавкат Мирзиёев

1762203 миллион сүм бүлгэн 25 506 та лойиҳа амалга оширила.

Харакатлар стратегиясіда күп тармокли фермер хұжаликлари-
ни ривожлантириш учун кулагай шарт-шароитлар яратыш, уларнинг
иктисодий самарадорлығы ва молиявий барқарорлыгини таъминланы-
учун күйіндегіларни амалға ошириш күзде тутилмоқда:

күп тармокли фермер хұжаликлари фаолияти мәсьерий-хукукий асосларини яратиши, уларни давлат томонидан, шу жумладан, имтиёзли кредитлаш билан құллаб-куватлаш;

кишлок хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, саклаш ва сотиша фермер хўжаликлари кооперациясини ривожлантириш, кишлок жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишланибуйича кичик корхона ва уларнинг бўлимларини ташкил этиш;


кишлок хўжалигини молиялаштириш ҳамда кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга зга омиллардан бири саналади. Чунки, республикамизда мавжуд сугориладиган экин майдонларининг 50 фоизга яқинини у ёки бу даражада шўрланган ерлар ташкил этади. Кейинги йилларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш буйича йирик давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2008–2016 йиллар давомида сугориладиган ерларнинг мелиоратив

Жумладан, 2017 йилда кабул
килинган дастур күрсаткышлари
юкорида көлтирилган.

Келтирилган жадвал маълумотларидан маълумки, 2017 йилда жами 23 846 фермер хўжалигида кишлок хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, турлихизматлар кўрсатиш, интенсив боғлар ва токзорлар яратиш, чорвачилик тармокларини ривожлантириш бўйича умумий киймати

холатини яхшилаш дастурларини амалга оширишга давлат бюджетидан жами 2 011,37 миллиард сўмлик маблаглар ажратилди.



3.3.6-расм. Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларига 2008–2016 йилларда давлат бюджетидан ажратилган маблаглар, миллиард сўмда

Натижада 2015 йилда 2001 йилга нисбатан шўрланмаган ерлар 17,3 фоизга, кучсиз шўрланган ерлар 10,9 фоизга ошиб, ўртacha шўрланган ерлар 34,3 фоизга ва кучли шўрланган ерлар 48,0 фоизга кискарди.

3.3.5 - жадвап

Республика бўйича 2001–2015 йилларда сугориладиган ерлар шўрланиш даражасининг ўзгариши

Ер турлари	Учун бирлаби	2001 йил		2015 йил		2015 й. 2001 й.га нисб. ўзгариши, (+, -)	
		майдони	фоизда	майдони	фоизда	майдони	фоизда
Шўрланмаган	минг га	1928,0	45,4	2261,7	52,5	+ 333,7	+ 7,1
Кучсиз шўрланган	минг га	1212,9	28,5	1344,7	31,2	+ 131,8	+ 2,7
Ўртacha шўрланган	минг га	893,3	21,0	586,9	13,6	- 306,4	- 7,4
Кучли шўрланган	минг га	218,4	5,1	113,5	2,7	- 104,9	- 2,6
Жами	минг га	4252,6	100	4306,8	100	+ 54,2	

Минба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мавзумотлари асосида тушилган.

Харакатлар стратегиясида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва баркарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш баркарорлигига эришиш учун куйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

734,9 километр магистрал, туманлараро, хўжаликлараро коллекторларни, 348,3 километр ёпик-ётиқ дренаж тизимларини, 6 дона

мелиоратив насос станцияларини, 79 дона мелиоратив тик кудукларни, 131 дона мелиоратив объектдаги гидротехник иншоотларни куриш ва реконструкция қилиш;

14537,2 километр очик коллерторларни, 1330,5 километр ёпик ётик дренаж тармокларини, 15 дона мелиоратив насос станциясини, 791 дона мелиоратив тик кудукларни, 2277 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларини таъмиглаш ва тиклаш;

500 километр каналларни, 74 километр сугориш лоток тизимини, 106 дона гидротехник иншоотни, 10 километр босимли сув қувурларини, сигими 625 миллион метр кубга тенг бўлган сув омборларини куриш ва реконструкция қилиш ҳамда 0,5 километр кирғокбўй минтақасини ҳимоялаш;

142 дона мелиоратив техника ва жиҳозларни сув хўжалигида ихтисослашган пудрат ташкилотларига лизинг оркали етказиш;

«2013–2017 йиллар давомида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури» доирасида амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини танқидий ўрганиш асосида «2018–2022 йилларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури» лойиҳасини ишлаб чикиш.

Бу ишларга жами 905 000 миллион сўм, шу жумладан, 457 273 миллион сўм давлат бюджети маблагларини сарфлаш белгиланган. Бунинг натижасида 270,5 минг гектар сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини баркарор саклаш, 276,2 минг гектар сугориладиган ерни сув билан кафолатли таъминлашга эришилади.

Кейинги йилларда республикамизнинг бир катор ҳудудларида экинларни сугоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «2013–2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури»га мувофиқ 2013–2017 йилларда жами 104 600 гектар майдонда сугоришнинг замонавий усусларини жорий этиш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига караганда республикамизда 2011–2015 йилларда жами 47356 гектар экин майдонларида том-

чилатиб сугориш, 19214 гектарда наттга полизтилен плёнка түшаб сугориш, 18418 гектарда күчма эгилувчан қувурлар орқали сугориш технологиялари жорий этилган.



3.3.7-расм. Мамлакатимизда 2011–2015 йилларда сугоришнинг замонавий усуллари жорий этилган экин майдонлари, гектарда.

Ҳаракатлар стратегияси бўйича сугоришнинг илгор технологияларини жорий этиш ишлари тизимли равишда давом эттирилади ва бу глобал сув танқислиги шароитида экинларни сув билан тъминлаш ва ҳосилдорликнинг ошиб боришига замин яратади.

Кишлок хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш асосида ярим тайёр ва тайёр озик-овқат ҳамда қадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юкори технологик асбоб-ускуналар билан жихозланган янги қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация килиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш республикамизни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартағи «2016–2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳеулотларининг ҳом ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чукурлаштириш, озик-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт килишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2505-сон қарорига асосан кишлок хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш бўйича янги кор-

мелиоратив насос станцияларини, 79 дона мелиоратив тик қудукни, 131 дона мелиоратив объектдаги гидротехник иншоотларни куриш ва реконструкция қилиш;

14537,2 километр очик коллерторларни, 1330,5 километр ёпик-ёткік дренаж тармоқларини, 15 дона мелиоратив насос станциясими, 791 дона мелиоратив тик қудукларни, 2277 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш;

500 километр каналларни, 74 километр сугориш лоток тизимини, 106 дона гидротехник иншоотни, 10 километр босимли сув кувурларини, сиғими 625 миллион метр кубга тенг бұлган сув омборларини куриш ва реконструкция қилиш ҳамда 0,5 километр кирғокбүйін минтакасини химоялаш;

142 дона мелиоратив техника ва жиһозларни сув хұжалигыда ихтисослашган пудрат ташкилотларига лизинг орқали етказиш;

«2013–2017 йиллар давомида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури» доирасида амалга оширилған ишларнинг самарадорлигини танқидий үрганиш асосида «2018–2022 йилларда сугориладиган срларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури» лойихасини ишлаб чикиш.

Бу ишларга жами 905 000 миллион сұм, шу жумладан, 457 273 миллион сұм давлат бюджети маблағларини сарфлаш белгиланған. Бунинг натижасида 270,5 минг гектар сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаш, 276,2 минг гектар сугориладиган ерни сув билан кафолатлы таъминлашга әршилади.

Кейинги йилларда республикамизнинг бир катар ҳудудларida әқинларни сугоришнинг янги технологиялари синовдан үтмоқда ва құллашга тавсия этилмокда. Ўзбекистон Республикасининг «2013–2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури»га мувофик 2013–2017 йилларда жами 104 600 гектар майдонда сугоришнинг замонавий усулларини жорий этиш күзде тутилған. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хұжалиги вазирлигининг маълумотларига караганда республикамизда 2011–2015 йилларда жами 47356 гектар әқин майдонларида том-

чилатиб сугориш, 19214 гектарда эгатта полиэтилен плёнка тушаб сугориш, 18418 гектарда күчма эгилувчан кувурлар орқали сугориш технологиялари жорий этилган.



3.3.7-расм. Мамлакатимизда 2011–2015 йилларда сугоришнинг замонавий усуллари жорий этилган экин майдонлари, гектарда.

Ҳаракатлар стратегияси бўйича сугоришнинг илгор технологияларини жорий этиш ишлари тизимли равиша давом этирилади ва бу глобал сув танқислиги шароитида экинларни сув билан тъминлаш ва хосилдорликнинг ошиб боришига замин яратади.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чукур кайта ишлаш асосида ярим тайёр ва тайёр озик-овкат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юкори технологик асбоб-ускуналар билан жихозланган янги кайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация килиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш республикамизни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартағи «2016–2020 йилларда мева-сабзавот ва ғўшт-сүт маҳсулотларининг ҳом ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашини чукурлантириш, озик-овкат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2505-сон карорига асосан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чукур кайта ишлаш бўйича янги кор-

хоналар куриш, амалдагиларини реконструкция ва модернизация килиш бўйича умумий киймати 595 886,3 минг доллар эквивалентига тенг жами 180 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

3.3.6 - жаде аз

2016–2020 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш бўйича янги корхоналар куриш, амалдагиларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг қиймати

Ташаббускорлар ва пойнадиларнинг номлари	Пойнадилар умумий киймати	Шу жумладидан мөнлияништирки мөнбларни бўйича:		
		ўз маб- лаглари	банк кредитлари	корижий инвес- тиция ва кредитлар
Жами (180 лойиҳа)	595 886,3	242 916,7	189 461,6	163 508,0
Шу жумладан:				
Янги қурилиш (141 лойиҳа)	463 267,3	169 714,7	144 324,6	149 228,0
Реконструкция ва модерни- зация (39 лойиҳа)	132 619,0	73 202,0	45 137,0	14 280,0

Манба: «Ўзбекозиқовдатхолдинг» холдинг компанияси мавзумотлари асосида тузилган.

Келгуси 5 йилда бил мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 1,8 баробар ошириб, бугунги 17 фоиздан 30 фоизга кўпайтиришини вазифа қилиб қўймокдамиш. Кўшимча тарзда 200 минг тоннага маҳсулот сақлаш кувватига эга бўлган соевтчили омборхоналар қурилди. Бу, ўз наебатида, янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадини кўпайтириши ва маҳаллий бюджетга кўшимча маблағ тушириш имконини беради.

Шавкат Мирзиёев

тушириш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш бўйича тизимли тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2020 йилга келиб 2016 йилга нисбатан мева-сабзавот консервалари ҳажмини 79,4 фоиз, мева шарбатларини 80,5 фоиз, курук меваларни 73,1 фоиз, гўшт ва гўшт маҳсулотларини 59,5 фоиз, колбаса маҳсулотларини 68,8 фоиз, сут ва сут маҳсулотларини 56,6 фоиз,

сариёгни 51,4 фоиз, қандолат маҳсулотларини 59,9 фоиз, ўсимлик ёгинн 57,2 фоиз, шакарни 24,0 фоизга, пишлокни 2,5, гўштли консерваларни 2,4, балиқ маҳсулотларини 3,4 ва музлатилган баликни 2,8 марта ошириш имконини беради.

Ҳаракатлар стратегиясида 2017 йилда кишлек хўжалигини ривожлантириш учун ҳалқаро молия институтларининг умумий киймати 337,8 миллион долларга тенг маблагларни куйидаги йўналишлар бўйича ўзлаштириш кўзда тутилган:

«Осиё тараққиёт банки»нинг 150 миллион доллар маблагини «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш» лойиҳасига;

«Ҳалқаро тараққиёт ва тикланиш банки»нинг 150 миллион доллар маблагини «Чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳасига;

«Ҳалқаро кишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси»нинг 23,8 миллион доллар маблагини «Қашқадарё ва Жizzах вилоятларида сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта ишлашни ривожлантириш» лойиҳасига;

«Ҳалқаро тараққиёт уюшмаси»нинг 14 миллион доллар маблагини «Орол бўйи минтакасида иклим ўзгаришга мослашиш ва оқибатларини юмшатиш» лойиҳасига.

Кишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган чора-тадбирлар аграр тармокни баркарор суръатлар билан ривожлантириш, мамлакатимиз озиқовкат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда ҳалқимиз турмуш сифати ва моддий фаровонлигини оширишга хизмат килади.

— НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ —

1. Қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги аҳамияти нималарда намоён бўлади?
2. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

3. Қишлоқ ҳұжалиғы әкін майдонлари ҳажс мини оптималлаштириши орқали таркибий үзгаришлар жараёнини амалға оширишинең мазмуны ва мақсади нималарда күрінади?
4. Мева-сабзавот, гүшт-сүт ва бөшқа қишлоқ ҳұжалиғы маҳсулотларини чуқур қайта ишлаша асосида озиқ-овқат маҳсулотларини күпайтиши бүйіча қандай тадбирлар амалға оширилмоқда?
5. Күп тармоқлы фермер ҳұжаликтарини ривожлантиришдан қандай мақсадлар күзланған?
6. Қишлоқ ҳұжалиғы ишлаб чықарышини модернизация қилиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиши дегендегенде нимани түшүнасиз?
7. Қишлоқ ҳұжалиғы әкінтарининг касаллік ва заарқунандаларга чидамли, серхосил янги селекция навларини яратиш борасида қандай тадбирлар амалға оширилмоқда?
8. Чорвачилик тармоқтарини жадал ривожлантириш, чорва молларининг янги маҳсулдор зотларини яратиш бүйіча наслытік ишларини яхшилаш іүллары нималардан иборат?
9. Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва әкіндарни сугоришшының замонавий технологияларини жорий этиши борасида қандай чора-тадбирлар белгіланған?
10. Қишлоқ ҳұжалигини ривожлантиришинең устувор іұналишлари нималардан иборат?

3.4. ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ КАМАЙТИРИШ, ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНІ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УНИНГ УСТУВОР МАВ҆ЕНИИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавҷенини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Пировард максадимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик ва демократик фукаролик жамиятини барпо этишдан иборат экан, бу борадаги асосий шартлардан бири иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш хисобланади. Миллий тараққиёт моделимизнинг асосий тамойилларидан бири – давлатнинг бош ислоҳотчилик роли хисобланиб, мавжуд иқтисодий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланган ҳолда, барча кучларни ягона максад сари йўналтиришда давлатнинг тартибга солувчи вазифасидан унумли фойдаланиш мақсадгага мувофиқдир.

Замонавий бозор тизимини давлатнинг аралашувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ, аралашувнинг ўз чегараси бўлиб, унинг мазкур чегарадан ошиб кетиши бозор жараёнларининг издан чикишига таъсир этиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги пасаяди. Натижада иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, хўжалик юритишни ташкил этиш ва бошқарув жараёнларида давлатнинг меъёридан ортиқ иштирокини пасайтириш масаласи майдонга тушади.

Давлат аралашуви миқёсини тартибга солиш учун муҳим чекловлар мавжуд. Масалан, давлат томонидан бозор механизмини издан чиқарувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмайди (умумий директив режалаштириш, нархлар устидан ялпи назорат ва бошқалар).¹

Иқтисодиётга давлатнинг аралашувини кисқартириш, энг аввало, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор

¹ Проблемы и ограничения государственного вмешательства в экономику.
- <http://econtool.com/>

мавкенини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рагбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттиришни такозо этади.

Шунга кўра, **Ҳаркатлар стратегиясида хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш**, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тусик ва чекловларни бартараф этиш, унга тулик эркинлик бериш, «Агар ҳалқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 2017 йилнинг 1 чорагидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)ни ташкил этиш белгиланди.

Омбудсман (қадимги скандинавчада umbor «ваколат», «зиммасига юклаш») – катор давлатларда ижро ҳокимияти идоралари ва мансабдор шахслар фаолиятида маълум фукаролар гурӯхининг адолат ва манфаатлари таъминланишини назорат қилиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс¹.

Ҳуқуқшунослар ҳалқаро ассоциацияси фикрига кўра, омбудсмен институти – бу конституция ёки конунчилик ҳокимияти хужжатларида кўзда тутилган ҳамда мустакил жамоатчилик асосидаги юқори даражадаги мансабдор шахс томонидан бошқарилувчи хизмат. Мазкур шахс давлат бошлиғи олдида масъул бўлиб, тадбиркорлардан давлат идоралари, хизматчиларининг ноконуний хатти-харакатлари бўйича шикоятларни қабул килади ҳамда тадбиркорлик субъектлари ҳуқук ва конуний манфаатларини намоён этиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ҳаракат килади.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил лавозимининг ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимидаги асосий янгиликлардан бири сифатида таъкидлаш мумкин. Давлат бошқарувининг мазкур усули қўплаб хорижий мамлакатларда тадбиркорлар ўз ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида тўкнаш келувчи бюрократик муаммоларни ҳал этишдаги самарали восита сифатида ижобий роль йўнамоқда.

¹ Омбудсмен. – <https://ru.wikipedia.org/>

Хозирги вактда омбудсмен институти бошқарувнинг турли шаклари – президентлик республикаси (Финляндия, Франция, АҚШ), парламент республикаси (Швейцария, Австрия, ГФР), конституциявий монархия (Дания, Норвегия, Швеция, Испания, Австралия, Нидерландия, Буюк Британия, Канада) хукмрон бўлган 50 дан ортик мамлакатда мавжуд.¹

Бундан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги тадбиркорлик субъектлари ҳукуклари ва конуний манфаатларини химоя килиш бўйича вакили институтининг жорий этилиши бу борадаги фаолиятнинг жаҳон андозаларига мувофиқлигини таъминлаш борасидаги муҳим кадамлардан бири ҳисобланади.

Шунга кура, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасининг ишлаб чикилиши кўзда тутилиб, унда янги ташкил этиладиган омбудсменга қўйидаги ваколатларни бериш назарда тутилади:

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳукуклари ва конуний манфаатларини химоя килиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги конун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чикарилаётганини ўрганиш;

давлат органлари, ҳукукни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳукуклари ва конуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

Шунингдек, 2017 йил июнга кадар хусусий мулкни химоя килиш ва хусусий мулк обьектларидан самарали фойдаланишни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш максадида қўйидаги тартибларни ўрнатиш кўзда тутилмоқда:

мулкдан жиноят ёки маъмурий ҳукукбузарликни содир этиш куроли сифатида фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни мусодара килиш ёки олиб қўйишни (вактинчалик олиб қўйиш бундан мустасно) тақиқлаш;

¹ Что такое институт бизнес-омбудсмена? http://ombudsmanbiz.kz/rus/virtualnaya_priemnaya/faq/#faq-11

давлат ва жамоат эктиёжлари учун ер участкаларининг олиб кўйилиши муносабати билан тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарни олдиндан коплаб бериш;

тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилган ер участкаларидан фойдаланимаётган, жумладан, ажратилган ер участкаларида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан олинган мажбуриятлар бажарилмаётган ҳоллар юзага келган тақдирда ер солиги ва мол-мulk солиги ставкаларини уч баробар микдорда кўллаш.

Бу борада кабул килинган Ўзбекистон Республикасининг конуни лойиҳаси хусусий мулк кафолатлари ва уни химоя килишни кучайтириш, курилиши тугалланмаган обьектлар савдосини тартибга солиш, тадбиркорлик фаолияти ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат киласди.

Мазкур йўналиш бўйича белгиланган тадбирлардан яна бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишибилармонлик мухитини яратиш, тадбиркорлик тузилмалярининг фаолиятига давлат, хукукни муҳофаза килувчи ва назорат идоралари томонидан ноконуний аралашувларнинг катъий олдини олиш хисобланади.

Мазкур тадбир, биринчи навбатда, назорат килувчи органларнинг кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини ва улар томонидан ўтказиладиган режали текширишлар сонини янада кискартириш, бунда 2017 йилнинг I чорагида тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига оид маълумотлар базасини шакллантириш, уларни автоматлашган ахборот тизими орқали таҳлил килиб, хавф-хатарларни баҳолаш асосида тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича режа-жадвални ишлаб чиқишни такозо этади. Текширишлар режа-жадвалини шакллантиришда хавф-хатарлар автоматлаштирилган ҳолда баҳоланади.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бир гектардан ортиқ ер майдонни ажратиш тизимини таомиллаштириш максадида 2017 йилнинг II чорагида тадбиркорлик субъектларининг иштирокисиз «ягона дарча» тамойили асосида ер майдонларини танлаш ва ажратиш материалларини тайёрлаш ва ваколатли органлар билан келишиш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш, тадбир-

корлик субъектларига аризани күриб чикиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини яратиш тадбирлари белгиланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармони билан тасдиқланган Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тусикларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш, курилишнинг барча боскичларида – шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлашдан бошлаб обьектларни фойдаланишга топширишгача бўлган боскичларда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиблари доирасида ягона коида ва талабларни белгилаш максадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва курилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 285-сон карори кабул килинган эди.

Карор асосида 2016 йил 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкалари факат танлов асосида берилади. Ахоли пунктларида жойлашган бундай ернинг майдони 1 гектаргacha ва 1 гектар этиб белгиланди. Танлов асосида бериладиган ер участкаларининг рўйхати Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан шакллантирилди.

«Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисида»ги низомга 1-иловада юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш схемаси ифодалаб берилган.

Шунингдек, «Танлов асосида берилган ер участкаларидаги обьектларнинг лойиха-смета ҳужжатларини келишиш, курилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатнома бериш, шунингдек обьектларни фойдаланишга кабул килиш тартиби тўғрисида»ги низомга 1-иловада танлов асосида берилган ер участкаларидаги обьектларнинг лойиха-смета ҳужжатларини келишиш, курилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатнома бериш, шунингдек, обьектларни фойдаланишга кабул килиш схемаси тасвирлаб берилган.

Танлов асосида бериладиган ер участкалари рўйхатини шакллантиришда улардан фойдаланишинг максади, уларнинг майдони ва жойлашган жойи кўрсатилади. Бу ердан оқилона, максадли фойдаланишини таъминлаб, уни ҳакиқий эгасига беришни кафолатлади.¹


Эндиликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бир гектардан ортиқ ер майдонларини ажратиш тизимини такомиллаштириш максадида тадбиркорлик субъектларининг иштирокисиз «ягона дарча» тамоили асосида ер майдонларини танлаш ва ажратиш материалларини тайёрлаш ва ваколатли органлар билан келишиш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш, тадбиркорлик субъектларига аризани кўриб чиқиш жараёснини интерактив кузатиш имкониятини яратиш тадбирларининг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектларига ер майдонларини ажратиш тартиботларининг ошкоралигини таъминлаш, ваколатли давлат органларидағи ахборот алмашинуви тизимини яхшилаш, ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатлари ва харажатларини кискартириш имконини беради.

Дастурдан йил давомида оиласидай бизнесс ва ҳунармандликни молиявий кўллаб-куватлаш кўламини кенгайтириш тадбирлари хам ўрин олган.

Маълумки, 2010 йил 12 ноябрда Биринчи Президентимиз томонидан белгилаб берилган концепцияда илгари сурилган муҳим конунчилик ташаббусларидан бирининг амалий татбики сифатида 2012 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Оиласидай тадбиркорлик тўгрисида»ги конуни эълон килинди. Конунинг З-моддасида «Оиласидай тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал килиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш максадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир»², деб белгилаб берилди. Ушбу конундан келиб чиккан ҳолда, оиласидай тадбиркорликнинг асосий белгилари сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

¹ Н. Аблурәимова. Ер участкалари танлов асосида берилади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, 15.10.2015. – <http://uza.uz/oz/business/er-uчасткалари-tanlov-asosida-beriladi-15-10-2015>

² Ўзбекистон Республикасининг Конуни. Оиласидай тадбиркорлик тўгрисида. 2012 йил 26 апрель. З-модда.



3.4.1-расм. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликнинг асосий белгилари.¹

Қонунга кўра, агар оилавий тадбиркорлик юридик шахс кўрининшида ташкил этилса, у оилавий корхона деб юритилади. Қонунда у «Оилавий корхона» деб номланиб, унинг асосий мазмуни ва белгилари баён этилган. Яъни, оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-хукукий шаклларидан биридир.

Юридигилардан келиб чиқсан ҳолда, оилавий корхонанинг асосий белгиларини куйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунида оилавий корхона иштирокчилари таркиби белгилаб берилган. Унга кўра, оилавий корхона иштирокчилари оила бошлиги, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси,

¹ Қуйидаги манба асосида тузилган: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда.

мехнатга кобилиятли ёшга тұлған бошқа қариндошларидан иборат булиши мүмкін.

3.4.1 - жаде

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектлари турлы чөгәраларининг амал қилиш босқичлари¹

Босқич	Ииллар	Тегишли мөйөрий дүшкіт
I	1992–1995	«Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар түргисидаги Низом» (Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдағы 85-сон қарорига 2-сонли илова)
II	1995–1998	Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рагбатлантириш түргисида»ги Конуны (1995 йил 21 декабрь)
III	1998–2003	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорпик, кичик ва үрта бизнесни ривожлантиришни янада рагбатлантириш бүйіча чора-тадбирлар түргисида»ги Фармони (1998 йил 9 апрель)
IV	2003–2011	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдеги «Хусусий тадбиркорпик, кичик ва үрта бизнесни ривожлантиришни янада рагбатлантириш чора-тадбирлари түргисида»ги Фармонига үзгартыш ва құшимчалар киритиш хакида»ги Фармони (2003 йил 30 август); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорпик (бизнес) субъектларига тегишли бұлған корхоналар ва ташкилоттар классификациясига түргисида»ғы Фармони (2003 йил 11 октябрь)
V	2011–жозирга қадар	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорпик субъектларини ташкил этиш ва давлат рұйхатидан үтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түргисида»ғы Қарори (2011 йил 12 май); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорпик (бизнес) субъектларига тегишли бұлған корхоналар ва ташкилоттар классификациясига үзгартышилар киритиш түргисида»ғы Қарори (2013 йил 14 июнь); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорпик (бизнес) субъектларига тегишли бұлған корхоналар ва ташкилоттар классификациясига үзгартышилар киритиш түргисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция икимі ва ишибиларменлиг мұхитини янада такомиллаштиришга доир құшимчы чора-тадбирлар түргисида»ғы (2014 йил 7 апрелдеги ПФ-4609-сон Фармони) Қарори (2014 йил 3 июль)

¹ Муаллифлар томонидан түзилген.

Оилавий бизнес ва хунармандликни молиявий кўллаб-кувватлаш кўламини кенгайтириш тадбирларни амалга ошириш натижасида ахоли томонидан ўз хонадонларида миллий хунармандлик асосида тадбиркорлик фаолияти амалга оширилади ва қўшимча даромад манбани яратилади.

2017 йилнинг III чорагида мамлакатимизда ракобатдош компанияларни яратиш максадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари йириклишини рағбатлантиришга йўналтирилган конун хужжатлари лойихалари ишлаб чикиш оркали ўрта бизнес субъекти тоифасини жорий этиш ва унга имтиёзларни белгилаш кўзда тутилмоқда.

Мустакиллик йилларида мамлакатимизда кичик бизнес таркиби га кирувчи корхоналарнинг чегараларини аниглаш ўзига хос тадрижий ривожланиш боскичлари оркали амалга оширилиб келмоқда. Ҳар бир муайян боскичда белгиланган миқдорий чегаралар Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда Вазирлар Махкамаси карорларига асосланиб, буларнинг барчаси мазкур соҳа ривожининг мамлакат ижтимоий-иктисодий тараккиётидаги юксак аҳамиятидан дарак беради. Жадвалдан кўринадики, мустакилликнинг ilk давриданоқ мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш, улар фаолиятини давлат томонидан самарали тартибга солиш максадида алоҳида соҳа сифатида белгилаб олишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Иктисодиётнинг ривожланиши, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай мухитнинг яратилиши натижасида кичик бизнес субъектларининг сифат ва миқдор жиҳатдан тараккий этиб бориши билан уларнинг миқдорий чегаралари ҳам такомиллаштириб борилмоқда.

Кичик тадбиркорликни янада ривожлантириш, иктисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасида ахоли бандлигини тўларок таъминлаш учун қулай шароит яратиш максадида 2003 йилнинг 30 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзgartиши ва қўшимчалар киритиш ҳакида»ги Фармони кабул килинди. Ушбу Фармон мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари чегараларини аниглаш борасида навбатдаги боскични

бошлаб берди. Унда микрофирма ва кичик корхоналарда банд бўлган ходимлар ўргача йиллик сонининг тармоқлар бўйича янада аниқлаштирилган ҳолда белгилаб берилиши мазкур босқичнинг хусусиятли томони хисобланади.

Ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2003 йил 11 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори кабул килиниб, унда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар классификацияси тасдикланди¹. Мазкур хужжат микрофирма ва кичик корхоналар миқдорий чегараларининг сезиларли равишда кенгайишига олиб келди. Кичик корхоналар миқдорий чегараларининг бу даврга кадар амал килиб келган ўрта корхоналар миқдорий чегарасига кадар кенгайиши эндиликда мамлакатимизда ўрта бизнес тушиунчасининг илмий муомаладан чиқарилишига олиб келган эди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тўплangan тажрибалар шуни кўрсатадики, корхоналарнинг ракобатдошлик даражасини ошириш уларнинг ўз фаолиятлари давомида кенгайиб, йириклишиб боришини такозо этади. Лекин, кичик бизнес субъектларини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш мақсадида белгиланган имтиёз ва енгилликларга эга бўлиш имконини берувчи корхоналарнинг миқдорий чегаралари айрим ҳолларда ушбу жараёнларга тўскинилк килиши мумкин. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасининг юксалиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган кулай шарт-шароитлар натижасида иктисодий салоҳияти ортган кўплаб корхоналар мазкур имтиёзлардан фойдаланишни давом эттириш мақсадида ўз ходимлари сонини белгиланган миқдорий чегара доирасида саклаб колишга ҳаракат килмоқдалар. Бу эса, уларнинг йириклиши жараённига тўскинилк килмоқда.

Шунга кўра, мамлакатимизда ракобатдош компанияларни яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари йириклишини рағбатлантиришга йўналтирилган қонун хужожатлари лойиҳалари ишлаб чиқиши орқали ўрта бизнес субъекти

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиклаш тўғрисида. 2003 йил 11 октябрь, 439-сон.

тоифасини жорий этиш ва унга алоҳида имтиёзларнинг белгиланиши кичик бизнес субъектларининг ўрта бизнесга ўтиши ва шутариқа соҳанинг жадал ривожланиши учун замин яратади.

2017 йил I чорагида фаолият кўрсатмаётган корхоналарни ихтиёрий ва мажбурий тугатиш тартибларини танқидий кайта кўриб чиқиш ва тубдан соддалаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун Дастурда катор тартибларни жорий этиш белгилаб берилган.

- тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатидан бир-бирини тақорловчи ва бошқа давлат органларида мавжуд бўлган ҳужжатларни қисқартириш
- вакопатли органлар томонидан төғишли ҳужжатларни кўриб чиқиш ва келишиш муддатларини қисқартириш
- тугатувчилар томонидан муассислари мавжуд бўлмаган кичик корхона ва микрофирмаларнинг мурслари, штамплари ва бошқа ҳужжатларини вакопатли ташкилотларга тақдим қилиш талабини бекор қилиш
- молиявий фаолият амалга оширмаётган корхоналарни солиқ текширувпарини ўтказмасдан камерал назорат ҳulosаси асосида тугатишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш

3.4.2-расм. Ўзбекистонда фаолият кўрсатмаётган корхоналарни ихтиёрий ва мажбурий тугатиш тартибларини соддалаштириш жараёнлари.

Бунинг учун мавжуд конун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиб, фаолият кўрсатмаётган корхоналар сонини қисқартириш, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва конунчиликда белгиланган муддатларда устав жамгармаларини шакллантирган корхоналарни тугатиш тартибини таомиллаштириш, корхоналарни тугатишда белгиланган муддат ва талабларга амал қилиш борасида мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қучайтириш такозо этилади.

Дастурга кўра, тадбиркорлик фаолияти ютуқ ва натижаларини кенг тарғиб этиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, 2017 йил II чоракда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида янги номинацияларда танловлар ўтказиш бўйича амалий чора-тадбирлар бажарилади. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун «Ўзининг савдо

белгиларини йўналтириш ва янги бозорларни эгаллаганлик учун», «Республика ички бозорларида талаб бўлган янги турдаги истеъмол маҳсулотларини ишлаб чикканлик учун» номли номинацияларда танловлар жорий этилади.

Давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий талбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шаронтлар яратиш – мазкур йўналишда белгиланган муҳим тадбирлардан хисобланади.

Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини кискартириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш учун 2015–2016 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастури шакллантирилган эди. Дастур Узбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва ахамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2340-сон Карори билан тасдикланган.

Ушбу Дастурда қуйидагилар назарда тутилган:

- тўла кувват билан ишламаётган 660 тадан кўпроқ давлат корхонасини тугатиш ва очик савдо оркали янги хусусий мулкдорлар тасарруфига ўтказиш;
- стратегик аҳамиятга эга бўлмаган 360 та корхонадаги давлат улушини тўлиқ равишда сотиш;
- фойдаланилмаётган 400 тадан ортиқ давлат мулки объектини «ноль» киймати бўйича сотиш. Бу, ўз навбатида, киска муддатларда стратегик хорижий инвесторлар ва замонавий технологияларни жалб этиш имконини беради;
- хусусий инвесторларга 450 миллиард сўмлик қўшимча акцияларни фонд бозорида сотиш оркали ишлаб турган 203 та корхонадаги давлат улушини 51 фоизгача кискартириш.

Шунингдек, давлат мулкидаги объектлар ва активларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, шу жумладан хусусий инвесторларга сотиш ишлари самарадорлигини оширишга каратилган таъсирчан механизмлар ишлаб чикилиб, давлат мулкини хусусийлаштириш ва бошқариш соҳасида катор қулайликлар яратилди. Жумладан:

– нашрларда давлат активларини «ноль» харид қийматида сотиш бўйича савдолар тўғрисидаги эълон чоп этилган санадан бошлаб то улар ўтказиладиган санагача бўлган муддат икки ойдан 30 кунгacha кискартирилди;

– савдоларда давлат активларига 2 ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, уларнинг нархини 50 фоизигача, ҳар 15 кунда 10 фоиздан пасайтириш механизми жорий этилди;

– обьектлар нархи 50 фоизигача пасайтирилгандан сўнг 1 ой мобайнида сотилмаса, улар инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш шарти билан «ноль» харид қиймати бўйича сотилиши белгиланди;

– давлат активларига бир ой давомида инвестор харид тўловларини тўлаган тақдирда, унга харид суммасидан шартнома тузилган санадаги Марказий банкнинг қайта молиялаш йиллик ставкаси микдорила чегирма берилди;

– давлат обьектларини кисмларга бўлиб сотиш мумкинлиги белгиланди, бу билан тадбиркорларга ўз имконияти ва зарурияти доирасида обьектларни сотиб олиш имкони берилди;

– давлат активлари бўйича харид тўловларини харидорлар томонидан 24 ойгача бўлган муддатда амалга ошириш юзасидан имтиёз берилди;

– давлат обьектининг ижарачиларига ижара обьекти сотилишида устунлик берилиши белгиланди;

– хўжалик бошқаруви органларининг устав капиталига берилган давлат улушларини сотишдан тушган маблаглар корхоналарни модернизациялашга йўналтирилиши мумкинлиги белгиланди;

– давлат корхоналари факат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси карори билан тузилиши мумкинлиги ўрнатилди;

– хусусийлаштирилган корхоналарда хусусийлаштириш вақтида аникланмаган давлат активлари ёки фойдаланишга берилган корхона на худудида жойлашган кўчар ва кўчмас мулк мазкур корхонанинг мулки ҳисобланиши аник белгиланди.

Харакатлар стратегияси бўйича Дастурга биноан, 2017 йил март ойида фойдаланилмаётган давлат мулки обьектларини, жумладан, «ноль» харид қиймати бўйича сотиш жараёнларини янада соддалаштириш ҳамда бундай обьектлар тадбиркорлик субъекти томонидан аникланганда, уларни сотиб олиш юзасидан таклифларни қабул

килиш ва кўриб чикиш тартибини белгилаш кўзда тутилган. Бу борада ишлаб чикилиши кўзда тутилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти карори лойиҳаси иктисодиётда давлатнинг иштирокини кискартириш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, давлат мулкларининг реал нархларини шакллантириш имконини беради.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳитнинг асосий йўналишларидан бири сифатида «мулкни рўйхатга олиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия олиш, курилишга рухсат бериш ва электр таъминоти тармокларига уланишда «ягона дарча» тамоилини амалиётга жорий этиш тобора кенгайиб бормокда».¹

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада қулай шартшароитлар яратиш, кўчмас мулкка бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўtkазиш билан боғлиқ тартиботлар сонини ва муддатларини кискартириш максадида 2014 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Кўчмас мулкка бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўtkазиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги карори кабул килинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 84, 111-моддаларига кўра, кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўtkазиш талаб килинади. Лекин баъзида рўйхатдан ўtkазишнинг мураккаб тартиб-таомили тураржой харид килинганда тўсикқа айланади. Ана шу сабабга кўра хар бир давлат мулкни рўйхатдан ўtkазишни соддалаштиришга, технологик таракқиётнинг мукарарлигини ҳисобга олиб эса, уни автоматлаштиришга интилади. Буни тасдиклаган ҳолда Вазирлар Махкамасининг таъкидлаб ўтилган Қарори билан кўчмас мулкка бўлган хукукларни давлат

¹ Ислом Каримов. 2015 йилда иктисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир: Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иктиносий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишлиланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидағи маъруза. - <http://www.aza.uz/>

рўйхатидан ўтказиш билан боғлик тартиботлар сонини ва муддатларини кискартиришга йўналтирилган меъёллар тасдиқланди. Кўчмас мулкка бўлган ҳукукларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди, у юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга (шу жумладан, ер ости иншоотларига), кўп йиллик дов-дараҳатларга бўлган ҳукукларини, шунингдек ипотекани ҳамда бинолар ва иншоотлар ва ер участкаларига бўлган ашёвий ҳукуклар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни, ахборот-коммуникация технологияларини кўллаб, «ягона ойна» принципи бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди¹.

2017 йил II чорагида кўчмас мулкка бўлган ҳукукларни рўйхатдан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

– бино ва иншоотлар майдонларидан келиб чиқсан ҳолда уларни хатловдан ўтказишнинг дифференциаллашган муддатларини белгилаш;

– кадастр органларининг Давлат солик қўмитаси, «Давархикеткурилиш» қўмитаси, Адлия вазирлиги ва бошка идоралар худудий бўлинмалари билан реал вакт режимида маълумот олиш имконини берадиган ўзаро электрон ахборот алмашинуви тизимини тўлик жорий этиш;

– кўчмас мулкка бўлган ҳукукларни кайта рўйхатдан ўтказишда уни такроран хатловдан ўтказишни тақиқлашни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу борада тегишли Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг қабул килиниши ваколатли органлар ўртасида ахборот алмашинуви тартибини соддалаштириш, бино ва иншоотларни хатловдан ўтказиш муддатларини кискартириш, ваколатли органлар томонидан амалга оширилаётган кадастр ишлари сифатини яхшилаш имконини беради.

Яна бир йўналиш – инвестиция мухитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишдан иборат.

¹ Т. Шалунова. Кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш йўлида. Газета СБХ, 2014, № 44. - <http://gazeta.norgma.uz/>

2017 йилнинг IV чорагида хорижий инвесторларни жалб этиш максадида инвестициявий жозибадорликни янада ошириш бўйича инвестиция фаолиятини тартибга солувчи конунчилик базасини, шу жумладан, «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторларнинг хукукларини химоя килиш чоралари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги конунларни танқидий таҳлил килиш, хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибасини ўрганиш натижасида тўғридан-тўғри амал қиласиган, инвестиция фаолияти, хорижий инвестицияларнинг хукукларини кафолатлайдиган «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги конун лойихасини ишлаб чикиш ва киритиш белгилаб берилган.

Дастурда белгиланган мухим тадбир **корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар ва усулларини жорий этиш, корхонларни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш** хисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сон Фармони корпоратив бошқарув тизимидағи та-мойил ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш бўйича энг мухим устувор йуналишни белгилаб берган эди. Дастурда мулк таркибида давлат улуши бўлган 1100 тадан ортик акциядорлик компанияси ва бошқа хўжалик бирлашмалари фаолиятининг самарадорлигини танқидий кўриб чикиш ҳамда бу соҳада Япония, Жанубий Корея, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган менежмент тизимлари асосида янги услуг ва ёндашувларни ишлаб чикиш ва жорий этиш белгилаб олинган эди.

Бу борада 2017 йил I чорагида акциядорлик жамияти шаклида-ги тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондини ташкил этиш, бунда:

устав капиталининг бошланғич микдорини Ўзбекистон банк-лари ассоциацияси, давлат органлари ва тижорат банклари – муас-сислар улушлари хисобига шакллантириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга тижорат банклари томонидан янги технологик ускуналарни сотиб олишга берилади-

ган кредитларнинг гаров билан қопланмаган қисмини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти карори лойиҳасини ишлаб чикиш кўзда тутилган. Мазкур тадбирнинг амалга оширилиши натижасида тадбиркорлик субъектларини кредит ва бошка молиявий маблаглар билан таъминлашни кенгайтириш, инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда кредит олиш учун гаров таъминотини тақдим этиш имконияти яратилади.

Шунингдек, Дастурда тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармокларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизmlарни такомиллаштириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари ҳам белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари бўйича ишлаб чикилган Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг «Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармокларига «бир дарча» тамоилини бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида»ги буйруги 2013 йил 15 январда Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган эди.¹ Шунингдек, ўтган йилларда тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармокларига уланиши бўйича мутлақо янги механизм жорий этилди. Унга кўра, ушбу тармоклар ишини юритадиган ташкилотларнинг худудий корхоналарига техник шартларни олишдан тортиб муҳандислик-коммуникация тармокларига уланишгача бўлган барча жараёнларни амалга ошириб, уларни тадбиркорларга тайёр ҳолда топшириш ваколатлари бўрилди.


Харакатлар стратегияси бўйича Дастурга асосан 2017 йил I чорагида тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармокларига тайёр ҳолда улаш тизимини такомиллаштириш максадида:

муҳандислик-коммуникация тармокларига уланиш бўйича шартномада кўрсатилган харажатларни камайтириш;

¹ О. Латипова. Электр энергияси таъминотида «бир дарча» тамоили. Biznes Daily «Биржа», 05.02.2013, №14(1577). – <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/9783-elktr-energiyasi-taminotida-bir-darcha-tamoyili>.

тадбиркорлик субъектларини электр тармокларига улашни тартибга солувчи норматив-хукукий хужжатларни унификациялашни кўзда тутувчи Вазирлар Махкамаси карори лойиҳаси ишлаб чиқилади. Натижада тадбиркорлик субъектларини мухандислик-коммуникация тармоғига улаш тизими янада такомиллаштирилади, унинг муддатлари ва харажатлари кискаради.

2017 йилнинг II чорагида тадбиркорлик субъектларини хом ашё ва материаллар билан таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти карори лойиҳаси ишлаб чиқилади. Лойиҳада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаётган ёки ишлаб чиқариш ҳажми етарли бўлмаган маҳсулотлар импорти динамикасини таҳлил килиш асосида бундай товарларга божхона тўловлари миқдорини камайтириш, очик биржа савдолари орқали юкори ликвидли товарларни сотиш ҳажмларини 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ишлари назарда тутилади.



3.4.3-расм. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми.¹

Мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-куватлашда молиявий жиҳатдан кўмаклашиш, жумладан, кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги маълумотлардан кўринадики, мамлакатимизда 2016 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2015 йилга нисбатан 25,1 фоиз кўпайиб, 2017 йилнинг I январь ҳолатига кура, 53,4 триллион сўмга етди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида.

Диаграммадан кўринадики, кейинги тўккиз йил мобайнида иктисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 8 баробардан кўпроқ ўсган.

Айникса, иктисодиётга йўналтирилган кредитлар таркибida корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ажратилган инвестицион кредитлар мухим ўрин тутади.

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ажратилган инвестицион кредитлар ҳажми 2009–2016 йилларда 5 баробардан зиёд ўсмокда.

Банк тизими томонидан амалга оширилган кулай иш билармонлик мухитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2015 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпайиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 15,9 трлн. сўмга етди.

Ҳаракатлар стратегияси Дастурида белгиланишича, 2017 йил давомида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хом ашё ва материалларни сотиб олишда молиявий ресурсларга бўлган талабларини қондириш максадида иктисодиёт ҳамда кичик бизнес соҳаси субъектларини кредитлаш ҳажмини 1,2 баробар ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.



3.4.4-расм. Ўзбекистонда корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ажратилган инвестицион кредитлар.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида.

Ушбу тадбирлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хом ашё ва материалларни сотиб олишда молиявий ресурсларга бўлган талабларини кондириш имконини беради.



3.4.5-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куватлашга ажратилган кредитлар ҷажми.¹

2017 йил март ойида якка тартибдаги тадбиркорликнинг ривожланишини янада кўллаб-куватлаш ва мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, бунда якка тартибдаги тадбиркорлар, оиласвий тадбиркорлар, дехкон хўжаликларига пластик карталаридаги пул маблагларидан ишлаб чиқариш, савдо фаолияти ва бошка эҳтиёжлар учун фойдаланиш имконини бериш ва уларни тасаррuf этишдаги асоссиз чекловларни бекор қилишга қаратилган конун хўжжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгилаб берилган. Ушбу чора-тадбирлар банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда, накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш ҳамда пул маблагларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартишишга хизмат киласди.

Айникса, «Кредитлаш тизими» бўйича кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан бир йўла 63 погона кўтарилиб, 105-ўриндан 42-ўринга чиққани қувонарли муваффакият саналади. Яна бир зътиборли жиҳати шундаки, сўнгги уч йилда мазкур рейтинг кўрсаткичи 112 погона ўсади.

2017 йил давомида Жаҳон банкининг «Doing Business» халқаро рейтингида республикамизнинг ўрнини яхшилашга қаратилган тад-

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида.

3.4.2 - жадеал

2015–2017 йилларда «Бизнөсни юритиши» рейтинги ишбилирмөнлик мүҳити сифат кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистоннинг эгаллаган ўрни¹ [112]

Кўрсаткичлар	DB-2017	DB-2016	DB-2015	Рейтингдаги ўзгариш	
				2017 йилда 2016 йилга нисбатан	2018 йилда 2015 йилга нисбатан
Бизнөсни юритишининг умумий рейтинги	87	87	103	-	+16
Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	25	42	64	+17	+22
Курилиш учун рухсат олиш	147	151	149	+4	-2
Электр тармоқларига уланиш	83	112	108	+29	-4
Мулкни рўйхатга олиш	75	87	113	+12	+26
Кредитлаш	44	42	105	-2	+63
Миморитар инвесторларни химоялаш	70	88	87	+18	-1
Солиқида тортиш	138	115	117	-23	+2
Халқаро савдо	165	159	158	-6	-1
Шартномаларнинг бажарилишини тъзимланаш	38	32	32	-6	-
Тулоёга лаёқатсизликни бартараф этиш	77	75	75	-2	-

Бирларни амалга ошириш орқали қўйидаги натижаларга эришиш назарда тутилади.

Дастурда белгилаб берилган тадбирлардан яна бири – мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишида давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқарув тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш ҳисобланади.

Бу борада 2017 йилнинг I чорагида тадбиркорлик субъектларининг ташки иктисодий фаолиятини янада рағбатлантириш ва такомиллаштириш, экспорт-импорт операцияларини тартибга солишини такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва географиясини кенгайтиришга каратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти карори лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

¹ Doing Business. Оценка бизнес регулирования. <http://russian.doingbusiness.org/>

Лойиҳада юқоридаги вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган катор чора-тадбирлар назарда тутилади.



3.4.6-расм. Ўзбекистоннинг «Doing Business» халқаро рейтингидаги ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирлар.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти 2016 йилнинг устувор йўналишларига багишлиланган маъруzasida «Халқаро микёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014–2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016–2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат каторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказади», деб таъкидлаган эди.

Рейтинг Жаҳон банкининг «Глобал иқтисодий истиқболлар» хужжатида келтирилган маълумотлар асосида ташкил этилган

¹ Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи. 2016 йил 15 январь. – <http://uza.uz>.

билиб, унда жами 13 давлат келтирилган. Ўзбекистоннинг 2014–2017 йиллардаги ўртача иктиносидий ўсиш суръати 7,8 фоиз этиб белгиланган. Мамлакат пахта экспорти бўйича дунсда 5-ўринда ҳамда табиий газ ва олтин захирасига бой давлат эканлиги таъкидланади.¹

«Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингийллик ривожланиш мақсадларирига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди».²

Бу каби юкори мэрраларни эгаллашни рағбатлантириш ҳамда тегишли шарт-шароитларни таъминлаш Ҳаракатлар стратегиясига оид Дастурда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, 2017 йилнинг II чорагида Ўзбекистоннинг объектив рейтинг кўрсаткичларини эгаллаши ва улардаги мавқеини ошириш учун талаб килинадиган статистик ва бошқа маълумотларнинг халқаро ҳисоботларда чоп килинишига доир чекловларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш белгилаб берилган. Мазкур чора-тадбирлар мамлакатимизнинг турли рейтингларда муносиб ўринларни эгаллаши ва уларни мунтазам равишда ошириб бориш имконини беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. «Агар ҳалқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қучли бўлади» деган таомийлнинг маъноси нимани англатади?
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакити (бизнес омбудсман)нинг ваколатлари нималардан иборат?

¹ Манба: <http://sharh.uz/iqtisodiyot/item/4841-jahom-iqtisodiy-forumi>.

² Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иктиносидётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Мажхамаси мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 15 январь. – <http://uza.uz>

3. Ҳаракатлар стратегияси Дастурида хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва хусусий мулк обьектларидан самарали фойдаланишини амалга ошириш механизмини тақамилластириш мақсадида қандай тартибларни ўрнатиш кўзда тутилган?

4. Оиласий тадбиркорликнинг асосий белгилари нималардан иборат?

5. Мамлакатимизда ўрта бизнес субъекти тоифасини жорий этиши қандай мақсадда амалга оширилмоқда?

6. Фаолият кўрсатмаётган корхоналарни ихтиёрий ва мажбурий түгатиш тартибларини танқидий қайта куриб чиқиш ва тубдан соддаластириш учун Дастурда қандай тартибларни жорий этиши белгилаб берилган?

7. Акциядорлик жамияти шаклидағи тадбиркорликни ривожлантириши бўйича кафолатлаш фондининг ташкил этиши натижасида қандай имкониятлар кўлга киритилади?

8. Ҳаракатлар стратегияси Дастурида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтиши ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун ҳам ашё ва материалларни сотиб олишда молиявий ресурсларга бўлган талабларини қондириш мақсадида қандай чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган?

9. Жаҳон банкининг «Doing Business» халқаро рейтингида республикамизнинг ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш орқати қандай натижаларга эришиш назарда тутилган?

10. Тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада рагбатлантириш ва тақомилластириши, экспорт-импорт операцияларини тартибга солишни тақамилластириши, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари рақобатдошигини ошириши, экспорт ҳажмини кўпайтиши ва географиясини кенгайтишига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасида қандай чора-тадбирлар назарда тутилган?

3.5. ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРНИ КОМПЛЕКС ВА МУТАНОСИБ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ, УЛАРНИНГ МАВЖУД САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ВА ОПТИМАЛ ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон Республикаси таркибида Коракалпогистон Республикаси, 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва жами вилоятлар таркибида 157 туман ва шаҳарча мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича дунёда 55-уринни, ахолиснинг сони бўйича 39-уринни згаллаб турибди.

Мамлакатимизни 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳијатидан самарали ва оптимал фойдаланиш масаласига алоҳида ётибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги «Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак» мавзусидаги маъруzasила айнан, «... иктиносидёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларини ривожлантириш бўйича кайси энг муҳим кўрсаткичларни жорий йил биринчи чораги ва биринчи ярим йиллигида бажариш учун нима килиш керак?» деган масала таъкидлаб ўтилган.¹

Ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, ҳалқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хам амёд, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳијатидан комплекс ва самарали фойдаланишини тъминлаш.

Ҳаракат дастуридан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasasi. «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

Эътироф этиш жоизки, бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириши, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптималь фойдаланиш хисобидан ҳудудларни баркарор ривожлантиришга эришиш, аҳоли бандлигини устувор таъминлашга эришиш, барча мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мухим аҳамият каасб этмоқда.

Мамлакатимиз таркибиға кирган ҳар бир вилоят, туман маълум обьектив конуниятлар асосида ташкил этилган булиб, географик ва ҳудудий жойлашуви, иктисиётининг таркиби, саноат ва қишлоқ ҳужалигининг ривожланганилик даражаси, ҳудудларнинг демографик ҳолати ва аҳолининг жойлашуви, шунингдек, иклими, сув ва табиий ресурслар салоҳиятига эгалиги билан бир-биридан фарқ килади. Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Хоразм вилоятларида фойдали казилма ва минерал ҳом ашё ресурслари жуда кам. Навоий, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида ҳамда Коракалпогистон Республикаси фойдали казилма ва минерал ҳом ашё ресурсларга бой, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ушбу ресурслар мавжуд ҳудудлар категорига киради.

Мамлакатимиз ёқилғи-энергетик салоҳиятида эса Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятларининг салоҳияти юкори. Юртимиз аҳолиси ҳам вилоятлар бўйича нотекис жойлашган. Масалан, Андижон вилоятида 1 квадрат километрга тўғри келадиган аҳоли сони 665 кишини, Навоий вилоятида эса 8,2 кишини ташкил этади. Вилоятлар ва туманларнинг ер-сув ресурслари, иклим шароитлари ҳам кам бўлса-да, фарқланади. Ер-сув ресурсларининг сифатида ҳам жиддий тафовутлар мавжуд. Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида табиат билан боғлик экологик туризмни ривожлантириш учун жуда кулагай имкониятлар мавжуд.

Юртимизда Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон каби жаҳонга машҳур туристик шаҳарлар мавжуд. Туризм соҳасида деярли барча вилоят ва туманларда имкониятлар етарли, аммо юқорида санаб ўтилган ҳудудлarda мутлак ва нисбий устунликлар кўпроқ саналади. Яна бир жиддий фарқ – ҳудудларда иктисиётининг ривожланганилик даражаси ва инсонлар яшashi учун зарур неъматлар билан таъминлаш имкониятларида ўз аксини топади. Ана шундай

мураккаб ҳолат шароитида барча вилоят ва туманларни барқарор ва жадал ривожлантириш, улар ўртасидаги тафовутларнинг жуда катталашиб кетишига йўл қўймаслик Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг жиддий эътибор берадиган масалалари қаторига киради. Олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар натижасига кўра, худудларнинг ривожланишида, уларнинг иктиносидиётининг таркиби сезиларли фарқлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам айнан вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга каратилган масалалар устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган.

3.5.1 - жадвап

Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлари иктиносидиётининг таркиби ҳолати таҳлили (2016 йил)

Минтақалар номи	ЯИМ (ЯДИ)	Самош мадсупоти	Истоҳон төмөрлари	Кашпоц, ўрмон тўху- лиги ва баличчиник	Курниш нишони
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100
Қарашалпогистон Республикаси	3,27	3,88	2,44	2,86	4,26
Андижон	5,65	7,03	11,78	10,96	5,61
Бухоро	5,48	5,14	5,89	9,20	7,86
Жиззах	2,46	1,74	2,48	4,98	2,12
Қашқадарё	7,47	8,67	5,42	8,13	8,29
Навоий	5,29	9,60	4,52	4,91	4,19
Наманган	4,45	3,06	4,63	7,37	4,30
Самарқанд	7,05	7,07	10,84	11,94	8,53
Сурхондарё	4,60	1,95	1,95	8,58	5,36
Сирдарё	2,10	3,13	3,07	3,83	1,64
Тошкент	10,30	15,15	12,34	12,63	5,36
Фарғона	6,98	7,28	6,91	8,33	6,72
Хоразм	3,56	2,51	3,58	6,26	4,46
Тошкент шаҳри	15,79	20,29	22,79	6,26	17,11

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитеси маълумотлари

2017–2021 йилларда умумий киймати 40 миллиард АҚШ долларын миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармок дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада келгуси 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишлаш тармоги улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади¹.

Юкоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида Тошкент шаҳри (15,79 фоиз), Тошкент вилояти (10,30 фоиз), Қашқадарё вилояти (7,47 фоиз), Самарқанд вилояти (7,05 фоиз), Фарғона вилояти (6,98 фоиз). Андіжон вилояти (5,65 фоиз), Навоий (5,29 фоиз) вилоятлари салмокли ҳиссага эга. Хоразм, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпогистон Республикасининг улуши мос равишда 2–3 фоиз атрофида бўлган. Ушбу ракамлар юкоридаги вилоят ва туманларнинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш тўлиқ эмаслигини, худудларда катта имкониятлар ишга тушмай колаётганини кўрсатади.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кунда вилоят, тўман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптималь фойдаланиш ҳисобидан ҳудудларни барқарор ривожлантиришга, аҳоли бандлигини устувор таъминлашга эришиш, барча мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланишини таъминлаш долзарб масалалардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларидағи мавжуд имкониятларни чукур ўрганиш, иктисодиётини илмий-амалий таҳлил этиш асосида вилоят ва туманларда, чекка қишлокларда ҳам саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини кенг ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Бу жараённинг асосий мақсадларидан бири юртимизнинг барча худудларида истикомат қилаётган инсонлар учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тұғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль

3.5.2 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий кўрсаткичлар (киши, минг сўм) (2016 йил)

Минтақалар номи	ЯИМ (ЯХМ)	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ, урмон хужалиги ва ба- лик маҳсулотлари	Асосий капиталга ин- вестициялар	Хизмат- лар	Чакана савдо
Ўзбекистон Республикаси	6 258,6	3493,7	1520,7	1553,5	2 857,0	2764,2
Қарашлаштсон Республикаси	3 612,7	2394,6	767,2	2067,5	1 616,0	1629,6
Андижон	3 836,5	2662,8	1808,7	641,0	1 727,2	2344,2
Бухоро	5 971,9	3126,9	2435,7	3183,0	2 281,2	3059,0
Жиззах	3 808,2	1504,1	1872,0	972,2	1 573,4	2258,4
Қашқадарё	4 872,3	3155,5	1288,6	2071,6	1 490,2	2030,4
Навоий	11 271,0	11421,4	2545,6	3035,5	2 903,5	3973,5
Наманган	3 374,2	1298,1	1357,8	899,0	1 488,6	1968,7
Самарқанд	3 886,6	2174,0	1598,2	929,4	1 664,3	2080,3
Сурхондарё	3 764,0	890,0	1706,4	776,3	1 580,9	2441,4
Сирдарё	5 258,7	4367,1	2330,5	1369,5	1 485,4	1909,0
Тошкент	7 300,9	5997,1	1171,4	1354,5	3 000,5	3390,2
Фарғона	3 938,7	2292,3	1140,7	663,9	1 669,1	2165,4
Хоразм	4 026,2	1584,2	1722,0	823,8	1 527,5	1885,4
Тошкент шаҳри	13 068,8	9370,4	x	4457,7	11 523,9	7929,1


М в и б а. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўнимини маълумотлари.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдикни, вилоятлар бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий кўрсаткичларда ҳам жиддий фарқлар мавжуд. Жумладан, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш мамлакат бўйича ўртacha 6 258,6 минг сўмни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич Навоий вилоятида 11 271 минг сўмни, Тошкент шаҳрида 13 068,8 минг сўмни ташкил этган. Андижон, Жиззах, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё вилоятларида 4000 сўмдан паст бўлган. Кўрсаткичлардаги фарқлар мавжуд ҳолатни чукур тахлил килиш асосида вилоятларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларнинг сабабларини аниқлаш, имкон даражасида уларни минималлаштирадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини кенгайтиради. Ушбу масалаларни оптималь ечишининг энг муҳим омилларидан бири сифатида шахсий жавобгарликни оширишга ёътибор кучайтирилмоқда.

Мамлакатимизнинг баркарор ривожланишини таъминлаб берадиган худудий иктисодиёт тармоклари муҳим хисобланади. Бу

тармоклар мамлакатимиз аҳолисининг саноат, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овкат ва бошқа турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашда, кайта ишлаш саноати тармокларини эса ҳом ашёга бўлган талабни кондиришда катта аҳамиятга эга. Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз пойтахти хисобланган Тошкент шаҳри бевосита иктисадиётнинг барча соҳаларида ижобий ўсиш тенденциясига эришиб келмоқда.

2017–2020 йилларда Тошкент шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-талабирлари дастури қабул килинган бўлиб, унга кўра, ўтган йиллардаги иктисадий ўсиш ҳолатига таҳлилий ёндашадиган бўлсак, ўтган 2016 йил январь ҳолатига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида 15,6 фоизни ташкил этмоқда.



**3.5.1-расм. 2016 йилда Тошкент шаҳар ҳудудий экспорт
Дастури доирасидаги вазифаларнинг бажарилиши.¹**

2016 йилда Тошкент шаҳар ҳудудий экспорт Дастури доирасидаги вазифаларнинг бажарилиш ҳолати бўйича маълумотларга таҳлилий назар ташлайдиган бўлсак, ҳудудий экспорт ҳажмида саноат маҳсулотлари 297,1 миллион долларни ёки 23 фоизни, мева-сабзавот маҳсулотлари 421,1 миллион долларни ёки 33 фоизни ҳамда хизматлар экспорти эса 575 миллион долларни ташкил этган. Ҳудудий экспорт ҳажмида хизматлар экспортининг улуши юкори бўлмоқда, бу эса ўз-ўзидан аёнки, Тошкент шаҳри асосан барча ҳудудлар учун бевосита экспорт хизматини кўрсатиб келаётгани билан юкори тенденцияга эга бўлмоқда.

¹ *Манбада:* 2016 йилда Тошкент шаҳар ҳудудий экспорт дастури доирасидаги вазифалар.

2016 йилнинг январь ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида 55129 та юридик шахс фаолият юритаётган бўлиб, шу жумладан саноат корхоналари 12313 та, кичик бизнес субъектлари сони 47250 тани, кўшма корхоналар сони 3385 тани ташкил этмоқда. Тошкент шаҳрининг деярли барча туманларида бозор инфратузилма обьектларининг тўлик ташкил этилгани ва коммунал ва хизмат кўрсатувчи тармокларнинг узлуксиз ишлаши, айнан ушбу худудда кичик бизнес субъектлари учун қулай инвестицион ва инновацион мухитнинг шакллангани натижасида ривожланиш даражаси ўсиб бормоқда.

Худуднинг бошка туманлари каби, Яшнобод ва Олмазор туманларида ҳам кичик бизнеснинг инновацион технопаркларини ташкил этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Тошкентнинг Яшнобод ва Олмазор туманларида маҳсус инновацион технопарклар яратиш режалаштирилган. Яшнобод туманидаги технопарк материалишнослик, электрон асбоб ва контроллерлар, озуқа ва биологик фаол кўшимчалар, дори воситалари соҳасида тадқикотлар ўtkазиш ва кичик инновацион ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этиш мақсадида барпо этилиши белгилаб олинди.

Олмазор туманидаги технопарк металларни қайта ишлаш технологияси, энергия тежамкорлиги, мукобил энергия манбалари ва электрон ўлчов асблори, робот-техникиси, машинасозлик ва электроникани ривожлантиришга хизмат килади.

Инновацион тадқикотлар ўtkazish, ички ва ташки бозорда талаб катта, юқори технологияли, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етакчи саноат ва кичик инновацион корхоналар ташкил этиш уларнинг асосий вазифалари сирасига киради. Бундан ташкари, улар замонавий хориж технологияларини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга жорий этиш, ушбу мақсад учун юқори технологик ва инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этишга қодир маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш билан ҳам шугулланади.¹

Технопарклар зиммасига илмий тадқикот ва инновацион лойиҳалар самарадорлигини ошириш учун олий таълим муассасалари, академик фанлар ва ишлаб чиқарувчилар ўргасида ўзаро узвий алоқани йўлга кўйиш, ушбу мақсадда олимлар, юқори малакали мұ-

¹ www.sputnik.uz-сайти маълумотлари асосида. 2017 йил 17 январь.

таксисслар, амалиётчилар ҳамда талабаларни жалб этиш вазифасы ҳам юклатылған. Технопарк қатнашчилари ер солиги, даралад солиги, юридик шахсларнинг мүлк солиги, ижтимоий инфраструктурани ободонлаштириш ва ривожлантириши, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тұлови ҳамда давлат мақсадлы жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод етілади.

3.5.3 - жадвал

2017–2020 йилларда Тошкент шаҳрини комплекс ривожлантириш чоратадбирлари дастурида кўзда тутилган прогноз курсаткичлари бажарилишига эришиш истикболлари

Күрсаткычлар	Үзүүлүш бүрлигиги	Харбобот		База		Прогноз		
		2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ялпы худудын маңзулот (ЯХМ)	млрд сүм	21 812,1	26 648,7	29 233,6	32 127,8	35 372,7	39 016,0	43 034,7
Үзүүлүштеги нисбеттен үсүүш сурьятти:	фоиз	111,8	111,6	109,7	109,9	110,1	110,3	110,5
ЯХМ таркиби:								
Тармоқларда яратылган ялпы күштүктөгөн мөнөт (ЯКМ)	фоиз	86,6	85,5	85,6	85,8	86,0	86,2	86,4
Маңзулот ва экспорт-импорт операцияларидан олинган соғ соликулар	фоиз	13,4	14,5	14,4	14,2	14	13,8	13,6
Тармоқларда яратылган ЯКМ таркиби	фоиз	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Саноат (шу жумладан, курилиш)	фоиз	38,3	36,0	36,1	36,6	37,1	37,6	38,1
Саноат	фоиз	29,9	29,7	30,0	30,6	31,2	31,8	32,4
Курилиш	фоиз	8,4	6,3	6,1	6,0	5,9	5,8	5,7
Хизматтар	фоиз	61,7	64	63,9	63,4	62,9	62,4	61,9
Садар, яашаш ва озиң-өмөттүү бүйүчү хизматтар	фоиз	18,6	16,2	16,3	16,4	16,5	16,6	16,7
Ташиш ва саклаш, изборот ва хизматтар	фоиз	18,1	15,3	15,4	15,5	15,6	15,7	15,8
Көрткөн хизматтар тури	фоиз	25,0	32,5	32,2	31,5	30,8	30,1	29,4

И з о: 2016 йылда Ташкент шаҳар тудубий экспорти достурни доирасидаги аэзифолар бўйича 2016-2020 йиллардаги произмоз курсатмачилари асосида ишлаб чирадланган.

Манба Тощавиит щакко доксандыкты мырьгумоттюк жоссаид.

Инновацион технопарклар хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолияти ривожида аҳамиятли томони шундаки, айнан ушбу соҳа вакиллари томонидан янги фикрлар ташабуси натижасида инновацион ишланмаларни жорий этиш орқали ишлаб чиқаришни модернизация килиш ва ишлаб чиқарилаётгани

маҳсулотларни диверсификация
қилишда устувор аҳамиятга эга.

Республикамиз иқтисодий тармокларида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2014–2015 йиллар оралигида ялпи ҳудудий саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари камайиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич 2014 йилдаги 111,8 %дан, 2015 йилда 111,6 % гача камайди (3.5.3-жадвал). Бу пасайиш динамикаси асосан саноат тармоклари хисобига юзага келган.

Шиддатли рақобат муҳити шароитида жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида рўй берәётган ўзгаришлар айнан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тез фурсатларда янги инновацион технологияларнинг кириб келиши ва ривожланиши, меҳнат бозори, товар ва хизматлар бозоридаги рақобатнинг кучайиши, ҳар бир фолият юритувчи хўжалик субъектидан ишлаб чиқаришни таркибан янгилаш, модернизация килиш, тармокларда диверсификацияни тўғри амалга оширган ҳолда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Дунё амалиётида ўзини оқлаган бошқарув усусларини ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришни такозо этмоқда.

Навоий вилояти саноатлашган ҳудудлардан бири бўлиб, айнан «Навоий вилоятида эркин индустрисал-иктисодий зона ташкил этиш тўғрисида»¹ги Президент Фармонига асосан ҳудуд эркин индустрисал-иктисодий зонага айлантирилди.¹ Ушбу Фармон ижроси юзасидан янги ишлаб чиқариш тармоклари ва замонавий корхоналар бунёд

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган Нурота, Камтақурғон, Кўшработ, Кизириқ, Музработ, Бодаут, Сардоба туманларини комплекс ривожлантириши дастурларини ишлаб чиқкиш.

**Харакатлар стратегияси,
190-банд**

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустрисал-иктисодий зона ташкил этиш тўғрисида»¹ги Фармони. 2008 йил 4 декабрь.

3.5.4 - жадвал

Навоий вилояттида асосий хом ашё ресурсларини қазиб олиш прогнозлари (минг тонна)¹

№	Минерал хом ашё тури	2015 йил Факт	2016 йил баҳо	Прогноз			
				2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1.	Базальт	0,6	0,6	0,7	0,7	0,7	0,8
2.	Бентонитли гил	22,1	23,2	24,3	25,5	26,8	28,1
3.	Гранит	0,3	0,5	0,5	0,6	0,6	0,7
4.	Кварц жоласи	0,0	3,7	3,9	4,1	4,3	4,5
5.	Кварцли қум	87,7	53,7	53,8	53,9	54,0	54,1
6.	Гипс	238,6	222,2	221,6	221,6	221,6	221,6
7.	Диабаз	1 217,7	967,8	934,4	942,7	929,9	904,0
8.	Лессимон жоинслар	10,4	10,9	11,5	12,0	12,6	13,3
9.	Мармар	22,9	25,0	26,5	28,0	29,7	31,5
10.	Мармарашибан оҳактош	0,0	0,1	0,6	0,7	0,7	0,7
11.	Минерал туз	46,3	52,9	55,4	57,9	60,6	63,4
12.	Оҳактош	4 941,1	5 006,4	4 983,4	5 130,4	5 185,5	5 185,1
13.	Сланец	302,1	365,4	354,9	365,0	363,5	354,6
14.	Табиий қум	35,4	37,2	39,0	41,0	43,0	45,2
15.	Туффит	0,0	123,3	203,0	217,5	232,0	246,5
16.	Фосфорит рудаси	1 347,2	1 347,2	3 100,5	3 100,5	3 500,8	6 000,2

Манба: Навоий вилоятини 2017–2020 йилларде комплекс ривоҷлантириши давстурда белгилаб утилаен кўрсатилчар асосида келтирилган.

Этилди ҳамда хорижий инвесторларга солиқ ва бож тўловлари бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган имтиёзлар белгилаб берилди. Хорижий инвесторларнинг ҳудудга кизикиши йиллар ўтган сари ортиб бормокда ва бунинг натижасида ҳудудда йирик логистика марказлари ташкил этилди ҳамда қўшма корхоналар сони ортиб бориши кузатилмоқда. Ҳудуд табиий ва минерал хом ашё ресурсларига бой бўлғанлиги билан бошка ҳудудлардан ажralиб туради (3.5.4-жадвал). Навоий вилояттида асосий хом ашё ресурсларини қазиб олиш прогнозлари бўйича келтирилган статистик маълумотларга тахлилий ёндашадиган бўлсак, 2017–2020 йиллар давомида айнан саноат ва қурилиш соҳалари учун зарур бўлган минерал хом

¹ *Манба: Навоий вилояти ҳокимияти маълумотлари асосида. 25.07.2016 йил.*

ашё ресурсларини казиб олиш ҳажми ортиб бориши жадвалда ўз аксини топган. 2017–2020 йилларда Нурота туманида ҳам «Zafar granite mining» КК томонидан гранит тошни қайта ишлаб, бардюр ва зина ишлаб чиқариш, лойиха киймати 1,2 миллиард сўм лойиҳасининг амалга ошириш режалаштирилмоқда.

«Шу максадда кимё саноатини, рангли ва нодир металлар, углеводород ҳом ашёси, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, курилиш материаллари саноатини ривожлантиришга қаратилган 8 та маҳсус дастур қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Яқин беш йилда умумий киймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳасини амалга оширамиз. Бу чоралар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар кўпайтириш имконини беради. Бундан ташкири, маҳаллий ҳом ашёни чукур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш бўйича дастурни ишлаб чикиш якунига етказилди». Албатта, бу каби дастурларни амалга ошириша эркин иктиносидий зоналарнинг аҳамияти катта.

Шунингдек, 2012 йил 13 декабрдаги «Ангрен маҳсус индустрисал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги, 2013 йил 18 мартағи «Жиззах маҳсус индустрисал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги, 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон «Эркин иктиносидий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 12 январь ПФ-4931-сон ««Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иктиносидий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари худудларда ишлаб чиқарishning янги босқичга ўтишига муҳим пойdevor кўйди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев-нинг сайловолди дастуридан.

Янги кичик саноат зоналарини ташкил этиши ва фаолият юритаётганларининг самарадорлигини ошириш. Кичик саноат зоналарига уларнинг иктинососташуши, худуднинг ресурс салоҳиятини инноватга олган ҳолда, ишлаб чиқаришининг тўлиқ циклини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини жойлаштириши.

Харакатлар стратегиси,
191-банд

2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон «Эркин иктисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони бевосита ҳудудларда хорижий инвесторларга мамлакатимиз иктисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қулат шароитлар яратиш массадида эркин иктисодий зоналар учун ягона ҳуқукий режимни белгилаш, солик ва божхона имтиёzlари, преференцияларни бирхиллаштиришга тўртки бўлди.¹

Шунингдек, ҳудудлардаги маҳаллий минерал-хом аш ё ресурсларини чукур кайта ишлайдиган ва юкори қўшимча қийматга эга ракобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юкори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иктисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини кўллаб-куватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантиришга замин яратади.

Ҳудудларда янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва фолият юритаётганларининг самарадорлигини ошириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми ошишига, аҳолининг бандлиги ортишига эришилади.

Ҳудудларда кичик саноат зоналарига уларнинг ихтисослашувинатижасида ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш яхшиланади, ҳудуднинг ресурс салоҳиятини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқаришининг тўлиқ циклини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини ташкил этиши ва ихтисослашувидан келиб чиқиб жойлаштириш механизмини таомиллаштиришга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида «Чукур тахлилар асосида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусият ва имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган, ҳар бир маҳаллани назарда тутган ҳолда, 2017–2021 йилларда туман ва шаҳарларни комплекс ри-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иктисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон Фармони.

вожлантириш дастурлари кабул килинади. Бу дастурларни амалга ошириш натижасида субвенция оладиган 81 та туман молияйи жиҳатдан ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган ҳудудга айланади, шунингдек, 41 та туман ва шаҳар бўйича субвенция даражаси сезиларни равишда камаяди» – деб таъкидлаган эди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ва «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгилаб берилган талаблардан келиб чиқиб, тармоқлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан Қоракалпогистон Республикаси ва вилоятларда, биринчи навбатда, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда амалга ошириш учун қуйидаги йўналишларда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш долзарб масала сифатида белгиланган. Вилоят ва туманларда енгил саноатда 85 та, чарм-пойабзal соҳасида 31 та, курилиш материаллари ишлаб чиқаришда 16 та, озик-овқат саноатида 78 та, фармацевтика соҳасида 18 та, электротехника саноатида 17 та лойиҳани амалга ошириш бўйича муҳим вазифалар кўйилган.

Хулоса килиб айтганда, кишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш, ҳудудларда аҳолининг ўзгариб бораётгани эктиёжларини тўлиқ кондиришга эришиш, ҳудудий корхоналар фаолиятига замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш, ҳудудий ракобатдош ва ҳалқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ҳудудларда ишлаб чиқариш ихтисослашувни тўғри ташкил этиш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришга, ҳудудлардаги мавжуд минерал-хом ашё ресурслари имкониятларни тўғри баҳолаш ва қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш борасида тежамкор технологияларни жорий қилиш, ҳудудларда

I V б о б.

ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИНИ ИЧИЛ ОШИРИШ

Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордик чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш – буларнинг барчаси иктисодий соҳадаги ислоҳотларимиз мөхияти ва мазмунини белгилаб берадиган мухим омиллардир. Шу борада нафакат энг кам ойлик иш ҳақини, балки бюджет ташкилотларида ҳам, хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўртacha иш ҳақи микдорини, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтириш мақсадга мувофоник.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юкори микдорда изчил ошириш ҳам устувор вазифа килиб қўйилган.

Бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида мунтазам ошириб борилади. Ҳусусан, Президентнинг 2016 йил 22 августдаги ПФ-4822-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар микдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

- иш ҳақи – ойига 149 775 сўм;
- ёшга доир пенсиялар – ойига 292 940 сўм;
- болаликдан ногиронларга бериладиган нафака – ойига 292 940 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга заёкатсиз фукароларга бериладиган нафака – ойига 179 755 сўм юлиб белгиланди.

Иш ҳаки, пенсия, нафака ва стипендияларни тўлаш тизимини тубдиҳ тacomиллаштириш, пенсионерлар, талабалар ва ахолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд катламлари хуқук ва конуний манфаатлари химоясини сўзсиз таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид киладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсикларсиз амалга ошириши учун кулай шароитлар яратиш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февраллаги «Иш ҳаки, пенсия, нафака ва стипендияларни тўлаш механизмини тacomиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2753-сон карори¹ кабул килинди.

Мазкур карорга асосан 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб:

- барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлик ҳажмда накд шаклда берилади;
- 58 та тогли ва олис тумандаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳаки тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлик ҳажмда накд шаклда амалга оширилади;
- олий ўкув юрглари талабаларига стипендияларнинг камида 50 фоизи накд шаклда берилади.

Бундан ташкири, ҳудудларда шаклланган иш ҳакини накд шаклда ҳамда пластик карталарга ўтказиш ўюли билан тўлашда одамлар ўз иш ҳакидан фойдаланишда муаммоларга дуч келмаслиги ва ўзларига керакли товар ва хизматларни эркин харид килишлари учун мавжуд тўлов терминаллари инфратузилмаси хисобга олинади.

Мамлакатимизда ахоли бандлигини таъминлаш ижтимоий-иктисодий тараккиётнинг устувор йўналишларидан бири, ҳалк турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳаки, пенсия, нафака ва стипендияларни тўлаш механизмини тacomиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2753-сон карори // Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари туплами, 2017 й., 6-сон, 73-модда.

Аҳалини иш билан таъминлаш биз учун нафақат иқтисодий, айни пайтда катта ижтимоий аҳамиятга жадир. Ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, иш берувчи ташкилотлар билан бир қаторда банк муассасаларини ҳам бу ишга янада фаол жалб этиши керак. Аҳали бандлигини ҳал этишда туризмни ривожлантириши бўйича катта имкониятларни ҳам ишга салишимиз лозим.

Шавкат Мирзиёев

Бинобарин, юртимизда ҳар иили миллий иқтисодиётни баркарор ривожлантириш, худудлар бўйича меҳнат ресурсларидан янада тўлик ва оқилона фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган тегишли дастурлар кабул килингти.

Миллый меҳнат бозорининг эътиборга молик ўзига хос хусусиятлари куйидагилар ҳисобланади: аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этиши (ҳар иили ярим миллиондан ортиқ битирувчилар ишга жойлашиш бўйича кўмакка мухтоҷ); 700 мингдан ортиқ ишсизларнинг, шунингдек, ишчи кучининг талаб ва таклифи бўйича номутаносибликтининг мавжудлиги; айрим туманларда ишсизлик ва норасмий секторда иш билан бандликнинг юкори даражаси кузатилади.

Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган иили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усувлар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчилик билан боғлиқ.¹

Бундай ҳолат бандликка кўмаклашишнинг фаол сиёsat чораларини амалга ошириш, яъни иш ўринларини яратиш, аввало ёшларни ва ижтимоий ҳимояга мухтоҷ аҳоли тоифаларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш чорасини кўришга заруриятини келтириб чиқаради.

Меҳнат вазирлиги маълумотларига кўра, 2016 йилда Бандликка кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожаат қилганларнинг 93,2 фонзи ишга жойлаштирилган (4.1.1-жадвал).

¹ Шавкат Мирзиёев. Танқидий тахлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик кондаси бўлиши керак // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 16 январь, №11 (6705).

4.1.1 - жадвал

Республика бўйича меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги тўғрисиде маълумот (2016 йил)

№	Худудлар номи	Бандликка кўмаклашиш марказларига иш сўраб мурожат юрганлар	Шундан ишга жойлаштирилган	Фоиз	Ҳақ тўланадиган хамоат ишларида яратишган	Касбга тайёрлашга юборилган	Квота ўринларига ишга жойлаштирилган
	Ўзбекистон Республикаси	133893	124558	93,2	4918	3462	36825
1.	Қорагандижистон Республикаси Вилоятлар	10142	9840	97,0	642	182	1286
2.	Андижон	12482	11921	95,5	309	244	1898
3.	Бухоро	9848	9412	95,6	95	89	2994
4.	Жиззах	5624	5044	89,7	200	111	506
5.	Қашқадарё	9107	8205	90,1	283	141	1170
6.	Навоий	5519	4738	85,8	102	77	1937
7.	Наманган	13304	12499	93,9	1244	250	2493
8.	Самарқанд	17580	17044	97,0	521	306	3614
9.	Сурхондарё	5507	4948	89,8	133	144	1501
10.	Сирдарё	3023	2562	84,8	75	67	792
11.	Тошкент	9832	9225	93,8	260	205	4895
12.	Фергона	19777	18931	95,7	551	565	6011
13.	Хоразм	7771	7090	91,2	499	245	1175
14.	Тошкент ш.	4177	3099	4,2	4	836	6553

Менба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат авазирлари маълумотлари // www.mehnat.uz

Ўзбекистонда фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташабbusларини кўллаб-куvvатлаш ва рагбатлантириш, иш билан таъминланиши соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш борасида изчил давлат сиёсати амалга ошириб келинмоқда. Юкоридаги вазифаларни ҳаётга самарали жорий қилиш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилади. Унга кўра, 2017 йилда республика бўйича 789,5 мингта иш ўрини яратиш кўзда тутилган (4.1.1-расм).

4.1.1-расмдан кўриниб турибдикি, 2010–2016 йиллар давомида республика бўйича ташкил этилган иш ўринлари сони 3,9 фоизга ортган. 2017 йил давомида эса дастурга мувофик саноатни


кичик саноат зоналарини ташкил этиш механизмини янада та-
комиллаштириш ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини амалга
оширувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини шакллантириш
худудларда кичик саноат зоналари худудида янги инвестицияйи
лоийхаларни амалга оширишда тижорат банкларининг иштироки-
ни кенгайтириш, худудларнинг туристик имкониятларини қайта
қуриб чиқиш ва хорижий тажрибаларга таянган ҳолда, янги ҳамда
замонавий ёшларбоп туристик зоналарни бунёд этиш, ички ту-
ризмни ривожлантириш борасида давлат дастурларини кенг жорий
килиш, худудларда кишлок ҳўжалигини устувор ривожлантириш
асосида саноатни қайта ишлаш тармокларини ривожлантириш-
га ва аҳолини сифатли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан
таъминлашни яхшилашга, худудлардаги меҳнат салоҳиятидан
комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлашга эришишга
хизмат киласди.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. *Худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини жадал-
лаштириш механизми нимадан иборат?*
2. *Худуднинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириши учун
табиий, минерал-ҳам ашё ресурсларидан фойдаланишида қайси
амилларга эътибор қаратилади?*
3. *Худудлар иктисодиётини модернизация ва диверсификация
қилиш кўлачини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нис-
батан паст бўлган туман ва шаҳарларни ривожлантиришидан
кузланган мақсад нима?*
4. *Худудларни саноат ва экспорт салоҳиятини ошириши йўли
билин жадал ривожлантириш ҳисобидан минтақалар иж-
тимоий-иктисодий ривожланиш даражасидаги фарқтарни
камайтириш деганда нимани тушунасиз, изоҳлаб беринг.*
5. *Худудларда янги саноат корхоналари ва сервис марказларини
ташкил этиш ҳисобидан нима яратилади, изоҳлаб беринг.*
6. *Худудларда кичик саноат зоналарини ташкил қилиши қайси
меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади?*
7. *Худудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиши ҳисобидан
кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш
масаласини изоҳлаб беринг.*

8. 2016 йилда иқтисодиёттің асосий тармоқ ва соғаларидағи үсін суръатлары қандай даражада бұлды?
9. 2016 йилда мамлакаттың қандай дастурлар қабул қилинди? Уларнинг мазмунини қисқача изохлаб беринг.
10. Мамлакаттың қайси тармоқтарни тараққиёттимизнинг ҳозирғи босқичида тұғридан-тұғри давлат бошқарувыда сақтаб қолиши мақсадға мувофиқ деб топылды?
11. 2016 йилда табдиркөрлик субъекттерини ташкил қилишини соддалаштириши ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириши бүйічә қандай чора-табдирлар амалга оширилди?
12. Худудларда саноат тармоқтарының мамлакат иқтисодиёттің үрни ва ажамияты нимәларда намоён бұлади?
13. 2015–2019 йилларда мұжандислик-коммуникация ва үйлек-транспорт инфраструктуруның ривожлантириши ва модернизация қилиши дастурининг мақсади нима?
14. Худудий корхоналар маңсулотининг жағон бозоридаги рақобатдоштығы қандай амалдар таъсир күрсатади?
15. Худудий корхоналар экспортта маңсулот чиқарадыған корхоналарни құллаб-құвватлаш борасыда қандай чора-табдирлар ишилаб чиқылмоқда?



4.1.1-расм. Ўзбекистон Республикасида яратилган иш ўринлари сонининг узгариши, бирлик.¹

(5440 та лойиҳа 131 мингта иш ўрни билан), кишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолияти кучайтирилади. 25 мингга яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 256,4 мингдан ортик иш ўринлари ташкил этилишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги «Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик мухитининг ҳолати ва ижтимоий-иктисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ғи 117-сон қарорига иловада ишсизлик даражасини баҳолаш мезони келтирилган. Унга кўра, республикада ишсизлик даражаси (5,2 фоиз) мұттадил ҳисобланади. Аммо республикада ишсизлик даражаси бирмунча юкори бўлган, тоғли, чегара олди ҳудудларида жойлашган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган 34 та туман мавжуд. Мазкур туманларда иш ўрни ташкил этишга ахоли бандлигини таъминлаш дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган ва 2017 йилда айнан шу туманларда 46,8 мингта иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган (4.1.2-расм).

Янги иш ўринларини ташкил этишда эркин иктисодий зоналарнинг ҳам ўрни катта. Хусусан, мамлакатимизда «Навоий»

¹ Узбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Саноатда	14 мингта
Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида	8,7 мингта
Қурилишда	12,5 мингта
Қишлоқ хўжалигида	11,5 мингта

4.1.2-расм. Ишсизлик даражаси юқори ва меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган 34 та туманда яратиладиган иш ўринлари таркиби (2017 йил).¹

«Ангрен» ва «Жиззах» эркин иктиносидий зоналари ташкил этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги 4931-сон фармони билан «Ургут», «Ғиждувон», «Қўкон» ва «Ҳазорасп» эркин иктиносидий зоналари ташкил этилди.² Бу иктиносидий зоналарда мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур кайта ишлаш, саклаш ва қадоклаш, тўки-мачилик, гилам тўкиш, пойабзал ва чарм-галантеря, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқариш кувватларини ташкил этиш янги иш ўринларининг яратилишига замин яратади.

Айтиш жоизки, 2017 йилда касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг 508,8 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган.

Яқин келажакда касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш соҳасидаги асосий вазифалар қўйидагилардан иборат:

- битирувчиларни бириттириш ишларини пухта ташкил этиш;
- битирувчилар бандлигини таъминлашда янги самарали шакллар ва услубларни давом эттириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўкон» ва «Ҳазорасп» эркин иктиносидий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги 4931-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон, 40-модда.

Бугуннинг ўтида ҳар бир битириувчани аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур.

Шавкат Мирзиёев

– битириувчилар бандлигини таъминлашда белгиланган имтиёзлардан кенгрок фойдаланиш;

– битириувчиларга ўз бизнесини ташкил этишлари учун микрокредитлар ажратиш амалиётини давом эттириш.

Мехнат ва Иктисадиёт вазириклари томонидан ишлаб чиқилган методика асосида меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган туман ва шаҳарлар рўйхати аникланади, унга мувоғик аҳоли бандлиги дастурларининг манзилли рўйхатлари, кичик саноат зоналари, хизматлар соҳасини ривожлантириш, чорвачилик, паррандачилик ва иссикхона хўжаликларини барпо этиш, касб-хунар коллежлари ва олий ўкув юртлари битириувчилари учун «старт-ап» лойиҳаларини амалга оширишга микрокредитлар ва лизинг асосида ишлаб чиқариш воситаларини ажратиш ишлари амалга оширилади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида меҳнат бозори талабларига асосан, профессионал кадрларни қайта тайёрлаш юзасидан қиска муддатли тренинг ва ўкув курсларини ўtkазиш бўйича нодавлат таълим муассасалари фаолиятини рагбатлантириш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш, давлат аккредитациясига эга бўлган нодавлат таълим муассасалари учун давлат намунасидаги хужжатларни бериш бўйича мавжуд чекловларни бартараф этиш назарда тутилган.

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими муассасаларида керакли талабдан ортиқ ҳажмда тайёрланаётган гуманитар таълим йўналишларини қисқартиришни ва мос равишда аграр сектор, курилиш ва ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси мутахассислари тайёрлашни кенгайтиришни кўзда тутувчи ўрта маҳсус ва касб-хунар таълим мутахассислик йўналишларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган. Жорий ва истиқболдаги кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқкан ҳолда мутахассисларни тайёрлаш, аграр сектор, курилиш ва ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалигини малакали

мутахассислар билан ҳамда битирувчиларни кафолатланган иш билан таъминлаш имконини беради.

Худудларда ахоли бандлигини таъминлаш ҳамда күшимча даромал манбанин яратиш максадида тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш күйидаги соҳаларда назарда тутилган:

- фукароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштириш;
- қорамол, қўй, эчки, қуён бокиш ва гўшт етиштириш;
- паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш;
- ихчам иссикхоналар ташкил этиш;
- уруғ ва кўчатлар етиштириш.

Бунинг натижасида ахоли томорқасидан фойдаланиш самародорлиги ошади, ишлаб чиқариладиган сифатли кишлок хўжалиги маҳсулотлари ҳажми кўпаяди.

Ҳаракатлар стратегиясида олис ва тоғли худудларда туризм ва экотуризмни ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштириш, йигиш ва қадоклаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиши кўзда тутилган. Бунда, тоғ олди худудларида кишлокларда 10–15 та хонадонларда сайёхларга хизмат кўрсатиш уйлари ташкил этилиб, яъни уйнинг битта ёки иккита хонаси деворлари сўзана, адрес билан безатилиб, кўрпача тўшлиби, хонтахта қўйилиб, ҳожатхона ва ошхонанинг санитар ҳолатлари тартибга келтирилиб, чет эллик сайёхларга табиий манзараларни кўрсатиш билан бирга нон ёпиш, миллий таомларни тайёрлаш, миллий урф-одатлар билан таништириш каби хизматлар кўрсатилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Мажкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида аёлларнинг жамнётдаги мавкеи ва улар бандлиги масалаларига тўхталиб, қўйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: «*Учинчи вазифа – аёлларни уларга муносаб меҳнат билан бандлигини таъминлаш масаласидир. Аёллар учун доимий иш жойлари яратиш борасидаги муҳим масала билан бир қаторда, оиласвий бизнес, касаначилик,*

хунарманочилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳам оқсамоқда».¹

Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ва коллеж битирувчилигининг байдилигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб килиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-куватлаш мақсадида:

– «Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли» танловининг маҳаллаларро ва туман (шахар) босқичларини ўтказиш;

– «Тадбиркор кизнинг энг яхши лойиҳаси – 2017» республика танловини ўтказиш;

– Қўргонтепа, Олот, Пахтакор, Деккоиобод, Косон, Нурота, Узун ва Қўшқўпир туманларида аёлларни касбга ўқитиш ва кайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш;

– педагогик маълумотга эга бўлган, бирок бола парваришлиш муносабати билан вактинча ишламаётган аёлларга оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатида касаначилик фаолияти ташкил этиш.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши хотин-қизларда ва касб-хунар коллежларининг битирувчи қизларида тадбиркорлик кўнкимларини шакллантиради, уларнинг ҳукукий ва иқтисодий билимларини оширади.

2017 йил республикада аҳоли бандлиги масалаларига оид куйидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари ишлаб чикилиши режалаштирилган:

1. «Мехнат миграцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чикиш режалаштирилган. Айтиш жоизки, мазкур қонун меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фукароларни чет элларда ишга жойлаштиришнинг механизм ва шакллари, меҳнат мигрантлари билан ишлаш соҳасидаги дипломатик ваколатхоналарнинг асосий фаолият йўналишлари, чет элда Ўзбекистон фукароларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимояси масалаларини қамраб олади.

¹ Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик коидаси булиши керак // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 16 январь, №11 (6705)

Ўзбекистонда ташки меҳнат миграцияси масалалари Биринчи Президентимиз таъминидан белгилаб берилган 5 тамойил (иш жойи ва меҳнат шароити, иш вакти, туаржой билан таъминлаш, малакали тиббий хизмат, мигрантнинг хавфсизлиги таъминланғанлиги) асосида амалга оширилмоқда.

Меҳнат вазиригининг Ташки меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлиги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида куйдагиларни амалга ошириш режалаштирилган:

– худудларда фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги бюро, шунингдек ишга жойлаштирилаётган фуқароларга ўзини тутиш этикаси, бораётган мамлакатнинг маданияти ва тили, конунчилиги асосларига ўргатишни юклаган ҳолда, Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўнигириш ва ўқитиш марказининг ҳудудий тузилмаларини ташкил этиш;

– фуқароларга чет элда ишга жойлашиш учун рухсатномаларни бекор килиш ва хорижий мамлакатларга чикувчи фуқароларни ҳисобга олишининг хабардор килиш тартибини жорий килиш;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга (АҚШ, Канада, Япония, Европа Иттифоки ва Форс кўрфази мамлакатларига) ишга юбориш ҳажми ва йўналишини кенгайтириш мақсадида хорижий мамлакатларнинг ваколатли органлари билан музокаралар ўтказиш.

2. «Ахоли бандлигига қўмаклашиш нодавлат ташкилотлари (рекрутинг агентликлари) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойихасини ишлаб чикиш. Лойиха меҳнат бозори инфратузилмасини ошириш, ахоли бандлигини таъминлаш имкониятларини, ахоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишга хизмат килади.

3. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойихаси ишлаб чикилади. Қонун куйдагиларни назарда тутади:

– хусусий секторда иш берувчи ва ходим ўртасидағи меҳнат шартномаси тузиш жараёнини соддалаштириш, муддатли меҳнат шартномаси тузиш асосларини кенгайтириш;

– ишга олишининг янги шаклларини (бир марталик, соатбай), шунингдек, соатбай иш ҳаки тўлаш тартибини жорий этиш;

— ходимлар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиргани, меҳнатни муҳофаза қилиш коидалари, ходимни ижтимоий сұғурта қилиш бүйіча талабларни бузгани учун иш беруvinинг жағобгарлыгини күчайтириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Меҳнат стажини ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасыга сұғурта тұловлари даврийлігінің рўйхатта олиш тизимиши янада тәкомиллаштириш тұғрисида»ғи қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади ва киритилади. Мазкур қарор меҳнат стажини электрон тарзда рўйхатта олиш ҳамда давлат ижтимоий сұғурта тұловларини амалға оширувчи жисмоний шахсларнинг ягона реестрини юритишнинг имконини яратади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йұналиши бүйіча Ҳаракатлар стратегиясыда Бандлікка күмаклашиш жамғармаси маблаглары ҳисобидан нисбатан суст ривожланған тұманларнинг ишсиз ёшларини Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги (Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблаглары ҳисобидан ташкил этилган) касб-хунарга үқитиши марказларыда меҳнат бозорида талаб юкори бұлған касбларга кайта үқитиши орқали уларнинг бандліги таъминланиши назарда тутилған.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги «Тошкент шаҳридеги касб-хунарга үқитиши маркази фаолиятини таъминланға дөир құшимча чора-тадбирлар тұғрисида»ғи 270-сон қарорига асосан ташкил этилған Тошкент шаҳридеги Касб-хунарга үқитиши марказида бугунғи кунға қадар

2 минг нафардан ортиқ банд бұлмаган фукаролар күйидаги йұналишларда касб-хунарга кайта үқитилған ва тұлық ишга жойлаштирилған:

— «Машиннасозлик ишлаб чиқариш технологиялари» (токарлар, фрезерчилар, пайвандчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари);



- «Электроника ва электротехника» (электрон курилмалар, маший электрон техника, радио ва телевизорларни таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатиш мутахассислари);
- «Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш» (авточилангарлар, моторчилар, автотранспорт воситаларини диагностика килиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш);
- «Ахборот технологиялари ва тизимлари» (компьютерларни дастурлаш, компьютер ва бошқа ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш).

2016 йил сентябрдан Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги ва Жанубий Корея Халқаро Ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ҳамкорлигига «Ўзбекистонда касб тъълими имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ўз фаолиятини бошлаган касб-хунарга ўқитиш марказида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 4 та йўналиш бўйича 240 нафар банд бўлмаганлар касбга қайта ўқитилмоқда.

Шаҳрисабз шаҳрида ташкил этиладиган ўкув марказининг лойиҳалаштириш ишлари якунланиб, курилиш ишлари бошланди ва бу марказ 2018 йилда ишга туширилади. Урганч ва Қўқон шаҳарларида худди шундай ўкув марказларини 2019 йилда ташкил этиш бўйича Корея Халқаро Ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан келишилди, Бухоро ва Термиз шаҳарларида эса 2020 йилда шундай марказ ташкил этиш режалаштирилган (4.1.3-расм).

Буш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил килиш ҳам меҳнат бозоридаги таъсирчан сиёсатнинг муҳим услуби саналади. Бундан максад – иш изловчиларни таклиф этилаётган буш жойлар билан та-

2018 йилда	• ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДА
2019 йилда	• УРГАНЧ ВА ҚЎҚОН ШАҲАРЛАРИДА
2020 йилда	• БУХОРО ВА ТЕРМИЗ ШАҲАРЛАРИДА

4.1.3-расм. Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблаглари ҳисобидан ташкил этиладиган ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш марказлари.

ништириш, шунингдек, уларга мөхнат бозори, мавжуд бўш иш ўринлари ва янги касбга ўқитиш тўгрисида тўлик маълумот беришдан иборат. Шунинг учун хам 2017 йилда барча шаҳар ва туманлардаги корхона ва ташкилотлар иштирокида банд бўлмаган аҳоли, коллеж ва олий таълим муассасалари битирувчилари ва мигрантлар учун 1000 дан ортик ярмаркалар ташкил этиш режалаштирилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистонда 2017–2021 йилларда аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш ўнналишларини санаб беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаши механизмини таомиллаштиришига доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги ПК-2753-сон қарорининг мазмун-моҳиятини айтиб беринг.
3. 2017 йилда мамлакатимиз бўйича нечта иш ўринлари ташкил этиши кўзда тутилган?
4. Ўзбекистонда ишсизлик даражаси юқори ва мөхнат бозорида вазият мураккаб бўлган нечта туман мавжуд?
5. Эркин иқтисодий зоналарнинг янги иш ўринларини ташкил этишдаги аҳамиятини тушунтириб беринг.
6. Касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш соҳасидаги асосий вазифаларни айтиб беринг.
7. Кайси соҳаларда тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратилиш ҳажмини янада ошириш назарда тутилган?
8. Хотин-қизиларнинг ва коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қандай тадбирлар амалга ошириш режалаштирилган?
9. 2017 йил мамлакатимизда аҳоли бандлиги масалаларига оид қандай қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши режалаштирилган?
10. Мамлакатимизнинг қайси шаҳарларида ишсизларни касб-хунарга ўқитиш марказлари барпо этилади?

4.2. АХОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Чорак асрлик мустакил тараккиётимиз даврида мамлакатимизда инсон ҳәётини яхшилаш, унинг қулай турмуш шароитларини яратиш максадида улкан ишлар амалга оширилди. Демократик фукаролик жамиятини барпо этиш, бунда ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг соғлигини кафолатлаш йўналишида жаҳон ва миллий тажрибага асосланган ҳолда яхлит тизим яратилди.

Айни вактда замон талаби, мамлакатимиз босиб ўтган тараккиёт йўлининг чукур таҳлили, ахолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш учун мутлако янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чикиш ва амалга оширишни тақозо этмокда.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация килиш ҳамда ҳәётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш максадида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида **Ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди**.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон собик Иттифоқдан мерос бўлиб қолган тизимлашмаган, умумий шаклга эга бўлган ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан яхшилаб, тизимли, манзилли характерга эга бўлган ва кўлами бўйича ахолининг барча қатламларини ҳар томонлама ҳимоялашни ташкил этишга каратилган такомиллашган тизимни жорий этди ва бугунги кунга келиб ахолига ижтимоий кафолатларни таъминламоқда.

Бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга тақкослаганда, ахолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳаки, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли дараҷада ошли. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар

билин ошириш ва ахолининг уларга бўлган талабини кондириш таъминланмоқда.¹

Тараккиётимизнинг бугунги босқичида ижтимоий соҳанинг ахолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, ахолининг эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий химоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-кувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат курсатишни яхшилаш, ахолига ижтимоий хизматлар курсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш масалаларига ётибор каратилмоқда.

Ўзбекистонда 2010–2015 йиллар мобайнида кексалар ва пенсионерлар учун мўлжалланган 12 та Саховат ва Муруват интернат уйлари моддий-техника базалари, 14,6 минг ёлғиз кексалар, пенсионер, ногиронларнинг туаржой шароитлари яхшиланди, 5,4 минг одам реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди, 6,4 минг ногирон ва пенсионер санаторияларда согликларини тиклашди. Курсатилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг умумий ҳажми 132,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Жамиятнинг демократлашуви жараёнида ахолининг эҳтиёжманд катламларининг ижтимоий химоясини янада яхшилаш учун «Нуроний» жамгармаси давлат томонидан қўллаб-кувватланиши, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни муҳофаза қилиш тизими ни янада такомиллаштириш, унинг манзиллиларини таъминлаш, кекса ёшдагилар, имконияти чекланган одамлар ва ёлғиз кексаларга курсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифатини кўтаришни, шунингдек жойларда туман ва шаҳарлар ахолисининг замонавий диагностика ва даволаниш услубларидан фойдаланиш имконларини таъминлайдиган тубдан янги ёндашувлар ишлаб чиқиши зарурлигини курсатди.

Кексаларни қўллаб-кувватлаш давлат тизимини янада такомиллаштириш максадида қариялар ва фахрийларни ижтимоий химоялаш, уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётida тұлаконли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар

¹ Узбекистон Республикаси Бosh вазири Шавкат Мирмонович Мирзиёев-нинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2016 йил 9 сентябрь.

яратиш, тинчлик ва осойишталикини таъминлаш соҳасида катта ав-
лод вакилларининг ролини ошириш максадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 28 декабрь куни «Ўзбекистон фаҳрийларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ги Фармон ҳамда «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»²ги Қарорнинг қабул килиниши бу борала ислоҳотларнинг янги боскичга кўтарилиши бўлди. Мазкур фармон ва карорда оқсоколлар, кексалар ва фаҳрийларни ижтимоий фаолиятга жалб этиш, жойларда кексалар турмуш сифатини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-кувватлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ёлгиз ва муҳтоҷ кексаларга ижтимоий ва моддий кўмак кўрсатиш, «Нуроний» жамғармаси марказий аппаратини, унинг вилоят ва туманлардаги булинмаларини моддий қўллаб-кувватлаш, «Нуронийлар маскани» комплексларини яратиш, касалликларни ўз вактида аниклаш ва даволаш учун 2,8 миллион кекса ёшдаги фуқароларнинг барчаси ихтисослаштирилган тиббий бригадалар томонидан чукурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш, бириктирилган патронаж ҳамширалари томонидан саломатликлари устидан доимий назорат орқали кекса ёшдаги фуқаролар орасида касалликлар профилактикаси чораларини кенгайтириш, 15,5 минг ёлғиз кексаларнинг турмуш сифати ва дараҷасини уларга шахсий ижтимоий ходимларни бириктириш орқали ошириш, кекса ёшдаги шахсларни тўловсиз асосда даволаш ва согломлаштириш кўзда тутилган. Шу муносабат билан республика

¹ Узбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фаҳрийларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4906-сон Фармони.

² Узбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК-2705-сон карори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 10-модда.

иҳтисослаштирилган тиббиёт марказларига 20 минг ва вилоятлардаги тиббиёт муассасаларига 215 мингдан зиёд, жами 178,9 миллиард сўм микдоридаги ордерлар ажратиш кўзда тутилган. Жойлардаги барча тиббиёт бирлашмалари ва муассасаларини, шунингдек, барча вилоятлардаги онкология диспансерларини умумий микдори 108,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тегишли замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, кексалар ва ногиронларнинг 23 та «Саховат» ва «Мурувват» уй-интернатлари моддий-техник базасини умумий микдори 207 миллиард сўм ҳажмда мустаҳкамлаш мазкур фармон ва карор ижросида ўз аксини топди.

Ушбу ишларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган дастурни молиялаштиришга 688,2 миллиард сўм йўналтирилади, шунингдек, халкаро молиявий тузилмаларнинг 108,7 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредит ва грант маблагларини жалб этиш кўзда тутилган¹.

Бундан ташкири, 2016 йил 26 декабрда «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги конун қабул килинди.

Мазкур конун мөҳияти аҳолининг ҳожатманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек, ушбу соҳада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, ижтимоий ҳимоя соҳаси тизимидағи асосий тушунчаларни белгилашга қаратилган бўлиб, унда ижтимоий хизматларни аник ва манзилли амалга ошириш, эҳтиёжманд шахсларга ёрдам кўрсатиш, уларга бошқа фуқаролар билан бир қаторда жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятларини яратиш ва уларнинг одатий ҳаётий эҳтиёжларини мустакил равишда таъминлаш бўйича комплекс ҳуқуқий, иктисолий, психологик, таълимий, тиббий, реабилитацион ва бошқа чораларни амалга ошириш назарда тутилган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ эҳтиёжманд қатламлари ҳимоясини кафолатлаш бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган

¹ Кексалар ва ногиронларни кўллаб-куvvatlash кучайтирилади. – <https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/29/keksalar>.

устувор вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Хусусан, бу масала 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида тўла ўз аксини топди.

Дастурда кекса ёшдаги аҳоли ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш максадида 2017 йил давомида «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида кекса ёшдаги фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг камровли иштирок этиши учун зарур шартшароитлар яратиш, жамият, оиласлар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шунингдек, ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини хурмат килиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини оширишга эришиш назарда тутилди. Мазкур тадбирлар учун ижрочилар маблаглари ҳисобидан 200 миллион сўм маблаг ўйналтирилиши режалаштирилмоқда¹.

Мазкур йўналишда кекса авлодни кўллаб-куватлаш ва манзилли ижтимоий ҳимоясини кенгайтириш борасида иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг масъулиятини ошириш назарда тутилмоқда. Хусусан, бунда жамоа шартномалари ва келишувлари оркали кекса авлод вакилларини маънавий ва моддий кўллаб-куватлаш максадида 15 минг нафар пенсия ёшидаги шахсга пенсияга чиқишидан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни кимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш, 14 минг нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан кимматбаҳо совғалар топшириш, 55 минг нафар ишламайдиган пенсионерга (корхоналарнинг собик ходимларига) моддий ёрдам бериш кўзда тутилган. Мазкур ишларни амалга ошириш учун иш берувчилар маблаглари ҳисобидан 7 миллиард, Касаба уюшмалари маблаглари ҳисобидан 1 миллиард сўм маблаг ўйналтирилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони, 214-банд.

Кекса ёшдаги ахоли саломатлигини тиклаш ва уларга сифатли тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни янада самарали ташкил этиш мақсадида 2017 йилда мамлакатимиз ҳудудларидағи ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чоралар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда давлат бюджети маблаглари хисобидан жами 49 миллиард 312 миллион сўм маблаг йўналтирилади.¹

Жорий йилда Ҳаракатлар дастурода ҳакиқатан ҳам эҳтиёжманд ва давлат кўмагига муҳтоҷ бўлган кам таъминланган оиласаларни аниклаш, уларга нафака ва моддий ёрдам тайинлаш, вактинчалик яшаш жойи бўйича нафака, моддий ёрдам тайинлаш тартибини белгилашда қулайликлар назарда тутган ҳолда, кам таъминланган оиласаларга ижтимоий нафақалар ҳамда моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон карори билан тасдикланган низомга ўзгартиш ва кўшимчалар киритишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг карори лойиҳасини ишлаб чикиш кўзда тутилмоқда.² Бу ўз ўрнида ижтимоий ҳимояни манзилли равишда ташкил этиш учун ҳуқукий база яратилишига хизмат килади.

Бундан ташкири, бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, ахолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини, маҳаллаларда, айникса, чекка қишлокларда яшаётган ёлгиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган фуқароларни моддий ва ижтимоий кўллаб-кувватлаш, болалар ва маҳсус муассасаларни витаминалаштирилган озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича маҳсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилди³. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун «Соғлом авлод учун» фонди, «Амери Керз» халқаро ташкилоти, «Resource and Policy Exchange» ташкилоти, «TOM's SHOES» ташкилотлари (келишув асосида) хайрия маблаглари хисобидан 632 миллион доллар маблаг йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

¹ Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон Фармони, 216-банд.

² Уша манба, 217-банд.

³ Уша манба, 218-банд.

Аҳолининг ҳимояга мухтоҷ қатламларини ижтимоий ҳимоя килиш, уларнинг соғлигини тиклаш, сифатли тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш борасида бир катор салмоқли ишлар амалга оширилиши режалаштирилди. Айниқса, манзилли, ҳудудларда, чекка жойларда бу борада йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши эътиборга лойикдир.

2017 йил давомида 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фаҳрийлари, нафакаҳўрлар, ногиронлар, ёлғиз кариялар ва аҳолининг бошка ночор қатламларидан камида 35 минг нафарининг санаторий муассасаларида бепул даволанишини ташкил этиш учун давлат бюджети маблаглари ҳисобидан 18 миллиард сўм маблаг йўналтирилмоқда.

Биргина 2017 йилда ногирон шахсларни протез-ортопедия воситалари, реабилитация техника ва ёрдамчи воситалар билан бепул таъминлаш йўли билан қўллаб-куватлаш, уларни жамиятга кайтариш максадида реабилитация тадбирларининг самарадорлиги ни ошириш максадида бепул асосда камида 10 минг нафар ногирон ва ёлғиз карияни протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш режалаштирилган. Бу йўналишда ишларни амалга ошириш учун бюджет ва ижрочи маблаглар ҳисобидан 2,5 миллиард сўм маблаг йўналтирилмоқда.

Мустакилликимизнинг илк йилларидан бошлаб, давлатимиз томонидан инсон саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом инсонлар сафини кенгайтириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза килиш, соғлом турмуш тарзини кенг омма ўртасида шакллантириш, оиласа тиббий маданиятни ошириш, ҳар бир шахснинг саломатлиги ўз қўлида эканини аҳоли ўртасида кенг тарғиб килиш, соғлом жамиятни ташкил этишга катта эътибор каратилган. Бу борада 1996 йил 29 августда қабул килинган «Ўзбекистон Республикасида фукароларнинг соғлигини саклаш тўғрисида»ги Қонун, 1998 йил 10 ноябрда қабул килинган «Ўзбекистон Республикаси соғликни саклаш тизимини ислоҳ килиш Давлат дастури тўғрисида»ги 2107-сон Президент Фармони, 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғликни саклаш тизимини ислоҳ килишни янада чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1652-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг Карори ҳамда 2015–2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси

аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини таъминлаш тұғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг Карори ахоли үртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда мухим аҳамиятта эга бўлди.

Фукароларнинг дам олиш, соглигини қайта тиклаш, спорт билан шугулланиш имкониятларини ошириш учун инфратузилмани яхшилаш ва жиҳозлаш учун 2017–2018 йиллар давомида жами 49,5 миллиард сўм маблаг йўналтирилиб, мамлакатимиз бўйича санаторийлар, ёшлар марказлари, сузиш ҳавзаси, үйнгоҳлар, стадион, маданият ва спорт мажмуаси барпо этилишига йўналтирилмоқда.

Болалар согломлаштириш оромгоҳларини ўрнатилган тартибда куриш, реконструкция килиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Касаба уюшмалари маблаглари хисобидан 18 миллиард 540,7 миллион сўм маблаг йўналтирилиб, Сурхондарё вилоятида 200 ўринли «Амударё соҳили» оромгоҳини куриш ишларини якунлаш; Андижон вилоятидаги «Богишамол» оромгоҳини реконструкция килиш; Сирдарё вилоятидаги «Сирдарё» оромгоҳини реконструкция килиш; Навоий вилоятидаги «Ишонч» оромгоҳида сузиш ҳавзасини куриш¹ ишларининг амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга ҳукумат эътиборининг амалдаги ифодасидир.

Бундан ташкири, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини согломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш максадида касаба уюшмалари тизимидағи «Октош» санаторийсида, «Зомин» санаторийсида ёток биноларини куриш; Сурхондарё вилоятидаги «Термиз марвариди» санаторийсини капитал таъмирлаш ва реконструкция килиш; Намангандеги «Чодак» кишлөк фукаролар йигинида дам олиш уйини куриш ишларини амалга ошириш учун йил давомида Касаба уюшмалари маблаглари хисобидан 17 миллиард 810 миллион сўм йўналтирилмоқда. Бунда асосий эътибор, аёллар ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тұғрисида»ги 4947-сон Фармони, 241-банд.

болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш самарадорлигини оширишга каратилади.

2016 йил – «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун 80 миллион доллар кийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бўйича 9 миллионга якин фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва 10 миллионга якин болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшлиш бўйича нуксони бўлган 350 дан ортик болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ана шундай ишлар каторида 700 минг нафар бола пневмокок инфекцияси ва бошка юқумли касалликларга қарши эмланди¹.

Мамлакатимида оналик ва болаликни муҳофаза килиш борасидаги изчил ислоҳотлар туфайли «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Шу борадаги ишлар изчил амалга оширилаётгани туфайли кейинги беш йилда мамлакатимида ҳар 100 минг чакалокка нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чакалоклар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингийиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришид². Нуфузли халқаро институтларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-кизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза килиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жаҳон рейтингида мамлакатимиз ёш авлод саломатлигига энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган 10 та давлат сафидан жой олди. Ахоли генофондини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-

¹ Шавкат Мирзиёев. Конун устуворлигини ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараккиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул қилинганинг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруzasи. // «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.

² Фарзандлари соғлом юрт www.xs.uz.

тадбирлар натижасида аёлларнинг ўртacha умри 66 ёшдан 73,5 ёшга узайди. Оналар ва гўдаклар ўлими 3 баробар камайди.¹

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза этишга каратилган муҳим ижтимоий-иктисолий дастурлар кабул килинди. Соғлиқни саклаш тизимини тубдан ислоҳ этиш асосида она ва бола соғлигини асрар бўйича дунё эътироф этётган миллий модель яратилди. Болалар ва ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини карор топтиришга, оиласарнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама соғлом фарзандларни шакллантириш, уларнинг саломатлигини муҳофаза килишга катта эътибор каратилди. Чунончи, илк давлат мукофотларидан бири – «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилиши ҳам рамзий маъно касб этди. Республикаизда мустаҳкам оиласада соғлом турмуш тарзини баркарорлаштиришга каратилган барча саъй-харакатларимиз ислоҳотларимиз стратегиясига мос бўлиб, келгусида юртимида тинчлик-тотувлик ҳамда тараккиётга, ёш оиласарнинг мустаҳкамлигига қўшилган хисса бўлади.

Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш халқ манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Айнан шу соҳани ривожлантириш ҳамда комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш максадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь ва 7 февраль кунлари соғлиқни саклаш соҳасининг бир гурух етакчи мутахассислари билан учраши.

Соғлиқни саклаш соҳасини ислоҳ килиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигини, мамлакатимизда

¹ «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга баҳшида, гўзал Ўзбекистоним!» Ўзбекистоннинг 23 йиллик мустақил тараккиёт йўлида тури соҳаларда кўлга киритилгани ютук ва натижалар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва кудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини ахолининг кенг катламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларida фойдаланиш учун услубий кўлланма / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси; Республика маънавият тарғибот маркази; Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2014. 126-бет.

согликни саклаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, даволашнинг замонавий технология ва усулларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор каратди. Тиббиёт соҳасида бажарилиши лозим бўлган ишлар, ечи-мини кутаётган муаммолар ҳакида атрофлича тұхталди.

Мамлакатимиз согликни саклаш соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ҳалкаро стандартлар даражасига кутариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва ўкув муассасалари, таникли олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан аник топшириклар берилди. Бирламчи тиббиёт муассасалари, айникса, кишлок врачлик пунктлари, оиласий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизимининг фаолияти ҳамон коникарсиз ахволда колаётганлиги, шифохоналар ва ахолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, жумладан, ижтимоий дорихоналар ташкил этиш бўйича берилган топшириклар ижроси талаб даражасида эмаслиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда мамлакатимиз ҳукуматининг 2017 йил учун иктисодий ва ижтимоий дастурининг энг мухим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги нутқида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида мавжуд камчиликларга тұхталиб ўтар экан. Президент Ш. Мирзиёев кишлок врачлик пунктларини ислоҳ қилиш самаралорлигининг пастлиги, бугунги кунда уларда 2 минг 500 нафар врач этишмаслиги, бу масканларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш даражаси жуда паст, диагностика даражаси пастлиги ва врачларнинг малакаси етарли эмаслиги, тез тиббий ёрдам тизимида жиҳдий камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Соҳадаги мазкур муаммоларни бартараф этиш учун кишлок врачлик пунктлари, юкори технологиялар асосидаги ихтисослашган марказлар ва тез тиббий ёрдам станциялари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифларни ва тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, врачлар ва

тиббиёт ходимлари малакасини ҳам мамлакатимизда, ҳам етакчи хорижий клиникаларда ошириш бўйича таъсирчан тизим яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чикиш, 340 номдаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нарх бўйича сотилишини ташкил этиш ишларига келгусида жиддий эътибор қаратиш таъкидланди.¹ Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясига мувофик, 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шахар ва 2 та вилоят кўп тармокли тиббиёт марказини қайта куриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та маҳсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Соғликин саклаш тизимининг бирламчи бўғини бўлган қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида қишлоқ врачлик пунктларнинг мунтазам фаолиятини таъминлашга хизмат килувчи қўшимча кулайлик яратиш мақсадида уларнинг врачларига иш жойи ёнидаги ҳудудларда уй-жойлар қуриб бериш, қишлоқ врачлик пунктларнинг моддий-техник базасини кучайтириш ҳамда уларни малакали кадрлар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда².

2017–2021 йилларда Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва Олий ўкув юртлари клиникалари етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда, кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниглашга қаратилган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида кенг қамровли тиббий кўрик тадбирларини ўtkазиш режалаштирилмоқда. Натижада келгуси 5 йилда мамлакатимизнинг чекка туманлари аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўtkазиш, касалликларни эрта аниглаш ва олдини олишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади. Вилоятлар аҳолисини сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида Республика ихтисослашган тиббиёт марказлари шифокорларининг жойларга чишиб, жарроҳлик амалиётлари ва бошқа тиббий хизматлар кўrsatiшини ташкил

¹ Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик кондаси булиши керак. // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

² Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон Фармони, 233,235-банд.

этиш бўйича маҳсус чора-тадбирлар дастури қабул килинади. Бу жараёнда эса Республика ихтисослашган тиббиёт марказлари хизматидан фойдаланувчиларга қўшимча қулайликлар яратилади. Ахолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада ошади.¹

Соғликни саклаш бўйича конунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш максадида «Одам аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши режалаштирилмоқда. Мазкур конун лойиҳасини қабул қилиш орқали ахолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар доираси кенгайтирилади ҳамда одам аъзолари ва тўқималарининг трансплантация қилиниши тартиби белгиланади, шунингдек, ахолининг трансплантацияга муҳтоҷ бўлган тоифасига конуний асослар ва тартибларда шу турдаги тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти яратилади.²

Ҳаракатлар стратегияси доирасида 2017–2021 йилларда 220 миллион сўм эвазига ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласлар учун тиббий-ижтимоий патронаж бригадаларининг кучи билан тоғли, чўл ва бориши кийин бўлган ҳудудларда, шунингдек, алоҳида эътибор талаб этиладиган туманларда ахоли тиббий кўрикдан ўтказида, экологик жиҳатдан нокулай минтақаларда яшовчи (Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси) аҳоли учун «Саломатлик» поездлари ташкил этилади. Бориши кийин бўлган ҳудудларда яшовчи ахолини чукур тиббий кўрикдан ўтказиш орқали ахолининг ижтимоий ҳолатини аниқлаб, соғлом оила шакллантирилади ва аҳолида тиббий саводхонлик маданияти оширилади.³

Оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш, оналар ва янги туғилган чакалоқларга юкори малакали тиббий хизмат кўрсатиш максадида 5,8 миллион АҚШ доллари миқдорида, Жаҳон банкининг Халқаро тараккиёт уюшмаси, «Са-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон Фармони, 219-банд.

² Ўша манба, 21-банд.

³ Ўша манба, 222-банд.

Тиббий хизмат инсон манфатларини таъминлашнинг муҳими амалларидан биридир. Тиббиёт ходимлари уйма-уй юриб, касалликтарни профилактика қилиши, соҳадаги уғарашларни одамтар сизиши керак. Бунинг учун шифокорларнинг маданиятини, маънавиятини, масъулиятини ошириш, ишга ва бемортарга муносабатини узгартириш тарур.

Шавкат Мирзиёев

ломатлик-3» лойихаси, бюджет маблаглари хисобидан оналар ва болаларга юкори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг 40 та тутгурк бўлими негизида туманларо перинатал марказлар ташкил этиш¹ кўзда тутилмоқда.

Чакалоклар ҳамда ҳомиладор аёллардаги туғма ва авлоддан-

авлодга ўтувчи патологияни эрта аниглаш орқали соғлом авлод туғилиши учун шарт-шароитлар яратиш асосида 1 625,8 минг доллар сармоя хисобидан Республика скрининг марказида ва унинг худудий филиалларида ҳомиладор аёллар ҳамда чакалоклар орасида перинатал ва неонатал скрининг ҳамда соғликни сақлашнинг бирламчи бўгини даражасида ҳомиладор аёлларнинг оммавий, барвакт перинатал скринингини ўтказиш режалаштирилмоқда.²

Бу соҳада ишлар сифатини тубдан яхшилаш максадида бугун соғликни сақлаш соҳасининг узвий бўгини саналган тиббий-профилактика хизмати жаҳон андозалари талабларига тўлик жавоб берадиган замонавий тизимга айланмоғи зарур.

Маълумки, мазкур бўғин моҳиятан кенг жамоатчилик орасида касалланишнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб килишга йўналтирилгани билан аҳамиятилдири. Ушбу максадда сурункали касалликларни, жумладан, яширин ва аввал аникланмаган касалликларни эрта аниглаш тадбирларини амалга ошириш, кўп тармокли поликлиникаларнинг 7–9 нафар тор соҳа мутахассислари ва умумий амалиёт шифокорлари томонидан хавф гурухига мансуб аҳолини чукурлаштирилган тиббий кўриклар, сурункали касаллиги бор аҳолини иилига 2–6 марта (бемор ҳолатидан келиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўгрисида»ги 4947-сон Фармони, 224-банд.

² Ўша манба, 223, 225-банд.

чикиб) тизимли диспансер кўриклари, никохга кирувчи шахсларни тиббий кўриклар, 3,6 миллион аҳолини флюографик кўриклар билан камраб олиш¹ кўзда тутгилмоқда. Аҳолининг профилактик тадбирлар билан қамровини янада кенгайтириш мақсадида ўзгалар парваришига мухтож, уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари, ижтимоий ҳимояга мухтож бўлган аҳолидан сурункали касалликка ҷалингандарни жадвал асосида ташкиллаштириладиган «Патронаж ойлиги»да тиббий ходимларнинг фаол қатновлари амалга оширилади.

2017 йил Инвестиция дастури доирасида 519 350 миллион сўм микдорида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш, даволаш-профилактика муассасаси, тугрӯққа ёрдам берувчи ва болалар тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, курилиш, реконструкция килиш, капитал таъмирлаш ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари кўзда тутилмоқда.²

Соғлини саклаш тизимини ислоҳ килишни янада чукурлаштириш борасида 2017–2021 йилларда барча туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари ва оиласий поликлиникалар, онкологик муассасалар, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, Давлат санитария эпидемиология назорат марказларини, Республика илмий шошилинч тиббий ёрдам маркази, тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиникалари ва республика клиник шифохоналарини ҳамда тўртинчи даражали кўп тармокли болалар тиббиёт марказларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланади ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати оширилади.³

Маълумки, мамлакатимизда мустакилликнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий-хукукий жihatдан қўллаб-куватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксал-

¹ Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон Фармони, 228-банд.

² Уша манба, 232-банд.

³ Уша манба, 234-банд.

тириш, киз болаларни замонавий касб-хунарга ўргатиш, уларни спортга кенг жалб этиш, соглом оилани шакллантириш давлат сиёсати даражасига кутарилиди.

Ўзбекистон Хотин-кизлар кўмитаси мамлакатимиз хотин-кизларини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаб, халкаро аёллар ҳардати ҳамда бошка нуфузли тузилмалар билан кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1991 йилда ташкил топган мазкур ташкилот охиригина йилларда халкаро майдонда ўз обрў-эътиборини кучайтириди. Айникса, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-кизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-кувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кўмита тизимининг яна бир боскич кутарилишига асос бўлди.

Хотин-кизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила ва жамиятдаги мавкеини мустаҳкамлаш, оила, оналик ҳамда болаликни муҳофаза килишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнлаб қонунлар, саксонга якин фармон ва қарорлар, давлат дастурлари хукукий асос бўлиб хизмат килмоқда. Чунончи, Асосий Қонунимизнинг 46-моддасида хотин-кизлар ва эркаклар тенг хукуклиги белгилаб кўйилгани уларнинг давлат ҳамда жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, юртимиз равнаки йўлида бор салоҳият ва имкониятларини ишга солиб, меҳнат килишларига шароит яратмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз соҳага оид турли конвенция, битим ҳамда шартномаларга кўшилган.

Юртимизда хотин-кизларнинг ижтимоий-сиёсий майдондаги фаоллигини янги бир погонага кутариш мақсадида 2004 йили Ўзбекистон Республикасининг сайлов конунчилигига ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиб, сиёсий партиялардан вакиллик органлари ҳамда парламент депутатлигига номзод кўрсатиш жараёнида хотин-кизлар учун 30 фоизли квота жорий этилди.

Аёлларнинг 13 нафарига «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, 64 нафарига «Ниҳол» мукофоти берилган бўлса, улар Конституциявий суд тизимида 20 фоизни, Олий суд соҳасида 14,6 фоизни, ишлаб чиқариш тизимида 42,8 фоизни, кишлок хўжалигнда қарийб 43 фоизни, таълим, маданият ва илм-фан соҳасида 72,9 фоизни, согликни

саклаш тизимида 75,3 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, хотин-қизлар томонидан 300 дан ортик докторлик, 3 мингга яқин номзодлик диссертациялари химоя қилинган.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 4 марта, Халкар хотин-қизлар куни арафасидаги мамлакатимизнинг етакчи хотин-қизлар вакиллари билан учрашиб, уларни, бутун юртимиз аёлларини байрам билан табриклаб, мамлакатимизда мустакиллик йўлларида хотин-қизлар манфаатларини химоя қилиш борасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб килиб, бу борадаги долзарб вазифаларга атрофлича тўхтаб ўтди. Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қарори бу йулдаги катта амалий қадам бўлди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда аёллар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида келгусида Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Соғлом она – соглом бола» шиори остида анъанавий миңтақавий «Аёллар спорт фестивали», «Соғлом авлод учун» кубоги учун сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, гимнастика, бадий гимнастика, спорт ракси ва гимнастикаси каби спорт мусобакалари ҳамда бошқа тадбирлар ўтказилади.²

Аёлларни моддий қўллаб-кувватлаш мақсадида Ўзбекистон Касаба ўюшмалари Федерацияси томонидан 1500 миллион сўм

¹ Бетакроримсан, ягонасан, Она ватаним, Ўзбекистоним. Ўзбекистоннинг 24 йиллик мустакил тараккиёт йўлида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқ ва иятижалар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва кудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкиний-амалий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланишга мўлжалланган услубий қўлланма / Республика маънавият ва маърифат Конгаси. – Т.: «Маънавият», 2015.134-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тұгрисида»ги 4947-сон Фармони, 226-банд.

микдорида мамлакатимиznинг турли ҳудудларида яшовчи 2 минг нафар эҳтиёжманд оила аёллари электр майший техника жиҳозлари бериш йўли билан рағбатлантирилади.¹

Оилалар фаровонлигини таъминлаш, оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий мухитнинг барқарорлигини саклаш, соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлигини кенг йўлга кўйиш максадида оилаларнинг ижтимоий-маънавий ҳолатини тизимли ўрганишнинг самарали механизмини яратиб, амалиётга татбик этиш ҳамда ахоли турмуш даражасининг ҳақиқий аҳволини доимий ўрганиб бориш, жойлардаги жамоатчилик вакилларига бу борада услубий кўмаклашиш, оилалардаги мавжуд муаммоларни аниклаб, уларни бартараф этиш борасида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади.² Бу борада оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги маъсулиятини ошириш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни саклашда оиланинг тутган ўрнини кўрсатиш ҳамда оила институтининг мавкеини ошириш максадида 15 май – Халқаро оила куни муносабати билан «Инсон ва оила манфаати – жамият фаровонлиги» номли телемарафон ўтказилади.³

Ҳудудларда ахоли, айниқса, хотин-кизлар билан мулокотда бўлиш, оилаларга кириш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, хотин-кизлар, ёшлар ва вояга етмаганларнинг манбаатларини таъминлаш максадида етук ва масъул мутахассислар томонидан маҳаллаларда сайдёр кабуллар ташкил килиб, зарур хукукий, психологик ва тиббий ёрдамлар кўрсатилади. Фуқароларнинг майший муаммо ва камчиликлари жойларда ҳал этилади, уларга хукукий, психологик ва тиббий ёрдамлар кўрсатилади.⁴

¹ Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон Фармони, 227-банд.

² Уша манба, 236-банд.

³ Уша манба, 237-банд.

⁴ Уша манба, 223, 238-бандлар.

Ўзбекистон Хотин-кизлар кўмитасининг, республика хотин-кизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя килиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, ижтимоий-иктисолий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини тъминлаш, хотин-кизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш максадида «Хотин-кизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини ривожлантириш чоратдирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чикилади. Ушбу қарор асосида ахолининг муаммоли масалаларини ҳал этишнинг самарали тизими яратилади.

Мамлакатимизда аёллар бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлар асосида яратилаётган иш ўринлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хотин-кизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимиз эришаётган ютуклар, айникса, уй меҳнатини ривожлантиришга қаратилган саъй-харакатлар диккатга сазовор. Бу, ўз навбатида, аёлларнинг оила моддий фаровонлигига муносаб хисса қўшишларига, шу билан бирга, фарзанд тарбияси билан бевосита шуғулланишларига имкон беради.

Мамлакатимиз соғликни саклаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараённида фармацевтика саноатини ривожлантириш, ахоли ва даволаш муассасаларини сифатли, хавфсиз ва арzon дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатиб, улар томонидан 2 мингдан ортик турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, дори воситаларини ишлаб чиқариш ва улар билан ахоли ҳамда даволаш-профилактика муассасаларини таъминлаш максадида мазкур соҳадаги ишларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқукий асослари барпо этилди. Йигирмадан ортик конун, бир юз йигирмадан зиёд меъёрий-ҳуқукий ҳужжатлар бу йўналишдаги ишларни тартибга солишда мухим ҳуқукий асос бўлмоқда.

Ахоли ва тиббиёт муассасаларининг арzon ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш буйича

очик-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимида арzon ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида Президент Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги¹ ПҚ-2647-сон қарори бу борадаги ишлар қўламини кенгайтириш, ҳалкимизни арzon ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини оширишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат асосида соҳа бўйича мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигига тиббиётда кенг қўлланиладиган 343 номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун қатъий нархларни белгилаш тартиби жорий этилди. Қарорда 2017 йилнинг 1 январидан зътиборан четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига қўйиладиган устамалар улгуржи савдо учун сотиб олинган кийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгилангани аҳолининг барча тоифалари манфаатига хизмат килмоқда.²

Барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган 76 турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда шифокор рецептиси з бериладиган 1033 турдаги дори-дармон воситалари рўйхати дорихоналарнинг харидорга куляй ва кўринарли жойига илиб қўйилмоқда. Тиббиёт ходимлари ва дорихоналар масъуллари учун амалий семинарлар ташкил этилиб, қарорнинг моҳияти, унда белгиланган вазифалар тушунтирилмоқда.

¹ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2016 йил 26 декабрь, 51-сон.

² Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон Фармони, 223-банд.

Пенсионерлар, ногирон, ёлгиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманл тоифаларининг тұлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий өрдам күрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасида бир катор ишлар амалга оширилмоқда.

Халкнызга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, аҳоли соглигини саклаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диккат марказида булиб келмокда. Ҳаракатлар стратегиясида аёллар ва қыздарнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида жисмоний тарбия ҳамда спортни оммалаштириш, шунингдек, кексалар, ўзгалар парваришига мұхтож, уруш ва меңнат фронти катнашчилари, ижтимоий ҳимояга мұхтож шахсларни ҳар томонlama күллаб-кувватлаш билан боғлик долзарб чора-тадбирлар ҳам камраб олингандығында «Инсон манбаатлари ҳар нарасдан улуг» тамойилининг амалга оширилишини таъминлашда мухим омил булиб хизмат қилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. 2017–2021 йылларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг неchanчи банди «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соглиқни саклаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сийёсий фаолигини ошириш» деб намланади?
2. Бугунги кунда Давлат бюджетининг неча фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришига йўналтирилмоқда?
3. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ тиббиёт соҳасида маъжуд қайси муаммоларни бартараф этиш режалаштирилмоқда?
4. Аҳолига ижтимоий хизматлар күрсатишида давлат-хусусий шериктегини ривожлантириш нималарда ўз аксини топади?
5. Республикаизда 2016 йилда тиббиёт соҳасини ривожлантириши, аҳолига тиббий хизмат күрсатиши борасида қандай натижалар қўлга киритилди?
6. Президентимиз 2017 йил 5 январь ва 7 февраль кунлари булиб ўтган йигилишларда соглиқни саклаш соҳасини, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами хизматини янада такомиллаштиришига тиббий-ижтимоий өрдамни оширишга таъминлашади?

*лаштириши юзасидан аниқ тақлифлар ишлаб чиқиши вазифаси-
ни қўйган эди. Уибу топшириқтар юзасидан соглиқни сақлаш
тизимида қандай саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда?*

7. *Болалар саломатлигини сақлашнинг асосий муаммолари нима-
лардан иборат?*
8. *Ўзбекистонда соглиқни сақлаш ва согломлаштириши масала-
лари ёш авлод тарбиясида қандай ўрин тутади?*
9. *Нима учун аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини,
ижтимоий фаоллигини янада ошириш турмушимизни фаровон
этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқ?*
10. *Тиббий маданият нима?*
11. *Мустақиллик ишларда фармацевтика соҳасида эришилган
ютуқлар ҳақида нималарни биласиз?*
12. *Бугунги кунда фармацевтика саноатида қанча корхоналар
фаолият юритмоқда?*
13. *Мамлакатимиз аҳолисини арzon ва сифатли дори-дармон во-
ситалари ҳамда тиббиёт буюллар билан таъминлаш борасида
алиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳақида гапириб беринг.*
14. *Ўзбекистонда фармацевтика соҳасини янада ривоҷлантириши
учун ташкил этилиши режалаштирилаётган фармацевтика
саноат зоналари ҳақида маълумот беринг.*
15. *Ижтимоий ҳимоя деганда нимани тушунасиз?*
16. *Аҳолининг кам таъминланган қатламига қандай тиббий-иж-
тимоий ҳимоя ёрдамлари курсатилмоқда?*
17. *Бугунги кунда мамлакатимизда пенсия ёшидаги инсонлар
қанча?*
18. *Юртчиизда пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг
бошқа эҳтиёжманд тоифаларини қуллаб-кувватлашга қара-
тилган қандай қарор ва фармонлар қабул қилинди?*
19. *«Нуроний» жамгармаси фаолиятини янада тақомиллашти-
риши бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?*

4.3. АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР БАРПО ЭТИШ БҮЙИЧА МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ, АҲОЛИНИНГ ҲАЁТ ШАРОИЛПАРИ ЯХШИЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ, МУҲАНДИСЛИК- КОММУНИКАЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистонда мустакилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилган ислоҳотлар жараённида аҳолининг турмуш фаровонлигини ҳамда ҳаёт сифатини ошириш юзасидан катта яратувчилик ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда Давлат бюджетининг кариyb 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Бу аҳолининг ҳаёт сифати яхшиланишига хизмат килмоқда. Шу билан бирга аҳолини, айникса кишлөк аҳолисини янги, шинам уй-жойлар билан таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли даромадлари кўпайиши эса уларнинг ҳаёт фаровонлигини юксалтиришга асос бўлмоқда.

Шу билан бирга «Республикамида жадал суръатлар билан замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ташкил қилинмоқда. Жумладан, Қамчик довонидан ўтадиган, ноёб тоф тунелини ўз ичига олган Ангрен – Поп темир йўл тармоги, Тошгузор – Бойсун – Кумкўргон темир йўли курилди. Тошкентдан Самарканд, Қарши ва Бухорога йўловчи ташийдиган юкори тезликдаги темир йўл катнови очилди. Халқаро аэропортлар модернизация килинди, Навоий аэропорти негизида халқаро логистика маркази ташкил килинди ва Ўзбекистон миллий автомагистрали барпо этилди».¹

Эришилган ютуклар билан бирга аҳолининг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўларок кондириш, уларнинг самарали ишлаши ҳамда ҳаёти учун муносиб шароитлар яратиш халқимиз фаровонлигини таъминлашда мухим заруриятга айланмоқда ва бу Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис Конунчиллик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2016 йил 9 сентябрь.

Харакатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича куйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- аҳоли, энг аввало, ёш оиласлар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтоҷ бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арzon уйлар куриш орқали янада яхшилаш;
- аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини куриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни боскичма-боскич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш;
- одамларнинг экологик хавфсиз мухитда яшашини таъминлаш, майший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини куриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, чиқиндиларни йўқ қилиш бўйича замонавий обьектлар билан таъминлаш;
- аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф мухитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама кулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни куриш ҳамда реконструкция қилиш;
- йўл инфратузилмаси курилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;
- янги электр энергия ишлаб чиқариш кувватларини куриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланиши электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси ҳамда бошқа ёкилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;

– театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий тақиботлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такошлашириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш

Ушбу устувор вазифаларни ҳал этиш бўйича «Хокимият» билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширишга оид Давлат дастурида комилекс тадбирлар ишлаб чиқилган. Уларга кўра, 2017 йилда ахоли қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 15000 та арзинчи уй-жой курилади. Бунинг учун давлат бюджети ва ахолининг маблаглари ҳамда тижорат банклар кредитлари хисобидан 2121526,4 миллион сўм сарфланади. Шундан 350000 миллион сўми давлат бюджети, 1292575,1 миллион сўми банк кредитлари ва 478951,4 миллион сўми ахолининг бадал маблаглари хисобланади.

Шунингдек, 2017 йил давомида қишлоқ жойларда намунавий уй-жой массивларига 415,3 километр электр ва 316,9 километр табиий газ тармоклари, 291 километр ички йўллар ҳамда 134 та бозор инфратузилма обьекти курилади.

Шаҳарларда эса жорий йилда ахолининг ҳаёти даражаси ва сифатини яхшилаш учун намунавий лойиҳалар асосида 191 та арzon ва куляй кўп каватли уй курилади ва бунинг учун ахоли баъди маблаглари ва банкларнинг 897100 миллион сўм кредитлари сарфланади.

Шу билан 8121 та оила арzon уй-жойлар билан таъминланаб, ахолига узок муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратилади.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, 2017 йилда 20,400 миллион сўм Давлат бюджети маблаглари ҳамда 112 миллион доллар Халқаро молия институтлари кредитлари хисобидан ахолининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга йўналтирилган қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

а) марказлашган капитал қўйилмалар хисобидан қишлоқ ахоли пунктларида ичимлик суви иншоатларини қуриш ва реконструкция килиш амалга оширилади ҳамда янги тармоклар тортилдими;

б) Халқаро молиявий институтларнинг кредит маблагларини жалб этиш хисобидан ичимлик суви ва канализация тиббийларини ривожлантириш ва модернизация килиш лойиҳалари амалга оширилади.

Жаҳон банки иштирокида Сирдарё вилояти Боғут, Ҳовос, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманлари, Бухоро вилояти Олот ва Қоракўл туманларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаси ҳамда Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида канализация тизими реконструкция килиш лойиҳалари амалга оширилади.

Осиё тараккиёт банки иштирокида Фарғона, Марғилон ва Жizzах шаҳарларида канализация тизими реконструкция килиш ҳамда Тошкент вилояти Қибрай ва Зангиота туманларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, ОПЕК ва Саудия тараккиёт жамғармаси иштирокида Самарқанд вилояти Кўшработ тумани қишлоқ аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда Ислом тараккиёт банки иштирокида Сирдарё вилоятининг Гулистан, Янгиер ва Ширин шаҳарларида канализация тизими реконструкция килиш лойиҳалари амалга оширилади.

Натижада аҳоли кенг катламлари, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун янада кулай ва муносаб ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратилади. Ҳудудларда 995,9 км ичимлик суви тармоклари тортилиб, 672 та аҳоли пунктида ичимлик суви таъминоти яхшиланади. Туманлар ва шаҳарларнинг ичимлик суви, канализация тизимлари ривожланади ва модернизация килинади.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида каттиқ майший чикиндиларни санитария йули билан тозалаш ва заарсизлантириш тизими янада такомиллаштирилади. Мазкур йўналишдаги ишларда Ўзкоммунхизмат, Табиатни муҳофаза килиш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирок этади ва 167 300 миллион сўм сарф-харажатлар килинади. Шундан 99 300 миллион сўмини Давлат бюджети маблаглари ташкил этади.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш орқали тартибсиз равишда тўпланадиган 1428 та каттиқ майший чикинди ахлатхоналари тугатилади.

Санитария корхоналарининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, жумладан, 237 та маҳсус техника харид килинади, 94 та

гараж курилади ва чиқиндилар учун 168 та элак курилмалари ўрнатилади.

Ҳаракатлар стратегиясига биноан, 2017 йилда ахолига транспорт хизмати қўрсатиш тизимини яхшилаш максадида:

– Мамлакатимиз ҳудудлари бўйича 86 та янги автобус йўналишини ташкил этиш ва йўлга қўйиш;

– йўловчи ташиш корхоналари томонидан 537 та янги автобус сотиб олиш ва катновга қўйиш;

– транспорт инфратузилмасини ривожлантириш максадида ҳудудларда 13 та автостанция куриш ва реконструкция килиш тадбирлари амалга оширилади. Шу билан бирга, Тошкент шаҳар жамоат транспортида электрон тўлов тизими жорий этилади.

Транспорт хизмат лойиҳаларини амалга ошириш натижасида: ахолига қўрсатилаётган автотранспорт хизмати сифати оширилиб, янада кулайликлар яратилади; ахолига сифатли транспорт хизматлари қўрсатишга эришилади; транспорт хизматидан олинадиган даромад ҳажмининг 15 фоизга ўсишини таъминлайди.

Ушбу тадбирлар учун 72200 миллион сўм банк кредитлари, лизинг ва ташувчиларнинг маблағлари, 3900 миллион сўм тижорат банклари кредитлари жалб этилади. Тошкент шаҳар жамоат транспортида электрон тўлов тизимини жорий этиш учун 35000 миллион сўм тижорат банклари кредитлари сарфланади.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш Давлат дастурига асосан, 2017–2021 йилларда паст кучланишли электр тармокларини модернизация килиш ва янгилаш дастурига мувофик, 2017 йилда 5,1 минг километр электр тармокларини, 1040 та трансформатор пунктини куриш ва реконструкция килиш режалаштирилган. Ушбу йўналишдаги тадбирларни амалга оширишга жами 445800 миллион сўм мабалағлар харажат килинади. Шундан, 132600 миллион сўми «Ўзбекэнерго», 313200 миллион сўми «Ўзсаноат-курилишбанк» кредит маблағлари ҳисобланади. Натижада, мамлакатимиз ҳудудидаги 2721 та маҳаллада истеъмолчиларнинг электр таъминоти сифати ва ишончлилигини оширишга, тармокларнинг почор ҳолати билан боғлик ўчишлар сонини кескин камайтиришга эришилади.

Харакатлар стратегияси Давлат дастурида ахоли ва корхоналарга кўмир маҳсулотларини сотиш инфратузилмасини кўйидаги йўллар билан янада ривожлантириш тадбирлари кўзда тутилган:

1. «Ўзбеккўмир» АЖ дистрибуторлик марказларининг 84 та кўмир саклаш масканини куриш, реконструкция килиш ва тъмиглаш;

2. Хар бир кўмир саклаш омборида брикетлар миқдорини йи-лига 880 минг тонна чиқариш имконини берувчи 84 дона кўмирни брикетлаш ускуналарини ишга тушириш;

3. Кўмир конларини очиш ва кўмир қазиб олишнинг замонавий технологияларини жорий этиш хисобидан кўмир қазиб олишини 2022 йилга келиб 11,67 млн. тоннагача кўпайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун «Ўзбеккўмир» АЖнинг маблагалари ҳамда тижорат банкларининг кредитлари сарфланади. Натижада ахолининг энергия таъминоти яхшила-нади.

2017–2018 йилларда Мамлакатимизда замонавий савдо инфра-тузилмасини яратиш ҳамда туманлар ва шаҳарларнинг архитектура киёфасини яхшилаш максадида 242 та дехкон (озик-овқат) бозо-рини оптималлаштириш ва реконструкция килиш ишлари амалга оширилади ҳамда уларнинг худудида 40 та замонавий гипермаркет, 63 та супермаркет ҳамда 139 та минимаркет ташкил этилади.

Ушбу тадбирларга 200000 миллион сўм тижорат банклари кредитлари ҳамда тадбиркорларнинг инвестиция маблаглари сарф килинади. Натижада; ахолига кўрсатиладиган савдо хизматларини яхшилашга, янги замонавий савдо ташкилотларини яратишга ҳамда дехкон бозорлари фаолиятини тартибга солишга эришилади.

Харакатлар стратегиясининг «Халқ билан мулокот ва инсон манбаатлари йили»да амалга ошириладиган Давлат дастурида театрларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дас-турини ишлаб чикиш белгиланган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси кинематографиясини 2017–2021 йилларда янада ри-вожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2017 йилнинг I ва

IV чорагида Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни ҳамда Ўзбеккино ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги масъуллигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси карорлари лойиҳалари ишлаб чикилади.

Президент карори кинематография тизимининг ташкилий тузилмасини ҳамда норматив-хукукий базасини такомиллаштириш, кинематография обьектларининг моддий-техник базаси ва архив фондини янгилаш, бу соҳада маҳсулот сифатини ошириш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий усулларини амалда қўллаш имконини беради.

Вазирлар Маҳкамаси карорида Мамлакатимиз театрларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш оркали аҳолига сифатли маданий хизмат кўрсатиш механизmlари асослаб берилади. Ҳаракатлар стратегигасида аҳолининг дам олиши ҳамда замонавий маданият марказларини ташкил этишга катта устувор вазифа сифатида қаралган. Хусусан, 2017 йил давомида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013–2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тұғрисида»ги 178-сон карори ижросини таъминлаш максадида 100 та марказда таъмирлаш ва жихозлаш ишларини якунлаш чораларини кўриш ва уларни фойдаланишга топшириш ҳамда 100 та маданият ва истироҳат богини таъмирлаш ва жихозлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти ҳайвонот богининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида ҳайвонот боғларини ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 85000 миллион сўм Давлат бюджети, маҳаллий бюджетларнинг кўшимча маблаглари, ҳайрия ва инвестиция маблаглари сарфланади. Тадбирларни амалга ошириш натижасида аҳолининг, айникса, ёш авлоднинг ўсиб бораётган маданий-маърифий эҳтиёжларини кондириш, уларнинг бўш вактини самарали ва мазмунли ўтказишини ташкил этишга эришилади. Шу билан бирга, аҳоли маданиятини янада

юксалтириш, унинг мароқли ҳордик чиқаришига кўмаклашиш, худудларимизни янада обод ва фаровон килиш, аҳоли, жумладан, ёш авлоднинг маданий дам олишини таъминлаш, уларни она табиятга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уни асраб-авайлашни тарғиб килиш имкониятлари кенгаяди.

Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ўзида акс эттирган Давлат дастурининг устувор вазифаларида «2017–2027 йилларда музейлар фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш комплекс чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиши» кўзда тутилган. Ушбу устувор вазифани амалга ошириш бўйича Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Иктисадиёт вазирлиги, Давархитекткурилиш, Туризмни ривожлантириш давлат қўмиталари, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликларига Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш топширилган. Қарорни амалга ошириш халқимизнинг бой тарихий ва маданий меросини янада чукур ўрганиш, тарғиб килиш, бойитиб бориши, ишончли муҳофаза қилиш имкониятларини яратади. Шунингдек, музейлар фаолияти такомиллашади ва уларнинг моддий-техник базаси замон талаблари асосида мустаҳкамланади.

Ана шу устувор вазифаларни ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш учун ҳозирги вактда Молия вазирлиги хузурида «Тоза сув» маҳсус жамғармаси, Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташкил этилади. Шунингдек, кафолатланган ва баркарор электр куввати етказиб бериш мақсадида Шаҳар ва кишлек аҳолисининг электр энергияси таъминотини яхшилаш дастури ишлаб чиқилмоқда.¹

Шу билан бирга аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўлларини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги Фармо-

¹ Шавкат Мирзиёев. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб хаёт даражасини яратиш – баркарор тараккиёт кафолатидир. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маъруза. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг расмий сайти.

ни қабул килинди. Унга кўра, Автомобиль йўллари бўйича давлат кўмитаси ташкил килинди. Бу эса Ўзбекистонда ҳамма тоифадаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш, уларни ривожлантириш масалаларини тизимли равишда ҳал этишни таъминлайди.

Дастурда кўзда тутилган тадбирларни бажарилишн натижасида муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси комплекси билан биргаликда янги лойиҳалар асосида арzon уй-жойлар куриш ҳисобига кишилек жойларида яшовчи 60–65 минг аҳолини замонавий уй-жой билан таъминлашга эришилади.

Кишилек жойларида барпо этилаётган намунавий массивлар ахоли учун сифатли яшаш шароитлари ва қулийликлар яратиш максадида ичимлик суви, электр ва табиий газ тармоқлари, ички йўллар ва бозор инфратузилмаси объектлари билан таъминланади.

Юкорида баён қилинган барча чора-тадбирлар мамлакатимизда инсон манфаатларини руёбга чиқаришда кўйилган мухим кадам ҳисобланади.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Аҳолига арzon уй-жой қаерларда барпо этилади ва қутиши қандай манбалар ҳисобидан малиялаштирилади?
2. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қандай тадбирлар амалга оширилади?
3. Шаҳар ва туманларда қаттиқ машии чиқиндиларни йўқ қилиши (зарарсизлантириш) қандай натижаларга олиб кетади?
4. Аҳолига транспорт хизматларини яхшилаш қандай амалга оширилади ва бунинг натижасида нимага эришилади?
5. Аҳолини электр энергияси ва кўмир билан таъминлашни яхшилашни йўлга қўйиш учун қандай чоралар амалга оширилади ва бунинг натижасида нималарга эришилади?
6. Ўзбекистонда маданий-маърифий масканлар фаолиятини ривожлантириш учун қандай тадбирлар амалга оширилади?

4.4. ТАЪЛИМ ВА ФАН СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини ривожлантириш ҳамда таълим моддий-техник базасини мустаҳкамлашдаги чоратадбиrlар тизими. Мамлакатимизда 2016 йилда сиёсий-хукукий, иктиносидий, маънавий соҳалар билан бир каторда, ижтимоий соҳала ҳам чукур сифат ўзгаришлари рўй берди. Истиклол йилларида республикамизда ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар ҳажми 5 баробар кўпайтирилди. Ҳар йили давлат бюджетининг кариб 60 фоизи соглиқни саклаш, таълим, коммунал ҳўжалик, ахолини ижтимоий ҳимоя килиш соҳаларидан вазифалар ижросига йўналтирилмоқда. Жамият ижтимоий соҳасининг энг муҳим таркибий кисмларидан бири таълим-тарбия соҳаси бўлиб, унинг ривожи сиёсий-хукукий, иктиносидий ва маънавий соҳаларга бевосита таъсир этади ҳамда ижтимоий соҳалар меъёрий моҳиятини, камолот даражасини белгилаб беради.

Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати маъно-мазмунидан ва унинг долзарблигидан келиб чикиб, уни қуйидагича изоҳлаш мумкин: *биринчидан*, янги таълим тизими, баркамол авлод кадрларини тайёрлашдаги ўзгаришлар ва янгича ёндашувлар, замонавий касб соҳаларининг пайдо бўлгани ҳамда унинг мамлакатимиз шароити билан боғликлигидир; *иккинчидан*, таълим тушунчаси ижтимоий-иктиносидий тараккиёт натижасида муайян даврдан бошлаб, инсон фаолиятининг алоҳида мустакил соҳасига айланиб, жамиятнинг ижтимоий тажрибасини кейинги боскичга узатади; *учинчидан*, таълим инсон шахсининг интеллектуал-маънавий кирраларини шакллантириш, унинг жамият ишлаб чиқариши ва ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий ҳаётида фаол ва муваффакиятли иштирокини таъминлашга қаратилган харакатлар йигиндиси бўлиб, маърифат ҳамда билим беришни англатади; *тўртинчидан*, фан жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири бўлиб, табиат ва жамият ҳаётини акс эттирувчи ижтимоий онг шакли. У катта илмий салоҳиятни, ижодий куч-куватни бирлаштириб, маънавий баркамол инсонни тарбиялашга, мамлакатда кудратли илмий салоҳиятни яратишга хизмат киласи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўгрисида»ги Фармони билан Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналишида¹ мактабгача таълим муассасаларининг қуайлигини таъминлаш, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларида туради.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуидаги таълим турларини ўз ичига олади:

1. Мактабгача таълим.
2. Умумий ўрта таълим.
3. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими.
4. Олий таълим.
5. Олий ўкув юртидан кейинги таълим.
6. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
7. Мактабдан ташқари таълим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги, тараккиётнинг 16 фоизи – моддий-техник базага, 20 фоизи – ахборот ресурсларига, 64 фоизи – инсон омилига боғлик. Бу учала омил бир-бири билан чамбарчас боғлик бўлиб, таълим-тарбиянинг моддий-техник базаси, мавжуд ресурсларидан, имкониятларидан оқилона фойдаланиш инсон мафаатига хизмат киласи ва унинг рационал ривожланишини белгилаб беради. 2017–2018 йиллар давомида юртимиизда 459 та мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирланди ва замонавий талабларга мос равишда жиҳозланди.

Бугунги кунда таълимни ривожлантиришга йўналтирилаётган хорижий техник ёрдам ҳажми тобора ортиб бормоқда. Ўтган даврда бу борадаги ёрдам 500 миллион доллардан ортиб кетди. Осиё

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўгрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль.

тараккиёт банкининг салкам 290 миллион доллар маблаги, Жанубий Корея хукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараккиёт банкининг 42 миллион, Германия хукуматининг «КФВ» банки орқали йўналтирилган карийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортиқ ёрдамини қайд этиш лозим¹. Бу эса таълим жараёнининг бевосита давлат назоратида эканининг сўзсиз исботидир. Яъни, давлат эртанди кун истиқболини ўйлаб, таълим жараёнда ана шундай йирик ислохотларни амалга оширмоқда.

Таълим-тарбия ва тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий инфратузилма обьектларини жадал ривожлантириш учун 2015 ва 2016 йилларда давлат бюджети жами харажатларининг карийб 60 фоизи йўналтирилди. Шу жумладан, таълим ва илм-фанни ривожлантиришга 34,3 фоиз маблаг мартабланди.

Бугунги кунда таълим давлат сиёсатининг энг устувор йуналишига айланди. Давлат бюджетидан таълимга ажратилган маблаглар бюджет харажатлар кисмининг 33,7 фоизи даражасида режалаштирилиб таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ЯИМ таркибида 10–12 фоизни ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3–5 фоиздан ошмайди. Карийб 9,5 минг ёки мамлакатимида фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчасида курилиш, капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ўкув масканларининг замонавий ўкув лаборатория, мебель жиҳозлари билан таъминлангани таълим сифати ва мазмунига юксак зътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз иктисадиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун кулай иктисадий ва ташкилий-хукукий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғиб

¹ Ислом Каримов. Бизнинг йўлнимиз демократик ислохотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш. 20-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. 189–192-бетлар.

килиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий кисфасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПФ-4861 сон фармони қабул килинди. Фармонга күра. Бухоро давлат университетида туризм факультети очилди. Шуни алохила таъкидлаш жоизки, Бухоро қадимий месъморчилик обидаларига бой. Айни пайтда бу ерда анъанавий маданий-тарихий туризм билан бир қаторда сайёхликнинг экологик, спорт, даволаш-соғломлаштириш каби қатор турларини ривожлантириш борасида катта имкониятлар мавжуд. Бундан самарали фойдаланиш мақсадида Бухоро шаҳрида туристик эркин иктисодий худуд ташкил этиш ғояси илгари сурилди. Фармонда белгиланган ўрта муддат-ли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсади ва устувор йўналишларида тармок учун, айникса, менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш масаласи ҳам илгари сурилган эди. Зикр этилган факультет ана шу вазифалар ечимиға қаратилған тадбирлар доирасида очилди¹.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кам таъминланган оиласалар ва уларнинг болаларини давлат томонидан моддий қўллаб-кувватлашга алохила эътибор қаратилған. Ҳусусан, бугунги кунда давлат томонидан кам таъминланган оиласалар ва уларнинг болаларини давлат томонидан моддий қўллаб-кувватлашнинг куйидаги механизмлари мавжуд:

– ота-оналар тўлови жорий этилган барча таълим муассасаларида кам таъминланган оиласаларнинг болаларини бадал тўловларидан озод қилиш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 декабрдаги ПК-744-сон карори);

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тұғрисида»ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда, 2017 й., 1-сон, 3-модда.

– мактабларда кам таъминланган оилаларнинг болалариниң қишикийим-бош тўплами билан текин таъминлаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сон карори);

– умумтаълим муассасаларида кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарсликлар тўплами учун ижара тўловларидан озод қилиш ва бошкалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 июлдаги ПҚ-363-сонли карори).

Мамлакатимида 9+3 схемаси бўйича 12 ўйлик узулксиз умумий таълим тизимига ўтилди, янги тирадаги, замонавий мактаб, коллеж ва лицеилар курилди, олий таълим тизими жаҳон тажрибаси ва иқтисодистимиз, жамиятимиз ва давлатимизнинг барқарор ўсииш талабларидан келиб қайтадан барпо ўтилди, уларнинг моддий-техник бағаси, сабок бериш стандартлари бутунлай янгиланди.

Шавкат Мирзиёев

2017 йилда амалга ошириладиган тадбирлар туфайли Халк таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигин, Молия вазирлиги, Давлат тест маркази, ЎзННТМА зиммасига аҳолининг ижтимоий начор катламларининг сифатли таълим олиш имконияларини кенгайтириш максадида инклузив таълим тизими самародорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чикиш топширилди. Вазирлар

Маҳкамасининг шу борадаги карори лойиҳасида куйидаги амалий натижалар назарда тутилган:

1) ногирон болаларни зарур маҳсус адабиётлар ва ўкув кўлланмалар билан таъминлашни камраб олувчи инклузив тизимни янада ривожлантириш;

2) инклузив таълим тизими ўқитувчиларига имтиёзлар бериш;

3) жисмоний имконияти чекланган талабаларнинг олий ўкув юртларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш;

4) ногирон болаларни уйда ўқитадиган педагогларнинг ишиниң рагбатлантириш.

Бугунги кунда аксарият мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базаси замон талабларига жавоб бермайди. Болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш кўрстагиchi ҳамон пастлигича колмокда. Шу боисдан ҳам 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун жами'

2,2 триллион сўм маблаг ажратиш кўзда тутилмокда. Мактабгача таълим муассасалари тармоғи 50 та янги курилиш ҳамда мавжуд муассасаларнинг 1167 тасини реконструкция килиш ва 983 тасини мукаммал таъмирлаш орқали кенгайтирнлади.¹

Мактабгача таълим муассасалари йил давомида

Мактабгача таълим муассасаларининг 106 таси реконструкция қилинади ва 195 таси капитал таъмирланади:

Мебель ва бошқа инвентарлар билан таъминланади.

Бунинг учун умумтаълим, ўрта маҳсус қасб-хунар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамгармаси маблаглари. Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан куришиш-монтаж ишлари учун 195 миллиард сўм микдорида маблаг ажратилади.

(2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга ошириша оид Давлат дастури // Ўзбекистон Республикаси юнун ҳужжатлари туплами 2017 йил. №б. 133-б.)

4.4.1-расм.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг фолият самарадорлигини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган қатор тизимли ишлар амалга оширилмокда. Биргина 2015–2016 йиллар давомида 459 та мактабгача таълим муассасаси мукаммал таъмирланди ва замонавий талабларга мос равишда жиҳозланди.

Мактабгача таълим сифатини юксалтириш – баркамол авлодни гарбиялашнинг мухим шарти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мулжалланган иктиносий дастурнинг энг мухим йўналишларига бўшиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлиси-даги маърузасида таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва тинкидий баҳолаш, уни такомиллаштириш масаласи ҳам алоҳида ётибор қаратди. «Аввалги учрашувларда таълим ва илм-фан,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори. // «Халқ сўзи», 2016 йил 31 декабрь.

давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи тақидий таҳлил килиб берилган эди. Бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга экани сабабли ушбу соҳадаги ишлар шахсан Бош вазирга юклатилган. Биринчи вазифа – мактабгача таълим соҳасида. Очик тан олишимиз керак, биз бу муҳим соҳадаги ишларни ўтибордан четда колдиридик. Ушбу соҳада болаларни камраб олиш 27 фоизни ташкил этади¹. Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва ўкув-тарбиявий ресжаларига қўйилган давлат талабларини такомиллаштириш долзарб масалалигича колмоқда. Мутахассисларнинг тадқикотларига кўра, инсон бутун умри давомида оладиган барча маълумотларнинг 70 фоизини беш ёшгача бўлган муддатда кабул қиласди. Илк ҳаётий тасаввурлар, инсон тафаккурида пойдевор бўлувчи тушунчалар бола онгода айнан шу пайтда шаклланади. Демак, ўғил-кизларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг келажакда бахти булишида нафакат оила, шу билан бирга, мактабгача таълим муассасалари хам муҳим ўрин эгаллайди.

Мавжуд муаммоларни амалий бартараф этиш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори кабул килинди ва унинг асосида дастур ишлаб чикилди.

Мазкур карор мактабгача таълим тизими моддий-техник базини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий дастурлар ва технологияларни татбик этиш, фарзандларимизни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шартшароитлар яратиш каби долзарб масалаларни ҳал этишда муҳим

¹ Шавкат Мирзиёев. Тақидий таҳлил, катый тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси булиши керак. – Т.: «Ўзбекистон», 45-бет.

дастуруламалдир. Бинобарин, мазкур хужжатга мувофик, мактабгача таълим тизими янада такомиллаштирилиб, янги муассасалар курилади, мавжудлари реконструкция килинади ҳамда мукаммал таъмирланади. Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича ташкил килинадиган киска муддатли гурухларда ўғил-қизларнинг керакли билимларни эгаллашига алоҳида эътибор каратилади.

Шунингдек, карорда кишлок жойларда янги мактабгача таълим муассасаларини куриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган жиҳозлар, ўкув-методик кўлланмалар ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш назарда тутилган.

Бугун боғча ёшидаги болаларнинг зийраклик билан ахборот технологияларини ўзлаштириб олаётгани мактабгача таълим муассасаларида ўкув-тарбия дастурларини илгор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришни талаб этади.

Мазкур карор асосида кабул қилинган дастурда кенг кўламли комплекс тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган (4.4.2-расм).

Умумий ўрта таълим сифатини ошириш, фанларни чукурлаштирилган тарзда ўрганишга янгича ёндашув – баркамол авлодни тарбиялаш гарови. Бугунги кунда миллионлаб болаларимиз янгитдан барпо этилган ва реконструкция килинган 10 мингга яқин мактабларда, 1556 та лицей ва коллежда, 70 дан зиёд олий ўкув юртларида янги таълим тизими асосида билим ва тарбия олиб, замонавий қасб-хунарларга эга бўлиб, ҳаётда ўз муносиб ўрнини топмоқда, мамлакатимиз таълим моделининг самараси ва ракобатдошлиги халқаро майдонларда тан олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисда»ги Фармони билан мусикий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш максадида Халқ таълими вазирлигига карашли Р. Глиэр ва В. Успенский номидаги Республика нхтисослаштирилган академик мусика лицеялари, Республика ихтисослаштирилган мусика ва санъат мактаби Маданият вазирлиги тизимига ўтказилди («Халқ сўзи», 2017 йил 17 февраль).

Болалар спортини ривожлантириш ва оммавийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатидан кучайтириш,

2017–2021 йилларда куйидаги кенг қуламли комплекс тадбирлар амалга оширилади

1. Болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун илгор корижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда, зарур шарт-шароитлар яратиш.

2. Мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўкув режа ва дастурларини замонавий педагогика технология ва методларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш.

3. 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларида янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, ускуналар, ўкув-услубий кўлланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш (Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами 2,2 триллион сўм маблаг ажратилиши кузда тутилмоқда).

Амалга ошириладиган тадбирлар:

Эришириладиган тадбирлар:

1. Юқори сифатли мактабгача таълим таъминланади, болаларни мактабга тайёрлаш тубдан яхшиланади, таълим-тарбия жарабёнига муқобил дастурлар жорий этилади.

2. Болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлган 6100 та қисқа муддатли гурӯҳ ташкил этилади.

3. 3-6 ёшдаги мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинимаган болаларни, уларнинг ота-оналарини методик кўлланмалар билан таъминлаш орқали, мактаб таълимига тайёрлаш ташкил этилади.

4. Мактабгача таълим муассасалари тармогида 50 та янги бино қурилиб, мавжуд муассасаларнинг 1167 таси реконструкция қилинади, 983 таси капитал таъмирлаш орқали кенгайтирилади.

5. Қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар учун бадал тўлови 30 фоизга ча камайтирилади.

6. Болаларнинг мактабгача таълим қарори 1,5 баробар ошириша зришилади.

4.4.2-расм.

болалар спорти объектларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, спорт таълими ва спорт захираларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш максадида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро аппарати, спорт ва йўналиши бўйича 25бта спорт мактаби ва спорт йўналишидаги мактаб-интернатлар Халк таълими вазирлиги иктиёридан Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси тасарруфига ўtkazildi.

Мамлакатимиздаги 367 та умумтаълим мактабининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тадбiri туфайли йил давомида

Тадбир асосида умумтаълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва тибиёт муассасалари ни реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамгармаси маблагларидан курилиш-монтаж ишлари учун 389200 миллион сўм, жиҳозлаш ишлари учун 59000 миллион сўм молиялаштирилмоқда.

Бунда тадбир туфайли:

- ➡ 9 та янги мактаб куриш;
- ➡ 268 та мактабни реконструкция қилиш;
- ➡ 90 та мактабни капитал таъмирлаш;
- ➡ Мактабларни мебель, ўкув лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш режалаштирилган.

Кутилаётган натижа:

- ➡ Мамлакатимиздаги 367 та умумтаълим мактабининг моддий-техник базаси мустаҳкамланади;
- ➡ Ўқувчиларнинг таълим олишлари ва ўқитувчиларнинг фаболият юритишлари учун кулай шарт-шароитлар яратилади.

4.4.3-расм.

Болалар спортиниң оммавийлигини ошириш ҳамда мусика ва санъат таълимини ривожлантириш учун кулай шароитлар яратиш оркали:

I. Амалга ошириладиган тадбир туфайли:

- 1) 251 та умумтаълим мактаби курилади.
- 2) 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт заллари барпо этилади;
- 3) 9 та ёпик сузиш хавзалари курилиб, 2 таси реконструкция қилинади;
- 4) 8 та болалар мусика ва санъат мактаби янгидан курилади ва 12 таси реконструкция қилинади.
- 5) Бу чора-тадбирлар учун болалар спортини ривожлантириш жамгармаси маблаглари томонидан 373200 миллион сўм ҳажмида маблағ ажратилади.

II. Эришиладиган натижалар:

- 1) Чора-тадбирлар натижасида болалар спортиниң оммавийлиги ошади.
- 2) Мусика ва санъат таълимини ривожлантириш учун кулай шароитлар яратилади.

Болалар өз ёштарға маңсұғанлар, мамлакаттамыз өз жақон цивилизациясы тарихини, хорижий тилларни өз замонавий компьютер дастурларини чукур үрганиш вазифалари ҳәли сиफаты өз түйік ҳолда ечилгани іштей.

Шавкат Мирзиев

Умуман, умумий үрта таълим тизими ислохотларини янада демократлаштириш туфайли чет тиллар ҳамда математика, физика, кимә, биология каби бошка мұхым ва талаб юкори бүлгап фанларни чукур үрганиш ёшларнинг билим ва салохиятини янада оширишга,

мамлакатнинг баркарор ривожланишига хизмат қиласы.

Тизимда раҳбар ва педагог кадрларнинг масофадан малака ошириши бүйіча замонавий методлар жорий этилган. Биргина 2016 йилда 93 мингдан ортиқ раҳбар ва педагог кадрлар 140 та малака тоиғаси асосида үз маҳоратини оширеди.

Хозирги кунда юртимздаги умумтаълим мактабларыда 389 минг 740 нафар педагог фаолият юритмокда. Жумладан, 2016 йилда үвитувчилар билим даражасини үрганиш бүйіча синовлар үтказилди. Жами 20 минг 119 нафар үкитувчидан 17250 (89,5 фонзи) нафари синовдан мұваффакиятлы үтди. Колган 2869 нафар үкитувчи навбатдан ташкари малака ошириш курсларыда үз билимини ошириб бормокда.

2017 йил 14 январда бұлиб үтган Вазирлар Маҳкамасынинг кенгайтирилған мажлисида давлаттамыз раҳбари таълим-тарбия тизиміда үкув режа ва дастурларини тубдан қайта күриб чиқиш зарурлигини қайд этди. Таълим муассасаларыда дарсларни самаралы ташкил этишда, етуқ кадрлар билан бир каторда таълимга доир меъерій хужжатлар, үкув-услубий таъминотнинг үрни катта. Президенттің томонидан үкитишнинг замонавий методологиясіні яратыш ва амалиётта жорий этиш, үкувчиларнинг онгли равишида касб-хунар танлаш иштиёқини кучайтириш, дарсликларни яратышға бутунлай янгича ёндашиш каби долзарб вазифалар айнан шу мақсаддан келиб чиккан ҳолда қўйилмокда. Ҳакиқатан ҳам, глобаллушув жараённинг жадаллашуви үкув дастурларини тубдан қайта күриб чиқышни, кенг билимга зәға бүлгап, мантикий фикрлай оладиган ёшларни вояға етказишига хизмат қиладиган, такомиллашған меъерій хужжатлар, үкув-методик мажмуаларни яратышни тақозо этмоқда.

Методик хизматнинг ўқитувчи эҳтиёжига асосланган янги шаклларини яратиш, таълим сифатини баҳолаш жараёнга ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбик этиш ҳам мухим вазифалардан ҳисобланади. Бу каби ишларнинг йўлга қўйилиши айни пайтда аҳолининг ҳақли эътиrozига сабаб бўлаётган бир катор муаммоларни, жумладан, ўқув муассасаларида таълим-тарбия жарайенидаги камчиликларнинг барҳам топишига хизмат қиласи.

Мактаб ўқувчиларига чет тилини ўргатиш борасида ўзига хос ёндашувлар танланди, хусусан, болалар чет тилини ўрганиш баробарида, миллый қадрият ва анъянларни изга солиши тириган ҳолда, тили ўрганилаётган ҳалк маданияти билан танишади. Дарсликларга ўзбек ҳамда жаҳон адабиёти ижодкорлари ижодидан намуналар ҳам киритилганки, бу болаларда мутолаа маданиятини шакллантиришга хизмат қиласи.

Касб-хунар коллежи талабаларини бозор иқтисодиёти таълабларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириши. 2017–2021 йилларда амалга ошириладиган тадбирлар туфайли мамлакатимиздаги 135 та ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланади. Сўнгги йилларда коллеж битирувчилари томонидан ўз бизнесини ташкил этишга бўлган интилиш кучайиб бораётганини яккол кузатиш мумкин. Битирувчиларнинг ўз бизнесини ташкил этиш истаги ошиб боришига кўйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

1. Коллежларда таълим-тарбия иши замон талаблари даражасида ташкил этилаётгани, ўқув устахоналарининг соҳага оид энг илгор воситалар билан жиҳозлангани натижасида битирувчиларда ўзи танлаган мутахассислик бўйича етарли билим ва касбий кўнингмаларни ўзлаштириш имкони кенгайиб бормоқда.

2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик давлат томонидан ҳар томонлама кўллаб-куvvatlamоқда.

3. Битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш максадида худудларда «Микрокредитбанк», Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда «Ёш тадбиркор – юрга мададкор», «Менинг бизнес ғоям» каби мавзуларда турли семинарлар ва курик-танловлар ташкил этилмоқда.

4. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагини билдирган битирувчиларга имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Касб-хунар колледжлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига давлат раҳбарининг бевосита жон кўйдериши бежиз эмас. Бу – мамлакат эртасининг ҳал килувчи кучи бўлган ёшлар хаёти, қолаверса, уларнинг ортида турган одамлар, оиласлар тақдирига даҳлдор бўлган масаладир.

Касб-хунар колледжлари битирувчиларининг корхоналарни танлаши қўйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилмоқда:

- бўш иш ўринларининг мавжудлиги;
- ўкувчи ва талабалар учун иш ўринларини ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги;
- меҳнат бозорида ракобатдош, юкори талабга эга мутахассисликка ўргатиш имкониятининг мавжудлиги;
- доимий иш ўрнига қабул қилиш имкониятининг мавжудлиги;
- касб-хунар ўқитиш, малака ошириш шароитларининг мавжудлиги.

Акциядорлик тижорат «Қишлоқ курилиш банк» кичик бизнес субъектларини қўллаб-кувватлаш максадида банкнинг ўз маблағлари хисобидан касб-хунар колледжлари битирувчиларига 26,6 миллиард сўм микдорида кредит ва микрокредитлар тақдим этди («Халқ сўзи», 2017 йил 26 январь). (4.4.4-расм)

**Мамлакатимизда 135 та ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасининг
моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тадбири туфайли**

Амалга ошириладиган тадбирлар:

- ➡ 44 та ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси реконструкция қилинади;
- ➡ 91 та ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси капитал таъмирланади;

(2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича
Харакатлар стратегигаси «Халқ билан мурокот ва инсон манфаватлари йили»да амалга оширишга онд
Давлат дастурни Ўзбекистон Республикаси кунун қуложатлари тўплами 2017 йил, №6. 133-б.)

Эришиладиган натижалар:

- ➡ Мамлакатимиздаги 135 та ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланади;
- ➡ Ўкувчиларнинг таълим олишлари ва ўқитувчиларнинг фаолият юритишлари учун кулагай шарт-шароитлар яратилади.

4.4.4-расм.

Таълим ва ўқитиши сифатини баҳолашнинг ҳалқаро стандартларига ўтишда олий таълим муассасалари фаолияти ва самарадорлигини оширишдаги устувор вазифалар. Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони – 60 та, ОТМ филиаллари – 11 та, хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари – 7 тани ташкил этади.

Бугунги кунда олий ўкув юртларимизда 260 минг нафардан зиёд талаба ҳаётнинг ўзи талаб этаётган 850 дан ортик йўналиш ва мутахассисликлар бўйича билим олишмоқда.¹

Биргина 2016 йилнинг ўзида олий таълим тизими ривожланшини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган 10 дан ортик меъёрий-ҳуқукий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини янада такомиллаштириш, олий таълим тизимини хорижий ўкув ва илмий адабиётлар билан таъминлашга қаратилган қатор фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши ёшларимизнинг жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги таълим стандартларига тўла мос келган билимларни эгаллашларига, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини оширишга хизмат килмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1533-сон Қарори бўйича 2011–2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортик маблаг маблағ йўналтирилди. Мамлакатимиз

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга булиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол тониши, баҳти бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбор этамиз.

Шавкат Мирзиёев

¹ О. Жамолитинова, Ф. Аминов. Замонавий билим ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар – буюк келажагимиз кафолати // «Маърифат», 2016 йил 26 ноябрь.

олий ўкув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтириластган маблаглар ҳажми тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. 2016 йилда 13 та олий таълим муассасаси, жумладан, Коракалпогистон, Бухоро ва Самарқанд давлат университетлари, Фарғона политехника институтидаги қурилиш ва реконструкция ишларида 355 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Шунингдек, Тошкент давлат стоматология институти бинолари, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти филиалларининг янги ўкув корпуслари қурилди».

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахassisлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастури:

1) ўкув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг туаржойларини куриб, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритилган олий таълим муассасаларининг рўйхатини ўз ичига олди;

2) олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий-тадқиқот лабораториялари ўз рўйхатига эга;

2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш реконструкция, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича киймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Андижон давлат университети, Бухоро мухандислик технологиялари институти, Узбекистон Миллий университетида янги ўкув бинолари барпо этилди. Узбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 2 минг 200 талабага мўлжалланган янги замонавий ўкув корпуси, спорт мажмуаси, шунингдек, ўкув жараёнига жалб этилган хорижлик мутахassisлар учун меҳмонхона барпо этилди. Навоий давлат кончилик институтида янги ўкув биноси қурилди. 2014 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети, Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида Тошкент давлат стоматология институти филиаллари очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июн-даги «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК–1990-сон карори ижроси

Худудлардаги олий таълим муассасалари учун

Амалга ошириладиган тадбирлар:

- ➡ Илмий-педагогик кадрлар захирасини яратиш мақсадида таянч олий таълим муассасаларида магистратура ва докторантурага мақсадли қабул кюнотлари жорий этилади.

Эришиладиган натижалар:

- ➡ Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим муассасаларига қабул бўйича қарорига тааллуқли таклифлар ишлаб чиқилади.
- ➡ Худудлардаги олий таълим муассасалари учун илмий-педагогик кадрлар тайёрланади.
- ➡ Чекка худудлар учун мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга учун шароитлар яратилади.

4.4.5-расм.

юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1602-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2004 йил 20 юилдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 341-сон қарорига мувофик, шунингдек, Тошкент давлат юридик университетида ўкув жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Адлия вазирлиги қарори асосида Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низом ишлаб чикилиб тасдиқланди.

Низомга кўра, университет талабалари (бундан буён матнда талабалар деб юритилади) билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг мақсади – юкори малакали, ракобатдош, мамлакатда ўтказилаётган демократик ва хукукий ислоҳотларнинг юкори талабларига, замонавий ҳалкаро стандартларга жавоб бера оладиган юридик кадрларни тайёрлаш ҳамда талабаларда мустакил таълим олиш,

Биз 2017-2021 йилларда олий ўкув юртлари тизимини янада ривожлантириш дастурини қабул қилиб, ушбу соҳадаги мавжуд музамматарни бартараф этишга, олий таълики тизимини янги сифат босқичига кўтаришга катмиқ бел болгаганимиз.

Шавкат Мирзиёев

таълим сифатини бошқарган ҳолда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларида тизимли таҳлил килиш ва бошқарув кўникмаларини ривожлантириш, талабаларнинг модулларни ўзлаштиришида бўшликлар ҳосил бўлишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат. Шунингдек, модуль алоҳида ўкув фани бўлиб, ўзида билимга оид ҳамда касбий жиҳатларни қамраб олади ва талабанинг фан дастурини ўрганиши натижасида шаклланган билим, кўникма ва малакаларини назорат килишнинг тегишли турни билан якунланади.¹

«2017–2021 йилларда Узбекистон Республикасида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш Дастурини ишлаб чиқиш» билан боғлик Президент қарори лойиҳаси натижасида:

1) академик соҳа, ўкув дастурлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланади, бунда:

– ўкув жараёнини ташкил этиш;

– пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг кўшимча манбаларини излашда олий ўкув юртлари ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустакиллиги босқисчма-босқич ривожлантирилади.

2) миллый кадрларнинг ракобатдошлигига ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллый тизимининг сифати ошишига олиб келади.

– Болония жараёни иштирокчи мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олиш;

– ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999 йил 19 июндаги Болония декларациясига кўшилиш масаласи кўриб чиқилади.

Илм-фан таракқиётининг янги босқичи: фан, илмий-талқиқот, инновацион ютукларни рагбатлантириш ва уларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш ҳамда ихтисослашган лаборатория, юкори технология маркази

¹ Тошкент давлат юридик университетида ўқитишининг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат килиш тартиби ва баҳолаш месозлари тўғрисидаги низомии тасдиқлаш ҳакида// Узбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 172-модда.

лари ва технологияларни жорий этиш. 2016 йил 30 декабрда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашуvida қайд этганидек, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш мухим аҳамиятга эга. Бугун жаҳоннинг етакчи университетлари, илмий марказлари ва фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни замоннинг ўзи талаб килмоқда. Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур килиш қийин. Илм-фан тараккиётида фундаментал тадқикотлар мухим аҳамият касб этади. Айнан улар оркали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади. Келгуси амалий тадқикотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади.

Бугунги замон барча соҳалар каторнда илм-фанин ҳам янги боскичга кутаришн талаб килмоқда. Бу борадаги ишлар бугун изчил ва тизимли давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 февралда кабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш тўғрисинда»ги фармонида мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий тараккиётида илм-фанинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, юкори малакали қадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш каби катор мухим чора-тадбирлар белгиланди.¹

Президентимиз Фармонида мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий тараккиётида илм-фанинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, юкори малакали қадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш каби катор мухим чора-тадбирлар белгиланди.

¹ Шавкат Мирзиёев. Илм-фан ютуклари – тараккиётнинг мухим омили// «Халқ сўзи», 2016 йил 31 декабрь.

Биз бу ўннатишдаги ишларимизни танқидий баҳатаган ҳолда, 2017–2021 йилларда олий ўқув юртстари тизимини янада ривожлантириши бўйича дастур ишлаб чиқамишимиз ва уни ҳаётга татбиқ этишишимиз керак бўлади.

Шавкат Мирзиёев

Агар иқтисодий жиҳатдан энг тараккӣ этган давлатлар тажрибасига назар ташласак, бу юксалиш замирида илм-фанни тубдан ривожлантириш турганига гувоҳ бўламиз. Мисол учун, Японияни олайлик. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг «Кунчикар юрт» жуда-ям оғир аҳволга тушиб колган эди. Уша вактда бу ўлкада асосий эътибор инсоннинг бошини «тўйдириш», яъни унга кучли билим беришга қаратилди. Натижада илм-фан тараккиётiga ажратилган сармоя бугунги кунгача ўзининг ижобий самарасини кўрсатиб келяпти. Бугун илф-фанга қаратилаётган эътибор ҳам узокни кўра билиш, ёргу келажак сари ташланган қадамдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг етакчи илм-фан намояндалари билан бўлган мулокотида кўп масалалар муҳокама килиниб, таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди, яъни куйидаги долзарб масалалар тилга олинди:

1. Мамлакатимизда юкори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўплиги, улар ўз мактабларини яратиши, шогирдлар тарбиялаши лозим.

2. Жаҳоннинг етакчи институтлари, илмий марказлари ва Фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш. Ўзбек олимлари жуда ҳам катта захира тўплаганлар, уни ривожантириш зарур.

3. Юкори салоҳиятга эга кадрлар тайёрлаш масаласини такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юкори малакали мутахассислар, дунё даражасидаги янги олимлар авлодини тайёрлаш даркор.

4. Илм-фан тараккиётida фундаментал тадқикотлар муҳим аҳамиятга эга. Айнан улар оркали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқикотлар ҳамда инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади.

5. Илм-фан иқтисодиётнинг барча тармоғи тараккиётida катта ўрин тутади, давлат эса бу йўлда аввало олимларга суюнади. Чунки, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграция бўлиши – долзарб масала.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий ва интеллектуал меросини кўз корачигидек асраб-авайлаш ҳамда кўпайтириш, шунингдек, ёш авлодни умуминсоний ва миллий анъаналар ҳамда қадриятлар рухида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Таъкидлаш

керакки, мазкур масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январдаги кенгайтирилган мажлисидаги мъурузасида, Фанлар академияси аъзолари билан ўтказган учрашув ва мулокоти давомида бу борада асосан иккита асосий вазифани ҳал этиш лозимлигини баён этди:

1. Илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимларнинг талабларига мувофик, сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёjlари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт.

2. Академикларни ҳар тарафлама қўллаб-кувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш лозим.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб академикларга энг кам ойлик иш ҳакининг 10 баробари микдорида жисмоний шахслар даромалига солинадиган соликлардан озод этилган ойлик ганорар белгиланади. Бундан ташқари, улар учун санаторий муассасаларида ҳар йили бепул согломлаштириш курсидан фойдаланиш ҳукуки назарда тутилди. Академиклар илмий, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жалб этилиб, уларга юкори малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этишлари учун зарур имкониятлар қратилмоқда.

Агар сен ҳалқингни бир йил бўқмоқчи бўлсанг, будой эк, ўн йил бўқмоқчи бўлсанг дараҳт эк, агар асрлар давомида бўқмоқчи бўлсанг билим эк.

Конфуций,
Хитой файласуфи
(милоддан аввали 551–479 йиллар)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқикот ишларини ташкил этиш, бошариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори илм-фан соҳасида тўпланиб колган муаммоларни ҳал этишга қаратилган кенг кўламли аниқ мақсадли ишларни амалга оширишни кўзда тутади. Мазкур

карор мунособати билан замонавий талаблар асосида Фанлар академиясининг асосий вазифа ва фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

1. Илмий тадқиқот инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш массадида Фанлар академияси таркибида бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ташкил қилиниб, қатор муассасалар Фанлар академияси таркибига кайтарилди. Бу эса турли фан тармоқлари бўйича мавжуд илмий салоҳиятни мужассамлантириб ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради;

2. Фанлар академияси бошқарув аппарати ташкилий тузилмаси янада такомиллашади. Унинг таркибида физика-математика, техника фанлари, кимё-биология фанлари, ижтимоий-гуманитар фан бўлимлари, Фанлар академиясининг Навоий бўлими ташкил этилмоқда.

3. Фанлар академиясининг Коракалпогистон ва Навоий бўлимлари, Хоразм Маъмун академияси раислари мавкеи академия вице-президенти даражасига тенглаштирилди.

4. Илмий-тадқиқот муассасаларининг хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятидан тушган соғ фойданинг 10 фоизи ажратмалари хисобидан шаклланадиган, салмоқли натижага эришган ФА илмий ходимларини рагбатлантириш жамгармаси ташкил этилмоқда.

5. Ўзбекистон Бош вазири раҳбарлигида Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси тузилиб, унинг зиммасига илмий техника соҳасида ягона давлат сиёсати ишлаб чикилиб, унинг устувор йўналишлари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ташкил этилмоқда.

6. Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси кошида юридик шахс макомига эга бўлган илмий-техник фаолияти кўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамгармаси ташкил этилиб, куйидаги массадга йўналтирилмоқда:

1) илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида янги типдаги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ташкил этилмоқда;

2) олимларимиз томонидан давлат илмий-техник дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларини чет элда рўйхатдан ўтказиш харажатларини коплади;

3) замонавий лабораторияларни илмий асбоб ва ускуналар билан узлуксиз таъминлайди;

4) илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг жаҳондаги етакчи илмий электрон маълумотлар базасидан эркин фойдаланиши учун сарфланади;

5) ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий марказлардаги киска муддатли илмий стажировкаларини молиялаштиради¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг карори лойиҳасида куйидаги масалалар акс эттирилди:

1) илмий-тадқиқот муассасаларининг инновацион инфратузилмасини ривожлантириш, истиқболли соҳаларда кичик инновацион корхоналар, технологияларни ташкил этиш (биотехника, фармацевтика, озик-овқат саноати, электроника, роботтехникаси, металлургия, нанотехнология);

2) интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқукларни (муаллифлик ҳуқуки, турдош ҳуқуклар, ихтиrolарга оид ҳуқуклар ва бошқалар) бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, шунингдек, бу соҳадаги давлат назоратини кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бу фармонга мувоғик фан номзоди ва докторлик илмий даражасини бериш масаласи кайта кўриб чиқилди.

Умуман, иктисадиётнинг инновацион тараққиётини таъминлаш шим-фаннинг ролини кучайтиришда амалга оширилаётган тизимли ишларнинг давоми бўлиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини муваффакиятли амалга оширишга хизмат килади.²

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиши, бошқарини ва молиялаштиришни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // «Халқ сўзи», 2017 йил 18 февраль.

² Ўзбекистон Ревпубликаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль.

Нафақат академик илм-фанинниң балкы алий үкүв юрттаридаги илм-фанинни ривожлантириш тарур. Бүнгә Фанлар академиясы тұзғалари билан яқында үтказылған учрашув ес азок муддатты мұндағы давамыда қаттың ишонч қытдым.

Шавкат Мирзиев

Умуман, хуоса қилиб айтганда, мустакиллик йилларыда мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими жағон талаблари дараражасыда, юксак маңнавият заминида курилиб, давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминланды.

Минланди. Узлуксиз таълим тизими умумдауда дастурлари, мактабгача тарбия, бошланғич, умумий ва мактабдан ташкари таълим асосида амалга оширилмоқда. Эндилекда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини ривожлантириш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасыда килинаётган ишлар мухим ахамият касб этади. Мактабгача таълим сифатини юксалтириш, умумий ўрта таълим сифатини ошириш, фанларни чукурлаштирилген тарзда ўрганишга янгича ёндашув юксак тараккиёт гарови ҳисобланади. Касб-хунар колледжі талабаларини бозор иктисадиеті талабларига жавоб берадиган мутахассисліктар буйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш давлатимиз ва жамиятимиз, махаллий хокимияттарнинг эътибор марказыда турибди. Шунингдек, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларига үтишда олий таълим муассасалари фаолияти ва самарадорлигини ошириш тақозо этилмоқда. Илм-фан тараккиётининг янги босқичи, янги фан, илмий тадқиқот, инновацион ютукларни рағбатлантириш ва уларни амалиётта жорий этишнинг самарали механизмлари яратылмоқда.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириши ва мустаҳкамлаш борасыда қандай ишлар изчил давам этирилди?
2. Умумтаълим мактабларининг 9-сinf бити्रувчиларини, айниқса, қишлоқ жойтарда касб-хунар колледжларига жалб этиши ишлары ҳақида гапириб беринг.
3. Юртимизда касб-хунар колледжлари бити्रувчиларини иш билан таъминлашы қандай эътибор қарата илмоқда?

4. Касб-хунар колледжлари билан иш берувчи корхоналар ўртасида қандай кооперация алоқалари ўрнатылди?
5. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашга қаратылған ислоҳоттар ҳақида нималарни биласиз?
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаши ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада тақомиллаштириши тұғрисида»ги Фармонидан қандай мақсадлар күзланған?
7. Олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлык илмий ишларини тайёрлаши ва ҳимиоя қылыш, илмий даражаса ҳамда илмий унвонлар бершишине қандай тизими жорий этилмоқда?
8. Олий таълим тизимининг мамлакатимизни модернизация қылышдағы ўрни қандай?
9. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йыл 30 декабрда мамлакатимиз етакчи илм-фан намояндайлари билан учрашуви мазмун-моҳияти ҳақида қандай фикрдасиз?
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йыл 29 декабрдағи «2017–2021 йилларда мактабгерча таълим тизимини янада тақомиллаштириши чора-тадбирлари тұғрисида»ги Қарорида күтарилған муаммолар таҳтигини баён этинг.

4.5. ЕШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2017 йыл 7 февралда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев томонидан қабул килинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тұғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармоннинг 4-бандида «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур Фармоннинг 1-банди билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Жисмонан соғлом,

Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулокот қилиш, утарнинг дарду ташенишлари, орзинилтлари, ҳадтый муаммо ва ҳитиёжларини яхши билиш керак.

Шавкат Мирзиёев

рухан ва аклан ривожланган, мустакил фикрлайдиган, Ватанга содик, катый ҳастий иуктаи назарга эга ёшларин тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини кўллаб-куvvатлаш ва рӯёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оиласалар учун муносаб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» деб номланган алоҳида банд (4.5-банд)да акс эттирилди ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бирининг таркибида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг ташаббуси билан «Халқ билан мулоқот ва инсон манбаатлари йили» деб аталган 2017 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида жиддий ишлар қилиниши – 25 та топширикнинг бажарилиши аник килиб белгилаб кўйилди.

Маълумки, 2016 йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг 33 моддадан иборат «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ–406-сон Конуни қабул қилинди. Мазкур Конуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги 429–XII-сон Конуни ўз кучини йўқотди. Конунларни қабул қилиш масаланинг бир жихати бўлса, уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш унинг бошқа бир жихатидир. Шу ўринда «ёшларга оид давлат сиёсати» тушунчаси нимани англатишини билиб олишимиз лозим. *Ёшларга оид давлат сиёсати* деганда,

давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жихатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошка йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шартшароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий ва хукукий чора-тадбирлар тизими тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Конуни 6-моддасининг I-кисмида «*ёшларга оид давлат сиёсати давлат дастурлари, худудий ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин*», деб белгилаб қўйилган. Ўша модданинг иккичи кисмида «*Давлат дастурлари, худудий ва бошқа дастурлар ёшларни ижтимоий қўллаб-куватлаш, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рӯёбга чиқаришини таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиши, жамият ҳаётida уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш, соглом ва баркамал ёш авлодни тарбиялаш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади*», дейилади. Шундан келиб чикиб, 2017 йилда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карори асосида тасдиқланадиган мазкур дастур доирасида ёшларнинг хукукий маданиятини юксалтириш, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чукур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мағкуравий таҳдидларга карши иммунитетни шакллантириш, иктидорли ёшларни қўллаб-куватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рӯёбга чиқаришга кўмаклашиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Мазкур дастурнинг ижроси бўйича давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мутасадди ходимлари Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлат дастури ижросини жойларда сифатли таъминлашга қаратилган билим ва қўнікмаларини оширишга хизмат қиладиган давра сұхбатлари ва

семинарлар үтказади. Бундай ишларни бутун йил давомида амалга ошириш лозим бўлади.

Шу ўринда «ёшлар» тушунчасининг юридик мазмунига тұхтабиб үтайлик. Хўш, ёшлар деганда конун хужожатлари кимни назарда тутади? «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Конуннинг 3-моддасига мувофик, «ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар»дир. *Ёш оила* деганда, эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бала) тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан, никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл) тушунилади. *Ёш мутахассис* деганда, олий ёки ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасасини битирган, таълим муассасасини битирганидан сўнг олган ихтисослиги бўйича учни ўттиз ёшдан ошмаган ходим тушунилади. *Ёшлар тадбиркорлиги* деганда эса, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек, таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Конуннинг 5-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Ана шундай йўналишлардан бири сифатида ёш оиласири мавзаний ва моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш. улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Конуннинг 9-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатини рӯёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизимиға таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғликни саклаш тизимини бошқариш органлари ва соғликни саклаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари бўйича органлар, меҳнат органлари, прокуратура органлари, ички ишлар органлари, адлия органлари, мудофаа ишлари бўйича органлар кириши билан бир каторда, бу борада бошқа органлар ва муассасалар ҳам конун хужожатларига мувофик иштирок этиши мумкинлиги

белгилаб берилган. Шундан келиб чикиб, ёш оиласарни құллаб-куватлаш ва уй-жой билан таъминлаш мақсадида худудларда «Камолот» үйларини қуриш ва имтиёзли кредит асосида фоол ёштарға тақдым этиши вазифаси белгиланди. Бундай үйлар лойиха-смета хужжатлари асосида тижорат банклари кредитлари эвазига курилади. Мамлакатнинг ижтимоий ҳәтида фоол катнашаётган ёш оиласарни янада құллаб-куватлаш максадида улар замонавий уй-жойлар билан таъминланади ва уларга узок муддатлы ипотека кредитлари ажратилади.

Узбекистон Президентининг халқимиз үртасида, айникса ёшлар орасида китобхонлик анъанасини янада жонлантириш, китоб мутолаасига кенг зътибор қаратиш буйича амалга ошираётган сайды-харакатлари диккатга сазовордир. Ана шу йўлда 2017 йилнинг сентабрь ойида ўкувчи ёшларнинг мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлаш максадида таълим муассасаларида «Мен севиб ўқиган китоб» ва «Энг яхши китобхон» танловлари ташкил этилади. Бунинг учун бюджетдан ташқари маблаглар ва хайрия маблаглари хисобидан 160 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган. Бундай тадбирлар воситасида ўкувчи ёшлар турли ёт гоя ва мафқуралардан ҳимоя килинади, уларнинг мафқуравий иммунитети мустаҳкамланали ҳамда жамиятда юксак маънавиятни карор топтиришга ҳисса қўшилади.

2017 йил давомида аҳоли, айникса, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини янада тўларок кондириш максадида «Алабиётга зътибор – маънавиятга, келажакка зътибор» шиори остида Республика «Китоб байрами» анъанавий тадбири ва унинг доирасида «Китоб – миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси» мавзусида илмий-амалий конференция ва «Болалар китоблари» анъанавий республика фестивали ташкил этилади ва ўтказилади. Ҳар бир туман марказида китоб дўконлари очилади ва улар янги асарлар билан бойитилади. 40 га якин номдаги ўзбек мумтоз ва ҳозирги замон адабиёти, жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналари нашр этилади ва худудларда, хусусан, республика ахборот-ресурс марказларида уларнинг тақдимоти ўтказилади. Бундай эзгу ишларни амалга оширишлан адабиёт орқали ҳалқ маънавиятини юксалтириш, оиласавий китоб ўқиши анъаналарини кенг тарғиб қилиш, ёзувчи ва

китобхон ўртасидаги мулокотни кучайтириш, ёшларни интелектуал ривожланган ва маънан баркамол қилиб вояга етказилида китобининг ўрни ва аҳамиятига, китоб мутолааси маданиятни бўлган ўтиборни кучайтириш мақсад килиб олинган.

Ўсиб келаётган авлоднинг китоб ва бошқа босма маҳсулотларга қизиқишини ўстириш максадида Ўзбекистон халқинин маданий-маърифий мероси, тарихи бўйича адабиётлар чикарувчи нашриёт уйлари, босмахоналар, асар муаллифларига солик ва бошқа преференциялар тақдим этилади, иктиносидий рағбатлантириш чоралари кўрилади.

Ёшларни она Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда санъатга бўлган қизиқиши кучайтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритиш максадида бутун йил давомида Ўзбекистон Бадиий академияси ва бир қатор вазирликлар ташкилотчилигида юртимизнинг чекка ҳудудларида Бадиий академия тизими ташкилотлари ва таълим муассасалари ҳамкорлигида *халқ рассомлари, халқ устаслари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун «Бунёдкор ҳалқим билан мулокот – ижодим илҳоми» мавзусида маҳорат дарслари ва ижодий учрашувлар* ташкил этилади.

2017 йилнинг биринчи чорагида 2016/2017 ўкув йилининг 450 минг битирувчиси билан 200 минг корхона ва ташкилот, шунингдек, бир қанча таълим муассасалари маъмурияти ўртасида тўрт томонлама шартномалар тузилади, 803 та ихтисослаштирилган буш иш ўринлари ярмаркаси бевосита касб-хунар колледжларида ўтизалиди, тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўймокчи бўлган талабаларга 360 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилади, ногирон ва кам таъминланган оила фарзандлари бўлган коллеж битирувчилари учун 50 мингта иш ўринлари банд килинади (квоталанади). Ўрия маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган бундай вазифаларни белгилашдан мақсад – ёшларни касб танлашга йўналтириш, ўрга маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чикиш, битирувчиларга ишлаб чикириш амалиётларини ўташлариришга кўмаклашишдан иборат.

Ёш автодни тарбиялаш, унинг маънавияти ва маданиятини юксатиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш максадида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Бу чора-тадбирлар куйидагилардан иборат:

- «Биз-Ватанга таянчмиз», «Бизнинг энг катта таянчмиз ва суюнчмиз, ҳал килувчи кучимиз-ёшлар» деган шиорлар остида акциялар ташкил этиш;
- «Адабиёт ва санъат – шахс маънавиятини бойитиш ва юксатириш омили» мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокида учрашувлар ташкил этиш;
- бадий адабиётларни инвентаризацияда ўтказиш, ахборот ресурс марказларини янги китоблар билан бойитиш;
- «Оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги» мавзусида ахборот ва методик материаллар тайёрлаш;
- Ватанимиз равиакии таъминланша ёшларнинг масъулиятини оширишга қаратилган «Энг буюк жасорат – маънавий жасоратdir» мавзусида давра сұхбатлари ташкил этиш;
- ёшлар онгига таҳдид солувчи ахборот хурожларининг олдини олиш, ёшларда Интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар ташкил қилиш;
- «Фуқаролик жамиятида шахс тарбияси ва унда оила институтининг ўрни» мавзусида анжуман ўтказиш.

2017 йил учун белгиланган вазифалар категорида Вазирлар Махкамасининг кириш синовларида чин етим, етим ва ногиронларга имтиёзлар яратиш, педагогларнинг илмий, услубий, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишлари самарадорлигини оширишни кўзда тутувчи карорини кабул килиш ҳам бор. Мазкур карорни кабул килиш асосида тўлик давлат таъминотидаги етим болалар, ота-она қаровисиз колган болалар ҳамда I-гурух кўзи оғиз ногиронларга таълим олишда кенг имкониятлар яратилади. Уларга олий таълим муассасаларига қабул килишида алоҳида давлат гранти ажратган холда, имтиёзлар белгиланади, худудларда айrim иўналишлар бўйича максадли қабул квоталари тасдикланади. Педагогларнинг илмий, услубий, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишлари бўйича фаолиятини соатлар микдорисиз,

иш турлари ва мазмуни асосида лавозимларга қўйилган маълака талабларига мувофик белгиланади.

Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириши лозим, Бунинг учун Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш керак.

Халқимизда «Яхши дам – меҳнатга ҳамдам» деган макол бор. Ёш авлодни баркамол килиб вояга етказиш давлат сиёсати дараҷасидаги вазифалардан бири экан, ёшларнинг, айникса, талаба ёшлар яхши хордик чиқаришлари ва мазмунли дам олишларини таъминлаш максадида кўп ва жиддий ишлар амалга оширилиши лозим. Ана шундай ишлардан бири – бу Тошкент шаҳридаги Тала-балар шаҳарчасида маданий дам олиш марказини ташкил этиш ва ундан бепул фойдаланишни йўлга қўйишdir. Бу ишлар инвеститори дастури доирасида Давлат бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилади.

2017 йил юртимизда «Халк билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Бу борада ёшлар билан ҳам бевосита мулокотни йўлга қўйиш бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотлари изчили фаолият олиб боришлари керак. Республикада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан ижтиомий тармокларда тўғридан-тўғри узатиладиган очиқ мулокотлар ташкил этиш максадга мувофиқdir. Мулокотлар ёшлар масалалари билан шугулланувчи вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда ёшлар масалаларига оид саволларга тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан тўлик жавоб берилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, уюшмаган ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратилиши керак. Бу максадда маҳаллаларда замонавий спорт майдончаларини барпо этиш, уюшмаган ёшлар ўртасида мусобақалар ташкил этиш (street sport) лозим. Агар жамият аъзоларининг барча қатламлари, айникса ёшлар спорт билан мунтазам шугулланса, бу соғлом авлод тўғрисидаги максадларимизизнинг ҳастий ифодаси демаклир.

Барчамизга яхши маълумки, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб килишига, ёшлиарни спортга бўлган қизиқишларини оширишга йўналтирилган уч боскичлн спорт мусобакалари («Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада») йўлга кўйнлган. Мана шундай тадбирлар доирасида Жиззах вилоятида 2017 йилнинг май ойида «Баркамол авлод» спорт мусобакалари ўтказилади. Шу муносабат билан спорт мусобакалари финал боскичи ўтказилади. Таълим муассасалари таъмирланади ва жиҳозланади. Бунинг натижасида ўкувчи ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлишлари учун тегишли шароитлар яратилади.

Олий таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган чин етим, Мехрибонлик уйида тарбияланган ва ота-онаси ота-оналиқ ҳукуқидан маҳрум килинган, кам таъминланган оиласалардаги иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида «Таълим гранти», «Касаба уюшмалари стипендияси» лойиҳалари асосида стипендиялар тўлаш бутун йил давомида амалга ошириб борилади. Ушбу ишларни ташкил этиш натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, иқтидорли талабаларга олий таълим муассасасида таълимни давом эттириш учун имконият яратилади ҳамда уларнинг харакати, билими ва интилиши моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Халкими: бой тарихга ва миллий анъаналарга эга. Миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз орасида ўзимизга хос ва ўзимизга мос бўлган қатор миллий ўйинларимиз мавжуд. Ана шундай ўйинларимизни замонавий ахборот технологияларига чиройли тарзда жойлаштирасак ва бундан ёшларимиз бўш вактларидан унумли фойдаланган ҳолда ўз салоҳиятини ва қобилиятини бойитиш максадида фойдаланса, нур устига аъло нур булади. Ана шу максадда мобиль Интернет фойдаланувчиларига мўлжалланган, ёшларни юксак ахлоқий рухда тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қиласиган миллий ўйинларни ташкил этиш лозим. Бунинг натижасида ёшларнинг бўш вактини фойдали ўтказишга каратилган Ўзбекистон Республикасидаги мобиль Интернет фойдаланувчилари учун мўлжалланган миллий ўйинлар яратилади.

Юртимизда илғор ёшларни бирлаштиргаи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолият юритмоқда. Мазкур ижтимоий ҳаракатнинг маблаглари ҳисобидан бутун йил давомида мамлакатимизнинг ҳар бир худуди марказида «Камолот» китоб дўконлари фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган. Бундай хайрли ишлар орқали ёшларни бўш вактини мазмунли ўтказишларига, уларнинг китобга бўлган қизикишларини оширишга эришилади.

Ёшлар ўртасида маданият ва санъат асарларига бўлган қизикишни ошириш, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган хунармандлик анъаналарини тарғиб килиш, ёш авлодни ватан-парварлик, миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш ва касб-хунарга қизикишини ошириш мақсадида «Халқ амалий санъати – ёшлар қалбида» халқаро амалий санъат кўргазмасини ўтказиш белгиланган. Иктидорли ёшларни излаб топиш, уларни рағбатлантириш, ижодий салоҳиятини юксалтириш ва катта саҳналарга олиб чиқиш, ёшлар эътиборини мусика ва санъатга қаратиш, бўш вактларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, ёш иктидорли ижодкорларни излаб топиш ва уларнинг ижодини рағбатлантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, мустакиллик гояларига садокат ва фидойилик руҳида тарбиялашга хизмат килувчи «Бахор нафаси» халқаро санъат фестивалини, «Мусикага чорлайди, ёшлар!» маданият ҳафталигини, «Сени куйлаймиз, замондош!» Ўзбекистон театрларининг IV Республика кўрик-фестивалини, «Онам айтган аллалар» фестивалини, «Ёшлик баҳори» республика ёш опера ижрочилари фестивалини, «Созлар навоси» халқ чолғулари ижрочилари республика танловини ва ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига киритилган «Шашмақом», «Аския», «Палов» ва бошка номодий маданий мерос намуналари бўйича «Ўзбек маданий мероси – жаҳон нигоҳида!» номли фестивалини ўтказиш 2017 йилнинг энг муҳим ва йирик маданий тадбирларидан деб ҳисобланишга лойик тадбирлардир.

Мана, бир неча йилларки, юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ниҳол» мукофоти саралаш босқичлари ва уни тантанали равишда топшириш маросими юкори савияда ўтказиб келинади. Бундай тадбир 2017 йилда ҳам бўлиб ўтади. Мазкур тадбирнинг бош мақсади ижодий салоҳиятга эга ва истеъодоли ёшлар-

ни рүёбга чикариш, кашф этиш, саңыат оламига кирнб келаётган ёшшірни хар томонлама күллаб-кувватлашдан иборат.

Турли соҳаларда меҳнат қилиб, ҳалқимиз ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган замон каҳрамонлари фаолияти тўғрисида ҳужжатли филмлар яратиш, улар билан мунтазам равишда адабий кечалар ўтказиш доимо диккатимиз марказида бўлиб кслган. Ўз қасби бўйича юксак натижаларга эришган турли соҳа вакиллари фаолиятини тарғиб килини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритиш, уларни ёшларга намуна сифатида стказиш ва кенг тарғиб килиш муҳим аҳамиятга эга.

Ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш, уларга тиббий кўринидан доимий ўтишнинг ижобий томонларини тушунтириш мақсадида таълим муассасалари, махаллалар ҳамда тиббиёт пунктарида «Саломатлик кунлари»нн ташкил этиш белгиланган. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли, айникса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи шакллантирилишига, уларнинг тиббий маданияти юксалтирилишига хисса қўшади, ёш авлодни соғлом ва баркамол килиб вояга етказишда ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.

Ота-оналарнинг педагогик маданиятини, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш мақсадида фукаролар йигини ҳузурида «Ота-оналар университети» фаолиятида фойдаланиш учун услубий кўлланма ва кўргазмали материаллар ишлаб чикиш, фукаролар йигини ходимлари ва фаоллари учун «Ёш авлод тарбиясида ота-оналар масъулиятини ошириш» мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш чораларн белгиланди. Ушбу чора-тадбирлар баркамол авлодни ҳукукий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда ота-оналарнинг саводхонлигини ошириш, намунали, ибратли оиласлар тажрибасини оммалаштиришини, мавжуд ибратли анъана ва кадриятларни саклаш ва ривожлантиришни кўзда тутади.

Ёшларимиз ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйгусини шакллантириш, ахлоқий ва медиа маданиятни оширишга қаратилган учрашувлар, давра сұхбатлари, тренинглар, викториналар, тушунтириш тадбирларини ўтказиш, махаллаларда аҳоли ва ёшлар билан терроризм ва диний

экстремизмга қарши қурашишга багишлиланган учрашувлар үтказып мұхим ахамият касб этади ва бу борада ҳам тегишли вазифалар белгиланди.

Нотинч оиласлар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан байд бүлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб колған йигит-кизларнинг хатти-харакатларини назоратта олишда ота-оналарнинг мастьулиятини ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар истеммол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тәдбирилар, семинарлар үтказиш, буклет, плакат, күргазмали құлланмалар чөп этиш, күрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилиш ёшларнинг «оммавий маданият» таъсирига қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзига, соғлом оила куришга интилишларини рағбатлантиришни күзда тутади.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони қабул қилинишининг бош мақсади нима?
2. Ёшлар деганда кимлар тушунилади?
3. Ёшларга оид давлат сиёсати деганда нимани тушунасиз?
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни қандай муносабатларни тартибга солади?
5. Давлат дастурида ёшларни юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш ишларига қандай ахамият берилган?
6. Ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун қандай тәдбириларни амалга ошириш даркор?
7. Ўсиб келаётган ёш авлодни китобхонликка қизиқтириши учун қандай ишларни амалга ошириш мақсадда мувофиқ бўлади?
8. Нима учун ўқувчи ёшларнинг мағкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш зарур?
9. Ёш оиласларни қўллаб-қувватлаш ва уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳудудларда «Камалот» уйларини қуриш ва имтиёзлар кредит асосида фаол ёшларга тақдим этиши ишларини қай тартибда ташкил этиши белгиланган?

V б о б.

ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАГРИЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШКИ СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

5.1. ХАВФСИЗЛИК, ДИНИЙ БАГРИЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Бугунги кунда хавфсизлик масалалари бутун дунёда энг долзарб масала бўлиб колмоқда. Йил сайин давлатлар томонидан мудофаа гизими ва ҳарбий соҳага ажратилаётган харажатларининг ошиб бориши фикримизни тасдиклайди. Бирок, фақатгина замонавий қурол-яроғта эга бўлишнинг ўзигина хавфсизликни таъминламайди. Чунки, гувоҳ бўлиб турганимиздек, замонавий бузгунчи кучлар очикча жанг қилмай, балки тусатдан қўпорувчилик амалиётларини кўллаш, ҳарбийлар эмас, балки тинч аҳолини нишонга олиш каби кабих усууллардан фойдаланади. Бунда эса, миллий ва диний низоларни келтириб чиқариш асосий мақсад ҳисобланади. XX асрнинг иккинчи ярмида давлат-хукукий, этно-худудий ва этнодемографик заминда 300 дан ортиқ катта-кичик низолар қайд қилингани ҳам ушбу фикрнинг ўринли эканини тасдиклайди.

Миллатлар мавжуд экан, улар ўртасида ўзаро муносабатлар ҳам бўлади. Шундай экан, бугун глобаллашувнинг бу жараёнга ўтказётган салбий таъсириининг олдини олиш ҳакида бош қотириш ва самарали механизmlарни топиш ўз мустакиллигини, эркини, ўзига хослигини кадрлашга кодир бўлган барча миллатлар олдида турган энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Мамалакатимизда ҳам миллатлараро тутувликни таъминлаш оркали тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб бориш ғояси давлатимиз биринчи раҳбарларининг доимий дикқат марказида бўлиб ўтган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев кейинчалик барча нутқ ва маърузаларида тинчликни таъминлаш, миллатлар ва динлараро тутувлик мухитини кўллаб-кувватлаш, дин никобидаги экстремизм ва

Маълумки, бизнинг қадимий ва саҳоватли тарминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва глат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Мехмондўстлик, ўзгулик, қағб саҳовати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг ментатимети асосини ташкил этади.

Шавкат Мирзиёев

ларабо тотувлик ва диний бағрикенгликни таъмиклиш ҳамда чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишилар» белгиланди. Бу ҳам юртимизда фукароларимиз хавфсизлиги, миллатлар ва диний бағрикенгликка берилаётган улкан эътибордан далолат беради.

«Бағрикенглик» тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, фалсафа, илоҳиёт, ижтимоий ахлок, киёсий диншунослик каби фанлар доирасида кенг истифода этилади. Лотинча «tolerare», яъни «чиdamok», «сабр килмок» маъносини англатган «толерантлик» сўзи, асосан бирор нарсани, ўзгача фикр ёки карашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон кадар бағрикенглик ва чидам билан кабул килишни англаради. Хусусан, ушбу тушунча деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этиб, «чиdamлилик», «бардошлилик», «тоқатлилик», «ўзгача карашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда булиш», «муруватлилик», «химматлилик», «кечиримлилик», «мехрибонлик», «ҳамдардлик» каби маъноларга эга.

Тараққиётнинг асосий омилларидан бири бўлган бағрикенглик борасида 1995 йил 16 ноябрда БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) бош конференциясининг 28-сессиясида «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» қабул килинди. Декларацияда ирки, жинси, келинчилиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳукук ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбӯриятлар белгилаб қўйилган.

терроризмга карши аёвсиз кураш масалаларини асосий тамойил сифатида олға суриб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2017–2021 йилларда ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегияда бешинчи йўналиш сифатида «Хавфсизлик, миллат-

1998 йил 6 ноябрда Тошкентда ўтказилган ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида «Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКО» нинг аъзо давлатларидағи фаолияти декларацияси қабул килинди. ЮНЕСКОнинг «Тинчлик маданияти» концепцияси БМТ томонидан маъкулланиб, 2000 йил «Халқаро тинчлик маданияти йили», 2001 йил эса «Халқаро маданиятларо мулокот йили» деб зълон килинди.

Ўзбекистон диёрида қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий катламлар, хилма-хил зътиқод ва дунёкарашлар ёнма-ён яшаб келган. Бу ерда яшовчи халқ бошка жойдан кўчиб келиб, ўрнашиб колган эмас. Бу замин – ота-боболаримиз яшаб ўтган азалий ва муқаддас макондир. Бу замин – Шарқ ва Гарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, қадим ўтмиш ва буюк келажакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг кўхна ўчокларидан биридир. Бу тупрокда жаҳонни ҳайратга солган цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қадимги давларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар шаклланган. Қадимги юонон файласуфи Гераклит бу юртни «фалсафий тафаккур бешиги», деб бежиз таърифламаган. Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг цивилизациямиз ўзига хос бағрикенглик тафаккур услугига таянади.

Уч минг йиллик тарихимиз шундан гувохлик бермоқдаки, олножаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш ҳалқимизнинг энг юксак фазилатларидан хисобланади. Бу борадаги анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Маълумотларга кўра, бундан юз йил аввал мамлакатимиз ҳудудида 70 га яқин миллат вакиллари истикомат қилган. 1926 йил-юртимизда 90 миллат ва злат яшаган бўлса, 1959 йилда уларнинг сони 113 тага, 1979 йилда 123, 1989 йилда эса 130 тага етган эди.

Ўзбекистон ўз мустакиллигини кўлга киритганидан сўнг нафакат мамлакатга ном берган ўзбек халқи, балки шу муқаддас минда истикомат килаётган турли миллат вакилларининг ҳам миллат сифатида сакланиб колиши ва ривожланиши учун тенг шароит ва имкониятлар яратиш масаласига алоҳида зътибор каратди. Жумладан, кўпмиллатли диёrimизда тинчлик ва осойишталикни саклаш ва янада мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлган миллатла-

Мустақимлик йиллариде мамлакатимизда миллаттараро муносабаттар ривожида янги босқич бошланди. Багрикенглик ва инсонтарварлық маданиятини ривожлантириш, миллаттараро ва фуқаролараро ҳамжихатик ва тотуаликни мустаҳкамлаш, әм алдоони шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Узбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишиларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳадтда ўзининг тулиқ ифодасини топди.

Шавкат Мирзиев

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шахар ва туман ҳокимлеклари, шунингдек, жамоат ташкилотлари билан биргаликда миллаттараро муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишида катнашиш, миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзига хос анъана, урф-одат ва расм-руслумларни тиклаш ҳамда ривожлантиришда уларга кўмаклашиш деб белгиланди.

2017 йилда Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги кенг нишонланди. Мамлакатимизда миллий-маданий марказларни сони 140 дан зиёд бўлиб, улар юртимизнинг жамоат ташкилотлари каторида самарали фаолият кўрсатмоқда. Шуниси диккатга сазоворки, бу марказлар фаолиятида, миллатидан катъи назар, барча юртдошларимиз катнашишлари мумкин. Миллаттараро муносабатлар йўналишидаги яна бир долзарб масалалардан бири – ахолининг миллий таркибига мос келадиган таълим-тарбия тизимини ташкил килишdir. Бу борада республикамизда бугунги кунга келиб, 10 мингга яқин мактаб фаолият юритаётгани, шундан 845 та мактабда рус тилида, 491 та мактабда козок тилида, 259 та мактабда тожик тилида, 52 та мактабда туркман тилида, 40 та мактабда киргиз тилида, 7 та мактабда корейс тилида таълим бериш йўлга қўйилганини таъкидлаш керак-

рато тотувлик ва ҳамжихатикни таъминлаш, мамлакатимизда истиқомат килаётган турли миллатга мансуб ахолининг маънавий-маданий эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилган миллий-маданий марказлар фаолиятини кўллаб-куватлаш ҳамда миллатлараро муносабатларин такомиллаштириш учун Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил 13 январда Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси вазирликлар, идоралар,

Булар орасида икки ёки уч тилда ўкув машгулотлари олиб бори-
дётган мактаблар ҳам бор. Ҳалк таълими вазирлигига карашли
педагогика институтларида ўзбек тилидан ташкари рус, тоҷик,
туркман, кирғиз, қозоқ, корақалпок тилларида ҳам манигуотлар
олиб бориладиган мактаблар учун мутахассислар тайёрланмоқда.

Республикамиздаги оммавий ахборот воситаларининг фаоли-
јти ҳам аҳоли миллий таркибининг ранг-баранг эҳтиёжларнни
кондиришга хизмат килмоқда. Ўзбекистонда 8 тилда, яъни ўзбек,
корақалпок, рус, қозоқ, тоҷик, туркман, инглиз, корейс тилларида
газета ва журнallар чоп этилмоқда.

Ўзбекистон телевидениеси орқали қатор хорижий тиллардаги
корсатувларнинг мунтазам равишда намойиш қилиниши ва маҳсус
радио эшилтиришларнинг турли тилларда эфирга узатилаётгани
ҳам диккатга сазовор. Бугунги кунда, 12 (ўзбек, корақалпок, қозоқ,
киргиз, тоҷик, озарбайжон, рус, татар, бошкирд, корейс, уйғур)
тилларида телерадио эшилтиришлар эфирга чикмоқда. Бундан
куринадики, Ўзбекистоннинг миллатлараро сиёсати инсонийликка,
демократияга карши бўлган сиёсатнинг ҳар қандай кўринишларини
тўлиқ ва мутлақ рад этишга асосланган.

Кўриниб турганидек, миллатлараро муносабатларни тўғри
йўлга кўйиш борасида Ўзбекистон ўзига хос тажриба орттириди.
Бунла факат миллий ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор
туйгусини тарбиялаш, миллатларнинг тили, маданияти, урф-одат-
ларини асраб-авайлаш билан чекланмаслик, балки мамлакатдаги
барча миллатларнинг умумий бирдамлигига эришиш тамоилига
амал килинди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси
билан курнлган бу сиёсат:

- кўп миллатлиликни яратувчилик кудратига эга бўлган омил
сифатида тан олиш;
- фукароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, зътиқоди,
шахси, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан катъи назар, тенг-
лигини таъминлаш;
- миллий мансублигидан катъи назар, фукароларнинг мам-
лакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги тенг хукукли иштирокини
кафолатлаш;
- миллий тил, урф-одат ва анъаналар ҳурмат килинишини таъмин-
лаш ва уларнинг ривожланиши учун қулагай шарт-шароит яратиш;

– ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланишини таъминлаш;

– фукароларнинг конституциявий ҳуқук ва эркинликларига қарши қаратилган миллый, иркий, диний адоват ва низони тарғиб килувчи фаолиятга йўл қўймаслик;

– миллатлар ва златлар ҳуқук ва эркинликларини муҳофаза қилишга доир ҳалқаро қоидалар устуворлигини тан олиш каби тамойилларга таянган ҳолда изчил амалга оширилмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, қаерда миллатлараро тотувлик гоясининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддијатлар, муаммолар вужудга келади, улар тинчлик ва баркарорликка ҳавф солади. Бугунги кунда жаҳоннинг айrim минтақаларида содир бўлаётган миллый низолар шундан далолат бериб турибди.

Миллатлараро тотувлик гоясини амалга оширишга ғов бўладиган энг хатарли тўсик – тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай иллат, зарарли ғоя тузогига тушиб қолган жамият табиий равишда ҳалокатга юз тутади. Бунга узок ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина фашизм гояси XX асрда инсоният бошига аввалги барча асрлардагидан кўра кўпроқ кулфат, оғат-балолар ёғдириб, охир-окибатда ўзи ҳам ҳалокатга учради. Лекин ҳанузгача фашизм, шовинизм, иркчилик гояларини тирилтириб, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик гоясига қарши «алиб юриши» уюштиришга уринаётган кучлар борлиги барчамизни хушёр тортириши лозим.

Бағрикенгликнинг муҳим йўналишларидан бири «диний бағрикенглик»дир. Турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд фарқлардан катъи назар, уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарашни англатадиган мазкур тушунча, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда, бу ҳуқукка бошқалар ҳам эга эканини эътироф этишини назарда тутади. «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»да таъкидланганидек, «*Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди*».

Асрлар мобайнида ўлкамизнинг шаҳару кинлокларида масжид, черков ва синагогалар эмин-эркин фаолият кўрсатиб, турли миллат ва динга мансуб қавмлар ҳамжиҳатликда ўз диний маросимларини

Хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган
хизматкорларнинг бир замин, бир ватанда.
Хилма-хил ноб гоя ва ниятлар йўлида ҳамкор
ва ҳамхиҳат бўлиб яшашини англатади.



Нафакат диндорлар, балки
бутун жамият аъзоларининг
ҳамкорлиги ва ўзаро ҳамжи-
ҳатлигини назарда тутади.

Бутун дунё миёсида тинчлик ва
барқарорликни таъминлаш ва
мустаҳкамлашнинг муҳим
шартларидан ҳисобланади.

5.1.1-расм.

адо этиб келганлар. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврлари-
да хам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмаган. Бу эса,
миллати ва диний карашидан катъи назар, инсонни ардоклаш ва
узгаларни кадрлаш, катталарга хурмат, кичикларга иззат кўрсатиш
каби туйғулар юртимиз аҳолисининг қон-қонига сингиб кетганидан
далолат беради. Айнан шу сифатлар халкимизга хос бўлган диний
бағрикентликнинг маънавий асосини ташкил қиласди.

Маълумки, ҳар бир диннинг ўзига хос акндалари мавжуд.
Улар баъзан бир-бирига мутаносиб бўлса, баъзан зид ҳам кели-
ши мумкин. Диний бағрикентлик ана шу хилма-хиллик асосида
келиб чикиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади, турли
эътиқодларнинг ёнма-ён ва бир пайтда мавжуд бўла олиши учун
хизмат қиласди.

Қадим замонларданок үлкамизда зардуштийлик, буддавийлик,
яхудийлик, насронийлик каби динлар мавжуд бўлган. Энг қадими
ва кенг тарқалган динлардан бири бўлмиш зардуштийликнинг
ватани ҳам бизнинг юртимиздир. Чунки, у қадимги Хоразмда
шаклланиб, ривож топган.

Илк ўрга асрларда Марказий Осиёда буддизм ҳам муҳим ўрин
тутди. Ҳаттоқи, Бухоро шаҳрининг номи ҳам «Вахара» – буддавий-
лар ибодатхонаси номидан келиб чиккан, деган фикрлар бор.

Марказий Осиёга ислом динининг ёйилиши арафасида бу ерга
Эрон орқали Суриядан кириб келган несториан йўналишидаги
насронийлик дини муҳим мавқени згаллаган. VI аср бошларида
Самарқандда несториан епископи, VIII асрда эса митрополити хиз-
мат килган. Шунингдек, қадимда ҳозирги Тошкент ва Хоразм вило-
ятлари ҳудудларида насроний динига мансуб аҳоли ҳам яшаган.

VIII асрда Марказий Осиёга араблар билан бирга ислом динни ҳам кириб келди. Аҳолининг бу динни қабул килиши аста-секицлик билан, бир текис бўлмаган ҳолда юз берди. Аҳолининг бир кисми ўзларининг қадимги динларига эътиқод қилишда давом этди. Бу вактда ислом ва маҳаллий динларнинг, уларга хос қадрият ва одатларнинг қоришуви юз берди. Мовароуннахр ҳалқларининг ислом динига зид келмайдиган маърифий-ахлоқий гоялари, ҳукукий месъёр ва урф-одатлари тўла сакланиб колди ҳамда ислом таълимоти асосида янада сайқалланди. Бу ҳолат Мовароуннахрда исломнинг ўзига хос ҳусусиятлар касб этишига сабаб бўлди. Бу ҳам юртимизда узок йиллар давомида шаклланган диний бағрикенглик самараси эди.

Ўлкада тинчлик ва диний бағрикенглик мухитини таъминлашда ислом таълимотидаги ўзга дин вакиллари билан ўзаро муроса ўйини тутиш, улар билан дунёвий ишларда ҳамкорлик килиш ва ҳамжиҳатликда яшашга чорловчи тамойиллар ҳам ўзига хос аҳамият касб этди. Айникса, ислом таълимотидаги динни қабул килиш ёки қабул кильмаслик қалбга боғлик, инсоннинг тўлиқ ихтиёридаги амал деб каралиши минтакада диний бағрикенглик мухити барқарор бўлиши учун асосий омиллардан бўлди.

Диёримиздан етишиб чиккан алломаларнинг асарларида ҳам диний бағрикенглик билан боғлик қадриятлар тарғиб қилинган гояларни учратамиз. Жумладан, Шайх Аҳмад Яссавий ҳам ўз ҳикматларинда ўзга дин вакилларига яхши муносабатда бўлишни уқтирган:

*Суннат эрмиш, коғир бўлса, берма озор,
Кўнгли қоттиғ дилозордан худо безор.*

Юртимиздан етишиб чиккан алломаларимизнинг бу каби ўғитлари узок йиллар давомида ҳалқимизни бағрикенг бўлишга, турли дин ва элатлар билан тинч-тотувликда ҳаёт кечиришга чорлаб келган.

Ҳозирги кунда ҳам юртимизда истикомат қилаётган турли дин вакиллари учун тенг имкониятларнинг яратилиши, айникса, диний бағрикенгликка доир қоидаларнинг конуний асосларда мустаҳкамланиши таҳсинга сазовордир. Энг аввало, Конституциямизнинг 31-моддасида мустаҳкамланган «Ҳамма учун виждан ўркилиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод

килиш ёки ҳеч қайси динга
эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.
Диний қарашларни мажбуран
сингдиришига йўл қўйилмайди»
деган коида диний бағрикенглик
учун дастуруламал бўлиб хизмат
қилмокда. Бу тамойилга кўра,
ҳар ким ўз дини ва эътиқодига
имал килишда эркиндин ва ҳар
ким бу ҳуқуқка бошқалар ҳам
эга эканини тан олмоғи лозим.

Бир қишининг дин борасидаги қарашлари бошқаларга мажбуран
сингдирилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, Конституциямизнинг 18-моддасида ҳам «Ўз-
бекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва
эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миглати, тили, дини,
ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий
мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар
фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий
адолат принципларига мос бўлиши шарт» деган норма асосида
турли диний эътиқоддаги инсонларнинг дини ва эътиқодидан қатъи
назар, конун олдида тенг экани эътироф этилган.

Конституциямизнинг 61-моддасида эса, юртимиизда фаолият
олиб борувчи диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан
ажратилгани ҳакидаги коида мустаҳкамланган. Унда айтилишича,
«Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилсан
ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмалар-
нинг фаолиятига аралашмайди». Бу коиданинг моҳияти шундаки,
Ўзбекистонда ҳар кандай дин ва диний ташкилотлар давлатдан
ажратилсан ва барча диний конфессиялар конун олдида баробардир.
Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни
қўллаб-кувватлади ҳамда улар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат
ўрнатилишига кўмаклашади.

Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенгликни
муштаҳкамлашда қонунчилик ҳам такомиллашиб борди. «Виждон
эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги конун 1991 йилда

...Диний ташкилотларнинг
ва бирлашмаларнинг давлат билан
ўзаро муносабатлари, улар
фаолиятининг ҳуқуқий тартибса
солиниши ҳамда янада такомиллаштирилиши, ушбу соҳадаги асосий
йўналишлар, принциплар ва
бошқа муҳим масалалар назарда
туттилади.

Ҳаракатлар стратегияси,
300-банд

қабул килинган бўлиб, 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча на ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди. Сўнгти йиллар давомида мазкур конунни давр талаблари асосида тубдан ўзгартириш зарур бўлиб қолди ва 1998 йилнинг 1 май ойидаги Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан конуннинг янги таҳрири қабул килинди.

Виждон эркинлиги ҳақидаги конун динга эътиқод килиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиш мумкинлигини таъминлайди. Мазкур меъёр 1966 йил 16 декабря БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул килинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуклар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқdir.

Халқаро ҳуқуқий хужжатларда ҳам эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик халқаро ҳуқук ҳимоясида экани таъкидланади. Жумладан, 1948 йили қабул килинган «Инсон ҳуқуклари умумжаҳон декларацияси»нинг 18-моддасида «Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир», деб таъкидланган. 1966 йили қабул килинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуклар тўғрисидаги халқаро пакт»да ҳам «Бирор одам ҳам ўз ихтиёри билан ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки уларни қабул қилиши ўркини камситадиган мажбурий ҳатти-харакатларга дучор бўлмаслиги керак», деб кўрсатилган. Бу эса, диний бағрикенгликнинг нафакат миллий конунчилик, балки халқаро ҳуқукий нормалар муҳофазасида эканидан далолат беради.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги ҳуқукий меъёрларнинг конунчиликка киритилиши диёrimizda расмий фаолият олиб бораётган барча дин вакилларига катта имкониятлар яратиб берди. Жумладан, мустакилликка юртимизда бир неча черков ва синагогалар фаолият олиб борган бўлса, конуний асослар мустаҳкамлангач, дунёнинг турли минтақаларида диний ибодатларини амалга оширувчи евангел-лютеран жамоаси, рим-католик черкови, «еттинчи кун адвентистлари» диний ташкилоти, баҳойилар, яхудийлар диний жамоалари каби конфессиялар расмий фаолият юрита бошлади.

Хукуматимиз томонидан турли диний ташкилотларнинг ўз фалолитларини амалга ошириш ва мамлакат ҳастида фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Жумладан, марказий телевидение оркали Узбекистон мусулмонлари идораси маънавий-маърифий кўрсатувларни бериб бориши, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби машҳур алломаларнинг таваллуднга бағишлиланган анжуманларнинг кенг кўламда нишонланиши каби тадбирларни айтиб ўтиш ўринлидир. Айникса, ҳажибодатини тўла-тўкис ва ҳамжиҳат ҳолда адо этиш учун барча шароитлар яратилгани таҳсинга сазовор.

Ўз навбатида, православлар учун Исронл, Греция ва Россия, католиклар учун Истроил ва Италия, арманлар учун Истроил ва Арманистон, яхудийлар ва баҳоийлар учун Истроил, кришначилар учун Хиндистон ва буддавийлар учун Кореяда жойлашнган мукаддас жойларга зиёратлар ташкил килинмоқда.

Бундан ташкири. Президентимиз фармонинг кура, 1903 йилда курилган «Святая Богородица» ибодатхонасининг Арман апостол чёрковига топширилгани, ўз вақтида фаолияти тўхтатиб қўйилган Евангел-лютеран чёркови Кирхасининг республикамида истикомат килувчи немисларнинг диний эҳтиёжларини кондириш максадида «Видергебурт» немис маданият марказига фойдаланиш учун кайтариб берилгани ва 1996 йилнинг декабрида ушбу конфессиянинг юртимида фаолият бошлаганининг 100 йиллиги кенг нишонланиши ҳам юкоридаги фикримиз исботи бўла олади.

Шунингдек, христианларнинг «Рождество», «Пасха», яхудийларнинг Рош-Ашона (Янги йил), Йом-Кипур (Гуноҳлардан покланиш байрами), Песах (Пасха), буддавийларнинг Сагаалган (Янги йил), Дончод-хурал (Будданинг тугилган куни) каби байрамларини нишонлаш учун юртимида яшовчи шу дин вакилларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

2000 йил 13–15 сентябрда Тошкентда ўтган динлараро мулокот ЮНЕСКО конгресси Марказий Осиёдаги маданий, диний ва этник хилма-хилликни муҳокама килди. Уида 40 га якин давлатдан 80 дан ортиқ турли дин ва конфессияга мансуб вакиллар, йирик мутахассислар иштирок этди. Конгрессдан сўнг 18 сентябрда Бухоро шаҳрида «Тасаввуф ва динлараро мулокот» мавзуусида халкаро симпозиум

Юртимизда ҳуки сурәттган дустилик ва бирдамлик муқити – тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаеттган ислоҳотлар самародорлигини ошириш, Узбекистоннинг халқаро майдондаги обруътиборини янада юксатиришининг энг муҳим омилидир.

Шавкат Мирзиев

бўлиб ўтди. Унда «тасаввуф» бағрикенгликни тарғиб этилди, тинчликка чақиравчи ислом динининг ноёб, ўзига хос куриниши, деган търиф берилди. Шунингдек, 2001 йил сентябрда Тошкентда ўтган Осиё – Тинч океани миңтакаси ЮНЕСКО «Бағрикенглик тармоғи»ниң

иккинчи йигилишида бағрикенглик тамойиллари ўзбек халқининг урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ экани таъкидланди.

Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти (ИСЕСКО) томонидан Тошкентниң ислом маданияти пойтахти деб эълон килиниши муносабати билан 2007 йил 14-15 августда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Узбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига кўшган ҳиссаси» мавзууда бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам мамлакатимизнинг жамиятда бағрикенглик маданиятини камол топтириш йўлидаги ютуғуаря яна бир бор эътироф этилди. Шунингдек, 2014 йилнинг 15-16 маъкунлари Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, униш замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Бугунги кунда ҳам мамлакатимиз боштарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганиш, миллий кадриятларни асрраб-авайлаш ва тарғиб этиш, исломнинг маърифий гояларини ёйиш ҳамда диний бағрикенгликни карор топтириш ва мустаҳкамлашда бутун дунёга ўрнак бўлмокда.

Бағрикенгликнинг зидди «мутаассиблиқ»дир. Умумий маънои «мутаассиблиқ» – бу бир гоянинг тўғрилигига қаттиқ ишониш ва ундан ўзгаларини кескин рад этишни англатади. Мазкур феноменнинг хавфли жиҳати шундаки, у борган сари кучайиб ксенофобия, экстремизм ва ҳатто терроризмга айланади.

Терроризм бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўлидаги асосий түсикдир. XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро миқёсда ўзини очиқ намоён этаётган хатарли воқеликлардан бири, турли шиорлар билан никобланган терроризм минтақалар ва мамлакатлар ҳастига

бидек таҳдид солмоқда. Кенг күлам ва хилма-хил күренишлар касб этаётган ушбу иллатга карши кураш бутун дунё учун долзарб мұдаммo булиб қолмокда. Маълумотларга кўра, бугун дунё бўйича 500 га яқин террорчилик ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Бир йил мобайнида бутун Ер юзида содир этилган терактлар ва уларнинг оқимбатида ҳалок бўлғанларнинг сони бир неча ўн мингни ташкил этиши терроризмнинг тинчлик ва хотиржамликни издан чиқаришга көртилган асосий таҳдидлардан бирига айланганини кўрсатади.

Айни пайтда замонавий терроризмнинг, бир томондан, тобора шафкатсиз, гайринсоний моҳият, иккинчи томондан, аклага сингдириш кийин бўлған жўғрофий кўлам касб этиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳозирги вактда ҳар куни дунёнинг уёқи бу бурчагида кимларнидир кўркувга солиш оркали муайян мақсадларга эришишни кўзлаган кўпорувчилик ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Афсуски, уларнинг сони мунтазам ошиб бормоқда.

Марказий Осиё минтақасида диний мутаассиб оқимлар фаолияти XX асрнинг 80-йиллари бошларида хорижий экстремистик марказлар саъӣ-ҳаракатлари билан шакллана бошлади. Минтақада хориждан келаётган молиявий ёрдам хисобидан жангари сифатида фойдаланиладиган шахсларни танлаш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган гурухлар пайдо бўлди. Марказий Осиё республикалари мустакилликка эришган 90-йилларнинг бошларида ёса, бу гурухлар фаоллашиб кетди. Минтақада «Ҳизбут-тахрир», «Туркистон ислом ҳаракати», «Акромийлар», «Нурчилар» каби гурухларнинг фаолияти кузатилди.

Ислом всосларини бузиб талкин килиш, илмсиз, ташки таъсирга берилувчан аҳолини ўз талқинидаги диний гоялар билан заҳарлаш, ўзларига кўшилмаган кишиларгага, давлатларга ва тузумларга нисбатан зўравонлик, бузгунчилик, котиллик билан муносабатда бўлишни ҳалол деб хисоблаш каби хусусиятлар юкорида зикр этилган ташкилотларнинг барчасига хосdir. Афсуски, сўнгги йилларда мазкур гурухлар фаолияти натижасида дунё бўйлаб ҳар йили 30 мингдан ортик тинч фукаро ҳалок бўлмоқда. Ўнлаб миллион аҳоли ўз уйларини ташлаб кетнб, дунёнинг турли мамлакатларида сарсон-у саргардон бўлишга мажбур қолмоқда. БМТ маълумотларига кўра, бир миллиондан ортик ёш болалар очликдан ўлиш хавфи

остиладир. Уларнинг аксарияти террорчилик авж олган, бузуучи гурухлар томонидан эгаллаб турилган худудларга тўғри келади. Бугуиги кунда Ирок, Суря, Нигерия, Афғонистон, Яман, Ливия хануз дунёнинг энг хатарли нукталари ҳисобланади. Тахлилчиларнинг фикрича, ҳеч кайси давлат ўзининг террорчилар хуружидан ҳол эканига 100 фоиз кафолат бера олмайди. Жумладан, 2015 йилдунёнинг 96 мамлакати, у ёки бу даражада террорчиликдан азият чеккан.

Мана шундай шароитда экстремизм ва терроризм хавфини тўғри англаб этиш, уларга қарши амалий чоралар кўриш – давр талабидир. Шундай экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «*янада оғоҳ ва сергак булиши, энг асосий бошчиликни бўлган ва биз ҳақиқи равишда фахрланадиган кўп миллатли ҳалқимизнинг бирдамлиги ва жисклигини кўз қорашибидек асрари ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир*».



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Багрикенглик тушунчасининг мазмун-моҳияти нимада?
2. Ўзбекистон ҳудудида азалдан қандай дин вакиллари истиқомат қилишган?
3. ЮНЕСКО томонидан қайси сана Халқаро багрикенглик куни деб эълон қилинган?
4. Ислам дини манбаларида багрикенглик ҳақида қандай маълумотлар мавжуд?
5. Миллий масалада Ўзбекистоннинг ўз йўли, яъни ўз моделининг мавжудлиги ҳақида гапириб беринг.
6. Миллий сиёсатнинг ўзагини нима ташкил қиласди?
7. Миллий гоя ва миллий сиёсатнинг ўзаро боғлиқ жиҳатларини тушунтиринг.
8. Дунёда багрикенглик масаласининг долзарблигини қандай тушунасиз?
9. Глобаллашув ва багрикенгликнинг боғлиқлигини нима билан ифодалайсиз?
10. Багрикенглик тушунчаси қайси жиҳатлари билан турли миљатлар ҳаётida бир хил маънони билдиради?

5.2 ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН, ҮЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШКИ СИЁСАТ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Маълумкн, дунёдаги ҳар кандай суверен давлат жаҳон ҳамжаниятига ўзининг ташки сиёсий карашлари, умумсайёравий муаммоларга муносабатлари ҳамда азалий мунозара ва музокара-кор объекти бўлган уруш ва тинчлик масалаларига ёндашувлари билан кириб боради. Бу борада Ўзбекистон ўз мустакиллигининг дастлабки кунлариданок аниқ сиёсий позициясини ва ташки сиёсат борасидаги концепциясини баён этди. Жумладан, 1992 йил 8 деқабрда кабул килинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистоннинг ташки сиёсатини конуний асосда кафолатлаб берди. Унинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро муносабатларнинг тўла ҳукукли субъекти сифатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид килмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва ҳалқаро ҳукукнинг умумэътироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланиши белгилаб қўйилди. Давлатнинг, ҳалқнинг олий манфаатларини, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш максадида турли иттифоклар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро гузилмаларга кириши, зарур бўлгандан улардан ажралиб чиқиши мумкинлиги Асосий конунда белгилаб берилди.

Мустакиллик даврида Ўзбекистон чиндан ҳам жаҳон ҳамжаниятининг энг сиёсий фаол, ҳалқаро муносабатларда ўзини асосли, катъий ва ўзгармас позициясига эга бўлган давлат сифатида намоён килди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжаниятидаги сиёсий мавкеи ва имижини белгилаб берадиган мухим омил сифатида ўз куч-кудратини кўрсатди.

Вакт ўтган сари умумдунёвий сиёсий жараёнлар тобора фаолшмоқда, янгидан-янги муаммолар давлатлараро, минтақалараро

Ўзбекистоннинг замонавий ташки сиёсати фаол, ташаббускор ва pragmatik ташки сиёсий курс алиб боришни ҳамда юзага келаётган хавф-хатарларга ўз вақтида ва адекват жавоб чоралари орқали очишни тараб ётадиган XXI асрнинг ўта шиддат билан ўзарив бораётган ҳалқаро-сиёсий соқёликларини инобатга олган ҳалда қурилмоқда.

Шавкат Мирзиев

ва умумсайёравий миқёсда бутунлай янгича ёндашувларни, сиёсий қарашларни такозо этмоқда. Ўзбекистон ана шу жараёнларда халқаро муносабатлар ва ташки сиёсатда ўзининг замонавий қарашлари ва муаммолар ечимини топишдаги ўзига хос ёндашувлари билан ўзининг кенғ имкониятларини намоён этмоқда. Бу ҳақлаги, ҳақконий фикрларни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йигилишдаги маъруzasida яккол кўриш мумкин. Ушбу маърузада Президент Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг ҳозирги замон талаблари ва замонавий цивилизация эҳтиёжлари нуктаи назаридан аник белгилаб берди. Шуни алоҳидан таъкидлаш керакки, Ўзбекистон давлатининг ички ва ташки сиёсатида мустаҳкам изчилликнинг мавжудлиги, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошлаб берган мустакил тараккиёт йўли, ички ва ташки сиёсат давом этаётгани давлатимиз кудратинини ва сиёсий барқарорлигининг ёрқин мисолидир. Ислом Каримов тамал тошини қўйган ва жаҳон меҳварида бутун салоҳиятию салобати ва кудратини кўрсатаётган Ўзбекистон давлатининг ташки сиёсати замонавий талаблар, бугунги эҳтиёжлар ва дунёвий қарашларнинг энг илгор намуналари билан бойитиб борилмокда. Демак, Ўзбекистон бугунги кунда ўз Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигига ўтган 25 йилда тўпланган тарихий тажрибаларга таянган ҳолда, уни янада бойитиш, такомиллаштириш, ривожлантириш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий ташки сиёсати фаол, ташаббускор ва pragmatik ташки сиёсий курс олиб боришни ҳамда юзага келаётган хавф-хатарларга ўз вактида ва адекват жавоб чоралари кўриб, уларни оқилона счишни талаб этадиган XXI асрнинг ўта шиддат билан ўзгариб бораётган халқаро-сиёсий воқеликларини инобатга олган ҳолда курилмоқда.

Мамлакатимизнинг халқаро муносабатларини тұлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш ҳамда миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, юртимиз иктисадиётининг баркарор ва тез суръатлар билан ўсиши, унинг очик, демократик давлат қуриш йўлида жадал сиёсат олиб бориши ва ривожланган давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаши бугунги кунда ташки сиёсат соҳасидаги асосий максаддир.

Ўзбекистон ўз ташки сиёсатидаги ўйилдаги принципларга содик бўлиб колмоқда:

— узининг миллий манфаатларига асосланган очик, прагматик ва пухта ўйланган ташки сиёсат олиб бориш;

— тенг ҳукуклилик ва ўзаро манфаатдорлик, суверенитетни, худудий яхлитликни ҳурмат килиш, чегараларнинг дахлсизлиги ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид килмаслик;

— ташки сиёсий фаолият концепциясига мувофик, Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халкнинг олий манфаатларига, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигига, мамлакатни модернизация килишнинг устувор йўналишларига, амалдаги миллий қонунчилик ҳамда қабул қилинган халкаро мажбуриятларга амал килган ҳолда иттифоклар тузиш, ҳамдустликларга ва бошка давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек улардан чикиш ҳукукини ўзида саклаб қолади;

— Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда улардан чикиш ҳукукини ўзида саклаб қолади.

Аслини олганда, тарихий тажриба шундан далолат берадики, давлатнинг сиёсий қарашлари ва жаҳон ҳамжамиятидаги халкаро муносабатларда узвийликнинг мавжудлиги унинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини белгилаш билан бирга, ички сиёсатда баркарор тараккиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистонда ички ва ташки сиёсатнинг ана шундай соғлом, катъиятли ва ишончли ривожланишн бевосита унинг ҳам дунёвий, ҳам ички

Ўзбекистон Республикаси нинг ташки сиёсатининг асосий мақсадлари бу давлат мустақиллиги ва суверенитетини янада мустаҳкамлашдан, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тұлақонлы субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада күчайтиришдан, ҳамда миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, мамлакат иқтиносидинин баркарор ва төз суръатлар билан ўсиши, унинг очик демократик давлат қуриши ўйлидаги жадал сиёсат олиб бориши ва ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиши учун эң қулаі шароитларни яратишдан иборатдор.

Шавкат Мирзиёев

мавқенини белгиламоқда. Ҳозиргача мавжуд сиёсий қарашлар ^{XXI} асрда инсон ва инсоният тақдирин билан боғлиқ бўлган йўналишлар тизимини камраб олмоқда. Президент Ш. Мирзиёев бугунги кунда ва олис истиқболда Ўзбекистон ташки сиёсатининг асосий вазифаларини аник белгилаб берди.

Жумладан:

– Ўзбекистон Республикаси кўшни давлатлар ҳудудлари куроласи можаролар ва кескинлик ўчокларига айланишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва обьектлари жойлаштирилишига йўл кўймайди;

– сиёсий, савдо-иктисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда ҳалқаро ҳамкорликни изчилиллик билан ривожлантириш;

– мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни ҳамда жамиятни ва иқтисодиётни модернизация килишининг жадал жараёнларини самарали амалга ошириш учун мумкин қадар қулагай ташки сиёсий шарт-шароитларни шакллантириш;

– Марказий Осиёда тинчлик ва баркарорликни саклаш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани ҳавфсизлик ва баркарор тараққиёт зонасига айлантириш, Афғонистонда тинчлик ва баркарорликка эришишга кўмаклашиш;

– жаҳоннинг етакчи давлатлари ва ҳалқаро ташкилотлар билан стратегик ҳамюрлик килишининг мутаносиб, кўпкіррали тизимини шакллантириш, минтақада геосиёсий мувозанатни саклаб туриш, Ўзбекистоннинг савдо, иқтисодий, технологик, транспорт ва бошқа алоқаларини кенг диверсификация килиш;

– мавжуд ёки юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш учун сиёсий дипломатик ҳамда ҳалқаро ҳукукий механизмлардан, жумладан, превентив дипломатия чора-тадбирларидан фойдаланиш;

– Ўзбекистоннинг сиёсий ва савдо-иктисодий соҳадаги ишончларини масъулиятли шерик сифатидаги ҳалқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ташки дунё учун инвестицион, сайёхлик, маданий-тарихий жозибадорлигини кучайтириш;

– миллий иктисодиётнинг устувор тармокларига тұғридан тұғри чет әл инвестициялари ва илғор технологияларини жалб этиш жараёнларини кучайтириш учун икки томонлама ва күп томонлама ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;

– Ўзбекистоннинг дунёнинг йирик бозорларига кафолатли шикшини таъминлайдыган күп мукобилли транспорт-коммуникация йүлакларининг тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

– хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳукук ва манбаатлари ҳар томонлама ҳимоя килинишини таъминлаш.

Юкоридаги вазифалар, айтиш мүмкінки, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятіга тобора чукуррок кириб боришини таъминлайди. Шу асосда ҳар томонлама үзаро манбаатли ҳамкорлик чукурлашиб боради. Айни пайтда бу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавкеини, сиёсий ва иктисодий салоҳиятини намоён қилади.

Яна шуни алоҳида таъқидлаш керакки, кейинги 2–3 ойда Ўзбекистоннинг ташки сиёсатида мұхим воқеалар юз берди. Жумладан, Киргизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев 2016 йил 24 декабрь куни амалий ташриф билан Самарканда келди. Ҳар икки давлат раҳбарлари азалий қардошлиқ түйгулари асосида шаклланған яқин күшничилік түйгуларини ифода этиши. Ҳалқаримиз тарихий, маданий ва диний қадрнятлари муштарақ жекелігі, анъана ва урф-одатлари үхашашлығы сиёсий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ҳар икки давлат ўртасидаги үзаро бир-биринни түшениш ва ишончга асос бўлиши таъқидланди. Ҳар икки давлат ўртасидаги иктисодий, ижтимоий, савдо ва маданий ҳамкорликни янала чукурлаштиришга келишиб олинди.

2016 йил 16 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиев Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қыроллиги ташки ишлари вазири ўринбосари Алан Дунканни кабул қандай. Ўзбекистон Буюк Британияни жаҳон сиёсати ва иктисодиётіда мұхим ўрин тутадыган давлат билан сиёсий, иктисодий, инвестиционный, маданий-гуманитар ва бошка соҳаларда үзаро манбаатли

Ўзбекистонда кичик бизнесни жадал ривожлантириш қулай ишбизармонлик ва инвестиция мухитини янада яхшилти бўйича яқинда қабул қилинган чора-тадбирлар готам мухим аҳамиятга эга.

**Сирил Мюллер,
Жаҳон банки вице-президенти**

ҳамкорликни изчил давом этиши, халқаро майдонда, жумладан, минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

2017 йил 19 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти

ти Ш. Мирзиёев жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллери, 1 февраль куни эса Америка-Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэммини қабул килди. Шу йилнинг 15 февраль куни Иктисадий Ҳамкорлик бўйича Россия Ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринbosари Дмитрий Козакни қабул қилди. 2017 йил 6–7 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг чет давлатга биринчи давлат ташрифини амалга оширди – Туркманистон Республикаси Президенти Гурбангули Бердимухамедов таклифига биноан ушбу мамлакатда бўлди. Мазкур ташриф жуда самарали бўлди ҳамда Ўзбекистон – Туркманистон ўртасидаги ҳамкорлик алокаларини янги боскичга, стратегик шериклик даражасига кўтарди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан мустаҳкам алокада бўлиб келаётганидан, турли мамлакатлар билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорликни янада чукурлаштириб бораётганидан далолат беради.

Президент Ш.Мирзиёевнинг давлатлараро ва минтақавий масалаларни ҳал килишда яқин кўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни янада чукурлаштириш, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларни янги боскичга кўтариш борасидаги саъи-харакатлари Ўзбекистон давлатининг ташкиси сиёсатидаги мухим тамойил сифатида кўзга ташланётгани айниқса эътиборлиdir.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг Ҳаракатлар стратегияси, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон ташкиси сиёсатининг янги даврини бошлаб беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ -

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат ташқи сиёсатининг мазмун-моҳияти қандай ёритилган?
2. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Ислом Каримовнинг роли қандай бўлган эди?
3. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари нималардан иборат?
4. Мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар ва жамиятни иқтисадий модернизация қилиш жараёнларида яратилган қулай ташқи сиёсий шароитлар ҳақида нималарни биласиз?
5. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашда Ўзбекистоннинг ўрни қандай?
6. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришида белгиланган устувор вазифалар нималардан иборат?
7. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатиди қандай фаолият юритмоқда?
8. Ўзбекистон ташқи сиёсатида юз берган мұхим воқеатлар ҳақида гапириб беринг.
9. Давлатлараро ва минтақавий масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг мұдым босқичга қадам қўяётгани борасида билганингизни сўзлаб беринг.

Х У Л О С А

Мустакилликнинг ўтган даврида мамлакатимизда хукукий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти асослари барпо этилди. Иктисадиётнинг бутунлай янги шакли – ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтилди. Мулкчилик, мулкка эгалик туйгусини шакллантириш орқали жамиятда инсоннинг бунёдкорлик, яратувчилик кобилиятини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ижтимоий соҳада бутунлай янги – инсон хаёти, турмуш фаровонлиги, тинчлиги ва баркарорлигига йўналтирилган яхлит, демократик тизим вужудга келди. Конун устуворлиги, конун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш асносида ҳакикий эркин демократик режим шакллантирилди. Дарҳакиат, конун устувор бўлган жойдагина ва конун доирасидаги эркин фаoliyatgina кишилик жамиятининг бутун моҳиятини белгилайди ва уни юксак кадриятга айлантиради. Чунки ҳакикий демократия – бу конун хукмронлигидир. Энди ана шу кўлга киритилган ютукларни янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий цивилизация талаблари, XXI асрда инсон ва инсоннинг тақдирни билан боғлиқ бўлган глобал муаммолардан келиб чиқиб ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу – бевосита жамиятнинг барча соҳаси ва йўналишларини камраб олган ялпи янгиланишларни талаб қилаётган ҳаётий эҳтиёждир. Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган буюк мақсадларга етиш, улкан вазифаларни хал этишда дастуруламал вазифасини бажармоқда.

Халқимизнинг ўзига хос жихати шундаки, у адолатга, муросага, очиққўнгиллик ва самимий муносабатга мойил халқдир. У фаол ва онгли бошқариш орқали янгидан-янги имкониятларни намоён қила оладиган, ўзининг юксак маънавий-ахлоқий, маърифий-рухий ва интеллектуал салоҳиятини кўрсата оладиган бунёдкор халк. Айни

ана шу кайфият, халк феъл-атвори, миллий рухият очик жамият курилаётганини, халк билан давлат ўртасидаги муносабатнинг соглом ва ўзаро ишончли, аниқ массад ва умуммиллий манфаат асосида курилаётганини катта мамнуният билан қабул килмоқда. Ана шундай ижобий ҳаётбахш маънавий-рухий вазият тобора түкурлашиб бораётгани сайин жамиятда улкан тараккиётга, сифат жихатдан янгиланишларга ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга қаратилған амалий ҳаракатларимиз ҳам кучайиб бормоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ва ушбу ўкув кўлланмада таҳлил этилган бешта йўналини айни ана шу умуммиллий кайфият ва ялпи сафарбарликка асос бўлиб хизмат килмоқда. Бунн куйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, давлат ва жамият курилници борасидаги ютукларни мустаҳкамлаш, бир неча минг йиллик ўзбек давлатчилиги анъ-аналари билан ҳозирги замон жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларининг синтезлашган шаклидаги тараккиёт моделини түкурлаштириш;

иккинчидан, конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукук тизимини ислоҳ килиш билан боғлик бўлган янгиланишларни янги боскичга кўтариш. Бунда мавжуд конунларни қайта кўриб чиқиш, уларни ҳозирги замоннинг шиддат билан ўзгараётган жараёнларига, ижтимоий-сиёсий янгиланишлар эҳтиёжнга мувофиқлаштириш. Чунки Ўзбекистон глобаллашув жараёнларига фаол кириб бораётган экан, умумсайёравий масалаларни ҳал килишда катта кучтагират ва салоҳиятини намоён қилаётган бир пайтда ўзининг буюк келажагини жаҳон цивилизациясининг узвий бир бўлаги сифатида кўраётган экан, ана шу жараёнларни жамият билан боғлик ҳолда фаоллаштирилган конунлар тизими зарур. Улуғ бобокалонимиз Абу Наср Форобий бундан минг йиллар бурун «Яхши конунлар, яхши анъаналардан келиб чиқади» деб айтган зди;

учинчидан, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари шаронтида иктисолиётни ривожлантириш ва уни либераллаштириш билан боғлик бўлган бугунгн кундаги муаммоларнинг ечимини топиш ва узок муддатли тараккиётга асос солиш. Бунда иктисолиётда давлат иштирокини камайтириш, мулк ва мулк жаси ҳукукини химоя килиш, мулкчилик мавкеини ҳар томон-

лама кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш орқали аҳоли асосий кўпчилигини ташкил этидиган ўрта катламнинг жамиятдаги ролини янада ошириш асосий вазифа килиб кўйилмоқда. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг туб моҳиятидан келиб чиқиб, макроинтиносидий барқарорликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, таркиби ўзгартиришларни чукурлаштириш, иқтисодиётнинг етакчи тармокларини узлуксиз модернизация килиш чораларини кўриш талаб этилмоқда.

туртингидан, ижтимоий соҳани ривожлантириш. Инсон озод ва эркин Ватанда тўлақонли яшаш, ҳаётнинг барча неъматларидан фойдаланиш имкониятларига эга бўлмоғи лозим. Ана шу умуминсоний қадрият ва орзу-интилиш Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсади килиб кўйилгани Ўзбекистонда инсонпарвар давлат сиёсатининг чукурлашиб бораётганидан далолат беради;

бешинчидан, ҳар кандай ҳалқ, ҳар кандай жамият тинч-тотув яшашдан, барқарорликдан манфаатдор. Бу азалий қоида ХХI асрда, айникса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда диний экстремизм ва ақидапарастликнинг авж олаётгани, миллатлараро тотувликка раҳна солишга ҳаракат қилаётган кучларнинг мавжудлиги Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ҳалқ феноменига, унинг маънавий тимсолига, руҳий киёфасига айлангани энг катта ютуғимиздир. Энди бу бебаҳо бойликни асраш, ривожлантириш учун ҳар бир фуқаро қалбида мағкуравий иммунитетни, маънавий-маърифий салоҳиятни ошириш орқали тинч-осуда ҳаётни, Ватанимиз мустақиллиги, ҳалқимиз, фарзандларимиз келажагини кўз корачигидек асраш йўлидаги масъулиятни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонинг ташки сиёсати ўзаро манфаатли, чукур ўйланган, ҳар кандай давлат суверенитетини хурмат килган ҳолда, тенг ҳукукли соглом муносабатларни чукурлаштиришдан иборат. Ҳаракатлар стратегияси ана шу қадриятларни янги тарихий шароитда тараккиётнинг янги босқичига кутаришга даъват этади.

Шу маънода, Ўзбекистонда янгиланишлар стратегиясининг замон талабларига мос ва узокни кўзлаган, аниқ мақсадларга таянган тараккиёт даври бошланди, деб айтишга ҳар томонлама ҳақлимиз.

ТЕСТЛАР

1. Мамлакатимида байналмилал маданият маркази қачон ташкил топган?

- A) 13 января, 1992**
Б) 25 декабря, 1992
В) 16 апреля, 1992
Г) 18 сентября, 1993

2. Кайси халкар ташкилот ва қачон «Бағыненглиқ тамойиллары сарапаниси»ни қабул қилған?

- А) ЮНЕСКО, 1995**
Б) Европа кенгашы (ЕК), 1990
В) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), 2000
Г) Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), 1998

3. «Бағрикенлик» түшүнчесинин майносинин яникланы.

- А) ҳамма жавоблар тұғри** **В) бағрикенглиқ**
Б) чидамлилик **Г) сабр-токаз**

4. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда канча миллат ва зинн вакиллари истиқомат килади?

- A) 137 B) 150 C) 126 D) 140

5. Узбекистонда матбуот нашрлари нечта тилда чон этилади?

- A) 5 B) 7 C) 8 D) 14

- 7. Бүгүнгі кунда мамлекеттимизда неште диний конфессия
икомат қылмокда?**

8. Юридик хизматтнинг шартномавий муносабатлар хукукий жиҳатдан тъммиланишинн ташкил этиш соҳасидаги ватифа ва хукуқларини тартибга солувчи хужжатни танлани.

- А) «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги конун
Б) Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Давлат бошкарувчи органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўгрисида»ги карори

В) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик бошкаруви органлари, давлат корхоналари, мусассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги карори

Г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2733.сон Қарорида юридик хизмат ходимларига қандай имтиёзлар берилди?

А) давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мазкур мутахассислик бўйича уч йиллик стажига эга бўлган ходимлари, лицензия олиш учун адвокат мақомига эга булишга талабгор шаҳе сифатига малака имтихонида тегишили стажировка ўтмасдан иштирок этиш ҳукукига эга бўлади.

Б) юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи ходим бошка давлат органлари, шу жумладан; ҳукукни муҳофаза килувчи ва назорат органларига ишга утганда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат устамаларини тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобга олинадиган бўлди.

В) юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал килинган низолар юзасидан ундирилган пулнинг 5 фоизи, бирок энг кам ойлик иш хақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган микдорда мукофотланадиган бўлди.

Г) барча жавоблар тўғри

10. Никоҳдан ажралишни қайл этиш кайси органларга тааллуқли?

А) факат ФХДЁ органида амалга оширилади

Б) факат суд тартибида амалга оширилади

В) конун хужжатларида белгиланган ҳолларда ФХДЁ органида ҳамда суд тартибида амалга оширилиши мумкин

Г) диний расм-руsumлар асосида амалга оширилади

11. Никоҳни қайл этиш ваколатига эга бўлган органини танлантиришга киратилиган чора-тадбирлар кайси жавобда тўғри келтирилган?

А) факат ФХДЁ органида амалга оширилади

Б) факат суд орқали қайд килинади

В) конун хужжатларида белгиланган ҳолларда ФХДЁ органида ҳамда суд томонидан қайд этилиши мумкин

Г) диний расм-руsumлар асосида амалга оширилади

12. Ҳаракатлар стратегиясида адвокатура институтини тақомиллаштиришга киратилиган чора-тадбирлар кайси жавобда тўғри келтирилган?

А) адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатига иштирок этиш ҳукуки берилади, адвокат сўровини кўриб чиқниш тартиби ва муддатларини аниклаштирилади, адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари даромадларини соликка тортиш тизимини мақбулаштириш, адвокатга лицензия берин ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг роли

адвокатирилади, адвокатлик лицензияси фаолиятини тұхтатиши, тугатишнинг суд тартиби боскічма-боскіч жорий этилади ва адвокатлик түзілмалари-
ның яғында ташкилий-хуқукий шакллари жорий этилади, халқаро-хуқукий, фуқаролик-хуқукий ва хұжалик-хуқукий масалалар буйича юридик өрдам
күрсатиш максадыда хорижий фуқароларга адвокатлик лицензияларини бериш
тартиби жорий этилади

Б) «Адвокатура тұғрисида»ғи қонун яғында таҳрирда ишлаб чиқилади

В) адвокатларға бир вактнинг үзіда судья сифатыда иштирек этиш хуқуки
берилади

Г) халқаро-хуқукий, фуқаролик-хуқукий ва хұжалик-хуқукий масалалар
буйича юридик өрдам күрсатиш максадыда хорижий фуқароларга адвокатлик
лицензияларини бериш тартиби жорий этилади

**13. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасынни ривожлантириши-
нинг бешта устувор йұналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясынни «Халқ
бидан мұлоқот ва инсон манбағатлары йили»да амалға оширинген оид дав-
лат Дастирга күра нотариал идоралар фаолиятини такомиляштириши
буйича қандай чора-тәлдірлар амалға ошириш режалаштирилған?**

А) нотариал идоралар фаолиятини автоматлаштириш

Б) барча нотариал битимлар ҳисобини марказлашган ҳолда юритиши

В) идоралараро электрон хамкорлықтың ҳисобға олған ҳолда, ақоли ва
— биркөрларға нотариат соҳасыда интерактив давлат хизматлари күрсатишни
йүлгі қўйинш

Г) барча жавоблар тұгры

**14. Нотариал идораларға электрон мурожаат килиш тартиби келтә-
жакда қандай муаммоларнинг олдини олади?**

А) фуқароларға кам вакт ва маблаг сарфлаш

Б) оптика қоғозбозликнинг олдини олиш

В) узундан-узун навбатларда турмаслик

Г) барча жавоблар тұгры

**15. Хуқуқни муҳофазя килүвчи органдарнинг жиноятчиликка карши
кураш борасындағы фаолиятини мұвофиқлаштириш деғанда нима тушу-
шылади?**

А) тезкор-кидирув фаолиятни, суринширувни, дастлабки терговни амалға
— шырадыған органлар фаолиятини келишувчилек асосида олиб бориши

Б) суринширувни, дастлабки терговни, тезкор-кидирув фаолиятни амалға
— шырадыған органларнинг жиноятчиликка карши кураш борасындағы фаоли-
тины мұвофиқлаштириш

В) тезкор-кидирув фаолиятни, суринширувни, дастлабки терговни амалға
— шырадыған органлар фаолиятини хамкорлық асосида олиб бориши

Г) Ҳафтада бир марта «Маҳалламиз жиноятчиликка қарши туради» акцияларини үтказиш

25. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси мөддасида жамотчилик назорати келтириб ўтилган?

- А) 48 Б) 51 В) 32 Г) 18

26. Жамоатчилик назорати бу – ...

А) давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўзларига қонунчилик билан юклатилган мажбуриятларни ижро этиши билан боғлик фаолиятидир.

Б) давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет зл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларини ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун хужжатларига риоя килмаслик холатларини аниқлашга каратилган фаолиятдир.

В) давлат ва унинг номидан маҳсус ваколатли органларнинг қонун билан белгиланган тартибида ҳуқукий таъсир чорасини қўлаш орқали қонунийликни, ҳуқукий тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва бошқа фуқаролик бирлашмаларининг ҳуқук ва қонуний манфаатларини муҳофаза килиш, фуқароларни ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя килиш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқукбузарликларга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятдир, дейиш мумкин.

Г) тўгри жавоб йўқ

27. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси мөддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонулларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсниувчи прокурорлар амалга оширади деб кўрсатилган?

- А) 110-модда Б) 115-модда В) 118-модда Г) тўгри жавоб йўқ

28. Ҳуқукбузарликлар профилактикасининг турлари – ...

А) ҳуқукбузарликларнинг умумий ва маҳсус профилактикаси

Б) ҳуқукбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси

В) ҳуқукбузарликларнинг виктимологик профилактикаси

Г) барча жавоблар тўгри

29. Инсонпарварлик принципига тўгри таъриф берилган қаторни топинг.

А) ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортлиши мумкин эмас

Б) шахс қонунда белгиланган тартибида айби исботланган ижтимоий ҳавфни килмишлари учунгина жавобгар бўлади

В) қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортлиши шарт

Г) жазо ва бошка ҳуқукий таъсир чоралари жисмоний азоб берниш ёки инсон кадр-кимматини камситиш максадини кўзламайди

30. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ярашув институти қачон киритилди?

- А) 2000 йил 21 август
Б) 2001 йил 29 август

- В) 2002 йил 30 август
Г) 2003 йил 24 август

31. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ, вояга етмаган шахслар учун қандай жазо чоралари тайинланиши мумкин?

1. жарима; 2. муайян ҳуқуқдан маҳрум килиш; 3. ахлок тузатиш ишларни;
4. хизмат бўйича чеклаш; 5. камок; 6. озодликни чеклаш; 7. интизомий кисмга жўнатиш; 8. озодликдан маҳрум килиш; 9. умрбод озодликдан маҳрум килиш.

- А) 1, 2, 5, 7, 9. Б) 2, 4, 5, 7, 8. В) 4, 6, 7, 8, 9. Г) 1, 3, 5, 6, 8.

32. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 661-моддасига мувофиқ, прашилганлиги муносабати билан жиной жавобгарликдан озод келинмайдиган шахслар рўйхатини аннексияни.

А) озодликдан маҳрум килиш жазосини ўтаб бўлганидан сўнг судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар

Б) илгари ярашув кўлланилган муносабати билан жиной жавобгарликдан озод килинган шахслар

В) хавфли ва ўта хавфли рецидивистлар

Г) оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор килиш тўғрисида»ги Фармони қачон кабул қилинган?

- А) 2005 йил 1 август
Б) 2008 йил 1 январь

- В) 2007 йил 11 июль
Г) 2007 йил 29 август

34. Даъвогар судгача ҳал килиш (талабнома юборниш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни кўллаш имконияти йўқотилган бўлса...

- А) иш юритиш давом этади
Б) шартнома бекор килинади

- В) даъво кўрмасдан колдирилади
Г) иш юритиш тутатилади

35. «Хўжалик юритувчи субъектлар фволиятнинг шартномавий-ҳуқукий базаси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб кимча муддат ичилада унга жавоб кайтариши шарт?

- А) бир ой

- Б) 15 кун

- В) 20 кун

- Г) 10 кун

36. Ўзбекистон Республикасида қайси судларда биринчи бўлиб ви-
деоконференцалука режимидаги суд мажлислари ўтказила бошланади

- А) фукаролик судлари
Б) хұжалик судлари
В) жиноят судлари
Г) маъмурӣ судлар

37. Фукаролик ва хўжалик судлари иш юритувиду келишув битимининг тузилиши қандай процессуал оқибатларга олиб келади?

- А) аризаны ҳаракатсиз колдириш
Б) иш юритишни тұхтатиш**

**В) даъвони күрмасдан колдириш
Г) иш юритишни тұгатиш**

38. Күйнеги хукулардан қайси бири назорат инстанциясы судининің ваколатларына тааллукты эмас?

- А) ҳал күлүв карорини, ажрым ёки карорни үзгаришсиз, протестни эса қаноатлантирумай қолдиришга**

Б) хал килув карорини, ажрим ёки карорни бутунлай ёхуд кисман бекор килишга ва ишни янгидан куриш учун биринчи инстанция суди ёки апелляция ёхуд кассация инстанцияси судига юборишга

В) хал килув карорини, ажрим ёхуд қарорни бутунлай ёки кисман бескор килишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани кўрмасдан қолдиришга

Г) ФПКнинг 314-моддаси иккинчи кисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бутунлай ёки кисман бекор килишга ҳамда ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишига ҳакли

39. Қонуний күчтө киргап суд қарорлари устидан протест көлтириштүйрүсилдеги аризалар канча мүлдәттә күриб чыңылады?

- A) ариза 10 кун муддатда күриб чиқилиши керак
 - Б) ариза 20 кун муддатда күриб чиқилиши керак
 - В) ариза бир ой муддатда күриб чиқилиши керак
 - Г) ариза уч ой муддатда күриб чиқилиши керак

40. Низоларни судгача ҳал этиш усули қайси жавобда түрги күрсатылған?

- А) талабнома юбориш
Б) ҳакамллик судида ҳал этиш
В) медиация тартибида ҳал этиш
Г) фуқаролик судида ҳал этиш

41. Низоларни суддан ташкари мүкобил ҳал этиш қайси жавобда түгри күрсатылған?

- А) талабнома юбориши**
Б) эътироҳ билдириши орқали

В) медиация тартибида ҳал этиши
Г) меҳнат низолари комиссиясида ҳал этиши

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси

тўғрисида» и ПФ-4947-сон Фармони қабул килилган санни янисидан.

- А) 2017 йил 7 февраль
Б) 2017 йил 17 январь

- В) 2016 йил 8 декабрь
Г) 2016 йил 4 декабрь

43. Кайси жавобда суд ижроисига қўйилган талаб тўғри кўрсатилган?

- А) ўрта маҳсус ёки олий маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси
Б) ўрта маҳсус (юридик) ёки олий (юридик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси
В) ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси
Г) олий маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси

44. Суд қарорлари кайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) суд мажлис байдономаси, ариза, шикоят
Б) электрон мурожаат, суд буйруги, ажрим
В) ажрим, келишув, ариза
Г) суд буйруги, ажрим, карор

45. Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят қуроллари тушичасига қандай таъриф берилган?

А) жиноятга тайёргарлик куриш ёки содир этиш учун маҳсус мўлжалланган, тайёланган ёки мослаштирилган нарсалар, шунингдек жиноий мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк

Б) вокса жойи кўздан кечириш жараёнида жиноятга алоқадор бўлган ҳар қандай нарсалар

В) маҳсус экспертизанинг хulosасига кўра совук курол ва ўқ отар курол деб топилган ҳар қандай курол

Г) тўғри жавоб йўқ

46. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халк билан мулокот ва инсон манфаатларн йилни»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ Тошкент шахри ва вилоятида яшги курилган ючмас мулкни Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари томонидан сотиб олиш учун неча фоиз минкорда давлат бози тўлаш назарда тутилган?

А) 10–15

Б) 5–10

В) 15–20

Г) 20–25

47. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришинг бенита устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра,

Конституцияйи, Олий ва Олий хўжалик судлари судья лавозимларини, қайси ёшгача белгилаш кўзла тутилган?

- A) 60 B) 65 C) 70 D) 75

48. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш қайси орган тасарруфига ўтказилиши режалаштирилган?

- A) Адлия вазирлигига B) Олий хўжалик судига
B) Олий судга C) Суд департаментига

49. Суд ҳокимиятининг мустакиллигини таъминлаш принцини Конституциянинг нечанчи моддасида ўз ифодасини топган?

- A) 110-моддасида B) 112-моддасида
B) 111-моддасида C) 107-моддасида

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди?

- A) 2016 йил 21 декабрь B) 2017 йил 7 февраль
B) 2016 йил 21 октябрь C) 2017 йил 21 февраль

51. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оил Давлат дастурига мувофиқ фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурӣ судларни ташкил этиш муддатини кўрсатинг?

- A) 2017 йил III чорак B) 2017 йил I чорак
B) 2017 йил II чорак C) 2017 йил IV чорак

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–2682-сон Фармонига мувофиқ судлар қачондан боштаб ихтисослаштирилди?

- A) 2001 йил 1 апрелдан B) 2001 йил 1 сентябрдан
B) 2001 йил 1 январдан C) 2001 йил 31 августдан

53. Судьяларнинг мустакиллиги нималар орқали таъминланади?

А) судьяларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод килиш, судьяларнинг дахлсизлиги, оил судловни амалга оширишдаги катъий таомил, карор чиқариш чогида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор килишни талаб этишининг тақиқланиши, судга хурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар

дахлсизлигини бузгандык учун жаобгарлык, судьяларга давлат хисобидан
шарнинг юксак макомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот

Б) судьяларнинг дахлисизлиги, судьяларга давлат хисобидан уларнинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш, судьялар маслаҳатининг сир тутилиши, ишларни кўриб чикишда судьяларнинг мустакиллиги

В) карор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, декларация билан, ишларни куриб чиқишда судьяларнинг мустакиллиги

Г) судьяларнинг дахлисизлиги, судьялар маслаҳатининг сир тутилиши, судьяларни конунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликлан озод килиш, судга ҳурматсизлик учун жавобгарлик, айбисизлик презумпцияси

54. Узбекистон Республикасининг «Суллар тұгрыс�다»ғы қонунинің янги таҳрири қаңон қабул қилинган?

- А) 2000 йил 14 декабрда
Б) 1993 йил 2 сентябрда
В) 2000 йил 14 августда
Г) 1992 йил 3 сентябрда

- A) XV асрда Буюк Британияда** **B) XVI асрда Англияда**
Б) XVII асрда АҚШда **Г) XIII асрда Францияда**

56. Төргөвчи кандай эхтийт чораларини үзүүлэх учун суд рухсатини олиши галаб этияади?

- A) қамок ва үй қамоги құллашга
 - Б) гаров ва қамок құллашга
 - В) мажбурий келтиришга
 - Г) муносиб хулк-атвортада булиш учун тилхат құллаш учун

57. Судлар фаолигига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий килиш буйича «Халқ билән мулокот вә инсон манфатлари йили» Даыллат дастиргига күра, 2017 йилнинг 3-чорагида амалга приладиган ишлар қайси жавобда түгри курсатилган?

- A) электрон тартибда судга мурожаат қилиш
 - Б) видеоконференцлока режимида суд жараёни ўтказиш
 - В) судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда таҳсиллаш
 - Г) даъво аризани электрон юбориш

58. Фүкааролик ишләри бүйича судлар фасолиятiga замонавий ахборот-коммуникация технологияларын қачондан жорий этилди?

- А) 2012 йилдан
Б) 2013 йилдан
В) 2014 йилдан
Г) 2015 йилдан

ГЛОССАРИЙ

АДВОКАТ – олий юридик маълумотта эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шугулланиш хукукини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фукароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Белгиланган тартибда муомалага лаёкатсиз ёки муомала лаёкати чекланган деб топилган, шунингдек, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташлаймаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шугулланишига йўл кўйилмайди.

АДВОКАТУРА ФАОЛИЯТИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ – адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ва юридик маслаҳатхонадан иборат.

АРИЗА – бу хуфкукларни, эркинликларни ва конуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

АРЗОН УЙ-ЖОЙ – кишлек ахолисининг талаб ва эҳтиёжларини ҳамда тўлов қобилиятини ҳисобга олиб, давлат дастурига кўра намунаий лойиҳа асосида куриладиган уй-жойлар.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, кайта ишлаш ва етказиш билан

боглик бўлган обьектлар, ҳаракатлар ва қоидалар, шунингдек, барча технологиялар ҳамда санаб ўтилган жараёнларни биргаликда таъминловчи соҳалар мажмуаси.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ – меҳнатга лаёкатли ахолининг ижтимоий меҳнатда қатнашиш даражаси, конунчиликка зид бўлмаган тарзда фукаро-нинг шахсий ва ижтимоий талабларини кондириш билан boglik bулган фаолияти.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ – давлат томонидан фукароларнинг меҳнатга, тулиқ, самарали ва эркин танланган бандликка бўлган хукуклиарини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган фаолият.

АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДИ – пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вакт оралигидаги даврда уй хужалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан таркиб топади.

АҚИДАПАРАСТЛИК – (ақида – араб. – ишонч, бирор нарсани иккинчисига боғлаш) муйян шароитда, бирон-бир гояга катъий ишонч ва уни мутлаклаштириш асосида шаклиланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кур-кўронга кўллаш.

БАРҚАРОРЛИК – тинчлик осойишталык ва ижодий меңнат мұхити катый, узил-кесил ҳамда мустахкам үрнатылған мүкнім шароныт. Барқарорлық ҳар қандай бундюорлық фаолиятининг замини ва зарурый шарты хисобланади.

БЕПУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ

– фуқароларға кулайлық ва имтиёзлар беріш максадыда давлат томонидан шефолатланған барча тиббий хизматтар мажмусаси.

ВЕБ-САХИФА – Интернет мәнзили (*url*) билан бир хил маңнода белгилануучи мәнтикий бирлік. У веб сайтнинг таркибий қисмидір.

ВИДЕОКОИФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИДАГИ СУД МАЖЛИСИ – реал вакт режимінде телекоммуникация технологиялары өрдеміда аудио ва видеоаҳборотлар алмашинуви импониялардан фойдаланған ҳолда ишни күрастгап суд ва суд мажлисими үтказынша күмаклашаётгап суд үртасидаги интерактив үзаро таъсир килиш йүли билан масофадан суд мажлисими үтказиш.

ГЕОСИЁСИЙ МУВОЗАНАТ

– маълум бир ҳудуддаги мавжуд сиёсий вазиятни баркарорлаштириш.

ГЛОБАЛЛАШУВ – жамиятнинг барча соҳаларини камраб олувчи тизимли хусусиятга эга, бутун жаҳон иқтисодий сиёсий, маданий интеграция ва унификациялашув, ҳалкаро меңнат тақсимоти, капитал, ишчи кучи ва ишлаб чыкариш ресурсларнинг эркін ҳаракати, конунчилік, иқтисодий ва технологик жараёнларни стандартлаштириш, шунингдек, түрлі мамлакатлар маданиятнинг күшилиши ва яқынлашуви билан боғлық объектив жараён.

ДАВЛАТ БОЖИ – судларга берилдиган даъво аризалардан, шикояттардан, судларнинг карорлари юзасидан берилдиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларини, шунингдек, судлар томонидан хужжатларнинг нұсхаларини бергандык учун тұланаудың мүайян пул үйгіми.

ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ ЕРДАМИ – меңнатта лақатсызлиги, ишсизлиги, даромад манбаи мавжуд бұлмаган сабабли мустакил равища үзини моддий таъминлай олмаган шахсларға давлат томонидан берилдиган ёрдам.

ДАВЛАТОРГАНИНИНГ ЮРИДИК ХИЗМАТИ – давлат органдардың технологиялары өрдеміде аудио ва видеоаҳборотлардың әдебиеттегі норматив-хукукий құралдар меншіктегі мүстакил таркибий бүлиннә әки лавозим.

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК – давлат органдарнинг нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятнинг бошка институтлари билан мамлакаттың ижтимои-иқтисодий ривожлантириш дастырларини, шу жумладан, тармок, ҳудудий дастырларни, шунингдек, норматив-хукукий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг хукуклари ва конуний манбаатларига дахлдор болған бошка карорларни ишлаб чынш ҳамда амалға ошириш борасидаги ҳамкорлығи.

ДАРОМАДЛАРНИНГ ТАБАҚАЛАШУВИ – ақоли жон бошига түгри келадиган даромадлар даражасидаги тағовутлар.

ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ – килмишни ижтимои хавфли әмас ва жиной жазога сазовор әмас, деб топиш (килмишни жиноят қонунидан чыкариб ташлаш).

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ – (лотинча *diversus* – ҳар хил, *facere* – килемок, бажармок) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармок ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш. Диверсификация жараёни иктиносидёт тармокларида олиб борилаётган мөдернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита ўйғунлашган.

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегияси. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришининг энг етакчи замонавий тенденцияларидан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарнинг бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рабботдошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, кўшма корхоналар тузиш, бошка корхоналарни сотиб олиш ва бошка турли услубларда амалга оширилиши мумкин.

ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК – турли дин вакиллари ёзтиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар, уларнинг ёнма-ён ва ўзаротинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга хурмат билан караш.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ – диний жамоаларнинг энг юкори расмий ўюшмаси.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ – жамият учун анъанавий бўлган диний

қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган гояларни аллов ва зўрлик билан тарғиб килишга асосланган назария ва амалиёт; диний ташкилотлардаги ута мутаассиб гурухларнинг ашаддий реакцион динни никоб килиб олган, унинг конун-қоидаларига мафкуравий тус берабер, ундаи ўзларининг стратегик геосиёсий максадларига эришиш йулида фойдаланишга каратилган диний-сиёсий ходиса.

ЕРЛАРНИНГ ИРРИГАЦИОН-МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ – сув билан таъминланиш ва сугориш тармоқлари тизими, ер ости сувлари сатхининг жойлашуви ва тупроқнинг шўрланиш даражасидан келиб чиқиб сугориладиган ерларнинг ҳолатини ифодаловчи курсаткич.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошка ўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шарондлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий ва хукукий чора-тадбирлар тизими.

ЁШЛАР (ЁШ ФУҚАРОЛАР) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар.

ЁШ ОИЛА – эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бала) тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёндан ошмаган ёлгиз отадан ёки ёлгиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган беваэркак (бева аёл).

ЁШ МУТАХАССИС – олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар таъли-

ми муассасасини битирган, таълим муассасасини битирганидан сўнг олган ихтисослиги бўйича уч йил ичидан ишга кирган ва маълумоти тўгрисидаги хужжатда кўрсатилган ихтисослиги бўйича ишлаётганига уч йилдан кўп бўлмаган ўттиз ёшдан ошмаган ходим.

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ

— юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фукаролар томонидан, шунингдек таъсисчилари ёш фукаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти.

ЁШЛАР ВА БАНДЛИК — ижтимоий етукликка эришиш даврини бошдан кечираётган ўн беш ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ижтимоий демографик гурухларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилганлик муаммоси.

ЖАМИЯТ — инсонлардан ташкил топган ижтимоий тузум.

ЖАМОАТ НАЗОРАТИ

— а) кабул килинган конунлар ва конун хужжатлари ижроси; б) хокимият карорлари қандай кабул килиниши ва ижро этилиши; в) конун ва бошка конун хужжатларининг тайёрланиш жараёни; г) давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолияти; д) давлатнинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик вакиллари ва жамоат ташкилларининг назорати.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

— давлат органлари фаолиятининг конунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси фукаролари, чет эл

фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини таъминловчи конун ҳужжатларига риоя килмаслик ҳолатларини аниклашга каратилган фаолият.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ОБЪЕКТИ — давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларнинг ўзларига конунчилик билан юклатилган мажбуриятларни ижро этиши билан боғлик фаолияти. Давлат органи мансабдор шахснинг шахсий ҳаёти, ишчи ёзувлари, шунингдек давлат сири ёки конун билан қўриклиладиган бошка сирдан иборат ахборот, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суд иш юритувидаги муайян ишлар ва материаллар жамоатчилик назоратининг объекти ҳисобланмайди.

ЖАҲОН СИЁСАТИ — умумсайёравий моҳиятга эга бўлган, жаҳон ҳамжамияти тақдирни ва истикболи билан боғлик бўлган сиёсат.

ЖИНОЯТ ҚУРОЛИ — ашёвий далил деб ўтироф этилган жиноятга тайёргарлик қўриш ёки содир этиш учун маҳсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар, шунингдек жиноий максалларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ — жиноий хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилиги ва турига караб, ҳукукни муҳофаза килувчи органларнинг ҳар бири алоҳида, ўзига юклатилган вазифалар доирасидан келиб чиккан ҳолда, идоравий усул ва воситалар оркали курашишга каратилган фаолият.

ИШ БИЛАН БАНДЛИК – иктисодий фаол аҳолининг конун хужжатларига мувофик даромад келтирадиган фаолиятга эга булиши.

ИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУХИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ – хукукни муҳофаза килувчи органлар стратегияси асосида шакллантирилган кўрсаткичлар булиб, улар тезкорхизматга оид максад ва вазифаларга эришиш буйича ходим фаолиятини баҳолашга каратилган бўлади.

ИШ ҲАҚИ – ишчи кучи баҳосининг пул ифодасидаги аник шакли хисобланади, шунингдек, иш ҳаки ишчилар ўртасида сарфланган меҳнат микдори ва сифатига қўйилган ҳақиқий ҳиссага мувофик таксимлаиадиган ҳамда корхона ишининг пировард натижалари фойданинг асосий кисмидир.

ИШ ЎРНИ – тегишли равишда жиҳозланган ва иш куроллари билан тъминланган, микдор ва сифат тавсифларига эга бўлган, белгиланган меҳнат меъёрига кўра ишлаб чикариш топшириги ёки функциясини бажарувчи ходимнинг ёки ягона ишлаб чикариш топширигини ёхуд технология жиҳатдан ажралмас функцияни бажарувчи ходимлар гурухининг меҳнат фаолияти амалга ошадиган макон.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик кайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ – иктисодиётнинг бевоси-

та моддий исьматлар ишлаб чикариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлик соҳаси булиб, у ўз ичига саноат, кишлек хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тұғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ – 1997 йил 29 августанда кабул килинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Тълим тұғрисида»ги конунуларнинг коидаларига мувофик ҳолда тайёрланган булиб, миллий тажрибаниң таҳлили ва тълим тизимиңнинг жаҳон миксидаги ютуклари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва кассб маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сийесий ҳаётда мустақил фикрловчи шахсларни тарбиялаш дастуридир.

КЕЛИШУВ БИТИМИ – ўзаро келишишга асосланган, даъво талаби (талаблари)га нисбатан аниқликка эришишга каратилган, низони ҳал килиш тұғрисидаги тарафларнинг ёзма келишувиdir.

КЕНГ ПОЛОСАЛИ МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШ ТАРМОГИ – битта мухит (сим) бир полоса бир неча каналларга хизмат кўрсата оладиган маълумотларни узатиш турни. Кенг полосали узатиш, мисол учун кабсл телскўрсатувлари хизмати томонидан фойдаланади.

КОНФЕССИЯ – (лотин. – зътироф, зътиқод) муайян диний тълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос ҳусусиятларга эга зътиқол

ва унга эргашувчилар жамоаси. Бир дин донрасида юзага келган булса-да, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради.

КОРРУПЦИЯ – шахснинг үз мансаб ёки хизмат мавқедан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб молдй ёки номоддий наф олиш мақсадида конунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни конунга хилоф равишда тақдим этиш.

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚҚУБЗАРЛИК – коррупция аломатларига зга бўлган, содир этилганлиги учун конун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган килмиш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – коррупцияга оид ҳолатларни аниклаш, уларга барҳам берин, шунингдек коррупцион жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниклаш, бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар амалга ошириш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯСИ – коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш комиссияси.

КРИМИНАЛИЗАЦИЯ – килимишнинг жиноят қонунида ижтимоий ҳавфли, деб топилиши ва уни жинонӣ жазога сазовор, деб ўзлон қилинишидир.

ҚЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИГИ – кишлоқ ҳўжалиги

маҳсулотларини стиштириш билан бирга уларни чукур кайта ишлаш, ахолига турли иш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи фермер ҳўжаликлари.

КЎЧМАС МУЛК – ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дараҳатлар ва ер билан узвий bogланган бошка мол-мулк, яни белгиланган мақсадга номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради.

МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ЖАЗОСИ – суд томонидан маҳкумга нисбатан тайинланадиган давлат фойдасига ҳак тўланмайдиган ишга жалб этишдан иборат жиноий жазо чораси.

МАЗХАБ – (араб. – йўл) исломдаги шариат конунлари тизими, фикхий йўналиш.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ – шахсий (бевосита ёки билвосита) манбаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим дараҷада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манбаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатлари ўртасида қарама-каршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

МАФКУРА – фикр, гоя ва қарашларнинг ягона ва умумий мажмуаси.

МАФКУРАВИЙ БЎШЛИҚ – кишиларда жамиятдаги мавжуд ҳолатни, ижтимоий мухитни нотўғри идрок этишга, унинг иродасини бошка кишига бўйсундириш ва дунёкарашида агрессивликни шакллантиришга хиз-

мат киладиган носоғлом гоялар билан тұлдирілишига замин яратилиши.

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ – инсон, іжтимоий гурух, миллат, жамият дунёкарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларини ифода этадиган гоявий билимлар билан куроллантиришга йұналтирилган жарапен.

МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА – гайринсоний гоя ва мафкураларнинг олдини олиш, уларнинг тарқалиб кетишига йүл құймаслик учун давлат, жамоат ташкылтлари томонидан күрилдиган чора-тадбирлар тизими. Бу чора-тадбир гоявий бүшликни тугатиш, мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш ёки бирор-бир худуд, каталам, гурухни ёт ва заарлы гоялар таъсиридан халос килиш мақсадида амалга оширилади. Бунда гоявий таъсирининг хилма-хил усул ва йұллардан фойдаланилади, турлы воситалар құлланилади.

МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК – шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда нағын бұладиган мафкуравий тажовузлар турлы мафкуравий марказларнинг бузгунчилек таъсиридан химояланғанлық даражаси.

МАХСУЛОТ СИФАТИ – маҳсулотта нисбатан күйилған халқ әхтиәжи талабларини кондирилиш даражаси, уларнинг хосса хусусиятлари, ташки күрениши, ишлатилишининг құлайлигі.

МАЪМУРИЙ СУД – оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чикадиган маъмурый низоларни, шуннингдег маъмурый ҳуқуқбұзарліклар тұгрисидаги ишларни күриб чиқиш ваколатига эга бўлган суд.

МАЪНАВИЯТ – (араб. – маънодар мажмуй) кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлокий, диний тасаввурлари ва тушунчалары мажмуй. Маънавият мафкура, тафкур тушунчаларига якын ва улар бир-бирларини такозо этади. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг күч-құдратындар. Мустакиллик даври миллий истиқтол маънавияттини тиклаш ва ривожлантириш, миллий тил ва маданиятты тараққий эттириш, миллий үз-үзини аңглаш, миллий ҳис-түйгүларнин, гурурни, ватанпарварлыкни ўстириш ва мустаҳкамлаш билан bogлиқ.

МАЪРИФАТ – (арабча – арафа – билмоқ сүзидан) таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний гоялар мажмуй асосида кишиларнинг онг-билимини, маданияттини ўстиришга қаратылған фаолият. «Маърифат» тушунчаси «маънавият» ва «маданият» тушунчалари билан қамбарчас Боглиқ.

МЕДИАЦИЯ – бир-бирини тушуниш ва низоли ҳолатни бартарап этувчи битим тузишга эришиш мақсадида, холис шахс-медиатор (воситачи) иштирокида тарафларнин зеркін музокарага кириши оркали низони ҳал этиш процедураси.

МЕҲНАТ БОЗОРИ – меҳнатта кобилиялти ахолининг фаол (иши билан банд ва меҳнатта мұхтох ахоли) кисмлари ва иш берувчилар үргасидаги үзаро муносабатларни тартиби солувчи, «меҳнат кобилияти»ни соғиши-сөтиб олишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф үргасидаги нисбатларни бевосита баркарорлаштирувчи күп омилли-

мураккаб ижтимоий-иктисодий жа-
раёнлар тизими.

МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ –
мехнатга лаёкатли ёшдаги меҳнатга
лаёкатли ахоли ҳамда меҳнатга лаё-
катли ёшдан кичик ва катта ёшдаги
ишилаётган шахслар.

МИЛЛАТ – (араб. – ҳалқ) ки-
шиларнинг ягона тилда сўзлашиши,
яхлит ҳудудда истиқомат килиши,
муштарак иктисодий ҳаёт кечириши,
умумий маданийт ва руҳиятга эга бу-
лиши асосида тарихан ташкил топган
баркарор бирлиги.

МИЛЛАТЧИЛИК – миллатлар-
нинг тенглигини инкор этиб, ўз милла-
тини бошка миллатлардан юкори
куйиш, унга имтиёзлар яратишга
интилиш, унинг манфаатларини бош-
ка миллатлар манфаатларидан афзал
курши.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВ-
ЛИК – миллий истиклол мағкураси-
нинг асосий гояларидан бири бўлиб, у
муайян ҳудуд, давлатда турли миллат
вакилларининг ҳамжихат яшави,
ҳамкорликда фаолият юритишини
ифодаловчи тушунча.

**МИЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ СЕГ-
МЕНТИ** – жаҳон глобал тармоғидаги
муайян минтақа аҳолиси фойдала-
надиган, маълумотлар узатадиган ва
қабул қиласидиган сайtlар доираси.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК – маълум бир давлатнинг ички хавф-
сизлиги.

**МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗ-
ЛИК** – маълум бир минтақага оид
хавфсизлик. Масалан, Марказий
Оснёда хавфсизлик, Яқин Шарқ хавф-
сизлиги.

МУВОФИКЛАШТИРИШ –
умумий мақсадга эришиш йўлида

ўхшаш ва турдош фаолиятни амалга
оширадиган органлар фаолияти-
ни тартибга солиш, бир-бирининг
фаолиятини тақрорламаслик, бирни
бошқасининг функциясини бажар-
маслиги, муайян аник мақсад йўлида
куч ҳамда имкониятларни бирлашти-
риш, шунингдек умумий фаолият са-
марадорлигини янада ошириш йўлида
узаро келишув.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИ – олий таълим муассасасига ёки ил-
мий-тадқикот муассасасига мустакил
изланувчиликка белгиланган тартиб-
да қабул килинган шахс.

**МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИ-
ЛИК** – ишлаб чиқаришдан бўшамаган
холда докторлик диссертациясини
тайёрлаш ва химоя килиш мақсадида
мутахассисликни чукур ўрганиш
ва илмий изланишлар бўйича фан
доктори илмий даражасини олишга
талаబгорлар учун олий таълим муас-
сасаларида ва илмий-тадқикот муас-
сасаларида ташкил этиладиган олий
малакали илмий ва илмий-педагог
кадрлар ихтисосликлари бўйича
олий ўкув юртидан кейинги таълим
шакли.

МУТААССИБЛИК – ўз фикр-
мулоҳаза ва дунёкараши тўғрилигига
ўта қаттиқ ишониб, бошка диний
ътиқодларга муросасиз муносабатда
булиш.

**НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ
ЮРИТИШ** – биринчи инстанция
суди, апелляция ёки кассация суди
судлов ҳайъатлари томонидан чиқа-
рилган ҳал қилув карорлари, ажрим
ва карорларнинг конуний, асосли
ҳамда адолатли эканлигини, ушбу
карорларни моддий ҳамда процес-

суал ҳукук нормаларининг тўгри қўлланилганлиги асосида қабул ки-линганигини текширадиган, куйи судларнинг фаолиятини назорат килиб, мувофиқлаштириб турадиган судлов истанциясида иш юритиш.

НАСЛЧИЛИК – селекция максадида наслдор ҳайвонларни урчи-тиш, наслли маҳсулот (материал) стиштириш ва ундан фойдаланиш.

НАФАКА – фукароларга конунчиликда кўзда тутилган ҳолларда кисман ёки тўлиқ меҳнатта лаёкатсизлик, оғир моддий шароит, болали оиласларни қуллаб-куватлаш, шунингдек, кариндошларидан бири вафот этган тақдирда мунтазам ёки бир марта бериладиган пул тўловидир.

НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШ – давлатнинг одил судлов тизимидан ташкарида низоларни ҳал этишнинг услуг ба усуллари.

НИКОХ – фукаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида тузиладиган, ўзаро оила курган ҳолда муҳаббат ва хурматга, ўзаро ёрдамга ва бир бирининг олдида жавобгарликка асосланган эркак ва аёлнинг иттифокидир.

НИКОҲДАН АЖРАТИШ – эр хотинлик муносабатларининг туга-тилиши бўлиб, суд тартибида ҳамда конун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда фукаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади. Ҳар кандай ҳолатда ҳам никоҳдан ажратишни қайд этиш ФҲДЁ органида қайд этилади.

НОДАВЛАТ-НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТ – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий равишда тузилган, ўз фаоли-

яти давомида факат фойда олини ўз олдига асосий мақсад килиб кўймаган ва олинган фондани унинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошкарадиган ташкилот.

НОТАРИУС – йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камидা уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, нотариал идорада камидা икки йил муддатли стажировкани утаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фукароси нотариус булиши мумкин.

ОДИЛ СУДЛОВ – конун ва у билан белгиланган тартиб-тамойилга катъий риоя килган ҳолда судлар томонидан жиноят, фукаролик, ҳужалик ишларини ва маъмурий ҳукукбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал килиш бўйича ҳукукни муҳофаза килиш фаолиятининг тури.

ОИЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик, она ва бола саломатлигини муҳофаза килиш, бехатар оналик, соғлом оила барпо этиш, болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ – ҳалқ ҳужалиги, фан ва маданиятнинг турли тармоклари учун юкори, олий малакали мутахассислар тайёрлаш тармоги. Олий таълим ўрта маҳсус, қасб-хунар негизида асосланади ҳамда икки боскич (бакалавриат ва магистратура)дан иборат.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педа-

тог кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлусиз таълим гури.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИ-ТАЛАРИ (ОАВ) – оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бўллетенлар ва бошқалар) ва ёки электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармокларидағи веб сайтлар) олти ойда камидан бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошка шакллари. ОАВ ахборотни тарқатиш воситалари бўлиб, оммавий аудиторияга йўналгандиги, ҳаммабоплиги билан ажралиб туради ҳамда матбуот, радио, телевидение, Интернетни үзичига олади.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ – аёлларни оналик вазифасини бажарган, бола тарбияси билан шугулланган ҳолда ишлаб чиқариш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга ўзратилган жамият ва давлат томонндан ўтказиладиган тадбирлар.

ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАСИ – худуддаги хонадонларда ахоли саломатлиги ва касалликни юзага шетириши мумкин бўлган омишлиларни ўрганиб, ахолига тиббий ёрдам кўрсатувчи ходим.

ПЕНСИЯЛАР – коунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, бокув-исини йўқотганлиги, шунингдек, коунчиликка асосан таъсис этилган

тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот буйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

ПЕТИЦИЯ – давлат ҳокимияти органларига ёки маҳаллий органларга юборилган ёзма шаклдаги жамоавий мурожаат.

РАДИКАЛИЗМ – (лотин. – төмір, илдиз, ўзак) мақсад-муддаони кескин, муросасиз амалга ошириш, у ёки бу ишдаги мавжуд ахволни тубдан ўзгартиришга интилиш.

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ – видео ва аудио сигнални узаттичдан телевизорга рақамли модуляция ва маълумотларни сикиш ёрдамида узатиши технологияси.

РАҚОБАТ – ҳар кандай бозор механизмини ташкил этувчи ажралмас кисм, кўп миқдордаги эркин харидорлар (иш берувчилар) ва иш кучини «сотувчи»ларнинг мавжудлиги ҳамда улар учун меҳнат бозорига эркин кириш ва уни тарк этиш имконияти.

РАҚОБАТБАРДОШЛИК – товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминловчи нарҳда ташкил бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган кобилияти.

РЕАЛ ДАРОМАДЛАР – нарҳ даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромалга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори.

СЕЛЕКЦИЯ ЮТУГИ – ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти.

СЕПАРАТИЗМ – (лотин. – ажралиб чиқишга, алоҳида булишга интилиш) ҳокимиятни Конституцияга зид йўллар билан кўлга киритишга

интилувчи кучларнинг сиёсатга аралашишлари.

СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК

– маълум бир давлат ёки минтақада тинчликни таъминлашга қаратилган изчил сиёсат.

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР – давлат, минтақа ёки жаҳон миқёсидаги сиёсий фаолият ҳаракати.

СИЁСИЙ САЛОҲИЯТ – сиёсий фаолиятда намоён буладиган қобилият, куч-кудрат. Бу давлат арбоби ёки давлат қиёфасида намоён бўлади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ – тиббий ёрдамни ташкил этиш, қасалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлик даражасини яхшилашга қаратилган ва ижтимоий-иктисодий ҳарактерга эга бўлган давлат ва жамият чора-тадбирлари йигиндиси.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – жамият ва индивид саломатлиги учун тиббий фаолиятнинг максимал даражада намоён булиши.

СТИПЕНДИЯ – олий таълим муассасаларининг талабаларига тұла-надиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўкув грантлари.

СУД – давлат идораси бўлиб, ҳуқукий низоларни конун ҳужжатларига асосан ҳал киласи.

СУД НАЗОРАТИ – бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан (106 ва 107-моддалар) келиб чикадиган ва процессуал конун ҳужжатлари билан белгиланган шакларда амалга ошириладиган юкори судларнинг қуин судлар томонидан ўз ваколатларини лозим даражада амалга оширилишини таъминлаш,

шунингдек жиноят процессида судга кадар иш юритиши босқичида айрим процессуал ҳаракатларни амалга оширишни суд томонидан назорат килиш соҳасидаги фаолияти.

СУД ХОКИМИЯТИ – суд томонидан процессуал қоидаларга көттый амал килган ҳолда процессуал ва моддий ҳуқуқни қўллаш орқали ўзининг компетенциясига тегишли бўлган ишларни ҳал этиш учун берилган хокимият ваколати.

СУД ХУЖЖАТЛАРИ – кўрилаётган ва ҳал этилаётган масалалар бўйича суд томонидан чиқариладиган суд ҳал килув карори, суд бўйруги, ажрим, карор.

СУДЬЯ – ҳуқукий низоларни конуний ҳал килувчи ваколатли давлат хизматчиси.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ (ТАДБИРКОРЛИК) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан конун ҳужжатларига мувофик амалга ошириладиган, ўзи таваккал килиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

ТАКЛИФ – бу давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

ТАЛАБНОМА – ҳуқуқлари ва конуний манфаатлари бузилган ҳужжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқук ва манфаатларни бузган ҳужжалик юритувчи субъектга нисбатан талаблари акс этган ёзма ҳужжат.

ТАРБИЯ – 1) янги авлод кишиларига катта авлоднинг ижтимоий-тарихий тажрибасинн бериш туғайли ривожланишини таъминловчи

ижтимоий функция; 2) ижтимоий институтлар таъсири остида инсон субъектив-шахсий ва маънавий дунёсини шакллантириш, карор топтириш, бойитиш ва такомиллаштиришнинг аниқ максадга йўналтирилган, тизимлаштирилган онгли жараен. Тарбия таълим билан ўзаро жисп бояланган ижтимонийланишининг асосий бутини, таълим тизимининг таркибий кисми хисобланади.

ТАЪЛИМ – шахснинг маърифий ва тарбиявий даражасини орттириш орқали унинг ривожланишини таъминлаш максадида ўргатувчи билан урганувчилар ўзаро биргаликда амалга оширадиган дидактик чора-тадбирлар тизими.

ТЕРРОР – (лотин. – кўркитиш, ҳаммага солиш) ўз фикрини зуравонлик йўли билан бошқаларга ўтказиш. Бу йўлда сункасад, кўпорувчилик каби усуслардан фойдаланилади.

ТЕРРОРИЗМ – сиёсий, диний, мағкуравий ва бошка максадларга эришиш учун шахснинг хаёти, соғлигига хавф түғдирувчи, мол-мулк ва бошка моддий обьектларнинг йўқ килиниши (шикарлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, ҳалкаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур килишга, ҳалкаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суренитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигини путур етказишга, куролли можаролар чиқаришини кўзлаб нигов гарликлар килишга, аҳолини кўркитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга каратилган, Ўзбекистон

Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўркитиш ёки бошка жиноий килмишлар.

ТЕХНОПАРК – материалшунослик, электрон асбоб ва контроллерлар, озуқа ва биологик фаол қўшимчалар, дори воситалари соҳасида тадқиқотлар ўтказиш ва кичик инновацион ишлаб чиқаришлар ташкил этиш максадида барпо этилади. Технопарк фаолияти металларни қайта ишлаш технологияси, энергия тежамкорлиги, мукобил энергия манбалари ва электрон ўлчов асбоблари, робототехника, машина-созлиқ ва электроникани ривожлантиришга хизмат килади.

ТОРТИШУВ ПРИНЦИПИ – айблаш ва ҳимоя килиш вазифалари бир-биридан ва суд фаолиятидан ажратилганлигини ҳамда ўз манбаатларни ҳимоя килиш максадида тенг процессусал ҳуқукларидан фойдаланаётган тарафлар томонидан бажаралиши.

ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ – аҳолига хизмат кўрсатувчи автомобиль тұхташ ва ёнилғи қўйиш шаҳобчалари, автостанциялар, кичик меҳмонхоналар, майший хизмат кўрсатиш ҳамда умумий овқатланиш ва шу каби бошка обьектлар.

ТРАНСПОРТ-КОММУНИКАЦИЯ ЙЎЛАКЛАРИ – бир неча давлатларни боғлаб турадиган транспорт йўли.

ТУГИЛГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМА – боланинг тугилганлигини, унинг ота-онаси ким эканлигини тасдиқловчи ягона хужжаг.

ШИКОЯТ – бу бузилган ҳуқукларни, эркинликларни тиклаш ва

қонуний манфаатларни химоя килиш түгрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

УЗЛИКСИЗ ТАЪЛИМ – ўзаро мантикий изчилик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга караб ривожланиб борувчи ва бир-бирини такозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими.

ЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК – жамиятнинг барча асосий ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тузилмалари га киришиб кетган жиной фаолиятга ихтисослашган маҳсус ва универсал йўналишда ўз фаолиятини диверсификациялаштириб, бир неча йўналиш бўйича жиноятларни содир этишга мўлжалланган жиноятчилик тури.

ФАНАТИЗМ – каранг: МУТА-АССИБЛИК.

ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИ-ЦИЯСИ – шахснинг у мансуб бўлган жамият ёки ижтимоий гурух ҳётидан келиб чиқсан ҳолда ҳосил килган катъий фикри, ўзини шу жамиятнинг бир булаги, деб хис этиши ҳамда ўз иштироқида даҳлдорлик, фидойилик ва ижтимоий фаоллик каби хусусиятларни мужассамлаштириши.

ФУНДАМЕНТАЛИЗМ – (лотин. – асос) маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замоннинг барча муаммоларини ҳал килиш мумкин деган фикрни илгари суриш.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – конун устуворлиги ва инсон хукуклари карор топадиган, кўп партиявийлик, сиёсий мафкура ва фикрлар хилмалилиги таъминланадиган, ўзини ўзи бошқариш органларининг мавкеи баланд бўлган ижтимоий тизим.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ – фуқароларини ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат-нотижорат ташкilotлари.

ФҲДЕ ОРГАНЛАРИ – туманлар ва шаҳарлар ФҲДЕ бўлимлари, никоҳ уйлари ҳамда Коракалпогистон Республикаси Адлия вазирилиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Адлия бошкармаларининг ФҲДЕ архивлари.

«ХАБЕАС КОРПУС» – бу атама судьянинг озодликдан маҳрум этилган шахсни судга олиб келиш түгрисидаги буйргунийн биринчи сўзларидан олинган бўлиб, «*habeas corpus ad subjiciendum*» («сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан») деган маънони англатади.

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ – давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни бекарорлаштиришга қаратилган сиёсий кўпорувчилик фаолиятини ифодалайди. У энг оғир жиноят бўлиб, узок давом этган жараёнларнинг ҳосиласи хисобланади.

ХОДИМЛАР РОТАЦИЯСИ – ходимларни алмаштириш технологиясининг бир тури хисобланиб, унинг асосий мақсади касбий ва мансаб мажбуриятларини бир изчиликда алмаштириш оркали карорлар қабул килиш функциялари, технологияси ва ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириш мақсадида ёки бу мансабдор шахснинг навбатма-навбат бошқа лавозимда ишлаши.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

– аёллар хукукларини химоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иктисодий ва маданий ҳётидаги тулаконли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар.

ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ – шахснинг конун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган молмулка эгалик қилиш, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиш хукуки.

ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГИЯ – куёш, шамол, сув ва бошқа манбалардан фойдаланиб ишлаб чиқариладиган электр қуввати.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – жамият ва давлат ҳётининг барча жабхаларида конун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши.

ҲАРАКАТ СТРАТЕГИЯСИ – давлатнинг маълум муддатга ёки узок йилларга мўлжалланган ривожланиши дастури.

ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ БЛОКЛАР – бир неча давлатларнинг бирлашган ҳарбий уюшмаси. Масалан, НАТО.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК – содир утилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жаобгарлик назарда тутилган айбли гайрихукукий килмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ (ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ) – ҳуқуқ-тартиботни саклаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниклаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берасетган

шарт-шароитларни аниклаш, бартараф этиш максадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқукий, ижтимоий, ташкилий ва бошка чора-тадбирлари тизими.

ҲУҚУҚИЙ АҲБОРОТНИ ТАРҶАТИШ – қабул килинаётган конун ҳужжатлари ва бошка норматив-хуқукий ҳужжатларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги, аввало, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ижрочиларга, ҳуқукий нормаларнинг субъектларга, шунингдек кенг аҳоли қатламига ва тадбиркорлик тузилмаларига ўз вақтида етказиши.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – умуммаданиятнинг муҳим кисми бўлиб, давлат томонидан ҳалқ ва жамоат бирлашмалари нутқи назарларини ифодаловчи ҳуқукий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиш, инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даражаси, қишиларнинг конунларни теран англашлари, унга риоя килишлари, ҳар кандай ҳуқуқбузарликка муросасиз бўлишлари.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ – мамлакат фуқароларининг ҳам амалдаги ҳуқуқка, юридик аҳамиятга, фуқаролар ҳуқуқлари, ёркинликлари, мажбуриятларига, ҳам орзу килинган ҳуқуқка ва бошка ҳуқукий ҳодисаларга муносабатларини ифодаловчи ҳуқукий сезгилари, гоялари, баҳолар, тасаввурлари.

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР – ўз фаолиятини конун ҳамда демократик принципларга асосланган ҳолда амалга

ошириш, қонунийлик ва ҳукукий тартиботни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахслар, меҳнат жамоалиари, жамият ва давлатнинг ҳукук ва ёркинликларини ҳимоя килиш, ҳукукбузарликнинг олдини олиш ва қонун ҳамда ҳукукий тартиботни бузган шахсларга давлатнинг мажбурлов ёки жамиятнинг таъсир чораларини қуллаш ваколатига эга давлат органлари.

ҒАЙРИ ИЖТИМОИЙ ХУЛҚ-

АТВОР – шахснинг жамиятда қабул килинганди хулқ-атвор нормалари ва қондаларини бузувчи турмуш тарзи, харакати ёки ҳаракатсизлиги.

ЎЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА – шахснинг ўлимини ва унинг ҳукукий лаёкати тутатилган лигини тасдиқловчи ҳужжат.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ МУҲИТ – инсон ҳасти ва саломатлигига салбий таъсир этувчи зарарлардан холи бўлган ҳудуд (кенглик).

ЭЛЕКТРОН МУРОЖААТ – электрон раками имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шакли.

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон раками имзонинг ёпик қалитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгартириш натижасида ҳосил килинган ҳамда электрон рақами имзонинг очик қалити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўклигини аниқлаш ва электрон рақами имзо ёпик қалитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ – электрон шаклда кайд этилган, электрон раками имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

ЭКСПОРТ – товарлар, хизматлар, инвестиция, кимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқаларни ташки бозорга чиқариш.

ЭКСПОРТ САЛОХИЯТИ – миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорларида ракобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни жаҳон нархлари бўйича етарли ҳажмларда экспорт қилиш кобилияти.

ЭКСТРЕМИЗМ – (лотин. – акси бовар килмас даражада, ҳаддан ошиш) ўз мақсади йўлида турли ҳаддан ортиқ кескин тадбир-чоралар кўришига тарафдорлик, жамиятда қабул килинган қонун-қондаларга зид бўлган кескин радикал карашлар.

ЭЪТИҚОД – ишонч, таянч, караш, муайян ҳодиса, воқелик ёки нарсага қаттий муносабат.

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ – киши онгига чукур ўрнашиб қолган ва амалга оширилиши шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиш, хатти-харакат ва дуиёкарашлар тизими.

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ – ўз Р Жиноят кодексининг 661-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган, ўз айбига икрор бўлган, стказилган зарарни бартараф этган ва жабрланувчи билан ярашган шахснинг жиноий жавобгарликдан озод килиниши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституция. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2014.
2. Мирзиёев Ш.М Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий ҳизобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси булиши керак // «Халқ сўзи». 15 январь 2017 йил.
3. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, ҳалқимиз учун тинч ва осоиишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – баркарор тараккиёт кафолатидир. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг расмий сайти.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси шартнаме сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул килинганинг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан курамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига багишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь.
6. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январь ойида булиб ўтган «Мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил килиш ҳамда республика хукуматининг 2017 йил учун иктисодий ва ижтимоий дастурни энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга багишланган мажлисида сўзлаган нутқи // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.
7. Мирзиёев Ш.М. Илм фан ютуклари – тараккиётнинг муҳим омили// «Халқ сўзи», 2016 йил 31 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 январь куни соғликни саклаш соҳасининг бир гурӯх етакчи мутахассислари билан учрашувидаги нутқидан. М а н б а: <http://uza.uz>
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Республика байналмилалт маданият маркази ташкил этилганинг 25 йиллигига багишланган учрашуудаги нутқи // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 25 январь.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқукбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, 2001 йил 29 августдаги (янги таҳрирда). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, 2014 й., 4-сон, 45-модда.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни. 2012 йил 26 апрель. 3-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сон Фармони // «Ҳалқ сўзи» газетасининг 2017 йил 22 февралдаги 38 (6732)-сони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Карори // Ҳалқ сўзи, 2017 йил 18 февраль
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хуқук тизимини янада ислоҳ килиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли химоя килиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармони // «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами». 2016 й. № 43, 497-модда.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги 2487-сон Қарори. 2016 йил. 9 февраль.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2705-сон қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш «Нуроний» жамгармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4906-сон Фармони.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 ноябрдаги «Эркин иктисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармони.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-кувватлаш жамгармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 12-сон, 110-модда.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 авгуустдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 4459-сон Фармони // «Халқ сўзи», 2012 йил 3 авгууст, Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 31-сон, 355-модда.
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустрисал-иктисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги 2008 йил 4 декабрдаги Фармони.
25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида», 2003 йил 11 октябрь, 439-сон.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сон «Ургут», «Ғиждувон», «Қўкон» ва «Ҳазорасп» эркин иктисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон, 40-модда.
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 марта «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 52-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 10-сонли, 115-модда.
28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хукук тизимини янада ислоҳ қилиш, фукароларнинг хукук ва эркинликварини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.
29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // «Халқ сўзи», 2016 йил 31 декабрь.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сон Фармони // «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 22 февралдаги 38 (6732)-сони.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Коррупцияга карши курашиш тұғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоңдаларини амалға ошириш чора-тадбирлари тұғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда.
32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдагы «Қонун ҳужжатларини тарқатыш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПК-2761-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 2017 й., 6-сон, 76-модда.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдагы «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини тақомиллаштириш ва самарадорлыгини ошириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПФ-4570-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 2013 й., 42-сон, 556-модда; 2014 й., 37-сон, 464-модда.
34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдагы «Судлар фаолиятнiga замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида»ги 346-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тұплами, 2012 йил, 50-сон, 560-модда.
35. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг «Суд ҳокимияти тұғрисида»ти қарори. 1996 йил 20 декабрь, 1/60-сон.
36. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: ҳавфсизликка таҳдид. баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
37. Ислом Каримов. Ҳавфсизлик ва баркарор тараккиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.
38. Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Маълиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.
39. Ислом Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалға ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан ҳусусий мулк ва ҳусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир: Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнииг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. - <http://www.uza.uz/>
40. Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013.
41. Ислом Каримов. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги боскичга кутаришдан иборат // «Халқ сўзи», 2015 йил 6 декабрь.

42. Ислом Каримов. Эришган мэрралар билан чегараланмасдан бошлаган ислоҳотларни замон янги боскичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб ва зифаларимиздир. 23-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2015.

43. Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд кийинчиликларга мэрраласдан, олиб бораётган ислоҳотларни, нигисодиётимнда таркибий жағаришиларни изчил давом эттириш, хусусий мулкий, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг ўл очиб бериш хисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига ташланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи. 2016 йил 15 январь. <http://aza.uz>

44. Ислом Каримов. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чукур-штириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш. 20-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2012.

45. Ислом Каримов. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат килиш – энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015.

46. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қовунчилик палатасининг биринчи ташкилий йигнлишидаги нутки. // «Халк сўзи» газетаси, 2015 йил 13 январь.

47. Абдураимова Н. Ер участкалари танлов асосида берилади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, 15.10.2015. – <http://aza.uz/oz/business/er-chastkalari-tanlov-asosida-beriladi>.

48. Бағрикенглик – жамият баркарорлигининг асоси (илмий-амалий анжуман материаллари). – Тошкент: «Университет», 2003.

49. Бурхонов У. Ўз бизнесига эга ёшлар юртимизнинг истикболдаги тарақкётига муносаб ҳисса кўшади // «Маърифат», 2012 йил 7 ноябрь.

50. Бағрикенглик тамоиллари Декларацияси. Бетти Редон. Бағрикенглик: тинчлик сари олга кадам. ЮНЕСКО, 2005.

51. Бағрикенглик – баркарорлик ва тараққиёт омили. – Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2007.

52. Декларация и программа действий в области культуры мира, принятая 53-й сессией генеральной Ассамблеи ООН от 13 сентября 1999 г.

53. Тинчликни асраш – мукаддас бурч / У. Қўшаев, А. Ахмедов, Ш. Жўраев ва б.; Масъул мухаррир А. Очилдиев. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаси, 2009.

54. Ўзбекистонда миллатларро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий тақриба ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 17–18 сентябрь, 2010.

55. М. Мусин. Вопросы совершенствования исполнительного производства в Казахстане // <http://www.supcourt.kz/site/supcourt.nsf/>.

56. Вохидова М.Т. Толерантлик – ёшларни ижтимоий-аҳлоқий юксалтириши омили. Фалс. ф. номз.автореф. – Тошкент, 2010.
57. Хажисева М.С. Миллий онгда толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фал.ф. докт. автореф. – Тошкент, 2011.
58. Юсупов З.У. Ўзбекистон маданиятида миллийлик ва байналмилаллик (1970-2000 йиллар). – Тарих фан. номз. автореф. – Тошкент, 2011.
59. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик: (юз саволга-юз жавоб) / Масъул мухаррир О. Юсупов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.
60. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов, О.Юсупов, К.Шермуҳамедов, У.Фауров, Ж.Каримов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита. Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий-тадқикот маркази. – Тошкент, «Movarounnahr» нашриёти, 2013.
61. Doing Business. Оценка бизнес регулирования. <http://russian.doingbusiness.org/>
62. Жўраев Ш. «Виждан эркинлигининг ҳукукий кафолатлари» // Ўкув қўлланма. – Тошкент, «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.
63. Жамолидинова О., Аминов Ф. Замонавий билим ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшар-буюқ келажагимиз кафолати // «Маърифат», 2016 йил 26 ноябрь.
64. Ўзбекистон – кўп миллатли аҳил оила. – Т.: «Ўзбекистон», 2014.
65. Латипова О. Электр энергияси таъминотида «бир дарча» тамойили. Biznes Daily «Биржа», 05.02.2013, №14(1577). – <http://www.biznes-daily.uz/rugazeta-birja/9783-elktr-energiyasi-taminotida-bir-darcha-tamoyili>.
66. О. Файзиев. Таълим-тарбия соҳасига янгича ёндашув – баркарор тарккӣт гарови // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 февраль.
67. Проблемы и ограничения государственного вмешательства в экономику. – <http://econtool.com/>
68. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул мухаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Шарқ», 2014.
69. Ҳасанбоев Ү. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.
70. Старилов Ю.Н. Служебное право. – Москва, «БЕК», 1996.
71. С. Жуманова. Профессор-ўқитувчилар малакаси сезиларли даражада ошмоқда // «Маърифат», 2015 йил 18 ноябрь.
72. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга баҳшида. гузал Ўзбекистоним!» Ўзбекистоннинг 23 йиллик мустакил тараққиёт йўлида турли соҳаларда кўлга киритилган ютук ва натижалар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва кудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг

кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун услугий қўлланма / Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси; Республика маънавият тарғибот маркази; Миллий гоя ва мағкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2014.

73. Бетакрормсан, ягонасан, Она ватаним, Узбекистонинг 24 йиллик мустақил тараккиёт йўлида турли соҳаларда қўлга киритилган ютук ва натижалар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва кудрати, туб ислоҳотларнинг можияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланишга мўлжалланган услугий қўлланма / Республика маънавият ва маърифат Кенгаси. –Т.: «Маънавият», 2015.

74. Шалунова Т. Кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш йўлида. Газета СБХ, 2014, № 44. - <http://gazeta.nogma.uz/>

75. «Узбекистон овози». 2016 йил 15 декабрь.

76. Темур тузуклари. – Т.: «Узбекистон», 2013.

77. Юсупов Э. ва бошк. Ижтимоий бошқарув тизимининг тадрижи ва давлатнинг шаклланиши. –Т.: 2005.

78. Эркаев А. Узбекистон йўли. – Т.: «Маънавият», 2011.

79. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 17 декабрь.

80. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 25 декабрь.

81. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 20 январь.

82. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 16 февраль.

83. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 февраль.

84. www.xs.uz

85. www.religions.uz

86. www.tiu.uz

87. www.xs.uz

88. www.press-service.uz

89. www.gazeta.uz

90. www.uza.uz

91. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/01/16/yaim/>

92. <https://www.sputnik.uz>

93. www.gov.uz

94. <https://pm.gov.uz/uz>

95. www.oxs.uz

96. www.mineconomy.uz

97. www.xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/9263

98. www.kun.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИКТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини
ривожлантиришининг бешта устувор йұналиши бүйича
Харакатлар стратегиясини «Халқ билан мuloқот ва инсон
манфаатлари йили»да амалга оширишга оид
Давлат ластурини ўрганиш бүйича
ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ РИСОЛА

Нашр учун мастьул ижодий гурух:
Р.С. Косимов, Б.Ю. Ходиев, А.Ш. Бекмуродов

Тәкпризчилар:

Р. Убайдуллаев – иқтисод фанлари доктори, профессор, ФА академиги.
К. Куранбаев – сиёсий фанлар доктори, профессор.

Муаллифлар:

БИРИНЧИ БОБ – Ш. Кудратхужаев, Ш. Мадаева, М. Киргизбаев, И. Саифназаров,
А. Хидиров, Х. Одилқориев, А. Бекматов, Н. Умарова, О. Джурасев,
ИККИНЧИ БОБ – Е. Каныязов, Д. Умаров, У. Тухташева, И. Никонов, Д. Хабибуллаев,
М. Камалов, С. Раҳмонова, М. Ахмедашаев, Ҳ. Ализов, З. Эсанова,
О. Мажкамов, Қ. Авеев, Н. Салаев, З. Борсигева, Ш. Сайдуллаев,
М. Курбонов, И. Рустамбеков, Р. Алтиев.
УЧИНЧИ БОБ – Б. Ходиев, А. Бекмуродов, Ш. Мустафакулов, У. Гофуров,
Н. Хотамов, Б. Салимов, Р. Ҳакимов, М. Исаков, Б. Султанов,
М. Юсупов, Т. Жураев, А. Ядгаров.
ТҮРТИНЧИ БОБ – Б. Ходиев, Б. Бегалов, М. Пулатов, И. Ҳайдаров,Ғ. Захидов,
Б. Усмонов, А. Мухтаров, Г. Абдурахманова, М. Ганиева, М. Ас-
карова, Б. Беркинов, Н. Шайюсупова, Ҳ. Абдураманов, Н. Қодиров,
Т. Хотамов, Б. Алиев, Т. Султонов, А. Раҳмонов.
БЕШИНЧИ БОБ – Р. Абдуллаев, Н. Жураев, Р. Муртазаева, З. Исламов, Ж. Наж-
миддинов.

Тошкент «Маънавият» 2017

Мухаррирлар: Ш. Тураужаева, С. Аҳмедов

Мусахих С. Тошкулова

Рассом С. Шукрат

Компьютерда тайёрловчи Ш. Соҳибов

© «Маънавият» нашриёти. Лицензия А1 №189, 10.05.2011 йилда берилган.
Босишига 23.05.2017 йилда руҳсат этилди. Бичими 60x84 ¼. «Times» гарнитураси.
Оффсет босма усулида босилди. Шартли босма табоги 24,18. Нашр табоги 25,4.
Буюртма №17-632. Адади 4000 нұсха. Нархи шартнома ассоция. Шартнома № 15-17.
Ўзбекистон матбут ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбба ижодий
үйида чон этилди. Тошкент, Навоний күчеси, 30-үй, 2017.

17500

5